XX асрнинг 60-йилларида турли соҳалардаги бошқарув жараёнини ўрганувчи фан - кибернетика вужудга келди. Математик аппарат, математик мантиқ ва функсия назариясидан фойдаланиб, автоматик тартибга солиш, ахборот ва илм-фаннинг кўпгина бошқа соҳаларидаги енг муҳим тажрибаларни (ютуқларни) бирлаштириш имконини берди.

Кибернетика — бошқарув, алоқа, контрол, тартибга солиш, қабул қилиш, сақлаш ва ахборотни қайта ишлаш каби масалаларни ўрганувчи фан сифатида вужудга келди. Бунда бошқарув тушунчаси, жараёнлари, ҳамда принсипларига, ягона тизимни ташкил этувчи турли елементларнинг ўзаро алоқасига алоҳида еътибор қаратилган. Маъмурий ҳуқуқ ҳуқуқ тизимининг тармоғи сифатида. Маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси. Тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усули. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўми ва унинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамиакатни модемизация ва ислоҳ қилиш бўйича вазифаламинг бажарилишида тутган ўми. Маъмурий ҳуқуқнинг тизими ва манбалари Маъмурий ҳуқуқ фан сифатида. Маъмурий ҳуқуқ фанининг тушунчаси ва предмэти. Давлат бошқаруви ижтимоий ҳаётнинг енг муҳим томонларини қамраб олади, бу жараёнда хўжалик ташкилотчилик, маданий, маърифий ишларни амалга оширади, маъмурий-сиёсий масалаларни хал қилади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш тартиби ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи маъмурий ҳуқуқ деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ фани давлат (конституцион) ҳуқуқи фанига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу икки фан ўртасида ўзаро фарқлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу жараён давлат (конституцион) ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Маъмурий ҳуқуқ еса мана шу шикоятларнинг қайси органга тэгишлигини, шикоятни куриб чиқиш муддати ва тартибини ҳамда бошқа томонларни тартибга солади.

Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Давлат бошқаруви ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳаётнинг енг муҳим томонларини қамраб олади. Бу жараёнда хўжалик- ташкилотчилик, ижтимоий-маданий ишлар амалга оширилади, мамурий-сиёсий масалалар ҳал қилинади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси - маъмурий ҳуқуқ тармоғини ташкил этади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатлами ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш — муносабатламинг барча иштирокчилари учун мажбурий болган хулқ-атвор қоидаларини маъмурий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаш йўли билан амалга оширилади. Бундай қоидаларни ўрнатиш орқали, давлат бошқаруви ва у билан боглиқ болган муносабатларда вужудга келадиган функсияларни амалга оширишнинг муайян ҳуқуқий тартиби яратилди.

Аниқ ижтимоий муносабат маъмурий муносабат болиб, биринчидан, унда тэгишли давлат органи албатта қатнашади; иккинчидан, давлат бошқаруви органи унга берилган ваколатлардан фойдаланганида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш таъсирига учрайди.

Давлат бошқаруви органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқ — ҳуқуқ тизимининг йирик, мураккаб ва ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу унинг тартибга солинувчи предмэтининг ўзига хос хусусиятларидан, муносабатламинг кенг қамровлилигидан келиб чиқади. Ижро этувчи ҳокимият, бошқарув фаолияти ва бошқарувнинг ўзи давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқ - ҳуқуқ лизимида асосий ўринни эгаллайди ҳамда бошқа ҳуқуқ тармоқларига таъсир кўрсатади, ёки аксинча, уламинг таъсирига учрайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат ҳуқуқи нормаларидан келиб чиққан ҳолда, awало давлат бошқарувига хос болган хусусият- ларни ва унинг бошқа давлат фаолияти турлари билан (конунчилик, суд, прокурор

назорати) ўзаро муносабатини, шунингдек, давлат бошқаруви принсипларини мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ — давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва толдириб, фуқароламинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбу- риятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмини ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ — давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, унинг вазифа ва мақсадлари, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ — бошқарилувчи обйектларнинг алоқаларини тартибга солади. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни тақсимлаш ва иш ҳақини белгилашни мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ — жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўматишда катта аҳамиятга эга.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади.

Маъмурий ҳуқуқ маълум бир ижтимоий муносабатлар гуруҳини тартибга солиб, мазкур муносабатлар унинг предмэтини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқ фани олимларининг аксарияти, маъмурий ҳуқуқнинг предмэтига давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган қуйидаги ижтимоий муносабатлар гуруҳини киритадилар:

ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик ва давлат қўмиталарининг уларга бўйсунган бошқарма ва бўлимлари ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, икки вазирлик, вазирлик ва давлат қўмитаси ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсунадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Қайд этилган барча ижтимоий муносабатларда давлат органи иштирок этади. Бу қонунийдир, чунки бошқарув фаолияти давлат функсияларини амалга ошириш шаклларидан биридир.

Давлат бошқаруви соҳасида давлат номидан ҳаракат қиладиган ва унинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган органнинг иштирокисиз, маъмурий ҳуқуқ предмэтини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар болиши мумкин эмас. Шу сабабли, икки фуқаро ўртасида вужудга келадиган муносабатлар — маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланмайди. Хўжалик юритувчи субъйектлар ўртасида шартномалар асосида вужудга келадиган муносабатлар ҳам маъмурий ҳуқуқ предмэтига кирмайди, чунки улар фуқаролик ҳуқуқи

нормалари билан тартибга солинадиган шартнома муносабатлари ҳисобланади.

Ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқий тармоқларга ажратиш асосларидан бири ҳуқуқий тартибга солиш услубидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуби - жамиятдаги мавжуд муносабатларга ҳуқуқ таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар йиғиндисидан иборат.

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи сингари маъмурий ҳуқуқ ҳам ўзининг тартибга солиш услубига эгадир. Маъмурий ҳуқуқ тартибга солиш функсиясини амалга ошириб, давлат бошқаруви жараёнидаги муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини тартибга солувчи ҳуқуқий воситалар ёки услубларнинг муайян мажмуидан фойдаланади.

Тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси бўйича, яъни предмэт бўйича амалдаги ҳуқуқ тармоқлари кўпинча ўзаро жуда яқин бўлиб, айрим ҳолларда ҳатто шаклан бир-бирига мос ҳам келади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи унинг табиатида жойлашган ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этишнинг уч услубидан фойдаланади, булар: ёзма буйруқ, кўрсатма; ман этиш, тақиқлаш; рухсат бериш.

Ёзма буйруқ, кўрсатма — ҳуқуқ нормасида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш, яъни бошқача емас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш учун тўғридан-тўғри юридик мажбуриятни зиммага юклаш.

Ман этиш, тақиқлаш — амалда бу ҳам кўрсатма, аммо у тескари, яъни ҳуқуқ нормасида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга оширмаслик бўйича юридик мажбуриятни зиммага юклашдир.

Рухсат бериш — ҳуқуқ нормасида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни ўз хоҳиши бўйича амалга ошириш учун юридик рухсат берилишидир.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг кўрсатилган услубларидан ҳуқуқ у ёки бу тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади.

Демак, давлат номидан ҳаракат қиладиган ва маъмурий муносабатларда унинг манфаатларини ифода этадиган, юқорида кўрсатилган органларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши — бир томонлама ва мажбурий болиши яққол кўринади. Бунда давлат бошқаруви фаолияти соҳасида томонларнинг юридик жиҳатдан тенгсизлиги вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий услуби, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворига таъсир кўрсатиш услуб ва воситалари - давлат-ҳокимият кўрсатмалари услуби ҳисобланади. Ушбу услубнинг қўлланиши жамиятнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун керак болган бош- қарувни ташкил этиш ва амалга ошириш зарурати билан белгиланади.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ предмэти билан маъмурий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос бирлашуви

маъмурий ҳуқуқни ҳуқуқнинг мустақил тармоғига ажратиш имконини беради.

Маъмурий ҳуқуқ тизими дэганда, унинг давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган муносабатлар билан обйектив белгиланган ички тузилиши, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муайян изчилликда бирлашиши ва жойлашишини тушуниш лозим.

Маъмурий ҳуқуқ тизими — маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва институтлами бирлаштиради.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда, «маъмурий ҳуқуқ тизими»дан «ма ъмурий ҳуқуқ фани тизими» фарқланади. Ма ъмурий ҳуқуқ фани тизими маъмурий ҳуқуқ тизимига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, қуйидагилами ўз ичига олади:

маъмурий-ҳуқуқий нормалар — маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг бошланғич елементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини (хатти-ҳаракатини) белгилаб берадиган қоидалардир;

маъмурий-ҳуқуқий институтлар — маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, маъмурий-ҳуқуқий институтлар — маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўл- маган барқарор гуруҳи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солишга қаратилади. Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги сифатида намоён бўлади. Айни пайтда улар муайян мустақиллик хусусиятига эга. Зеро, маъмурий-ҳуқуқий институтлар маълум даражада мустақил ижтимоий муносабатларни тартибга солади;

маъмурий ҳуқуқ фани бўлимлари (гуруҳлар) — маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг йирик таркибий қисми бўлиб, ўзида бир неча маъмурий-ҳуқуқий институтларни бирлаштиради. Маъмурий ҳуқуқ фани тизимида ўзаро яқин (ўхшаш) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий институтлар бирлашиб, маъмурий ҳуқуқ фанининг бўлимлари (гуруҳлари)ни ташкил этади (масалан, давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви принсиплари, давлат бошқаруви функсиялари сингари маъмурий- ҳуқуқий институтлар ўзининг яқинлигига қараб ягона болимга бирлашган).

Ҳар қандай ҳуқуқ фани сингари маъмурий ҳуқуқ фани ҳам икки қисмга бўлинган:

Умумий қисм — бунда давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнининг умумий томонларини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (маъмурий-ҳуқуқий институтлар, болимлар) назарда тутилган. Маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг умумий қисми қуйидаги институтлардан иборат:

- давлат бошқаруви тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва асосий принсиплари;

- давлат бошқаруви субъектлари ва уламинг ҳуқуқий мақоми;
- давлат бошқаруви шакллари ва услублари;
- давлат бошқарувида маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чоралари;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик;
- маъмурий жараён;
- давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш.

Махсус қисм — бунда жамиятнинг алоҳида соҳаларида амалга ошириладиган давлат бошқарувининг хусусиятларини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (маъмурий-ҳуқуқий институтлар, болимлар) кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

иқтисодиёт соҳаларини бошқариш (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, йўл хўжалиги, хизмат кўр- сатиш соҳалари);

ижтимоий-маданий соҳаларни бошқариш (таълим, фан, мада- ният, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш);

маъмурий-сиёсий фаолият соҳасини бошқариш (мудофаа, давлат хавфсизлиги, ички ишлар, ташқи ишлар, адлия);

тармоқлараро бошқа соҳаларни бошқариш (табиатни муҳофаза қилиш, молия ва кредит тизими, ташқи иқтисодий фаолият, давлат статистикаси, давлат тасаррулидан чиқариш ва хусусийлаштириш, стандартлаштириш, мэтрология ва сертификатлаштириш ва ҳоказо).

Ҳуқуқ тизимининг илмий асосланганлиги, унинг обйектив мавжуд муносабатлар асосида тузилиши маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг енг тўғри қўлланиши учун имкон беради ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашга ва маъмурий ҳуқуқ асосида вазифаларини бажаришга ёрдам беради.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар кўп сонли ҳуқуқий ҳужжатларда (манбаларда) мустаҳкамланган. Ҳуқуқ манбалари — ҳуқуқий нормалар ифодасининг ташқи шакллари, ҳуқуқ мавжуд болишининг шакллари ҳисобланади.

Республикамизда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларга тенг шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида рақобатни авж олдириш, бошқа- ришнинг олдинги услубидан (маъмурий-буйруқбозлик) бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш — бозор муносабатларининг туб нэгизидир. Ушбу жараёнда давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Бу қонунчиликнинг асосини - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992-йил 8-декабрда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишнинг бошланғич ҳуқуқий асосларини белгилаб берган.

Конституциянинг бир неча моддалари бевосита давлат бошқарувини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Жумладан, Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон - суверен демократик Республика, деб кўрсатилган ва ўзбек давлатчилигининг туб моҳияти, яъни Ўзбекистон суверен давлат еканлиги бевосита таъкидланган.

Суверенитэт - ҳар қандай давлатнинг енг муҳим, ажралмас белгиларидан биридир.

Ўзбекистон - демократик давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, фуқароларнинг жинси, ирқи, тили, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, сиёсий еътиқодидан қатъи назар, ҳуқуқ ва еркинликлари таъминлаб бериладиган давлатдир.

Ўзбекистонда давлатни бошқариш шакли Республикадир. Республика - халқ ҳокимияти демакдир. Республика - энг асосий умуминсоний ҳуқуқий бойликлардан бири. Бошқарувнинг республика шакли давлат органлари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини англатади.

Конституцияга биноан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Мазкур конституциявий норма орқали фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган.

Давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи лозим. Шунинг учун ҳам, давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Мазкур конституциявий қоидадан келиб чиқадиган болсак, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўзининг давлат ҳокимиятини ва давлат бошқаруви органларининг тизимини белгилаб беради. Конституциянинг бешинчи бўлими айнан шу масалалами ёритиб беришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаат- ларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-м.).

Демак Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти, шу жумладан, бошқарув фаолияти қонунларда назарда тутилган тартибда ташкил этилган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат органлари фақатгина

қонунчилик ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ваколат доирасида ҳаракат қилишлари мумкин.

Давлат органларининг Конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин (10-м.).

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принсипига асосланади (11-м.).

Мазкур конституциявий норма орқали давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби — ваколатларнинг тақсимланиши принсипи асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ҳокимият тизимининг болиниши принсипи ҳуқуқий давлатнинг енг муҳим белгиларидан биридир.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принсиплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек: «Давлатнинг фаол ислоҳотчилик мавқеида бутун диққат-еътиборни иқтисодиётни согломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, ески иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам нэгизни вужудга келтиради».

Ўзбекистон ижтимоий адолат жамиятидир. Кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик давлат барпо этишнинг асосий мезонидир.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан яна бири — бу 1994-йил 22-сентабрда қабул қилинган ва 1995-йил 1-апрелдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидир. Ушбу Кодексга биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги ёлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва обйектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқаро- ларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифалами амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс — қандай ҳаракат ёки ҳаракацизлик маъмурий ҳуқуқбузар- лик ҳисобланиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқнинг кенг тарқалган манбаларидан яна бири бу Ўзбекистон Республикасининг қонунларидир. Бир неча давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мақоми жорий қонунларда ўз ифодасини топган.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2003-йил 29-августда қабул қилинган «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни. Мазкур Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси — Ҳукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир;

Ўзбекистон Республикасининг 1993-йил 2-сентабрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳоким раҳбарлик қиладиган ижроия аппарат ва вакиллик органлари киради. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир ва ҳоказо.

Низом — муайян давлат тузилмаларини (масалан вазирликлар, давлат қўмиталарининг) ташкил этиш тартиби, тузилиши, вазифаси, функсияси ва ваколатларини белгилаб берувчи комплекс тизимлашти- рилган акт (ҳужжат)дир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган барча вазирликлар, давлат қўмиталари ўз фаолиятларини қонунлар ҳамда низомлар асосида амалга оширадилар. Низом - бошқарув актларининг енг кўп тарқалган турларидан биридир. Низом муайян ҳуқуқ ижодкорлик органи ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Энг аҳамият соҳаларга тааллуқли ва юридик кучи юқорироқ бўлган низомлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Устав — бошқарувнинг у ёки бу соҳасидаги муайян идора ва ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ўзида акс эттирувчи ҳужжатдир. Бошқарув соҳасида бевосита иштирок этувчи кўпгина давлат идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаолияти тэгишли тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уставлар асосида тартибга солинади. Масалан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг фаолияти устав асосида тартибга солинади.

Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни

Бошқарув жараёнида турли хил ҳуқуқ нормалари таъсири остида бўладиган ва маъмурий ҳуқуқ предмэти доирасига кирмайдиган муносабатлар тартибга солинади. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими турли тармоқларининг ўзаро муносабати вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқ фани конституциявий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқи фанларига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу ҳуқуқ тармоқлари

ўзининг тартибга солиш предмэти (ижтимоий муносабатлар доираси) ва ўзига хос хусусиятларига қараб бир-биридан фарқланади.

Конституциявий ҳуқуқ фани ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Унда давлатнинг ижтимоий тузилиши ва давлат сиёсатининг асослари, давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, миллий- давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиш, давлат органлари тизимининг асослари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, еркинликлари ва бурчлари ифодаланади. Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмэти маъмурий ҳуқуқ фанининг предмэтидан кенгдир. Жумладан, конституциявий ҳуқуқ барча давлат органлари учун умумий болган ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принсипларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ нормалари еса, юқоридагиларга асосланиб, давлат бошқарувида уларни қўллашни тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ фуқароларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари ва бурчларини маъмурий ҳуқуқ еса улами амалга ошириш тартибини белгилаб беради, янада аниқлаштиради; фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан тўлдиради; фуқаролар томонидан ҳуқуқ, еркинлик ва мажбуриятлар бажарилишининг бошқарув механизмини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу жараён конститут- сиявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган. Маъмурий ҳуқуқ еса, мана шу шикоятламинг қайси органга тэгишлилиги, шикоятни кўриб чиқиш муддати ва тартибини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ молия ҳуқуқи билан ҳам боғлиқдир. Молия ҳуқуқи давлатнинг молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва лунксияларнинг амалга оширилишини лаъминлаш мақсадида пул маблаглари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Молия ҳуқуқининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлатнинг молиявий фаолияти ўз мазмунига кўра давлат бошқарувининг бир кўриниши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда, молия ҳуқуқининг тартибга солиш предмэти маъмурий ҳуқуққа қараганда торроқдир.

Молия ҳуқуқида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тўғридан-тўғри буйруқ бериш услуби (маъмурий ҳуқуқ сингари) қўУанилади.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг молия соҳасидаги ваколатларининг мазмунини молия ҳуқуқи нормалари, уларни амалга ошириш жараёнини еса, маъмурий ҳуқуқ нормалари тартибга солади. Демак, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг ваколат доирасини белгиловчи ҳуқуқий нормалар бир

вақтнинг ўзида ҳам маъмурий ҳуқуқ, ҳам молия ҳуқуқи нормаси ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ молия соҳасидаги бошқарув муноса- батларини тартибга солса, молия ҳуқуқи молиявий муносабатламинг ўзини тартибга солади.

Узоқ вақт мобайнида бу ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, маъмурий ва молия ҳуқуқи) ягона тармоқ сифатида ўрганиб келинган. Кейинчалик жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши билан конституциявий ҳуқуқдан маъмурий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқдан еса, молия ҳуқуқи ажралиб чиқди. Ҳозирги вақтда молия ҳуқуқи тармоғининг ўзида ҳам янги мустақил тармоқларнинг (масалан, солиқ ҳуқуқи, банк ҳуқуқи ва ҳоказо) вужудга келаётганини кўриш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас богликдир. Бу икки ҳуқуқ тармоғи айрим ҳолларда бир хил ижтимоий муносабатларни турли услублар ёрдамида тартибга солади. Масалан, ваколатли давлат органининг буйруғига биноан бир хўжалик ташкилоти бошқасига бино ёки иншоотни беради. Бунда давлат бошқарув органи ҳокимият услубидан фойдаланади, яъни маъмурий ҳуқуқ ёрдамида икки хўжалик юритувчи ташкилотнинг мулкий муносабати тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқи еса, мазкур ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган шартнома муносабатларининг мазмунини белгилаб беради.

Фуқаролар иштирокидаги кўпгина фуқаролик-ҳуқуқий муноса-батлари давлат бошқарув актлари орқали вужудга келиши мумкин. Баъзи ҳолларда еса, мулкий муносабатлар давлат бошқаруви актининг ўзидан тўғридан-тўғри (яъни шартномасиз) келиб чиқиши мумкин.

Айрим ҳолларда давлат бошқарув органлари давлат органи сифатида емас, балки фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида ҳаракат қилувчи юридик шахс сифатида намоён бўлади.

Демак, жамиятда вужудга келадиган айрим ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқнинг ҳам, фуқаролик ҳуқуқининг ҳам тартибга солиш предмэти тариқасида намоён бўлиши мумкин. Лекин бу муносабатлар турли хилдаги тартибга солиш услубига эга. Фуқаролик ҳуқуқида иштирок этувчи томонлар тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Маъмурий ҳуқуқда еса, ҳамма вақт бир томонда давлат органи (мансабдор шахс) иштирок этганлиги сабабли, муносабат иштирок- чиларининг бири иккинчисига нисбатан устун туради, яъни давлат манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган томон иккинчи томонга мажбурий болган кўрсатмалами беради.

Баъзи бир маъмурий ҳуқуқ нормалари меҳнат ҳуқуқи нормалари билан ўзаро боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқ нормалари меҳнат муносабатларини тартибга солувчи давлат бошқарув органларининг (масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари) ваколатини белгилаб беради. Меҳнат муносабатлари соҳасидаги бошқарув актларининг мазмунини меҳнат ҳуқуқи, ушбу актларни чиқариш тартибини маъмурий ҳуқуқ белгилайди. Масалан, фуқаро корхона билан меҳнат шартномасини тузганида меҳнат

ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларга киришади. Корхона раҳбарининг ходимни ишга қабул қилиш тўғрисида чиқарган буйругл - маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Давлат аппаратидаги хизмат маъмурий ҳуқуқ томонидан ҳам, меҳнат ҳуқуқи томонидан ҳам тартибга солинади.

Маъмурий ҳуқуқ жиноят ҳуқуқи билан ҳам чамбарчас боглиқ. Маъмурий ҳуқуқ ўзида кўпгина умуммажбурий болган қоидаларни (масалан, ёл ҳаракати, паспорт тизими, санитария ва ҳоказо) мужассамлаштиради. Маъмурий ҳуқуқ фани қандай ҳуқуқбузарликлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, уларни кўриб чиқиш тартибини, маъмурий жавобгарлик ва жазони белгилайди. Жиноят ҳуқуқи эса, қандай хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланиши ва булар учун қандай жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилишини белгилаб беради. Бу икки ҳуқуқ тармогл бир-бирининг нормаларини ҳаракатга келтириши мумкин. Масалан, такроран маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш жиноий жавобгарлик нормаларини, ижтимоий хавли унча катта болмаган қилмишлар еса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги нормалами ҳаракатга келтиради.

Демак, маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ лизимида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш мақсадида, уни ҳуқуқ тизимининг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатини, яъни бир-бирига ўхшаш ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш лозим.

## Назорат учун саволлар

1. Маъмурий ҳуқуқ деганда нимани тушунчасиз?
2. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети (ижтимоий муносабатлар доираси) нима?
3. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуби нималарда ифодаланади?
4. Маъмурий ҳуқуқ тизими ҳақида сўзлаб беринг.
5. Маъмурий ҳуқуқ манбалари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатида.
7. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатидаги ўрни ҳақида фикрингиз.

## 1.3. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар

**1.** Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси.
**2.** Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тузилиши.
**3.** Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг турлари.
**4.** Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг вақт ва шахслар доирасида амал қилиши.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Маъмурий-ҳуқуқий норма, Ҳуқуқ нормаси, Моддий нормалар, Гипотеза, Маъмурий ҳуқуқ манбалари, Маъмурий ҳуқуқ соҳаси, Диспозиция, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мақоми.

Маъмурий-ҳуқуқий норма давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши махсус давлат воситалари билан таъминланадиган, жоиз хулқ-атвор меъёридир. Ҳуқуқ нормаси ўз юридик мазмунига кўра муайян хулқ-атвор қоидаси бўлиб, унга риоя қилиниши турли ташкилий, маърифий ва рағбатлантириш воситаларини, шунингдек уларга риоя қилмаган шахсларга нисбатан юридик мажбурлов (интизомий, маъмурий, моддий, жиноий жавобгарлик) чораларини қоллашни назарда тутади. Ушбу хусусиятлар маъмурий-ҳуқуқий нормаларга ҳам хосдир. Улар давлат-бошқарув фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ва мазкур фаолият жараёнида юзага келувчи бошқарувга доир муносабатларни (масалан, шахснинг, ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг ҳуқуқий мақомини) белгилайди.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг қуйидаги функцияларини фарқлаш мумкин:

ижро этувчи ҳокимият тизими ва унинг айрим бўғинлари ташкилий фаолиятини тартибга солиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро оқилона алоқани таъминлаш;

давлат бошқаруви соҳасида фуқароларнинг, шунингдек жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва еркинликлари рўёбга чиқарилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат бошқаруви соҳасида бевосита иш олиб борувчи ва муайян ҳажмда унинг функсияларини бажарувчи (масалан, маҳаллий ҳокимликлар) ёхуд ўз ҳаракатлари билан бу соҳа (масалан, фуқаролар, жамоат бирлашмаларининг) манфаатларига у ёки бу тарзда дахл этувчи барча шахслар ва фуқароларнинг ижобий хулқ-атвори вариантларини белгилаш. Ижобий ёки лозим даражадаги хулқ- атвор қандай ҳаракатларни бажариш мумкинлигини (жоизлигини), қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш керак (тақиқларни), қандай ҳаракатларни бажариш зарурлигини (кўрсатмаларни) назарда тутади. Аслида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъйектларининг хулқ- атворига бошқамвнинг таъсири худди мана шунда намоён бўлади;

ижро этувчи ҳокимият механизмининг конституциявий вазифаси самараҳ амалга оширилишини, яъни қонунларда белгиланган талабларининг

бажарилишини таъминлаш ва шу тариқа ягона давлат ҳокимияти ижроия тармоглнинг моҳиятини намоён этиш;

давлат-бошқарув фаолияти жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларда мустаҳкам қонунийлик тартиби ва давлат интизомини таъминлаш;

маъмурий жавобгарликни нафақат бошқарувга доир муно- сабатларга, балки ҳуқуқнинг бошқа кўпгина тармоқлари (масалан, меҳнат, молия, йер ҳуқуқи) нормаларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида татбиқ этиш.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар муайян ички мутаносибликка (ийерархияга) эга. Бу маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг поғона- ма-поғона бўйсунишини, яъни муайян ийерархиясини: конституциявий нормалар, қонунларнинг нормалари ва ижро этувчи ҳокимият субъйектлари (масалан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати, вазирлик, маҳаллий ҳокимликлар) томонидан ўрнатила- диган нормалар мавжудлигини англатади. Ягона юридик мазмунга эга болган мазкур ҳуқуқий нормалар ўзининг юридик кучига кўра тенг емас. Конституциявий ва қонун хусусиятига эга болган маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўз юридик аҳамиятига кўра бирламчидир. Ижро этувчи ҳокимият субъйектлари томонидан ўмати- ладиган маъмурий-ҳуқуқий нормалар конституциявий қонунчилик нормаларига нисбатан иккиламчи хусусият касб этади.

Бундан ижро этувчи ҳокимият субъектларининг фаолиятигина эмас, балки улар яратадиган маъмурий-ҳуқуқий нормалар ҳам қонунга мос бўлиши лозим, дэган хулоса келиб чиқади. Ҳуқуқий нормалар ийерархиясида улар муайян ўрин эгаллайди.

Ижро этувчи ҳокимият субъйектлари томонидан яратиладиган маъмурий-ҳуқуқий нормалар ҳуқуқ ижодкорлигининг иккиламчи (ҳосила) шакли сифатида, аввало, Конституция ва қонунчилик нормаларининг таъсирчанлигини таъминлайди. Шу тариқа улар бу нормаларга аниқ амал қилувчи ҳуқуқий қоидалар мақомини бахш этувчи муҳим юридик воситалардан бири бўлиб хизмат қилади, шунингдек уларда ифодаланган умумий хулқ-атвор қоидаларини аниқлаштиради ва муайянлаштиради.

Шу сабабли ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан яратиладиган маъмурий-ҳуқуқий нормалар ушбу ҳокимият фаолияти доирасида қонунларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги муайян шароитларда амалга оширилиши мумкин. Бундай шароитларга қуйидагилар киради:

тэгишли қонунчилик ҳужжатида мазкур имконият тўғридан- тўғри назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида Ўзбекистон Ҳукуматининг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларини ишлаб чиқиш, мувофлқлаштириш, давлат експертизасидан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга татбиқ этиш тартибини белгилаши назарда тутилган;

ижро этувчи ҳокимиятнинг мазкур субъйекти учун белгила- адиган ваколатлар мажмуи унинг ҳуқуқ ижодкорлик борасидаги ваколатларини оддий қайд этиш тарзида емас, балки аниқ ифодаланган кўринишда ўз ичига олади (масалан, норматив ҳужжатлар қайси масалалар бўйича қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади). Жумладан, вазирликлар тўғрисидаги низомларда ижро этувчи ҳокимиятнинг мазкур органларга ўз ваколатлари (белгиланган фаолият соҳаси) доирасида қонунларга мувофиқ ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзга органлари, шунингдек ташкилотлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган;

ижро этувчи ҳокимият (маъмурий) норма ижодкорлигидан баъзан лизим доирасида тартибга солиш мақсадида, яъни ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) механизмининг ички ташкилий манфаатлари йўлида фойдаланилади.

Муҳими шундаки, тўғридан-тўғри амал қилмайдиган қонунчилик ҳужжатларида улами ким бажариши лозимлиги аниқ кўрсатилиши ва айни вақтда, бунинг учун зарур болган қонун ости норма ижодкорлиги ваколатларининг ҳажми белгиланиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг қуйидаги гуруҳлари маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг тартибга солиш предмэти сифатида намоён бўлади:

давлат бошқаруви субъйектлари бошқарув фаолиятини, яъни ўз вазифалари, функсиялари ва ваколатларини бевосита амалга ошириши билан боглиқ болган муносабатлар;

ташкилотнинг ички муносабатлари — давлат бошқаруви субъйектлари доирасидаги, шунингдек қонун чиқарувчи ва суд органлари тизимидаги уларнинг фаолиятини ташкил этиш (девони) ҳамда уларда давлат хизматини ўташ билан боглиқ болган муносабатлар;

маъмурий судлов ишларини юритишни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар.

Шундай қилиб, маъмурий-ҳуқуқий нормалар дэганда, давлат бошқаруви соҳасидаги ҳамда бошқарув хусусиятига эга болган муносабатларни, ижро этувчи ҳокимият органларининг ички ташкилий соҳадаги, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти органлари аппаратларининг фаолияти ҳамда давлат хизматини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий норма тушунилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг турлари, уларнинг функсиялари ва тузилиши

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўзининг тартибга солиш йўналишлари ва юридик мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли мезонлар, яъни тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари, вазифаси, шунингдек фимксияларига кўра турларга ажратилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар вазифасига кўра моддий ва процессуал турларга болинади.

Моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган бошқарувга оид муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини, шунингдек уларнинг жавобгарлиги, яъни маъмурий-ҳуқуқий мақомини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди. Моддий нормаларда ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) тизими, тартибга солинаётган бошқарувга оид муносабат иштирокчилари фаолият кўрсатиши лозим бўлган ҳуқуқий макон (режим) ўз ифодасини топади.

Бундай маъмурий - ҳуқуқий нормалар баъзан статик нормалар деб аталади. Улар тоифасига мансабдор шахсларнинг фуқаролар шикоятини қабул қилиш ва белгиланган муддатда кўриб чиқиш борасидаги мажбуриятлари ёки ижро этувчи ҳокимият муайян субъектининг ваколатлари асосини белгиловчи нормалар киради. Шундай қилиб, моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан бошқарувга доир муносабат субъйектларининг ўзаро алоқаси асослари белгиланади; маъмурий ҳуқуқ нормаларининг бажарилиши, қўлланилиши ва уларга риоя қилиниши зарур ҳолларда давлат мажбурлов чоралари билан таъминланади.

Процессуал маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат бошқарувини амалга ошириш билан боғлиқ болган процессуал масалаларни тартибга солади. Масалан, бу нормалар фуқароларнинг шикоят ва аризаларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини; маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритиш тартибини белгилайди. Уларнинг вазифаси моддий маъмурий ҳуқуқ нормалари билан белгиланган юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тартибга солинаётган бошқарувга оид муносабатлар доирасида амалга оширилиш тартиб-таомилларини белгилашдан иборат.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларнинг ўзаро нисбатини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги 2007-йил 30-июн қонунида маъмурий процедураларнинг мазмуни, уни амалга оширувчи органларнинг рўйхати ва ваколатлари, уларнинг маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ фаолияти таърифланган. Шунингдек, маъмурий процедураларнинг умумий қоидалари, маъмурий ишларни кўриш принсиплари, босқичлари, тартиб-таомиллари, муддатлари, процессуал расмий- лаштириш талаблари белгиланган. Бу нормалар фуқаролар ва юридик шахсларнинг маъмурий ишларни кўриб чиқиш жараёнидаги ҳуқуқ ва имкониятларини акс эттиради. Бунда уларнинг юридик талқиндаги статик хусусияти ва моддийлиги намоён бўлади. Айни вақтда, Қонунда процессуал (динамик) нормалар тўғрисида сўз юритилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар субъйектлар хулқ-атворига та ъсир ко ърсатиш усулига ко ъра ижтимоий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атворига турлича таъсир кўрсатади: улар ҳаракатга ундаши, муайян ҳаракатларни бажаришни буюриши, у ёки бу ҳаракатларни бажариш ваколатини бериши, ҳаракатларни бажаришни ман этиши мумкин. Уларда таърилланган қоидаларнинг хусусиятига қараб ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва тақиқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормаларга ажратилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар субъйектлари ва тартибга солиш ко ъламига кўра: а) давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар фаолиятини; б) фуқаролар хулқ-атворини; в) жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятини; г) давлат хизмати ходимларининг фаолиятини тартибга солувчи турларга бўлинади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чэт ел жисмоний ва юридик шахсларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

4. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мажбурият юклаш шаклига кўра аввало императив (қатъий) ва тавсиявий маъмурий-ҳуқуқий нормаларга бўлинади.

Императив нормалар субъйектлар хулқ-атворини бевосита белгиловчи қоидалардан иборат бўлиб, улар мазкур ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг келишувига биноан бошқа хулқ- атвор қоидалари билан алмаштирилиши мумкин емас.

Тавсиявий нормалар маъмурий ҳуқуқ субъйектларига у ёки бу ҳаракатларни бажариш мақсадга муволиқлиги хусусида бериладиган тавсиялардан иборат.

Ҳуқуқий муносабат субъйектларига норма доирасида ўз ҳуқуқлари ва бурчларини мустақил белгилаш имкониятини берувчи диспозитив нормаларга келсак, улар маъмурий қонунчилик ҳужжатларида нисбатан кам учрайди. Бу ҳои маъмурий ҳуқуқ соҳаси

давлат бошқарувининг хусусияти билан белгиланади.

5. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар маконда (ҳудудда) амал қилишига кўра Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Айрим ҳолларда кўрсатилган нормалар икки тарафлама ёки кўп тарафлама битимларга муволиқ бир нечта давлатламинг ҳудудида амал қилади. Мазкур амалиётнинг кенгайиши суверен давлатлар — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун табиий бир ҳолга айланди.

6. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар вақт бо ъйича амал қилишига ко ъра муддатли, яъни амал қилиш муддати олдиндан белгиланган ва муддациз, амал қилиш муддати олдиндан белгиланмаган нормаларга бўлинади.

Одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиш муддатлари чекланмайди. Бу уларнинг расмий даражада ўзгарти- рилгунга ёки бекор қилингунга қадар амал қилишини англатади. Баъзи ҳолларда уларнинг амал қилиш муддатлари аниқ белгиланиши мумкин, масалан, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат муайян муддатга белгиланади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар улар ифодаланган норматив ҳужжатлар имзоланган санадан еътиборан, ёки тэгишли нормалар кучга кириши учун назарда тутилган муддатда қонуний, юридик кучга эга бўлади.

Шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий нормалар узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлади.

7. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тартибга солиш ҳажмига ко ъра турларга бўлинади:

умумий, яъни давлат бошқарувининг барча соҳалари ва тармоқларига нисбатан татбиқ этиладиган ва ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш жараёнининг енг муҳим томонларини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (бундай нормалар кўпинча қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларида ифодаланади);

тармоқлараро, яъни давлат бошқарув фаолиятининг давлат бошқаруви тармоқларининг барчаси ёки аксарияти учун умумий ёки чэгарадош саналган ва айни вақтда махсус хусусият касб этадиган муайян томонларини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (масалан, бундай жиҳатлар монополияга қарши, екологик қонунчилик нормаларига, шунингдек ижро этувчи ҳокимиятнинг тармоқлараро органлари тўғрисидаги низомлардан ўрин олган (статистика, тарифларга тааллуқли болган) нормаларга хос);

тармоқ маъмурий-ҳуқуқий нормалари, яъни муайян тармоққа оид бошқарув ваколатларига эга болган ижро этувчи органлар (масалан, вазирлар)га бириктирилган соҳалар доирасида юзага келувчи бошқарувга доир муносабатларнинг турли томонларини тартибга солувчи нормалар.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг бошқа таснилий гуруҳлари ҳам мавжуд. Масалан, улар ё тизим доирасида амал қилувчи (уларнинг юридик кучи ижро этувчи ҳокимият механизмининг қуйи бўғинларига нисбатан татбиқ этилади), ёки ҳамма учун мажбурий (улар тартибга солинаётган муносабатларнинг барча иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилади) хусусият касб этиши мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг функсиялари ҳақида сўз юритганда, аввало шуни қайд этиш лозимки, улар тартибга солиш фиинксиясини бажаради, яъни давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган муносабатларни ташкил этиш, тартибга солиш ва такомиллаштиришга қаратилган. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар воситасида давлат бошқаруви субъйектларининг ҳуқуқий ҳолати ва ваколатлари белгиланади, улар фаолиятининг шакллари ва усуллари, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари тартибга солинади. Маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ташкилотлар ва фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқий ҳолати (мақоми) ҳам белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқ нормалари қўриқлаш ва ҳимоя қилиш фиинксиясини ҳам бажаради, яъни маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди. Бу нормалар ғайриқонуний қилмишлар содир этишдан ўзини тийишни талаб этади, шунингдек маъмурий ҳуқуқ билан қўриқланадиган муносабатларга тажовуз содир этилганда маъмурий таъсир кўрсатиш билан боглиқ болган муносабатларни тартибга солади.

Маъмурий-ҳуқуқий норманинг тузилиши дэганда норманинг ички структураси, унинг таркибий қисмлари, елементлари ўзаро алоқасининг муайян тартиби, уларнинг ўзаро алоқадорлиги тушунилади. Маъмурий-ҳуқуқий норма гипотеза, диспозиция ва санксия сингари таркибий қисмлардан ташкил топади.

Гипотеза маъмурий-ҳуқуқий норманинг бир қисми сифатида уни амалга татбиқ этишнинг ҳақиқий шартларини белгилайди. Гипотезада юридик факт, нормани амалга киритиш, унинг диспозициясини ҳаётга татбиқ этиш шарт-шароитлари (масалан, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш шартлари) кўрсатилади. Гипотеза мутлақ - муайян ёки нисбий-муайян бўлиши мумкин. Мутлақ-муайян гипотеза муайян вазиятда қўлланиладиган қоидадир. Масалан, бирор хатти-ҳаракат учун жарима солинса, бу жарима уч ой ичида ундириб олиниши керак. Агар бу муддат ўтиб кеца, маъмурий жаримани ундириб олиш мумкин емас. Нисбий-муайян гипотезада бирор ҳолатга умумий тавсиф берилади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар кўпинча нисбий-муайян гипотезадан иборат бўлади.

Диспозиция-юридик норманинг таркибий елементи бо либ, унда норма билан белгиланган хулқ-атвор қоидаси, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўрнатилди. Ифодалаш шаклига кўра маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг мажбурият юкловчи, ваколат берувчи ёки тақиқловчи диспозициялари фарқланади.

Мажбурият юкловчи диспозициялар субъйектларга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайди, уларга жоиз хулқ- атворнинг у ёки бу кўринишини буюради. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларининг тэгишли бандига мувофиқ ёл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари лозим.

Маъмурий ҳуқуқда ваколат берувчи диспозициялар, одатда, давлат бошқаруви субъектларининг функсиялари ва ваколатларини белгилайди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» ги қонун (янги таҳрири)нинг 5-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини ишга солиш асосида еркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади; хўжалик юритишнинг янги шакллари — консернлар, консорсиумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлами барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли талаб-еҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва муволиқлаштиради; Ўзбекистон

Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмакласлиади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора- тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Давлат буджэтини, шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва енг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади ва ҳоказо.

Муайян ғайриқонуний қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракацизлик) содир этишни ман этувчи диспозициялар тақиқловчи диспозициялар деб аталади.

Тақиқловчи диспозиция хулқ-атворнинг қонунга мувофиқ ҳуқуқбузарлик ҳисобланадиган муайян кўринишидан ўзини тийишниталаб қилади.

Ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бир вақтда таърилланган диспозициялар маъмурий ҳуқуқ нормаларида нисбатан кам учрайди.

Санксия маъмурий-ҳуқуқий норманинг елементи сифатида ҳуқуқбузарга нисбатан кўриладиган таъсир чораларини акс эттиради. Бунда ҳар қандай маъмурий таъсир емас, балки ҳуқуқбузарлик муносабати билан қўлланилиши нормада белгиланган таъсиргина назарда тутилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қоланиладиган маъмурий-ҳуқуқий санксиялар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилади.

Масалан, мазкур Кодекснинг 96-моддасига биноан лойиҳаларни давлат екологик (санитария-экологик) експертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш учун санксия мансабдор шахсларга енг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишдан, худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган барча, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан этти бараваригача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларини бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий-ҳуқуқий санксиялар унинг 23-моддасида санаб ўтилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қолланилиши мумкин: 1) жарима; 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни ҳақини толаш шарти билан олиб қўйиш; 3) маъмурий ҳуқуқ-бузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни мусодара қилиш; 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; 5) маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш ушбу нормаларда акс эттирилган талаблар, хулқ-атвор қоидаларининг маъмурий ҳуқуқ субъйектлари томонидан ҳаётга татбиқ этилишидир. Бинобарин, маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш — маъмурий ҳуқуқ субъйектларининг маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган талабларга мос келадиган қонуний хулқ-атвори (фаолияти). У нормаларда белгиланган ҳуқуқларга эга болиш ва улардан фойдаланишда ҳамда айни шу нормаларда назарда тутилган мажбуриятлами бажаришда ифодаланади.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий нормаларни амалда жорий этишнинг тўрт шакли фарқланади: а) риоя қилиш; б) қўллаш; д) бажариш; е) фойдаланиш.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш ҳуқуқ субъйекти маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг талабларига ихтиёрий бўйсуниши билан тавсифланади. Ҳуқуқий нормаларни амалда жорий этишнинг мазкур шакли

субъйектнинг тақиқланган ҳаракатларни бажаришдан тийилишини назарда тутади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш ижро этувчи ҳокимиятнинг тэгишли субъйектлари томонидан амалга оширилади. У амалда ваколатли орган (мансабдор шахс) моддий ёки процессуал нормаларнинг талабларига асосланган индивидуал юридик ҳужжатларни қабул қилишида намоён бўлади. Бу ҳужжатлар муайян маъмурий ишларга татбиқан қабул қилинади (масалан, лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқ, фуқаронинг шикояти юзасидан чиқарилган қарор, жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказиш ва ҳоказо). Шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқда ҳуқуқни қўллаш ижроия ҳокимият механизми фаолият кўрсатиши билан бевосита боглиқ. Фуқаролар маъмурий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш ваколатларига эга емаслар.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бажариш — тартибга соли- наётган бошқарувга оид муносабат иштирокчиларининг бу нормаларда ифодаланган юридик қоидалар, тақиқлар ёки ижозатларга қатъий риоя қилишидир. Ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг бу кўриниши универсалдир, чунки унинг субъйектлари сифатида бошқарувга оид муносабатларнинг барча иштирокчилари амал қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва улар давлат бошқаруви соҳасида ўрнатадиган ҳуқуқий тартибнинг таъсирчанлиги уларни бажариш сифати, ҳажми ва даражаси билан белгиланади. Шу сабабли, маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бажариш ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқ-тартибот ва давлат интизомини етарли даражада таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ҳуқуқ субъйект-ларининг бошқарув соҳасида субъйектив ҳуқуқларни амалга ошириш билан боглиқ болган қонуний ҳаракатларни ихтиёрий бажаришини назарда тутади. Бунда маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бажаришдан фарқли оларок, улардан фойдаланиш жараёнида субъйектив ҳуқуқлар амалга оширилишини қайд этиб олиш лозим. Масалан, фуқаро тэгишли тартиб-таомилларни бажариш (имтиҳон топшириш, ҳужжатларни қолга киритиш ва ҳоказо.) ёли билан олинган транспорт воситасини бошқаришга болган ҳуқуқни амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида махсус назарда тутилган ҳолларда маъмурий тартибда ҳуқуқни қўллаш судларга (судяларга) юклатилади. Жумладан, бундай ҳаракатларни суд органлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун маъмурий жазолар тайинлаш ҳамда айрим маъмурий низолами кўриб чиқиш ва ҳал қилиш чоглда амалга оширади.

Шундай қилиб, маъмурий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш уларга риоя қилиш, улами бажариш ва улардан фойдаланишдан айрим ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллаш давлат бошқаруви субъйектларининг ҳокимият ваколатини амалга ошириш борасидаги

фаолияти бўлиб, унинг воситасида жамият ҳаёти ижтимоий муносабатларнинг турли субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқ ташкилий асосларини белгилаш ёли билан тартибга солинади.

Иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш доим аниқ ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади. «Ҳуқуқни қоллашга доир муносабатлар» деб аталадиган бу ҳуқуқий муносабат иштирок- чиларининг ҳуқуқий ҳолати турлича бўлади. Мазкур муносабатларда ҳуқуқни қўллашнинг давлат-ҳокимият ваколатларига эга болган субъйекти айниқса фаол рол ўйнайди.

Учинчидан, ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолият доимо қонун билан белгиланган алоҳида шаклларда амалга оширилади.

Тўртинчидан, ҳуқуқни қоллаш доим унинг субъйекти томонидан амалга ошириладиган индивидуал-ҳуқуқий ҳужжат (ҳуқуқни қоллашга доир ҳужжат) қабул қилиш орқали рўёбга чиқарилади.

Қонунийлик, адолатлилик ва мақсадга мувофиқлик маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг асосий талабларидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш да кўрсатилган муносабатларминг барча субъйектлари ўз маъмурий-ҳуқуқий мақомига мувофиқ иштирок этади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари

Ҳуқуқ манбаи дэганда ҳуқуқ нормаларини ифода этиш, расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш шакли тушунилади. Бу йерда диалектика нуқтаи назаридан ҳуқуқ нормаси—мазмунни, норматив-ҳуқуқий ҳужжат (қонун, фармон, қарор ва бошқалар)— шаклни акс эттиради. Юридик адабиётларда ҳуқуқ шакли билан ҳуқуқ манбаи синоним тушунчалар сифатида талқин этилади. Шундан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқ манбалари дэганда маъмурий-ҳуқуқий нормаларни акс эттиришнинг ташқи шакли тушунилади. Амалда турли давлат органларининг бундай ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган юридик ҳужжатлари, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ранг-баранглиги улар акс эттирилган ва ифодаланган манбаларнинг турли-туманлигини ҳам назарда тутади. Маъмурий ҳуқуқ манбалари (шакллари) жумласига қуйидагилар киради:

Аксарият нормалари тўғридан-тўғри маъмурий-ҳуқуқий йўналишга эга болган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Бу, масалан, рўёбга чиқариш асосан давлат бошқаруви соҳасида амалга ошириладиган фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, еркинликлари ва бурчларини мустаҳкамловчи (21, 24-25, 27, 30- 36-моддалар); давлат органларининг ваколатларини белгиловчи (68-73, 78-80, 93, 99-105-моддалар) конституциявий нормалар.

Конституцияга ижро этувчи ҳокимият фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар киритилган. Улар жумласига, хусусан, Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият тизимини белгиловчи 98, 99-102-моддаларнинг нормалари, шунингдек ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш тартиби, Ўзбекистон Республикаси

Ҳукуматининг мақоми, унинг функсиялари ва ваколатларини, ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари тартибини белгиловчи нормалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари. Бу йерда конституциявий қонунлар ва қонунлар айниқса катта аҳамият касб этади.

Маъмурий ҳуқуқнинг мазкур манбалари орасида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни, давлат бошқаруви масалаларига доир бошқа бир қатор қонунларни қайд этиш мумкин.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мақоми, таркиби ва уни шакллантириш тартибини, Ҳукуматнинг ваколатларини, унинг фаолиятини ташкил этиш масалаларини, Ҳукумат ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларини, Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини таъминлаш масалаларини ўз ичига олади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг вазифаларига инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва обйектив кўриб чиқилиши, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликламинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш киради.

Бу вазифалами амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қандай ҳаракат ёки ҳаракацизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар Қорақалпоғистон Республикаси давлат органларининг қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив фармонлари айниқса муҳим рол ўйнайди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94- моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қонун ости ҳужжатларнинг юқори чўққисида туради. Президент фармонлари норматив ва индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Фармонлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига муволиқ ва улар ижроси юзасидан чиқарилади. Президентнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятини муволиқлаштирувчи лигура сифатида давлат механизмида тутган қатъий ўрни унинг фармонларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида эгаллайдиган юксак мавқеи ва ролини белгилаб беради.

Президент фармонлари юридик кучи ва аҳамияти жиҳатидан қонундан кейинги ўринда туради.

Президент фармонлари юксак нуфузлилиги туфайли мамлакат иқтисодиётининг, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ҳамда давлат бошқарувининг қонунлар ва ҳукумат қарорлари билан қамраб олинмаган талайгина долзарб масалаларини тез ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Президент фармонлари стратэгик ва дастурий характерга эга бўлиб, уларда Ҳукумат, у ёки бу вазирлик, давлат қўмитаси муайян йирик мураккаб масалани қандай ҳал этиши кераклигининг аниқ режаси ва йўл-йўриқлари белгилаб берилади. Фармонлар Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарувининг бошқа бўғинлари фаолиятига раҳбарлик қилишнинг самарали воситасидир. Бироқ, фармонлар ҳукумат қарорлари ўрнини эгаллаб олмайди. Ҳар икки турдаги бу ҳужжатлар Конституция ва қонунда белгиланган ваколатлар доирасида чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада давлат назорати тизимини такомиллаштиришнинг баъзи чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1994-йил 16-феврал, фармони, «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003- йил 9-декабр фармони, шунингдек, вазирликлар ва давлат қўми- таларини ташкил этишга оид ҳужжатлар, масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (1997-йил 8-июл), «Ўзбекистон Республикаси Йер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (1998-йил 24-июл) фармонлари ва бошқалар маъмурий ҳуқуқ манбалари сифатида алоҳида аҳамиятга молик.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари қаторига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг 1- қисмида таъкидланганидек, «Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига муволиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳуду- дидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий болган қарорлар ва фармойишлар чиқаради». Қуйидаги қарорларни мисол тарзида келтириш мумкин.

Республика Ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати лузилма- сини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1997-йил 20-май), «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2004 йил 23-январ), «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларини олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги (2002-йил 5- декабр), «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ толаш ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2007-йил 8-январ) ва бошқа қарорлари шулар жумласидан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси турли низомлами тасдиқлайди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг норматив қарорлари ҳам маъмурий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади.

## Назорат учун саволлар

1. Маъмурий-ҳуқуқий норма деганда нимани тушунасиз?
2. Маъмурий-ҳуқуқий норманинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
3. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг турларини аниқланг.
4. Маъмурий-ҳуқуқий норманинг гипотезасиникўрсатинг.
5. Маъмурий-ҳуқуқий норманинг диспозициясиникўрсатинг.
6. Маъмурий-ҳуқуқий норманинг санксиясини кўрсалинг.
7. Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий нормаларни амалда жорий этишнинг қандай шакллари мавжуд?

## 1.4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

**1.** Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси.

**2.** Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши асослари.

**3.** Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ва объектлари.

**4.** Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Маъмурий-ҳуқуқий, Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари, Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар, Горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий муносабатларнинг, яъни бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида туридир. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат каби маъмурий-ҳуқуқий муносабат:

биринчидан, ижтимоий муносабатга ҳуқуқ нормасининг тартибга солувчи ва унга юридик тус берувчи таъсири маҳсулидир;

иккинчидан, ҳуқуқий муносабат томонларининг ҳаракатлари (хулқ-атвори)ни ҳуқуқ нормаси билан тартибга солади;

учинчидан, ҳуқуқий муносабат томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳуқуқий норма билан белгиланган тартибда меъёрлайди ва мутаносиблаштиради;

тўртинчидан, ҳуқуқ нормаси талабларига жавоб бермайдиган хулқ-атвор учун томонларнинг юридик жавобгарлигини белгилайди. Шундай қилиб, маъмурий-ҳуқуқий муносабат икки томонлама хусусият касб этади, яъни, бир субъйект ҳуқуқларига бошқа субъйектнинг мажбуриятлари мос келади, ёки аксинча.

Маъмурий ҳуқуқ нормаси ўз-ўзидан муайян маъмурий- ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирмайди. У — бундай муносабат вужудга келишининг асоси болиб, тэгишли шароитда ва тэгишли субъйектлар мавжуд болганда бошқарувга оид муносабат маъмурий-ҳуқуқий шакл-шамойил касб этади. Маъмурий-ҳуқуқий норма тарафлар ваколатларининг ҳажмини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек мажбуриятларни бажармаганлик ёки ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарликни белгилайди. Маъмурий-ҳуқуқий норма бир тараф учун мумкин болган хулқ-атвор тури ва меъёрини, бошқа тараф учун еса — жоиз хулқ-авор тури ва меъёрини белгилайди.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатни давлат бошқаруви соҳасида вужудга келувчи, маъмурий-ҳуқуқий норма билан тартибга солинган бошқарувга оид ижтимоий муносабат сифатида тавсифлаш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида қайд этилишича, барча маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бошқарувга оид муносабатламинг юридик шакли бўлганлиги боис, уларга бошқарувнинг асосий хусусиятлари хосдир. Улар давлат бошқаруви функсияларини амалга ошириш жараёнида турли жамоалар ўртасида юзага келувчи ижтимоий муносабат шаWларидан биридир. Улар ўз мазмунига кўра иродавий муносабатлардир, чунки маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўз иштирокчиларининг хоҳиш- иродаси ва онги билан белгиланади. Шунингдек, бундай муносабатлар ташкилий хусусиятга эга, зеро улар давлат бошқарувининг ташкиллаштирувчи моҳиятини акс эттиради. Ниҳоят, мазкур муносабатлар маъмурий хусусият касб этади, яъни тарафлар ўртасидаги алоқалар замирида ҳокимият-ташкилий (бошқариш- бўйсуниш) муносабатлари ётади. Ушбу муҳим умумий жиҳатлар доирасида уларнинг асосий хусусиятларини ёритиш ўринли бўлади.

Биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар фақат мазкур муносабатларни вужудга келтирадиган ва улар орқали амалда жорий этиладиган маъмурий-ҳуқуқий нормаларга муволиқ юзага келади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Бу ҳуқуқий муносабатлар доирасида тарафламинг хулқ-атвори, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъмурий ҳуқуқ нормалари билан қатъий тартибга солинади.

Иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар алоҳида соҳада, аниқроқ айтганда, давлат бошқамви субъйектларининг ижроия-бошқарув, яъни ҳокимият-ташкилий фаолияти соҳасида вужудга келади. Бу ҳуқуқий муносабат тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мазкур турдаги давлат фаолиятининг вазифалари билан узвий боглиқ. Демак, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар юзага келадиган, ўзгарадиган ва бекор қилинадиган соҳанинг чэгараси анча аниқ намоён бўлади.

Учинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатламинг тарафлари субъйектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар билан ўзаро боглиқ. Бу богланиш натижасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабат доирасида бир тарафнинг (ҳуқуқий муносабат субъйектининг) ҳуқуқига бошқа тарафнинг мажбурияти мос келади, ёки аксинча.

Тўртинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иродавий хусусият касб этади, чунки унинг ўз-ўзидан намоён болиши ва иштирокчиларининг ёки ҳеч болмаса, улардан бирининг хоҳиш- иродасисиз амал қилиши мумкин емас. Бинобарин, ҳуқуқий муносабатга туртки берувчи иродавий ҳаракат юз бериши зарур.

Бешинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда субъйектнинг мавжудлиги муқаррардир. Бундай субъйект сифатида, одатда, давлат бошқарувининг тэгишли органи (ёки мансабдор шахс) намоён бўлади. Мазкур муносабатлар ижроия-бошқарув фаолиятини амалга ошириш бўйича мажбурият ва ҳуқуқларга эга болган субъйектнинг иштирокисиз вужудга келиши мумкин емас. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг еҳтимол тутилган бошқа барча субъйектлари иккинчи тараф болиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур хусусияти, awало шу билан

изоҳланадики, ижроия- бошқарув фаолиятини давлат номидан амалга оширишга давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ваколатли бўлади. Айнан шу сабабли уларнинг иштирокисиз ҳуқуқий шаклдаги бошқарувга оид муносабатнинг болиши мумкин емас.

Олтинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам ҳуқуқ каби давлат томонидан қўриқланади. Ҳуқуқий муносабатни ташкил этувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бузганлик учун юридик жавобгарлик белгиланади. Бу билан ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан, хусусан ахлоқий муноса- батлардан фарқ қилади.

Эттинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар яна шуниси билан ажралиб турадики, уларнинг муқаррар субъйекти доимо юридик ирода билан иш кўради. Уларнинг бу хусусияти бундан олдинги хусусият билан белгиланади ва бевосита ундан келиб чиқади. Дарҳақиқат, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда муқаррар субъйект давлат номидан иш кўрса ва бу муносабатларда унинг манфаатларини ифода еца, у ҳокимият иродасисиз иш кўриши мумкин емас. Ҳокимият ваколатлари ҳамиша ижроия-бошқарув фаолиятини амалга оширувчи субъйект томонида бўлади.

Саккизинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тарафлардан исталган бирининг ташаббуси билан юзага келиши мумкин, лекин иккинчи тарафнинг розилиги (истаги) муқаррар шарт ҳисобланмайди. Бундай розилик талаб этилган ҳолларда у маъмурий-ҳуқуқий муносабат юзага келишига замин яратувчи омил ролини ўтайди. Аммо бу йерда розилик бевосита ҳуқуқни вужудга келтирувчи аҳамият касб этмайди, яъни мустақил юридик актга (масалан, шартномага) айланмайди. Бу ҳои, awало шу билан изоҳланадики, давлат бошқаруви органлари ўз ташаббуси билан муайян маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни яратишга ҳақлидирлар.

Бинобарин, тарафлар ташаббуси бевосита маъмурий-ҳуқуқий муносабатни у маъмурий-ҳуқуқий нормаларда (ҳуқуқий муносабат юзага келишининг юридик шарти сифатида) назарда тутилган ҳоллардагина вужудга келтиради. Бундай муносабатларга киришишнинг ҳуқуқий имконияти давлат бошқаруви органлари учун айни вақтда мажбурият ҳам ҳисобланади. Бироқ, маъмурий-ҳуқуқий муно- сабатнинг бошқа тарафлари бундай имкониятга эга бўлмайди.

Тўққизинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг иштирокчилари ўртасида кеҳб чиқиши мумкин болган низолар, одатда, маъмурий тартибда (судсиз), яъни ваколатли давлат бошқаруви органи (мансабдор шахс)нинг бевосита юридик аҳамиятга эга болган ва бир тарафлама фармойиши билан ҳал қилинади. Айни вақтда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида бундай низолами судда кўришнинг айрим ҳолатлари назарда тутилади.

Субъект, объект ва юридик фактлар маъмурий-ҳуқуқий муно- сабатларнинг елементлари ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига маъмурий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар юклатилади; булар давлат бошқаруви

субъйектлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат идоралари ходимлари, фуқаролар, чэт элликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Давлат бошқаруви органлари маъмурий ҳуқуқ лаёқатининг моҳияти уларнинг махсус ижтимоий вазифаси билан белгиланади. У мазкур органларнинг у ёки бу ҳажмда давлат бошқаруви вазифаларига эга бўлиш ва улами бажариш, мазкур вазифалари амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришиш лаёқатини англатади. Унга давлат бошқаруви тизимининг мазкур бўғинига бериладиган давлат-бошқарув ваколатлари ҳажми мос келади.

Давлат бошқаруви органларининг ваколатлари мажмуи белгиланган тартибда тасдиқланадиган тэгишли низомларда, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Уларда муайян бошқарув органи иштирок этишга ҳақли болган ҳуқуқий муносабатларнинг турлари, шунингдек унга берилган ваколатлар ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш жараёнида у фойдаланадиган давлат-бошқарув ваколатлари доираси белгиланади.

Давлат бошқаруви органининг умумий маъмурий ҳуқуқ лаёқатига унинг тэгишли ҳажмдаги ижроия-бошқарув фиинксияларини мустақил бажариш лаёқати хосдир. Бундан ташқари, бошқарув органи махсус маъмурий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳуқуқ лаёқатига муволиқ, бошқарув органига унга юклатилган вазифаларга мос келувчи алоҳида ваколатлар берилади. Масалан, маъмурий мажбурлов чораларини бевосита қўллашга ҳар қандай бошқарув органи ҳам ҳақли емас. Одатда, махсус ҳуқуқ лаёқати умумий ҳуқуқ лаёқатига қўшимча ҳисобланади.

Давлат бошқарув органларининг маъмурий ҳуқуқ лаёқати улар ташкил топган ва ваколатлари белгиланган пайтдан еътиборан вужудга келади; шу билан бир вақтда ушбу органламинг маъмурий муомала лаёқати, яъни ўз ҳуқуқ лаёқатини амалда рўёбга чиқариш лаёқати (имконияти) ҳам вужудга келади.

Давлат хизматчиларининг маъмурий ҳуқуқ лаёқати шу билан белгиланадики, улар амалда давлат бошқаруви органларининг хизмат аппаратига уюшган ҳолда кундалик ижроия-бошқарув фаолияти билан шуғулланади. Табиийки, ушбу ўринда маъмурий-бошқарув персонал таркибига кирувчи ходимлар назарда тутилади.

Давлат хизматчисининг маъмурий ҳуқуқ лаёқати у бошқарув аппаратида эгаллаган лавозими билан белгиланади. Умуман олганда, у мазкур бошқарув органининг ваколатлари, унинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати билан белгиланади. Давлат хизматчисининг фаолияти давлат органи фаолиятининг таркибий қисмидир, чунки ҳар қандай бошқарув органи мазкур органнинг вазифалари ва ташкилий тузилмасига бўйсундирилган шахслар жамоаси (гуруҳи) ҳисобланади. Давлат хизматчисининг ваколатлари мажмуи - у муайян лавозимни эгаллаган орган ваколатлари мажмуининг бир қисми. Унинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати лавозим йўриқномалари билан, агар улар болмаса, давлат ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқнинг умумий ёки махсус нормалари билан белгиланади.

Давлат хизматчиси маъмурий ҳуқуқ лаёқатининг ҳажми у ходимларнинг қайси тоифасига (раҳбарий таркиб, ёрдамчи ходимлар) кириши билан белгиланади. У мансабдор шахслар ва маъмурий ҳокимият вакилларида айниқса салмоқҳдир, бунда маъмурий шахслар умумий маъмурий ҳуқуқ лаёқатига, ҳокимият вакиллари еса — махсус маъмурий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Давлат хизматчиларининг бу икки тоифаси вакиллари тэгишли давлат бошқаруви органларининг бошқарув ваколатларини бевосита амалга оширадилар. Ёрдамчи таркиб ходимлари, одатда, мансабдор шахслар томонидан бошқариладиган шахслар ҳисобланади.

Жамоат бирлашмаларининг маъмурий-ҳуқуқий лаёқати устав нормалари билан емас, балки давлат органларининг ҳужжатлари билан белгиланади. Мазкур ҳужжатларда жамоат бирлашмалари органларининг давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатлари, улар иштирок этиши мумкин болган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари назарда тутилади. Бундай ҳужжатлар қабул қилинган пайтдан эътиборан улар маъмурий ҳуқуқ субъйектига айланади.

Жамоат бирлашмалари иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий муно-сабатлар уларнинг ўзида емас, балки улардан ташқарида, яъни улар давлат бошқаруви органлари, фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши чоглда юзага келади.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати улар туғилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Уларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги муомала лаёқати еса, одатда, 16 ёшдан пайдо бўлади.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати ҳажми Конституция, қонунлар, шунингдек маъмурий-ҳуқуқий нормалар мустаҳкам- ланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Фуқаролар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг муайян ҳажми бир қанча ҳолатларга, чунончи: уларнинг ёши, маълумоти, жинси, соғлиғининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати уларда давлат бошқаруви соҳасида субъйектив ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар маъмурий- ҳуқуқий муносабатларнинг умумий обйекти ҳисобланади. Ҳар бир муайян маъмурий-ҳуқуқий муносабатда унинг иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари йўналтирилган обйект мазкур муносабат обйекти ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бошқарув соҳасидаги субъйектларнинг хулқ-атвори, ҳаракатлари ва уларнинг натижалари муайян ҳуқуқий муносабатлар обйекти сифатида намоён бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатламинг турлари

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўз мазмунига, иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро нисбатига, шунингдек уларни вужудга келтирувчи юридик фактларнинг хусу- сиятига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар мазмун жиҳатидан моддий ва процессуал бўлади. Моддий маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар қаторига

бошқарув соҳасида юзага келувчи ва маъмурий ҳуқуқнинг моддий нормалари билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлар киради. Маъмурий-процессуал муносабатлар—бошқарув соҳасида индивидуал-аниқ ишлар ҳал қилиниши туфайли юзага келадиган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган муноса- батлардир. Масалан, фуқароларнинг аризалари ва шикоятларини ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ҳал қилиш билан боғлиқ болган муносабатлар маъмурий-процессуал муносабатлар ҳисобланади. Моддий ва процессуал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро алоқаси шундан иборатки, моддий муносабатлар процессуал муносабатлар воситасида амалга оширилади. Бундан ташқари, процессуал маъмурий- ҳуқуқий муносабатлар воситасида ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари (молия, йер, екология ва бошқа) ҳуқуқий муносабатлари ҳам ҳаётга жорий этилади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро нисбатига кўра икки гуруҳга бўлинади: иштирокчилардан бири бошқасига бўйсунувчи муносабатлар (вертикал ҳуқуқий муносабатлар) ва иштирокчилари бир-бирига бўйсунмайдиган муносабатлар (горизонтал ҳуқуқий муносабатлар).

Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бир муносабат субъектининг бошқасига бўйсуниши доирасида - ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори турувчи ва қуйи турувчи органлари ўртасида, ижро этувчи ҳокимият органлари ва тобе ташкилотлар ўртасида, ижро этувчи ҳокимият органларининг бири бошқасига бўйсунувчи тузилмалари ўртасида; бири бошқасига бўйсунувчи давлат хизмати ходимлари ўртасида юзага келади. Бунда ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқаролар ўртасида фуқароламинг бошқарув соҳасидаги мажбуриятларини амалга ошириш (жамоат тартибига риоя қилиш, ҳарбий мажбуриятни бажариш ва ш.к.) борасидаги ҳуқуқий муносабатлари, одатда, вертикал муносабатлар ҳисобланади, чунки фуқарога унинг мажбуриятларини бажариш қисмида ижро этувчи ҳокимият органининг бошқарув ваколатлари татбиқ этилади.

Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда маъмурий- ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳамда давлат-бошқарув фаолиятига хос болган бошқарув субъйекти ва объекти ўртасидаги бошқариш - бўйсуниш алоқаларининг моҳияти айниқса яққол намоён бўлади. Бу муносабатлар, одатда, ҳокимиятга оид муносабатлар деб аталади. Улар бири бошқасига бўйсунувчи тарафлар ўртасида юзага келади ва айни вақтда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқли ороқ, тарафлар тенглиги мавжуд емаслигидан далолат беради. Аммо бири бошқасига бўйсунишни айнан тушунмаслик лозим. Амалда вертикаллик бир тарафда юридик бошқарув ваколатлари болиб, улар бошқа тарафда (масалан, фуқарода) йўқлигини, ёки уларнинг ҳажми унда (масалан, қуйи турувчи бошқарув органида) камроқ еканлигини англатади. Бунда бошқарувчи тараф сифатида ижро этувчи ҳокимиятнинг тэгишли субъйекти (ижро этувчи орган, давлат бошқаруви органи) амал қилади. Ўз-ўзидан равшанки, бошқарув субъйектининг ташкилий жиҳатдан барча ҳолларда ҳам ўзига бўйсунмайдиган муайян

обйектга бевосита бошқарув мазмунидаги таъсири айнан вертикал муносабатларда амалга оширилади.

Горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бир-бирига бўйсунмайдиган субъйектлар ўртасида вужудга келади. Бундай муносабатлар ижро этувчи ҳокимиятнинг бир-бирига бўйсун- майдиган органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида улар бошқарув соҳасидаги ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари муносабати билан (масалан, фуқаро ижро этувчи ҳокимият органига шикоят билан мурожаат этганда, жамоат ташкилоти рўйхатдан олказилганда ва ш.к.) вужудга келади.

Тарафлар амалда ва юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли болган муносабатлар горизонтал ма ъмурий-ҳуқуқий муносабатлар деб еътироф этилади. Уларда бир тарафнинг бошқа тараф учун мажбурий саналган ҳокимият амри-иродаси мавжуд бўлмайди. Албатта, бундай ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқаруви соҳасида вертикал ҳуқуқий муносабатлар каби кенг тарқалмаган. Бу табиий ҳолдир, зеро улар маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий ўзанидан чэтга чиқади. Шунга қарамай, уларнинг юзага келиш имконияти мавжуд.

Бошқарувга оид алоқаларнинг умумий мажмуида горизонтал муносабатларни фарқлаш нисбатан қийин, чунки улар давлат бошқаруви соҳасига хос емас ва вертикал муносабатлар каби яққол намоён бўлмайди. Шунга қарамай, бошқарув амалиётида улар қаторига қуйидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни киритиш учун муайян асослар мавжуд.

Бевосита бошқарув та ъсири ко ърсатилишига сабаб бо ъИган муно-сабатлар. Улар вертикал муносабатлар учун асос бўлиб хизмат қилади, яъни бир тарафлама юридик бошқарув қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш учун молжал- ланган. Булар — бир ҳуқуқий даражада турган ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар) ўртасида юзага келувчи, масалан, бошқарувнинг қўшма норматив ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш (масалан, икки вазирлик ўртасида); биргаликдаги бошқарув ҳаракатиарини мувофлқлаштириш; қўшма мажлислар (масалан, икки вазирлик ҳайъатларининг мажлисларини) ўтказиш; идораларо маслаҳат ёки мувофлқлаштириш кенгашларини тузиш билан боглиқ болган алоқалар; булар ижро этувчи ҳокимият органлари ва, масалан, касаба уюшмалари ўртасидаги мазкур уюшмаларнинг қонуний манфаатларини қондириш борасидаги муносабатлардир.

Бир тарафлама тартибда қабул қилинган юридик бошқарув қарорини самарали амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида бевосита бошқарув таъсири кўрсатиш амалга оширил- ганидан сўнг юзага келадиган муносабатлар. Бу муносабатлар жараёни ва натижасида норматив ҳужжатларни ижро этиш бўйича биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилади (идораларо комиссиялар тузиш, қўшма тафтишлар олказиш ва ш.к.). Муносабатламинг бу икки гуруҳи маъмурий-процедурага оид (белгиланган тартиб-таомил асосидаги) муносабатлар жумласига киради.

Тарафлари тенг ҳуқуқли бўлган маъмурий-процессуал муносабатлар (масалан, фуқароларнинг шикоятлари бўйича, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича иш юритиш доирасидаги муносабатлар). Бу муносабатламинг мазмуни маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш билан белгиланади.

Турли битимлар ко ърнишидаги ма ъмурий-шартнома муноса-батлари (масалан, у ёки бу лавозимга қабул қилиш тўғрисидаги дастлабки битим). Битимлар ижро этувчи ҳокимият субъйектлари ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги юридик фактлар

Юридик фактлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатламинг юзага келиши, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиниши учун асос бўлади. Юридик фактлар шахслар ва органларнинг ҳаракатлари натижасида ҳам, муайян воқеалар натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

Ҳаракатлар субъйект ўз хоҳиш-иродасини фаол ифода этиши маҳсулидир. Тэгишли юридик фактлар иродавий юридик фактлар деб аталади. Масалан, фуқаронинг ижро этувчи ҳокимият органига шикоят бериши унинг мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилиши билан боглиқ болган ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиради. Бунда муайян маъмурий қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқ амалга ошади ва тэгишли маъмурий ҳуқуқий мажбурият адо этилади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қонуний ва ғайриқонуний ҳаракатлар фарқланади.

Қонуний ҳаракатлар ҳар доим маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг талабларига мос келади. Фуқароларнинг ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бошқа иштирокчиларининг қонуний ҳаракатлари юридик фактлар сифатида амал қилади. Масалан, фуқаронинг шикоят бериши у билан шикоят берилган ижро этувчи орган (мансабдор шахс) ўртасида муайян маъмурий-ҳуқуқий муносабат юзага келишига сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуққа доир юридик фактлар бо либ, қонуний ҳаракатларнинг асосий тури сифатида ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг индивидуал хусусият касб этувчи, яъни муайян шахс ва ишга тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлари хизмат қилади. Уларнинг бевосита юридик натижаси — маъмурий-ҳуқуқий муносабат юзага келиши, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишидан иборат.

Ғайриқонуний ҳаракатлар маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг талабларига мос келмайди, аксинча уларни бузади. Булар — интизомий ва маъмурий қилмишлар (улар, айниқса, кўпроқ давлат бошқаруви соҳасига хосдир). Улар юрисдиксион (ваколатни амалга ошириш билан боглиқ) ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига сабаб бўлади. Ғайриқонуний ҳаракатлар қаторига ҳаракацизлик (масалан, тэгишли ички ишлар органи жамоат тартибини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрмагани) ҳам киради.

Воқеалар - ҳуқуқий оқибатларга сабаб болувчи, аммо кишиларнинг хоҳиш-иродасига боглиқ бўлмаган ҳолда юз берувчи юридик фактлар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон

Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999-йил 26-февралдаги фармони билан тасдиқланган Низомга муволиқ Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган ҳар бир фуқароси паспортга эга бўлиши мумкин. Бинобарин, фуқаронинг 16 ёшга толиши унда паспорт олиш ҳуқуқи ва мажбуриятини, давлат органларида еса фуқарога бундай паспортни бериш ҳуқуқи ва мажбуриятини вужудга келтирувчи юридик факт ҳисобланади.

Шундай қилиб, иродавий ва ноихтиёрий юридик фактлар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, идоравий юридик фактлар вужудга келиши кишиларнинг хоҳиш-иродасига бевосита боглиқ бўлади, ноихтиёрий юридик фактламинг вужудга келиши эса кишиларнинг хоҳиш-ихтиёрига боғлиқ бўлмайди.

## Назорат учун саволлар

1. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар дэганда нимани тушунасиз?
2. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
3. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турларини аниқланг.
4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъйектларини аниқланг.
5. Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий муносабатларнинг ўрни?

## 1.5. Солиқ тизимини бошқариш соҳасида ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари

**Режа:**

**1.** Давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари.

**2.** Давлат бошқарув органларининг ваколатлари характери, пул билан таъминлаш манбалари ва фаолиятини ҳудудий кўламлари.

**3.** Солиқ тизимини бошқариш тушунчаси.

**4.** Солиқ соҳасини бошқаришдаги ваколатли давлат органлари ва уларнинг вазифалари.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Давлат солиқ сиёсати, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун, Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ органлари, Бош прокуратура Департаменти, Солиқ тўловчилар, Валюта операциялари, Солиқ тизимини бошқариш тушунчаси.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ соҳаси ва давлат солиқ хизмати органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 1997-йил 29-август қонунига асосан тартибга солинади.

Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа толовларнинг толиқ ва ўз вақтида буджэтга тушишини таъминлаш мақсадларида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоглстон Республиқаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспексиялари давлат солиқ хизмати органларига киради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси илк бор Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР давлат солиқ органлари ҳақида»ги 1991-йил 12-август қарорига асосан ташкил этилган болиб, кейинчалик ўз кучини йўқотди ва Ўзбе- кистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ бош бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги 1994-йил 18-январ фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси нэгизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташкил этилди ҳамда қўмитанинг низоми ва тузилмалари тасдиқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 1997-йил 29-август қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 1998-йил 12-январ қарори, «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000-йил 13-март Қарори ва «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни

такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000-йил 5-май қарорлари билан қўмита низоми ва тузилмалари қайта тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиққа оид қонунчилик хужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат солиқ хизматининг марказий органи ҳисобланади.

Қуйидагилар Давлат солиқ қўмитасининг вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ солиқ толовчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий толовлар ундириш ёли билан давлат буджэтига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги буджэтдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика ёл жамғармасига даромадлар тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш;

солиқ толовчилар томонидан солиққа оид қонунларга риоя этилиши, солиқлар, йиглмлар ва бошқа мажбурий толовлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, уларнинг толиқ ва ўз вақтида толаниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

солиқ солиш субъйектлари ва обйектлари толиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, солиқ толовчиларни толиқ қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш;

солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар олказиш ёли билан солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан белгиланадиган солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита қатнашиш;

солиқ ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ толовчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларнинг ҳисобини маълумотларнинг ягона компютер тизимида юритиш, Солиқ толовчиларнинг ягона рейест- рини юритиш;

солиқ органларида кадрларни танлаш, уларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланадиган Раис бошчилик қилади.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Қорақалпоглстон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадилар.

Давлат солиқ қўмитасининг тузилмасига қуйидагилар киради:

Назорат-тафтиш бош бошқармаси;

Режим ва кадрлар бош бошқармаси;

Қорақалпоглстон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари;

туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспексиялари;

Давлат солиқ қўмитасининг махсус ўқув юртлари.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига ва давлат солиқ инспексияларига тэгишли равишда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унга қарашли муассасалар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида»ги низом, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қиладилар.

Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

«Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида»ги низом - Ўзбекистон Республикаси солиқ органларида хизматга қабул қилиш тартибини ва мансабдор шахслар томонидан давлат хизматини ўташ шарт-шароитларини, уларнинг масъулиятини, шунингдек, уларга махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартибини белгилайди.

Солиқ органларининг мансабдор шахсларига солиқ органларида штатдаги лавозимлами эгаллаб турган шахслар киради ва уларга эгаллаб турган лавозимларига ҳамда узоқ муддат ишлаганлигига мувофиқ равишда қуйидаги махсус унвонлар берилади:

солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг И даражали давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг ИИ даражали давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг ИИИ даражали давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг И даражали маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг ИИ даражали маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг ИИИ даражали маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг И даражали инспектори;

солиқ хизматининг ИИ даражали инспектори;

солиқ хизматининг ИИИ даражали инспектори;

солиқ хизматининг инспектори.

Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахсларига:

бош давлат маслаҳатчиси, солиқ хизматининг И, ИИ, ИИИ даражали давлат маслаҳатчиси унвонлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

солиқ хизматининг И, ИИ, ИИИ даражали маслаҳатчиси, солиқ хизматининг 1 даражали инспектори унвонлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан;

солиқ хизматининг ИИ ва ИИИ даражали инспектори, солиқ хизматининг инспектори унвонлари — Қорақалпоғлстон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари бошлиқлари томонидан берилади.

Давлат солиқ хизмати органларига хизматга қайтадан қабул қилинган шахсларда илгари берилган махсус унвонлар сақланади.

Бунда, агар эгаллаб турилган лавозим янада юқорироқ унвонни тақозо еца, у ҳолда ушбу унвон синов муддати тугагач берилади ва у илгариги махсус унвондан кўпи билан икки даража юқори болиши керак.

Агар эгаллаб турилган лавозим пастроқ махсус унвонни тақозо еца, у ҳолда хизматга қайтадан қабул қилинган шахсларда уларнинг илгари берилган махсус унвони сақланиб қолади.

Солиқ органларининг мансабдор шахслари махсус унвондан:

ходим ўз номига иснод келтирувчи қилмишлари учун давлат солиқ органларидан бўшатилганда;

жиноят содир этганлик учун — суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан маҳрум этилиши мумкин.

Давлат солиқ органларида штатдаги лавозимга тайинлашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- солиқ органларининг мансабдор шахси вазифани асосий ёки турдош ихтисос бўйича олинган маълумотга мувофиқ ёхуд мавжуд иш тажрибасига мувофиқ бажариши керак. Бошқа ихтисослик бўйича вазифаларни бажариш зарурати болганда улар қайта тайёрлаш ва тажриба орттиришдан ўтадилар;

- мансабдор шахслар янада юқори раҳбарлик лавозимига тасдиқлангунча ушбу лавозимни бажарувчи этиб тайинланишлари мумкин, бунда уларнинг вазифаларни бажариб туриш узлуксиз муддати уч ойдан ошмаслиги керак;

яқин қариндош ёки яқин қариндошлиги болган (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, ер-хотинлар, шунингдек, ер-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) солиқ органлари мансабдор шахсларининг, агар уларнинг хизмати бир-бирига бевосита бўйсуниш ёки назоратда болиш билан боғлиқ болса, айнан бир солиқ органида хизматни олашига рухсат этилмайди.

Иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лэгаллаштиришга қарши кураш ишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006-йил

21-апрел қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши кураш ишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001-йил 6-июл қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида ва унинг мавжуд штатдаги ходимлари доирасида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лэгаллаштиришга қарши курашиш департаменти» ва унинг жойлардаги болинмалари ташкил этилган. Мазкур қарорлар билан Департаментнинг низоми ва ташкилий лузилма лари тасдиқланган.

Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лэгаллаштиришга ва молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ толовчиларни қамраб олиниши ва ҳисобининг толиқлигини таъминлаш, солиқларни тоиашдан бўйин товлаш, уни чэтлаб ўтиш мумкин болган каналлари ва механизмларини, «хуфиёна» иқтисодиётнинг шаклланиши йўлларини, коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

валюта операциялари бўйича ҳисобга олиш ва ҳисоботларнинг толиқлиги ва холисоналигини назорат қилиш; хорижий валюта маблагла-рининг қонунга хилоф равишда чэтга чиқиб кэтиши, олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, уларнинг ноқонуний муомалада болиши, валюта - айирбошлаш операциялари билан боглиқ бошқа қонун бузилиш- ларининг олдини олиш ва бартараф этиш;

молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш; жиноий ёл билан олинган даромадларни лэгаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин болган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар монито- рингини ташкил этиш ва олиб бориш; аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида тэгишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларига жиноий таъқибни ташкил этиш, маъмурий таъсир чораларини қўллаш учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш ва бошқалар.

Департамент мақомига кўра Бош прокурор ўринбосарига тенглаштирилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Департамент бошлиғи уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга. Биринчи ўринбосар айни вақтда Йиғма ахборот-таҳлил бошқармасининг бошҳғи ҳисобланади. Унинг асосий функсиялари қилиб Департамент фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича режалар ишлаб чиқиш; уларнинг ижроси устидан тезкор назоратни амалга ошириш;

Департамент раҳбарларига ҳисобот бериш учун якуний ҳужжатларни умумлаштириш белгиланади.

Департамент бошлиғининг ўринбосарлари ўз лавозимларига Департамент бошлиғи тақдимномасига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Бош прокурор томонидан тайинланади.

Департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) болимлари бошлиқлари тэгишли лавозимларга Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Бош прокурор томонидан тайинланади.

Бошлиқ бошчилигидаги Департамент ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи органларнинг юқори турувчи органларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тўлиқ бўйсуниши ва ҳисобот бериши асосида фаолият кўрсатади.

Департамент берилган ваколатларга мувофиқ ўз ҳудудий болинмаларининг барча турдаги фаолияти устидан тезкор назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 7-моддасига мувофиқ ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни лэгаллаштиришга қарши курашиш департаменти тўғрисида»ги низомга асосан Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ўзаро келишиб белгиланган тартибда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора- тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб турадилар.

## Назорат учун саволлар

1. Давлат бошқарувининг марказий органлари?
2. Давлат бошқарувининг маҳаллий органлари?
3. Давлат бошқарув органларининг ваколатлари характери?
4. Давлат бошқарув органларининг пул билан таъминлаш манбалари?
5. Давлат бошқарув органларининг фаолиятини ҳудудий кўламлари?
6. Солиқ тизимини бошқариш тушунчаси?

## 1.6. Давлат хизматчилари

**Режа:**

**1. Давлат хизмати тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари.**
**2. Давлат хизматчиларини турлари.**
**3. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш.**
**4. Давлат хизмат муносабатларининг тўхтатилиш асослари**.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Давлат хизмати тушунчаси, Давлат хизматчисининг ҳуқуқий асослари, Давлат хизматини ўташ тартиби, Давлат хизматчиларини аттестацияси, Давлат хизматчиларини рағбатлантириш, Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги.

Мажбурлаш чоралари интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари сифатида намоён бўлади. Мажбурлаш чоралари муайян шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун таъсир чорасини қўллашни назарда тутиши ёки айрим ҳолларда ҳуқуқий-тартибот, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган болиши мумкин.

Бошқарув усуллари маъмурий ва иқтисодий усулларга ҳам болинади. Маъмурий усуллар бошқарув субъйектининг обйектга (фуқаролар, юридик шахслар, давлат хизматчилари) бир томонлама давлат-ҳокимият таъсири кўрсатиш орқали ифодаланади. Бунда ушбу усулни қўллаётган бошқарув субъйекти тэгишли бошқарилувчилар учун мажбурий болган ва юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий актларни қабул қилади. Қабул

қилинган қарор, буйруқ ёки фармойишнинг бажарилмаганлиги интизомнинг бузилиши ҳисобланиб, айбдорга нисбатан қонунда белгиланган мажбурлов чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.

Маъмурий усуллар бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига таъсир кўрсатиш усул сифатида бошқарилувчининг иродасини бошқарувчининг иродасига бўйсундиришда, яъни «ҳокимиятга бўйсундиришда» намоён бўлади. Бошқарув субъйекти ўзига берилган ваколатлар доирасида бир томонлама равишда тэгишли шакллар (ҳужжатлар) орқали ўзининг ҳукмрон иродасини ифодалайди, бошқарилувчилар учун бажарилиши мажбурий болган кўрсатмалар, топшириқлар беради. Ушбу топшириқларнинг мазмунини бошқарилувчилар учун бериладиган қайси ҳаракатларни қандай усулда ва қайси муддатда бажариш кераклиги ёки қайси ҳаракатлардан тийилиш лозимлигига доир кўрсатмалар ташкил қилади. Бундай усуллар муайян бошқарув ҳаракатиарини муволиқлаштириш, бошқарув мақсадларига еришиш, тартиб ва интизомни сақлаш учун ниҳоятда зарурдир.

Бошқарув объектларига тўғридан-тўғри таъсир этиш (маъмурий усул)дан фойдаланмай туриб давлат бошқарувининг мақсад ва вазифаларига еришиб бўлмайди. Тўғридан-тўғри таъсир этиш — бошқарилувчининг иродасига бевосита таъсирни, буйруқ хусусиятига эга еканлигини, берилган кўрсатмаламинг бажарилишини рағбатлантиришни ўзида ифода этади.

Маъмурий усулларни қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

маъмурий усуллар ифодалаш шаклига кўра: ҳуқуқий (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқий мазмунга эга), ташкилий (бошқарув субъйекти томонидан ташкилий-бошқарув ҳаракати арини амалга ошириш) усулларга болинади.

маъмурий усуллар маъмурий-ҳуқуқий хусусиятларига асосла- ниб: норматив ва индивидуал усулларга болинади.

маъмурий усуллар бошқарув обйектига таъсир кўрсатиш даражасига кўра: императив, яъни тақиқларни, тўғридан-тўғри маъмурий буйруқларни, давлат-ҳокимият кўрсатмаларларини назарда тутувчи, шунингдек, тэгишли ҳаракатларни содир этиш ёки тэгишли хулқ-атвоми амалга оширишга мажбурловчи усуллар; ваколат берувчи, яъни маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ёки бошқарувнинг тэгишли актини қабул қилишга рухсат берувчи усуллар; рағбатлантирувчи ва тавсия берувчи, яъни рағбатлантириш ёки маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берувчи усулларга бўлинади.

Давлат бошқарувининг мақсад ва вазифаларига билвосита таъсир этиш, яъни иқтисодий усуллар орқали ҳам еришилади. Иқтисодий усуллар бошқарилувчиларга уларнинг манфаатларини қондириш, турли имтиёзли шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи билвосита таъсир усулидир.

Иқтисодий усулларнинг қўлланилиши натижасида: бошқарув натижаларига еришиш учун бошқарилувчи шахсларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатишга;

бошқарилувчи субъйектларнинг манфаатларига, еҳтиёжларига таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг намунали хулқ-атворда болишини таъминлашга;

маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилишни белгиловчи бошқарув актлари чиқаришга еришилади.

Иқтисодий усулларнинг қўлланилиши маъмурий ёки бошқа усуллар билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий усуллар орқали муайян имтиёзларнинг, шарт-шароитларнинг ўрнатилиши натижасида бошқарувнинг самарадорлигига маъмурий усуллар ёки бошқа таъсир чоралари қўлланилиши оқибатида еришиш мумкин (масалан, солиқ- ларни ўз вақтида тўлаш ҳуқуқ субъйектларининг мажбурияти ёки улар мажбурий чоралар билан таъминланган бўлса-да, иқтисодий усул сифатида солиқ имтиёзи ўрнатиш усулининг қўлланилиши натижасида бошқарув жараёнида муайян самарали натижага олиб келиши мумкин).

Иқтисодий усулларга меҳнат жамоаларини ҳам, алоҳида ходимлами ҳам моддий рағбатлантиришда фойдаланиладиган усулларнинг барчаси киради. Иқтисодий усуллар тизими фойда, иш ҳақи, мукофотлар, кредит, баҳо кабиларни ўз ичига олади. Бирламчи давлат ёки маҳаллий ишлаб чиқариш ташкилоти (корхона, бирлашма) даражасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда иқтисодий рағбатлантириш, хўжалик мустақиллиги, солиққа тортиш сиёсати кабилар алоҳида ўрин тутади.

Иқтисодий рағбатлантириш бошқарув усуҳ сифатида режаҳ равишда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган ҳамда меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган тадбирлар лизимидир.

Иқтисодий рағбатлантириш ижтимоий (меҳнат жамоаларининг ман-фаатлари) ва шахсий манфаатларинг; ходимларинг юксак онглилигига асосланган иқтисодий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг; меҳнат жамоалари ва мансабдор шахсларнинг белгиланган топшириқлар ва мажбуриятларни бажармаганлиги ҳамда ишдаги хатолари учун моддий жавобгарлигини назарда тутувчи иқтисодий жазоларнинг уйғунлигига асосланади.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У меҳнатга ишнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ то лаш принсипининг қўлланишини, меҳнат натижаларининг тўғри баҳола- нишини, иш ҳақининг корхона, бирлашма, ташкилот фойдаси билан алоқадорлигини билдиради. Моддий рағбатлантириш турларидан бирини орган, корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларини иш ҳақи фондидан мукофотлаш, йил натижалари бўйича мукофотлаш ҳамда моддий рағбатлантириш фондидан бериладиган бир марталик толовлар ташкил қилади. Рағбатлантириш фондларининг ҳажми рентабеллик даражасига, шунингдек меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатининг яхшиланиши кабиларга боғҳқдир.

Меҳнат жамоаси (корхона, бирлашма) хўжалик мустақиллиги асосида фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар

ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ҳамда лойиҳа ва конструкторлик ишлари, маҳсулот ва техниканинг янги турларини ўзлаштириш, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланадиган харажатлами толиқ қоплайди.

Олинадиган фойда буджэт, банклар билан ҳисоб-китоб қилиш, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий рағбатлантириш фондлари ва захираларини ташкил қиҳш учун ишлатилади. Даромадларнинг харажатлардан кўплиги ишнинг рентабелли еканидан далолат беради. Моддий манфаатдорлик икки таркибий қисмдан иборат: моддий рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик. Моддий рағбатлантириш чоралари ходимларга самарали меҳнати учун мукофотлар кўринишида бериладиган моддий неъмат- ламинг кўпайиб боришини назарда тутади. Моддий жавобгарлик чоралари еса ходимларнинг фаолияти зарар келтирган ҳолларда улар оладиган моддий неъматлар миқдорининг камайтирилишини назарда тутади.

Бошқарувнинг иқтисодий усулларига кредит киради. Кредит ёрдамида қўшимча капитал сарфлашни талаб этадиган ишлаб чиқариш вазифалари ҳал қилинади. Кредитдан фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ва товарлар шаклидаги фондламинг пул шаклидаги фондларга айланиш жараёни тезлашади, ишлаб чиқариш ва муомала вақти қисқаради, пул маблагларининг айланиши тезлашади. Кредит ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда фан-техника тараққиётини амалга ошириш учун зарур болган пул маблагларининг йирик манбаидир.

Бошқарувда бошқа иқтисодий усуллар, чунончи, солиққа тортиш сиёсати ҳам муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун солиқнинг мақбул фоизини белгилаш ушбу ташкилот- нинг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор болишига ёрдам беради ва аксинча, солиқни асоссиз равишда кўпайтириш ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирмайди. Жамият учун муҳим болган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш мақсадларида давлат имтиёзли солиқлар белгилайди.

Бошқарувнинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш уларнинг самарадорлигини назорат қилишининг амалий тизими болишини талаб этади. Маълумки, моддий мукофот, айниқса индивидуал мукофот миқдорини ошириш, агар у тўғри танланган бўлса, одатда кутилган натижага еришилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, иқтисодий усулларни нотўғри қўллаш моддий мукофотлашнинг кутилган самара бермаслигига олиб келиши мумкин. Масалан, асоссиз равишда моддий мукофот бериш кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади, моддий рағбатлантиришнинг таъсир кучини камайтиради. Мукофот миқдорининг ҳаддан ташқари камлиги одатда рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмайди.

Ички ишлар органларида ходимларни хизматда еришган катта ютуқлари учун пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш, лавозим маошини ошириш каби моддий рағбат- лантириш шакллари кенг қўлланилади.

Бошқа иқтисодий чоралар чекланган соҳаларда қўлланилади, чунки ички ишлар органлари ишлаб чиқариш фаолияти билан уларнинг ишлаши учун зарур шароитлами таъминлашга керак болган даражадагина шуғулланадилар. Улар давлат буджэти ҳисобидан мо- лиялаштириладилар, шу сабабли кредит, солиққа тортиш, фойда, баҳо каби усулларни жорий этишнинг обйектив шароитларига эга емаслар.

Шу билан бирга, бошқарувнинг иқтисодий усуллари Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимига кирувчи ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларининг фаолиятида тўлиқ ҳажмда қўлланилади.

Бошқарувнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари билан бир қаторда, инсонга маънавий, руҳий таъсир кўрсатиш усуллари кенг қўлланилади. Шу сабабли бошқарув таъсири кўрсатишнинг ижтимоий- психологик усуллари мустақил гуруҳ сифатида ажратилади.

Бошқарувнинг маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик усуллари бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига таъсир кўрсатишининг турли усулларини ифодалайди ҳамда ўзаро богликдир. Ушбу усулларнинг ҳар бири иродавий йўналишга, иқтисодий мазмунга эга болиши ҳамда ижтимоий-психологик таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқарув амалиётида усуллар бир-биридан ажратилган ҳолда қўлланилмайди. Барча усуллар ягона вазифага эга, яъни бошқарув мақсадларига еришишга хизмат қилади. Уларни муайян бошқариш субъйектлари қўллайдилар ҳамда шу бошқариш обйект- ларининг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатадилар. Бир бошқарув субъйектига бир вақтнинг ўзида бир неча усуллар қўлланилиши мумкин. Бошқарувнинг барча усуллари мазмуни, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва ташкилий шаклига кўра амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мос келиши керак.

Турли хил бошқарув вазиятлари, тармоқлари ва соҳаларида у ёки бу усуллардан кўпроқ фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасида иқтисодий усуллар афзал деб топилади, бошқарувнинг таълим, маданият, соглиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий-психологик усуллар кенг қўлланилади; мудофаа, ички ишлар, миллий хавфсизлик соҳаларида маъмурий усуллар устунлик қилади.

Бошқарувнинг муайян усулларини танлаш ва уларни амалда қўллаш субъйектив ва обйектив хусусиятга эга болган бир қатор омиллар билан боғлиқ.

Субъектив омил бошқамв таъсири кўрсатиш усулларидан фойдаланишда алоҳида аҳамиятга эга. Етарлича малакага эга бўлмаган ходимнинг бошқамв усулларидан фойдаланишга авторитар ёндашуви салбий оқибатларга, бошқарув мақсадларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли раҳбарлар тайёргар- лигининг сифати ва даражаси, уларнинг билимдонлиги, шунингдек раҳбарларнинг қабул қилаётган бошқарув қарорлари, уларни амалга ошириш усулларини танлаши учун масъулиятини ошириш катта аҳамиятга эга.

Бошқарув усуллари бошқарувнинг реал жараёнида қўлланилади. Бунда бошқамв тизими олдида турган мақсад ва вазифалар, бошқарув

субъйекти ва обйектининг хусусиятлари, муайян ҳаё- тий вазиятнинг табиати ва ўзига хос жиҳатлари, мавжуд усуллардан фойдаланиш самарадорлиги, бошқарув тизимининг амал қилишидаги ички ва ташқи ҳолатлар ҳамда бошқарув субъектининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа обйектив омиллар инобатга олиниши лозим.

Шу сабабли бошқарув усулларидан фойдаланишнинг субъйектив омиллари обйектив шарт-шароитдан келиб чиқиши керак. У ижтимоий бошқарувнинг обьектив қонуниятлари ва еҳтиёжларига бўйсун- дирилиши лозим. Ҳар қандай қарор амалий тажриба ва ишни ҳар томонлама ўрганишга асосланиши зарур.

Ички ишлар органларининг бошқарув тажрибасида, бошқарувнинг бошқа тизимларида бўлгани каби, бошқарув усулларини танлаш ва қўллашда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: бошқарув ишини ҳал қилиш учун енг самарали усулларни ёки уларнинг енг мақбул мажмуини аниқлаш; бошқарув жараёнида танланган усуллардан моҳирлик билан фойдаланиш.

Давлат бошқарувида маъмурий мажбурлаш ва унинг хусусиятлари

Маъмурий мажбурлаш давлат мажбурловининг муҳим таркибий қисми сифатида маъмурий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳуқуқий мажбулов туридир.

Юридик адабиётларда «маъмурий мажбурлаш» атамасининг талқинига оид бир неча ёндашувлами учратиш мумкин. Маъмурий мажбурлашга, енг awало, маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида қаралади. Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида тармоғи сифатида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмэти нуқтаи назаридан маъмурий мажбурлаш давлат бошқарувини амалга оширишда жорий этилади. Маъмурий мажбурлов чораларини маъмурий қонунчиликда мус- таҳкамланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мажбурлов турини тартибга солувчи нормалар маъмурий ҳуқуқнинг мустақил ҳуқуқий институти маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов институти сифатида ҳам еътироф этилади. Шу ўринда маъмурий-ҳуқуқий мажбурлаш билан маъмурий мажбурлаш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш мумкин. Бу тушунчалар ўртасидаги фарқларнинг юзага келишига, «маъмурий мажбурлаш» атамасининг ҳуқуқий асослари, қоллаш тартиби ва субъйектлари нуқтаи назаридан талқин қилинишида турли ёндашув- ларнинг мавжудлиги сабаб болмоқда.

Ўз навбатида, маъмурий мажбурлаш — ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши ёки жамоат хавфсизлигига ёхуд шахснинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатлар юзага келиши муносабати билан айбдор шахсларнинг юридик мажбуриятларини оғишмай бажаришини таъминлашга қаратилган маъмурий ва маъмурий — процессуал ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбурий таъсир чораларининг функсионал ҳокимият субъйектлари томонидан қўлланилишида ифодаланган давлат бошқаруви усулидир.

Маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлаш маъмурий ҳуқуқда ўзига хос хусусиятга эга болиб, алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, бугунги кунга қадар маъму- рий-ҳуқуқий фанда маъмурий мажбурлаш чораларига нисбатан уму- меътироф этилган ягона фикр, қараш йўқ. Шу билан бирга, соҳа олимларининг кўпчилиги маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлашда асосий мезон сифатида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш усули ва ушбу чораларни қўллаш мақсадини асос қилиб оладилар.

Маълумки, дастлаб рус олими М.И.Юропкин ҳам маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлашда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш усулидан келиб чиқиб, маъмурий мажбурлаш чораларини уч гуруҳга тақсимлаган:

маъмурий олдини олиш чоралари;

маъмурий чеклаш чоралари;

маъмурий жазо.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чораларини таъсир этиш усулига кўра олдини олиш, чеклаш, жазо турларига ажратиш ҳақидаги ликрни яна бир неча олимлар қўллаб-қуwатлади.

Юридик адабиётларда маъмурий мажбурлаш чораларининг ушбу таснифидан ташқари бошқа таснифлари ҳам мавжуд. Жумладан, Д.Н.Бахрах маъмурий мажбурлашнинг уч турини, яъни маъмурий жазо, маъмурий чеклаш, тикловчи чоралами қайд этади. АП.Коренев эса, маъмурий мажбурлаш чораларини маъмурий олдини олиш, маъмурий чеклаш, маъмурий жазо, маъмурий-процессуал таъминлаш чораларига ажратади.

Ушбу таснифда келтирилган маъмурий-процессуал таъминлаш чоралари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри- сидаги кодексининг 285-моддасида санаб ўтилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни юритишни таъминлаш чоралари маъмурий олдини олиш (шахсни кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш), маъмурий чеклаш(маъмурий йўл билан ушлаб туриш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш) чораларида ўз ифодасини топган.

Маъмурий олдини олиш чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик ниятида қўлланилади. Хусусан, бу гуруҳда одамлар ёки ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар пайдо болганда шу ҳудудда карантин еълон қиҳниши; давлат чегараларини ёпиш; йўл ҳаракатини чеклаш ва тўхтатиш; транспорт устидан техник назорат ўтказиш; санитария назорати; ёнғиннинг олдини олиш назорати; ҳужжатларни текшириш; олиб кэтилаётган ёки олиб келинаётган молларни текшириш; ички ишлар органларига фуқаролами оҳб кеҳш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий огоҳлантириш (агар фуқаронинг ҳуқуқбузарлик йўлига кирмоқчи бўлгани тўғрисида ахборот бўлса); жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва ҳоказолар киради.

Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 289-моддасига асосан, шахсни кўрикдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чэгара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда еса, шунга ваколати болган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўрикдан олказиш кўрикдан олказилаётган шахс билан бир жинсда болган шахслар томонидан ва шу жинсдаги икки нафар холис иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чэгара қўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни лэгаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги болинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда еса, тэгишли ваколати болган органламинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

## Назорат учун саволлар

1. Давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари деганда нимани тушунасиз?
2. Давлат бошқаруви усулларининг турларини санаб беринг.
3. Бошқарув усулларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда ифодаланади?
4. Ишонтириш усули ҳақида тушунча беринг.

## 1.10. Давлат бошқаруви ҳужжатлари

**Режа:**

**1.** Давлат бошқаруви ҳужжатлари тушунчаси.
**2.** Давлат бошқарув ҳужжатларининг классификацияси.
**3.** Бошқарув ҳужжатларини қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби.
**4.** Бошқарув ҳужжатларининг талабларини бузиш оқибатлари.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Давлат бошқаруви ҳужжатлари, Давлат бошқарув ҳужжатлари, Бошқарув ҳужжатларини қабул қилиш, Бошқарув ҳужжатларини эълон қилиш, Бошқарув ҳужжатларини кучга киритиш, Бошқарув ҳужжатларининг талабларини бузиш оқибатлари, Ҳуқуқий акт.

Бошқарув органлари ўз вазифа ва функсияларини амалга ошириш жараёнида турли хил маъмурий-ҳуқуқий шакллардан фойдаланадилар. Бошқарув фаолияти шакллари бошқарув фаолияти мазмунига мос келиши керак, яъни бошқарувнинг у ёки бу функсиясини амалга оширишда мақсадга мувофиқ ва кам вақт талаб этадиган куч ва воситалардан фойдаланиш лозим.

Давлат бошқаруви жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (уставлар, низомлар, йўриқномалар) билан ўрнатилган бошқарув шаклларидан фойдаланилади. Бошқача айтганда, бошқарув жараёнида давлатнинг у ёки бу вазифасини ҳал этиш, у ёки бу функсиясини амалга оширишнинг рухсат берилган (яъни норматив ҳужжатлар билан белгиланган) шаклларидан фойдаланилади. Акс ҳолда, бошқарув ҳаракатлари ва уларнинг мазмуни шубҳа остига олиниши, норматив ҳужжатлар талабига мос келмаслиги мумкин. Лекин бу бошқарув субъйектининг ўз хоҳишига кўра ҳаракатланиш имко- ниятидан маҳрум этилганлигини англатмайди. Бошқарув субъйекти ҳар бир ҳолат бўйича бошқарув вазифаларини ҳал этиш жараёнида у ёки бу шаклни танлашга ижодий ёндашиши мумкин.

Давлат бошқаруви фаолиятининг ташқи кўрин иш лари турли хил болганлиги сабабли, уни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Бошқарув шакллари турли юридик аҳамиятга эга бўлган маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Уларнинг баъзилари конституциявий нормалар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари) ва қонунлар билан (масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари), бошқалари еса қонун ости актлари билан (масалан, вазирлик, давлат қўмитасининг буйруқлари, кўрсатмалари ва ҳоказо) тартибга солинади. Давлат органларининг ички ташкилий фаолияти шакллари ҳам маълум бир нормалар билан тартибга солинган болиб, ташкилот ичидаги у ёки бу органнинг фаолияти доирасида бўлади (масалан, йўриқномалар).

Давлат бошқаруви шакллари бўйича кенг доирада илмий тадқиқотлар Й.Староссяк томонидан олиб борилган болиб, унинг моногралиясида бошқарув шакУаринингқуйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, умуммажбурий нормаларни ўрнатиш; иккинчидан, маъмурий актлар қабул қилиш; учинчидан, шартномалар тузиш; то ъртинчидан, ижтимоий-ташкилий фаолиятни амалга ошириш; бешинчидан, моддий-техник ҳаракатларни бажариш.

Ю.М. Козлов бошқарув шаклларига тўхталиб, уларни икки гуруҳга ажратади:

Биринчиси — ҳуқуқий шакллар. Ҳамма вақт маълум бир юридик оқибатларни вужудга келтирадиган ҳаракатлар. Бу ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг бевосита ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракатлари ҳисобланади. Бундай ҳаракатларда юридик ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Мазкур гумҳга кирувчи ҳаракатларнинг хусусиятлари — бошқарувнинг ҳуқуқий актларида яққол намоён бўлади.

Иккинчидан — ноҳуқуқий шакллар. Ушбу шакллар бошқарувнинг ҳуқуқий актларини қабул қилишни назарда тутмаганлиги сабабли, юридик оқибатларни тўғридан-тўғри вужудга келтирмайди. Улар ҳуқуқий шаклларга хос болган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Ноҳуқуқий шакллар ҳуқуқий шаклларни қўллашга ёки уларни кейинчалик амалга оширилишига кўмаклашувчи турли хил ташкилий ҳаракатлар ҳисобланади.

Давлат бошқаруви актларининг мазмуни ва хусусиятлари

Маъмурий ҳуқуқ назариясида бошқарувнинг ҳуқуқий акти институти алоҳида аҳамиятга эга болиб, унинг доирасида давлат бошқарувининг енг муҳим функсиялари амалга оширилади. Тэгишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари, қоида бўйича, норматив ёки норматив болмаган ҳуқуқий актлар шаклида расмийлаштирилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари ижтимоий бошқарув олдида турган мақсад ва вазифаларга еришиш учун унинг ҳаракатиарини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари муаммосига оид ҳуқуқ- шунос олимларнинг кўпдан-кўп илмий ишлари мавжуд болиб уларнинг аксарияти ўқув юртларида бошқарув ҳуқуқий актлари (маъмурий ҳуқуқий актлар)ни ўрганишга қаратилган махсус фанни киритиш тарафдоридир.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари, ҳозирги вақтда, кенг норматив асосга эгадир, яъни бундай актларни қабул қилиш ва унинг тартиби — Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Бошқарув ҳуқуқий актларини қабул қилиш — ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий актлар орқали мазкур субъйектларнинг вазифалари, функсиялари ва ваколатлари, яъни компэтенсияси бевосита амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари дэганда — ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг бир томонлама ҳокимият кўрсатмаларини ифодалаш,

юридик оқибатларни вужудга келтириш ва бажарилиши мажбурий болган актлар тушунилади.

Ҳуқуқий актлар — бошқарув қарорларининг юридик шакли болиб ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият органи (мансабдор шахс) ваколати доирасида ҳуқуқий акт қабул қилиш орқали умумий (норматив) ёки индивидуал (якка, маъмурий) аҳамиятга эга болган масалаларни ҳал этади.

Ҳуқуқий акт — ижро этувчи ҳокимият субъйектининг бир томонлама юридик ҳокимияти иродасини намоён этиб, биринчидан, давлат-бошқарув фаолиятининг ҳокимият табиатини ифодалайди; иккинчидан, унинг ёрдамида ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифа ва функсиялари амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий акти — императив хусусиятга эга болиб, унинг талаблари қайси субъйектга қаратилган болса, унинг учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳуқуқий актларнинг ижроси, унинг талабларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларни юридик жавобгариикка тортиш таҳдиди билан таъминланади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари:

биринчидан, давлат бошқаруви соҳасида хулқ-атвор қоидаларини ўрнатади;

иккинчидан, аниқ бир маъмурий-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи юридик факт сифатида намоён бўлади. Масалан, вазир ўз буйругл билан тэгишли соҳада фаолият юритувчи барча давлат органлари, мансабдор шахслар, корхона ва муассасалар учун мажбурий болган қоидалар ўрнатиши мумкин. Шунингдек, унинг шахсни маълум бир лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйругл билан, аниқ давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиши мумкин.

Бошқарувнинг ҳар қандай шаклдаги ҳуқуқий акти қонун ости хусусиятига эга бўлади, яъни улар ваколатли давлат органлари томонидан Конституция ва қонунларга асосланиб ва уларни ижро этиш мақсадида қабул қилинади.

А. Г. Чернявскийнинг фикрича, давлат бошқарув актлари ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг бошқа шаклларидан фарқ қилган ҳолда қуйидаги о ъзига хос хусусиятларга эгадир:

бошқарув актлари — ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг, яъни маъмурий ҳуқуқ субъйекти ҳисобланган ижро этувчи ҳокимият органлари ёки корхона ва муассаса маъмуриятининг юридик ҳокимияти иродасини ифодалашдир. Бу актлар — маъмурий ҳокимиятнинг мақсад ва функсияларини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири бо либ, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг асосий шакли ҳисобланади. Бошқарув актлари - бошқарув субъйектлари томонидан мамлакатнинг хўжалик, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларига кундалик ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш жараёнида қабул қилинадиган қарорлардир. Бошқарув актлари ўртасида ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслар) томонидан қабул қилинадиган актлар алоҳида аҳамиятга эгадир;

бошқарув актлари — ижро этувчи ҳокимият ёки маъмурий ҳуқуқнинг ваколатли бошқа субъйекти томонидан қабул қилиниши мумкин. Бу актлар - бошқарув қарорларининг ҳуқуқий шаклларидан бири ҳисобланади;

бошқарув актлари — адресатга (яъни қайси шахсга қаратилган бўлса), императивлик, мажбурийлик хусусиятига эга, унда бир томон (маъмурий ҳуқуқ субъйекти)нинг тэгишли иродаси ифодаланган бўлади;

бошқарув актлари — хулқ-атворни, маълум бир қоидани ўрнатиш ва тартибга солиш хусусиятига эгадир;

бошқарув актлари — маъмурий-ҳуқуқий муносабатламинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор болишида ҳуқуқий асос болиб хизмат қилади.

Демак, бошқарув акти — бошқарув қарорларининг ҳуқуқий шакли болиб, маъмурий ҳуқуқнинг тэгишли субъйекти (ижро этувчи ҳокимият органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда иродани ифодалаш актидир; қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга болган ва ижро этувчи ҳокимият соҳасидаги вазифа ва функсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган актдир.

Ю.Н.Стариловнинг фикрича, бошқарувнинг ҳуқуқий актларига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

Ҳуқуқий акт — бошқамв вазифалари ва функсияларини амалга ошириш учун бошқамв жараёнининг ўрнатилган қоидалари асосида тайёрланган ва қабул қилинган бошқарув қарорининг бир шаклидир. Бошқамв қарори ўз моҳиятига кўра бошқамв субъйектларининг режалаштирилган ва назарда тутилган ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий акт — компэтенсия доирасида ваколатли бошқарув субъйекти (давлат органи, мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

Ҳуқуқий акт — бир томонлама тартибда, яъни оммавий бошқарувнинг махсус органи ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинади. Бошқарув акти қаратилган субъйектлар ҳокимият иродасини ифодаловчи субъйектнинг ҳаракатига таъсир кўрсата олмайди.

Шу билан бирга, бошқарув акти қаратилган шахслар ёки ташкилотлар ҳуқуқий актнинг амал қилиши жараёнида унинг асосланганлиги ва қонунийҳгини аниқлашга (масалан, судда ишни кўриб чиқиш орқаҳ) ҳаракат қилишлари мумкин. Ҳуқуқий акт суд тартибида ёки маъмурий тартибда кўриб чиқилиши ва қонунга зид деб топилиши мумкин.

Ҳуқуқий акт — бошқарув органининг юридик ҳокимияти иродасини ифодалаш болиб, унда давлат-ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий актнинг намоён болиши давлат ва жамият манфаатлари билан изоҳланади ва у аниқ муносабатларни тартибга солишга, умуммажбурий қоидаларни ўрнатишга, шунингдек, бошқарув жараёнида вужудга келадиган низолами ҳал этишга қаратилган бўлади.

Ҳуқуқий акт — бошқарув соҳасидаги хулқ-атвор (юриш- туриш)нинг мажбурий қоидаларини, ҳуқуқ нормаларини белгилаб беради ёки аниқ бир бошқарув муносабатларини тартибга солади.

Ҳуқуқий акт - давлат бошқаруви соҳасида субъйектларнинг намунали хулқ-атвор доирасини белгилаб беради. У маъмурий- ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор болиши учун ҳуқуқий асосни яратади ёхуд бундай муносабатларнинг бевосита вужудга келиши, ўзгариши ва бекор болишида юридик факт сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқий актлар қонуний, яъни ҳуқуққа мос келади ёки қонун ости хусусиятига эга бўлади.

Ҳуқуқий акт - бошқарув органлари (мансабдор шахслар) фаолияти жараёнида фойдаланиладиган юридик аҳамиятга эга болган ҳужжатларминг бир кўриниши ҳисобланиб, бир томонлама ҳокимият иродасини ифодалашни назарда тутмаган ва юридик аҳамиятга эга болган маълумотнома, хулоса, баённома, тафтиш далолатно- маси, инвентаризация, текшириш ҳужжатлари орқаҳ намоён бўлади.

Ҳуқуқий акт — махсус шаклга ҳамда қабул қилиш (тасдиқлаш)нинг алоҳида тартибига эгадир. Одатда улар муайян қоидаларга, яъни лойиҳани тайёрлаш, келишиш, муҳокама қилиш, експертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва еълон қилиш тартибига риоя қилган ҳолда ёзма шаклда қабул қилинади.

Бошқарув ҳуқуқий актлари фақатгина бошқарув соҳаси билан чэгараланмайди. Ҳуқуқий актлар орқали бошқа ҳуқуқ тармоқлари предмэтини ташкил этувчи ижтимоий (масалан, молиявий, меҳнат, экологик) муносабатлар ҳам тартибга солинади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари қонунчилик ҳужжатларини янада аниқлаштириш мақсадида кўпгина масалаларни ҳал этади.

Бошқарув актларининг асосий хусусиятларидан яна бири — бу уларнинг юридик аҳамиятга эга еканлигидир, яъни:

биринчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари — юридик фактлар сифатида намоён бўлади, ҳуқуқий муносабатламинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишида, ҳуқуқ субъйектлари ҳуқуқий мақомига янгича тус беришда фактик асос бўлиб хизмат қилади (масалан, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ - давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини вужудга келтиради);

иккинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари — ҳуқуқ нормаларини ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади; кенг доирадаги шахслар иштирок этган муносабатларни бир хил тартибга солади; бошқарув тартибини, маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини белгилаб беради.

Бошқарувнинг норматив ёки индивидуал актлари у ёки бу субъйектнинг хулқ-атворини, унга ҳуқуқлар бериш ёки аниқ мажбуриятлар юклаш орқали ёхуд ҳар иккисини ҳам ўрнатиш орқали тартибга солади;

учинчидан, бошқарув актлари бошқа ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишида хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида вазирликлар, давлат қўми- талари ёки бошқа органларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинади;

тўртинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари маълум бир юридик жараёнда (масалан, судлар томонидан фуқаролик, маъмурий ёки жиноий ишларни кўриб чиқишда) далил сифатида намоён бўлади;

бешинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий актларнинг амал қилишида ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари амалга оширилишида хизмат қилади. Масалан, юридик шахсни давлат рўйхатига олганлик тўғрисидаги қарор мазкур шахснинг турли фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишга имконият беради;

олтинчидан, бошқарув актлари ҳуқуқий воситалар, жумладан: маъмурий ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини ўз вақтида амалга ошириш; маъмурий ислоҳотларни олиб бориш; давлат бошқаруви мақсадларига еришиш; ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, давлат ва маҳаллий хизматчиларнинг иш фаолиятини ташкил этиш; фуқаролар ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Бошқарув ҳуқуқий актларининг хусусиятлари унинг моҳияти ва юридик табиатини, шунингдек, унинг ижтимоий муносабатларга таъсирининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви фаолиятининг бошқа шакллари

Бошқарув фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклларидан бири — маъмурий-ҳуқуқий шартномалар тузиш ҳисобланади. Ҳозирги шароитда маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг аҳамияти — ижтимоий муносабатларни тартибга солишда оммавий ҳуқуқнинг, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатларда шартномалар ролининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

Оммавий-ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилиши нафақат ижро этувчи ҳокимият соҳасида интизом ва жавобгарликни кучайтиришга, балки шартнома воситаларини қўллаш орқали бошқарув вазифаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга йўналтирилган.

Маълумки, хусусий ҳуқуқ соҳасида шартнома субъйектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи одатий восита сифатида намоён бўлади. Бу муносабатлар, қоида бўйича, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади ҳамда унинг иштирокчилари тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш еса, норматив ва императив хусусиятга эга болган кўрсатмалар воситасида амалга оширилади. У умумий мақсадларга еришиш ва оммавий манфаатларни қондириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг иродаси ва хулқ-атворига ҳокимият-бошқарув таъсирини кўрсатади.

Оммавий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида усули ҳисобланган — шартномалардан ҳам фойдаланилади. Оммавий- ҳуқуқий соҳада шартномалар, оммавий манфаатларни қондириш мақсадида, бошқарув функсияларини (масалан, муволиқлаш- тириш, бўйсунув, ташкил этиш, тақсимлашни) ўз зиммасига олади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар муаммосига нафақат моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар, яъни муносабат иштирок- чилари, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, ижро этиш тартибини ўрнатувчи нормалар орқали, балки унга маъмурий- процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш лозим бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар жараёни — бошқарувнинг маълум бир тури сифатида, маъмурий жараён таркибга киради.

Демак, ма ъмурий-ҳуқуқий шартнома — бу маъмурий- процессуал жараённинг бир тури болиб, ўзининг моддий қисми (мазмуни)га эга. Амалдаги қонунчиликда унинг айнан процессуал қисмини ривожлантириш, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар муаммосига бағишланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар ваколатларнинг тақсимланиши ва юқоридан қуйига берилиши, маълум соҳаларда турли субъйектлар фаолиятини муволиқлаштириш, ресурслар- дан фойдаланиш мақсадида уларни бирлаштириш билан боглиқ горизонтал муносабатларда ифодаланишини кўрсатиб оладилар.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг мазмуни уларнинг хусусиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Юридик адабиётларда берилган тушунчаларга таяниб, маъмурий-ҳуқуқий шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларга махсус мажбуриятлар (шартлар)ни назарда тутадиган ва оддий фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доирасидан ташқари чиқадиган шартномаларни киритиш мумкин.

## Назорат учун саволлар

1. Давлат бошқаруви ҳужжатлари тушунчаси?
2. Давлат бошқарув ҳужжатларининг классификацияси?
3. Бошқарув ҳужжатларини қабул қилиш тартибини изоҳланг?
4. Бошқарув ҳужжатларини эълон қилиш тартибини изоҳланг?
5. Бошқарув ҳужжатларини кучга киритиш тартибини изоҳланг?
6. Бошқарув ҳужжатларининг талабларини бузиш оқибатлари қандай?

## 1.11. Маъмурий жавобгарлик

**Режа:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби.
2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари.
3. Маъмурий жазо турлари.
4. Маъмурий жавобгарликдан озод этиш асослари.

**Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар:** Маъмурий жазо ва унинг мақсади, Маъмурий жазонинг вазифалари, Маъмурий жазони қўллаш, Маъмурий жазо қўлланиши, Маъмурий жавобгарликни енгиллаштириш. Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар. Енгил маъмурий жазо чораси, Бир неча ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолати, Маъмурий жазонинг қўлланиш муддати, Маъмурий жазо чораси, Асосий маъмурий жазо, Қўшимча маъмурий жазо, Маъмурий жарима тартиби, Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли.

Маъмурий жавобгариик тушунчаси ва унинг асосий хусусиятлари. Маъмурий жавобгарликнинг қонунчилик асослари. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби: объект ва объектив томон, субъект ва субъектив томон. Маъмурий жавобгариик субъектламипг турлари: жисмоний шахслар, мансабдор шахслар, махсус субъектлар. Маъмурий жазо турлари: жарима, ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; ашёни мусодора қилиш; махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш; маъмурий қамоқ. Маъмурий жазоиии қўллаш тартиби. Маъмурий жавобгарликнинг жамоат таъсири чоралари билан уйғунлашуви. Маъмурий жавобгарликдан озод этиш. Маъмурий жавобгарликничэгаралаш. Ташкилотламинг маъмурий жавобгарлиги. Алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгариик. Маъмурий жавобгарликни лебирализациялаш масалалари. Маъмурий жавобгариик тўғрисидаги кодекснининг янги концепцияси.

Интизомий жавобгариик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Интизомий ножўя ҳаракат ва унинг таркиби. Маъмурий ҳуқуқ нормалари бўйича интизомий жавобгариик субъектлари. Интизомий жазолар ва улами қўлла$ҳ тартиби. Маъмурий ҳуқуқ бўйича моддий жавобгарликнинг хусусиятлари, унинг субъектлари ва қўллаш тартиби.

Юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: биринчиси, қонуннинг ҳуқуқий (норматив) асоси сифатида; иккинчиси — маъмурий ножўя хатти-ҳаракатнинг (ҳуқуқбузарлик) фактик асоси сифатида 1.

Ҳар икки асос ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда МЖТК) 1-моддасида маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий (норматив) асоси мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддасига биноан еса, маъмурий ҳуқуқбузарлик дэганда (фактик асос) қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгариикка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайри- ҳуқуқий, айбли (қасддан ёки ехтиёцизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракацизлик тушунилади.

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг маз- муни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга болиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий ма ънода, фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи хулқ-атвор бўлиб, у гоктимоий муносабатламинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасддан ёки ехтиёцизлик орқасидан содир этиладиган хулқ-атвор болиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади.

Ҳуқуқбузарлик ўматилган хулқ-атвор қоидаларининг бузилишида ифодаланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик уч хил аломатни ўз ичига олади:

ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракацизлик;

айбдорлик;

жавобгарликка тортиш.

Маъмурий қонунчилик томонидан тақиқланган ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракацизлик ғайриҳуқуқий маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайди- ган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири - маъмурий ҳуқуқбу- зарликдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги умумий хусусият- ларга эга.

Биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик — ижтимоий зарарли ҳисобланади, яъни унинг содир этилиши жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига моддий ва маънавий зарар етказади.

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик — ма ъмурий ҳуқуққа хилоф ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонунчилик ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган.

Айрим ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бузиш маъносида талқин қилинади. Лекин маъмурий- ҳуқуқий нормалар турли кўринишга эга, масалан, намунали хулқ- атвор қоидаларини ўматувчи, тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва бу қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарлик ўрна- тувчи, муҳофаза этувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда, одатда, уч кўриниш- даги: интизомий, маъмурий важиноий жазо санксияларидан фойдала- нилади. Мазкур санксиялар барча ҳуқуқ тармоқларида муҳофаза қилиш вазифасини бажаради. Масалан, конституциявий, молия, меҳнат, фуқаролик, йер ва

бошқа ҳуқуқ тармоқлари маъмурий жавобгарликнинг тартибга солувчи нормалари орқаҳ муҳофаза қилинади.

Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик умумий маъмурий- ҳуқуқий нормалар бузилиши сифатида емас, балки аниқ тартибга солувчи нормалар бузилиши сифатида талқин қилиниши лозим.

Учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик қилмишдир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик - бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракацизлигида ифодаланади.

Тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик - жисмоний шахс томонидан содир этиладиган қилмишдир. Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга биноан маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъйекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар намоён болиши мумкин.

Бешинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликда айбнинг мавжудлиги, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан ёки еҳл иёлсизл ик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.

Олтинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик жазога сазовор қилмишдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик дэганда қонунчилик ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгариикка тортиш назарда тутилган қилмиш тушунилади.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик дэганда — қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгариикка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқаронинг ҳуқуқлари ва еркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳу- қуқий, айбли (қасддан ёки еҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракацизлик тушунилади.

Ҳуқуқбузарликнинг барча хусусиятлари ҳисобга олиниб, шахсни амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгариикка тортиш мумкин емас, деб ҳисобланган тақдирда, бу ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жавобгарлик амалга оширилади. Жавобгариикка тортиш - ҳуқуқбузарликнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг 2-қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, агар бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгариикка тортишга сабаб бўлмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Лекин жиноий жавобгариикка тортишга сабаб бўладиган ҳолатлар мазкур Кодексда назарда тутилмаган. Фақатгина, МЖТК 271-моддасининг 8-бандида маъмурий жавобгариикка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан жинояий иш қўзгатилган бўИса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритишни бошлаш мумкин емаслиги, бошланган ишнинг еса тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда «ҳуқуқбузарлик» ва «ножо ъва хатти-ҳаракат» терминлари кўрсатиб ўтилган. Бу терминлар мазмуни ва хусусиятлари жиҳатидан ўхшаб кэтади. Лекин ҳуқуқбузарлик кенг тушунча болиб, ҳуқуқ назариясига биноан, барча ҳуқуқбузарликлар жиноят ёки ножўя хатти-ҳаракат сифатида намоён болиши мумкин. Маъмурий, интизомий

ҳуқуқбузарликлар маъмурий, интизомий ножўя хатти-ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ўз номи ҳам ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатдир. Бу қилиниши тақиқланган нарсани содир этиш ёки ҳуқуқий норма билан буюрилган нарсани қилмасликдир. Кодекснинг баъзи моддалари муайян турдаги ҳуқуқбузарликларга таъриф беришда гипотезани (диспозицияни) ва ҳуқуқий норма санксиясини ўз ичига олади, лекинкўпинча у «қоидаламибузиш...» дэганҳавола қилувчи ифодани қоллайди (сўнгра айнан қандай қоидалар ҳақида гап бораётгани кўрсатилади ва санксия қўлланилади).

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда ма ъмурий ҳуқуқбузарликлар тажовуз қиладиган ижтимоий муносабатлар доираси атрофлича тавсифлаб берилган. Уларга аҳолининг соғлиғига, мулкига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, саноат, қурилиш, иссиқлик ва електр енергиясидан фойдала- нишдаги, савдо ва молия каби соҳалардаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар киради.

Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларга умумий тавсиф беришда уларни жиноятлардан фарқли оларок ижтимоий хавлли хатти-ҳаракатлар деб атамаган. Бу билан ҳуқуқбузарликларнинг мазкур икки тури ўртасидаги фарктлар қайд этилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида еса жавобгарликнинг содир этилган айбга муволиқ- лигини таъминлаш ва давлат мажбурловининг ҳаддан ташқари кенгайи- шига барҳам берилиши назарда тутилган. Маълумки, содир этилган жиноятлар учун санксиялар жиноятга оид қонунчилик ҳужжатларида «жазолаш» деб аталган, хусусан, «жазо» сифатида тавсифланган. Маъмурий ҳуқуқда еса «жазолаш» ва «жазо» атамалари йўқ ва жиноятлар билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун бериладиган санксиялар шу билан сифат жиҳатидан фарқ қилиши таъкидланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг қонунларга риоя қилиш, умумий яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ҳуқуқ- бузарларнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам янги ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш мақсадида фақат «жавобгарлик меъёри» татбиқ этилади. Бинобарин, қонун чиқарувчи маъмурий жазо қўллаш мақсадини аниқлаш вақтида жиноий жазо мақсадидан фарқли оларок, «тузатиш ва қайта тарбиялаш» кўрсатиб ўтилмайди, бу ҳам жиноят содир этган шахсларга қўлланиладиган чоралар билан маъмурий ҳуқуқбузарликка ёл қўйган шахсларга нисбатан (булар, одатда, тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож емас) қолланиладиган чоралар ўртасидаги фарқни билдиради. Бироқ, маъмурий ҳуқуқбузарликлар орасида жиноятларга туташиб кэтадиган- лари ва уларга яқинлари ҳам бўлади. Ана шу «чэгара минтақаси»га нисбатан ҳуқуқбузарликларни тўғри таснифлаш муаммоси жуда муҳим ва айни вақтда мураккабдир.

МЖТК Махсус қисмининг кўпгина моддаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан уларга яқин жиноятлар ўртасида аниқ чэгара мавжуд емас. Бундай чэгара ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайди ва улар

фақат Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик тўғриси- даги кодекснинг тэгишли моддалари қиёслангандагина кўзга ташланади. Қонун чиқарувчи чэгара чизиқлари сифатида қуйидаги белгилардан фойдаланади: оғир оқибатларнинг мавжудлиги, ана шундай оқибатларнинг рўй бериши мумкинлиги; ҳуқуқбузарлик етказган зарарнинг миқдори; маъмурий жазо қўлланилган тақдирда ҳуқуқбузарликнинг такрорланиши ёки бир неча марта содир болиши, қасддан ёки еҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши, яъни қасддан айб еканини била туриб содир этилиши жиноят ҳисобланади (жиноят белгилари орасида камдан-кам ҳолларда фойдаланилади). МЖТКнинг 10-моддасига кўра маъмурий ҳукуқбузарлик содир қилганлик учун қонунчилик ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бу жавобгарлик бошқа жиноий, интизомий, моддий ва бошқа жавобгарликдан фарқли болган маъмурий жавобгарликдир. Чунки ҳамма учун мажбурий болган қоидаларнинг барчаси ҳам маъмурий жавобгарлик орқали муҳофаза қилинавермаслигини ҳисобга олиш керак.

Қонунда маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг субъйектив томонига катта еътибор берилади ва шуни ҳисобга олган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарликни у билан ташқи томондан ўхшаш обйектив ғайриҳуқуқий хулқ-атвордан, у билан расман ўхшаш бўлган ҳаракатлардан фарқ қилинади. Масалан, охирги зарурат, зарурий мудофаа ва ғайриҳуқуқий ҳолатда, қонунга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик йўқ ва шу сабабли маъмурий жавобгарлик истисно қиҳнади.

Маъмурий жавобгарлик оммавий ҳуқуқий хусусиятга эга. Бу давлат ва унинг ваколатли органлари олдидаги жавобгарликдир. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан бирон-бир кишига мулкий зарар етказилган болса, у ҳолда бу зарарни қоплаш масаласи алоҳида (зарарнинг миқдори ва ишни ҳал қиладиган органга қараб) ҳал этилади ёки маъмурий тартибда ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш билан бир вақтда суд томонидан умумий даъво билдириш тартибида ҳал қилинади. Биринчи ҳолда биз янги ҳуқуқий ҳодисани, маъмурий ишдаги фуқаролик даъвосини билдиришга ўхшаш бир ҳолатни кўрамиз. Зарарни бундай қоплаш маъмурий жавобгарлик ҳисобланмайди.

Қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгар- ликдан озод қилиш мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли болган тақдирда орган, мансабдор шахс умуман огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин, бу еса маъмурий жазо ҳисобланмайди. Бу ўринда маъмурий ҳуқуқбузарлик яққол кўриниб турса ҳам унинг учун жавобгарлик белгиланмаган. Мазкур хатти-ҳаракат учун қонунчилик ҳужжатларида айнан маъмурий жавобгарлик кўзда тутилганлиги ва унинг ўзи шу сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши факти бундай хатти-ҳаракат учун жавобгарликнинг бошқа тури болган интизомий жавобгар- ликнинг қўлланишини асло истисно қилмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бундай ҳуқуқбузарлик содир этганида айрим тоифадаги ходимлар учун маъмурий жавобгарлик емас, балки бевосита интизомий жавобгарлик қўлланишини назарда тутади, бу еса

ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларга бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳамда интизомий хатти-ҳаракат сифатида икки томонлама баҳо бериш билан боғлиқдир. Масалан, ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органларининг оддий аскар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий емас, балки интизомий жавобгар бўладилар. Қонунчилик ҳужжатларида юридик жиҳатдан икки томонлама баҳо бериладиган, яъни ҳам интизомий, ҳам маъмурий жазо бериладиган айни битта хатти-ҳаракатга нисбатан тақиқлаш мавжуд емас.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари. Юқорида кўриб ўтганимиздек, давлатнинг ҳуқуқий тизими, одатда жиноий, маъмурий ва интизомий жазо санксиялари билан муҳофаза қилинади. Жумладан, аниқ ҳолатларга қараб сайлов ҳуқуқини, мулкчиликни, меҳнат, санитария, екология қоидаларини бузганлик учун жиноий, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Ушбу жавобгарликларнинг биринчи ўхшаш томони шундаки, улар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилади; иккинчидан, бу жавобгарлик санксиялари қонунлар билан ўрнатилган; учинчидан, улар ҳуқуққа хилоф айбли қилмиш (ҳуқуқбузарликлар) учун қўлланилади; тўртинчидан, қонунчилик ҳужжатларида жавобгарликни қўллаш жараёни ва уни қўлловчи органларминг ваколатлари кўрсатиб ўтилган; бешинчидан, уларни қўллаш айбдор шахсга нисбатан «нохуш» оқибатларга, шунингдек, маълум муддатга жавобгариикка тортил- ганликка (масалан, жиноятда судланганлик, маъмурий ва интизомий жавобгариикка тортилганликка) олиб келади.

Демак, жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик кўпгина ўхшаш томонларга эга. Лекин қонунийлик тартибини таъминлашда ҳуқуқбузарликни таснифлаш, айбдор шахсни қонуний ва асослан- тирилган жазога тортиш мақсадида, ҳуқуқбузарлик кўринишларини фарқлаш лозим.

Жиноят ножўя (маъмурий, интизомий) хатти-ҳаракатдан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу биринчи навбатда, ҳуқуққа хилоф қилмишнинг ижтимоий хавфи ва турига тэгишли. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган обйектларга зарар етка- задиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқа- радиган қилмиш — ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишдан келиб чиқадиган моддий, яъни жамиятга етказиладиган зарар даражаси биринчи ўринда туради. Айнан унга қараб ҳуқуққа хилоф қилмишнинг тури: жиноий, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик еканлиги масаласи ҳал қилинади. Иккинчидан, мазкур жавобгарликларни фарқ- лашда уларнинг турли процессуал нормалар орқали тартибга солинган- лиги, шунингдек, судланганлик, маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилганлик масаласи еътиборга олинади.

Юридик адабиётларда, ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилиги масаласи бўйича икки хил ёндашув мавжуд. Кўпгина ҳуқуқ- шунос олимлар,

ҳуқуқбузарликларнинг барчаси ижтимоий хавлли, яъни ижтимоий хавли юқори болган хатти-ҳаракатлар жиноят, ножўя хатти-ҳаракатлар еса, кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик, деб кўрса- тадилар.

Баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг кўрсатишича, ҳуқуқбузарликлар ўртасида миқдорий даража (ижтимоий хавфнинг юқори ёки кам аҳамиятлилиги) емас, балки аниқ сифат даражасида фарқлар мавжуд. Жиноят — ижтимоий хавлли, ножўя хатти-ҳаракатлар еса, ижтимоий хавлли емас.

Ҳуқуқбузарликда ижтимоий хавфнинг мавжудлиги ёки йўқлиги масаласи тэгишли давлат органлари ваколатига мансуб ва ҳуқуқбузарлик таркибининг хусусиятларини аниқлаш орқали ҳал қилинади.

Ножўя хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавлли қилмишга кириши ёки кирмаслиги масаласи анча вақтдан буён мунозарали болиб келмоқда. Ижтимоий хавлли қилмишнинг аниқ даражалари ўрнатилмас екан, ягона қарорга келиш мушкулдир. Масалан, белгиланмаган жойдан кўчани кесиб олиш, транспортда чиптасиз юриш, ҳарбий рўйхатда туриш мажбуриятини бажармаганлик ва бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар ижтимоий хавлли деб топилса, «ижтимоий хавлли» дэган ибора тушунчаси нима, бу тушунчанинг чэгараси қайерда, дэган савол вужудга келади.

Ижтимоий хавфли қилмиш — ижтимоий муносабатларга маълум бир зарар келтирадиган ёки келтириши мумкин болган қилмишдир. Бундай хатти-ҳаракатлар йиглндиси муайян шароитда, жиноят юзага келишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, барча ҳуқуқбузарликни (шунингдек, маъмурий ножўя хатти-ҳаракат- ларни) ижтимоий хавфли қилмиш деб топиш мумкин емас.

Баъзи ҳуқуқшунос олимлар, маъмурий ножўя хатти- ҳаракатларда ижтимоий хавфнинг болишини, бутунлай инкор этадилар. Лекин умумий қоидага тўғри келмаса ҳам, баъзи бир ножўя хатти-ҳаракатлар ижтимоий хавфни вужудга келтириши мумкин.

Ножўяхатти-ҳаракатлар, одатда, ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга болмай, ижтимоий зарарли қилмиш ҳисобланади.

Демак, жиноятнинг ножўя хатти-ҳаракатдан асосий фарқи шундаки, унда қилмиш ижтимоий хавфли ҳисобланади. Масалан, айнан битта кўринишга эга болган, лекин икки хил жавобгарликни вужудга келтирадиган ҳуқуқбузарликни, яъни жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ўртасидаги фарқни, ижтимоий хавфлилик даражасида кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41- моддасига биноан ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр- қимматини қасддан камситиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддасига биноан еса, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жиноят ҳисобланади. Бунда, ҳақорат қилиш ҳаракати маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, қайта содир этилиши ижтимоий хавфни (жиноий қилмишни) вужудга келтиради.

Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларга тавсиф берар екан, жиноятлардан фарқли ороқ, уларни ижтимоий хавфли хатти- ҳаракатлар деб атамаган (Қаранг, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг 1-қисми). Бу билан мазкур ҳуқуқбузарликлар икки турининг сифат жиҳатдан фарқлари қайд этилган.

Масалан, маъмурий ҳуқуқбузарлик билан жиноят ўртасидаги фарқловчи хусусиятлар (чэгара чизиқлари) сифатида: биринчидан, оғир оқибатларнинг мавжудлиги, уларнинг рўй бериши мумкинлиги; иккинчидан, ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарнинг миқдори; учинчидан, маъмурий жазо қолланилгандан сўнг такроран ҳуқуқбузарлик содир этиш ва бошқалар кўрсатиб олилади.

Қилмиш жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлангандан сўнг, жавобгариикка тортиш тартиби, жазо чораси ва бошқаларда намоён болувчи иккинчи даражали хусусиятлар вужудга келади.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан 16 ёшга толган фуқаролар, Жиноят кодексига биноан еса, айрим жиноятлар учун 13 ёшга толган фуқаролар жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жавобгарликда уни қўллаш жараёни соддалаштирилган (масалан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга баённомани тузиш орқали маъмурий жазони қўллаш мумкин), жиноятда еса, жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш лозим; маъмурий жавобгарлик суд ва бошқа давлат органлари томонидан, жиноий жавобгарлик еса, фақатгина суд органлари томонидан қўлланиши мумкин ва ҳоказо.

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар билан интизомий ножўя хатти-ҳаракатларни таққослаганда, уларнинг иккаласи ҳам ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланмаслигини еътиборга олиш лозим. Лекин уларнинг формал хусусияти - ҳуқуққа хилофлиги нуқтаи назаридан келиб чиққанда, маълум фарқли томонлар мавжуд. Маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боглиқ барча ҳолатлар: унинг таркиби, санксиялар тизими ва бошқалар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади. Интизомий ножўя ҳатти-ҳаракатларга қарши кураш - меҳнат қонунчилиги билан, ҳарбий хизматчиларнинг, йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бош- лиқлар таркибига мансуб шахсларнинг интизомий жавобгарлиги - маъмурий қонунчилик (интизом уставлари) билан, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони олаш қоидалари жиноят ижроия қонунчилиги билан тартибга солинади. Бунда интизомий ножўя хатти- ҳаракатларнинг таркиби умумий асосда кўрсатиб олилган, яъни аниқлаштирилмаган.

Интизомий жавобгарлик одатда, хизмат вазифаларини бажармаган-ликдан ёки лозим даражада бажармаганликдан вужудга келади. Маъмурий жавобгарлик еса, умумий қоидага биноан, давлат бошқаруви соҳасидаги умуммажбурий қоидалар бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмагандан келиб чиқади. Демак, маъмурий жавобгарлик орқали

муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар доираси, интизомий жавобгарликка қараганда кенгроқдир.

Интизомий ножўя хатти-ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик ваколатли раҳбар (юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс) томонидан ўзига бўйсунган шахсга нисбатан, маъмурий жавобгарликда еса ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан хизмат бўйича бўйсунув мавжуд болмаган ҳолат- ларда қўлланилади. Демак, маъмурий ҳуқуқбузарлик (ножўя хатти- ҳаракат) тушунчаси жиноят ва интизомий ножўя хатти-ҳаракат тушунчаларига яқин туриши билан бир вақтда, турли асосларга кола фарқ қилувчи ва ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик таркиби сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам: ҳуқуқбузарликнинг обйекти ва обйектив томони, субъйекти ва субъйектив томони каби хусусиятлар йиғиндисидан иборат бо ълади.

Ма ъмурий ҳуқуқбузарликнинг обйекти — бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, йер, меҳнат ва ҳ.к.лар) нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келади. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик обйектига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормалари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик обйекти, одатда уч гуруҳга болинади:

Биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий обйекти

давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10- моддасининг 1-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик обйекти умумий ҳолда — «шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит» кўрсатиб олилган.

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турдош обйекти

мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган обйектлардир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Махсус қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар;

аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда електр енер- гиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, вэтеринария-санитария қоидаларини бузиш;

транспортдаги, ёл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;

фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;

савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;

одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;

бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар.

Учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита обйекти ҳуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган аниқ обйект ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40- моддасида мустаҳкамланган туҳмат ҳуқуқбузарлигининг бевосита обйекти - фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади ёки 237-моддасига биноан ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортишда ифодаланган ҳуқуқбузарликнинг бевосита обйекти болиб бошқарув жараёнида ўрнатилган тартиб, яъни фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти ҳисобланади.

Ма ъмурий ҳуқуқбузарликнинг обйектив томони — ҳуқуққа хилоф қилмиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик обйектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракацизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик обйектив томондан икки кўринишга

эга:

Биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни ҳаракат натижасида содир этиш. Ҳаракат - инсоннинг фаол хулқ-атвори ҳисобланади. Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар, обйектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, туҳмат, ҳақорат қилиш, йенгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар

ҳаракатлар натижасида содир этилади.

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳаракацизлик натижасида келиб чиқиши. Ҳаракацизлик — инсоннинг белгиланган вазифа, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланадиган пассив хулқ-атвори. Масалан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқ- маганлик, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги, ҳокимият вакил и- нинг қонуний талабларини бажармаганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар — ҳаракацизлик натижасида келиб чиқади.

Хуқуқбузарликни содир этиш шароитлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик обйектив томонининг елементи сифатида, уни содир этиш вақти ва услубини

назарда тутади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 90-моддасининг 2-қисмида ов қилиш қоидаларини бузишнинг шартлари, яъни тэгишли рухсати болмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки услублар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обйектив томони — ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган, мазкур ҳуқуқбузарликнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган хусусиятлар йиғиндисидир. Обйектив томон - қилмишни ҳуқуқбузар хулқ-атворининг ташқи кўриниши сифатида ифодалайди. Обйектив томон хусусиятларига: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракацизлик ва уларнинг содир этилиши билан вужудга келган зарарли оқибат киради. Масалан, транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ёл ҳаракати қоидаларини бузиш

ҳаракат тезлигини ошириш (ҳаракат), ёл белгиларига риоя этмаслик (ҳаракацизлик)да ифодаланувчи турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай қилмишлар ёл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солиши, бошқа ёл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақит бериши, авария ҳолатини вужудга келтириши ёки ёл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига олиб келиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик обйектив томонининг таркибий қисмларига, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик) ва вужудга келган зарарли оқибатдан ташқари, содир этилган қилмиш ва ундан келиб чиқадиган зарарли оқибат о ъртасидаги сабабий боғланиш ҳам киради. Бундай богланишни аниқлаш - зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши шароитларини, зарарли оқибатларнинг айнан мана шу ёки бошқа қилмиш оқибатида вужудга келганлигини, қилмишнинг вужудга келган оқибатларга қай даражада таъсир этганлиги ва бошқаларни аниқлашга хизмат қилади. Лекин маъмурий ҳуқуқбузарликда сабабий богланишни аниқлашга ҳожат йўқ, чунки қоида бўйича вужудга келган зарарли оқибатлар номоддий ва одатда ижтимоий зарар ёки ижтимоий хавфли кўринишда бўлади. Шу сабабли, ҳуқуққа хилоф қилмиш билан унинг оқибати ўртасида сабабий богланишнинг мавжудлигига шубҳа туғилмайди.

Ҳуқуқбузарликнинг қандай услубда содир этилганлиги ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини вужудга келтирувчи хусу- сиятлардан биридир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, қонун чиқарувчи, қилмишнинг жамиятга нисбатан яққол менсимаслик услубида содир этилишини кўрсатиб ўтади.

Ма ъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш — ҳуқуқбузарлик обйектив томони хусусиятларидан бири болиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг кўпгина моддаларида назарда тутилган. Лекин

амалдаги Ўзбекистон Республикасининг МЖТКда маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш тушунчаси берилмаган. Маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш дэганда, маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан бир йил давомида турдош (бир хил ёки ўхшаш) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишни тушуниш лозим. Ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш айбдор шахсга нисбатан жавобгарлик санксияларида назарда тутилган оғирроқ жазо чорасини қўллашга сабаб бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддасига биноан фоҳишалик билан шуғулланиш, - енг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган болса, енг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш барваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик обйектив томонининг юқорида кўрсатиб олилган хусусиятлари (қилмшини содир этиш вақти, жойи, услуби, такроран содир ецҳи ва ҳоказо) барча ҳуқуқбузарликларга ҳам хос емас, балки улар маъмурий ҳуқуқбузаплик таркибининг факултатив белгилари ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик таркибининг факултатив белгиларидан фарқли равишда, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракацизлик, уларни содир этишдан келиб чиқадиган зарарли оқибат ҳамда зарарли оқибат билан қилмиш ўртасидаги сабабий боғланиш - маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг мажбурий хусусиятлари ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс — маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъйекти ҳисобланади. Буларга 16 ёшга толган ақли расо шахс, мансабдор шахс, чэт ел фуқаролари ва фуқаролиги болмаган шахслар, ҳарбий хизматчилар ва интизом устави татбиқ этиладиган бошқа шахслар киради.

Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишда айби мавжуд болганида, уни жавобгарликка тортиш мумкин. Айб - содир этилган қилмишга нисбатан шахснинг руҳий муносабатидир. Айб икки шаклда: қасд ва еҳтиётсизликда ифодаланган болиши мумкин. Айб - маъмурий ҳуқуқбузарлик субъйектив томонининг мажбурий хусусияти ҳисобланади.

Ма ъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъйектив томони — бу ҳуқуқ-бузарлик субъйекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракацизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик айбнинг икки шаклида ҳам, яъни қасддан ва еҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 11-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракацизлиги ғайриҳуқуқий еканлигини билган болса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган болса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда ёл қўйган болса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот- ламинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қиҳш, мансаб лавозимини

суиистеъмол қилиш ёки лирибгарлик ёли билан оз миқдорда талон-торож қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу қилмиш қасддан содир этилади. Ҳуқуқбузар мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини сувис- теъмол қилиш ёки лирибгарлик ёли билан оз миқдорда талон-торож қилиш каби ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилоф еканлигини билади, уни содир этиш орқали корхонага зарар етказилишига кўзи етади ва унинг юз беришини истайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш икки кўри- нишда болиши мумкин:

тўғри қасд, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракацизлиги ғайриҳуқуқий еканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз беришини истайди;

эгри қасд, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракацизлиги ғайриҳуқуқий еканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда ёл қўяди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 12-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракацизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига олдиндан кўзи йеца-да, лекин калтабинлик билан унинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бо Иса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўзи етиши лозим ва мумкин болгани ҳолда олдиндан кўзи етмаган бо Иса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик еҳтиёцизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин. МЖТК Махсус қисмининг айрим моддаларида айбнинг қасддан содир қилинган шакли тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилади. Булар маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ҳарбий билэтни, ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини қасддан яроқсизлантириш (236-м.), муҳрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш (228-м.) каби таркибларидир. Бироқ кўпчилик ҳолларда ҳуқуқбузарлик таркибининг субъйектив томони тўғрисида Махсус қисмнинг тэгишли моддасида келтирилган барча белгиларни таҳлил қилиш асосидагина хулоса чиқариш мумкин. Қасддан содир этилган айб, хусусан, албатта ғаразли ният билан боғлиқ бўлиб, мақсад белгиси гувоҳлик берадиган, масалан, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, майда безорилик қилган вақтда жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларини қасддан менсимаслик, транспорт воситаси ҳайдовчисининг мастлик ҳолати тўғрисида кўрик- дан ўтишдан бош тортиши ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Ҳам қасддан, ҳам еҳтиёцизлик оқибатида содир этилиши мумкин болган маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркибида қасддан содир этилган айбнинг мавжудлиги айбдорга янада қаттиқроқ жазо қўллаш учун асос болиб хизмат қилиши мумкин.

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларнинг моддий таркибларида қасддан содир этилган айб ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг ғайри- ҳуқуқий еканлигини англаб етишдан ташқари, ҳуқуқбузарнинг келиб чиққан зарарли оқибатларга

муносабатини ҳам ўз ичига олади. Шахснинг бу оқибатларга олдиндан кўзи етади ва шуни хоҳлайди ёки уларнинг содир болишига онгли равишда ёл қўяди. Айтиш мумкинки, оқибатларга олдиндан кўзи етиш ғаразли ниятнинг ақлий жиҳатини ифодалайди, зарарли оқибатларнинг бошланишини исташ ёки унга ёл қўймаслик ихтиёрий жиҳатни англатади. Ихтиёрий жиҳатга боглиқ равишда бевосита ғаразли ният ва бавосита ғаразли ният фарқланади. Бевосита ғаразли ниятда шахс оқибатларнинг келиб чиқишини истайди, бавосита ғаразли ниятда еса у фақат оқибатларнинг бошланишига онгли равишда ёл қўяди. Муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига (шахс бу ҳуқуқбузарликни содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилади) кирадиган оқибатларга олдиндан кўзи етиш билан ҳам, шунингдек, исташ ёки ёл қўйиш билан ҳам қамраб олиниши лозим. Масалан, шахс майда ўғрилик қилганда ўзининг озроқ миқдордаги мулк, яъни енг кам иш ҳақининг бир миқдоридаги мулкни бепул, ғаразли мақсад билан эгаллаб олаётганини англаб етади, бунинг натижасида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхонага, муассасага, ташкилотга шундай зарар етаётганига олдиндан кўзи етади ва шуни хоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг айрим моддаларида еса айб шакллари аниқ кўрсатиб олилади. Масалан, 52-модданинг биринчи қисмида еҳтиётсизлик орқасида баданга йенгил шикаст етказиш, иккинчи қисмида еса, баданга қасддан йенгил шикаст етказиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

МЖТКда маъмурий ҳуқубузарликнинг мақсад ва мотив сингари факултатив белгилари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, 141-моддага биноан ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши, маъмурий жавобгарликни вужудга келтиради. Бундай мақсаднинг болмаганҳги еса, жавобгарликка олиб келмайди. Ва аксинча, масалан, МЖТКнинг 56-моддасига биноан гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олказиш мақ- садини ко ъзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш — маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шундай қилиб, шахснинг содир этган қилмишини маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш учун биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари — ҳуқуққа хилофлилик, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги ва иккинчидан, юридик таркиби маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обйекти ва обйектив томони, субъйекти ва субъйектив томони мавжуд болиши керак.

Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, субъйектлари

Маъмурий жавобгарлик — юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида маъмурий мажбурлашнинг бир тури ҳамдир. Маъмурий жавобгарлик - маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган болиб, айбдор шахсга нисбатан ваколати давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик қуйидаги хусусиятларга эга:

бу давлат мажбурлови болиб, давлат фаолиятининг ҳар хил соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади;

айбдор шахслар қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан жавобгариикка тортилади;

маъмурий жавобгариикка тортилганлар судланган ҳисоблан- майди;

йенгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа белгиланади;

моддий жавобгарлик моддий зарар етказилгандагина қўлланилади, маъмурий жавобгариикка моддий зарар етказилмаган бо Иса ҳам тортиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 13-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга то Иган шахслар маъмурий жавобгариикка тортиладилар.

Айрим турдаги жиноятларни содир этган шахсларни 14 ёшда- ноқ жиноий жавобгариикка тортишга ёл қўядиган жиноятга оид қонунчилик ҳужжатларидан фарқли ороқ, маъмурий ҳуқуқда шахс фақат 16 ёшга толган тақдирдагина маъмурий жавобгариикка тортилади, бунда ишни кўриб чиқиш ёки иш бўйича қарорни бажаришнинг бошланиш пайтида емас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтга келиб мазкур ёшга толган шахслар шу жавобгарликка тортилади. 16 ёшга толган шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик нимадан иборат еканлигини тола англаб етишга, уларни содир этишга ёл қўйиб болмаслигини тушунишга ва уларни содир этганлик учун шахсан жавоб беришга қодир бўладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача болган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади. Ана шу шахслар МЖТКнинг 61, 125- 136, 138, 183- 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (МЖТКнинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шаҳар, туман, шаҳарлардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, Ўзбекистон Республикси МЖТКнинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари еса шу комиссияларга берилиши лозим.

Келтирилган рўйхат тугалланган рўйхат болиб, уни кенгайти- рилган ҳолда талқин қилишга еҳтиёж йўқ. У фақат қонунчилик ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин, шу билан бирга, бу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатларига киритилган. Ножўя хатти-ҳаракатлар содир қилган 16 ёшгача болган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 14-моддасининг 2-қисми вояга етмаганларга нисбатан жавобгарлик ҳолларини катта ёшдагилар билан

умумий асосларда белгилар екан, бундай ҳолларда ҳам ишларни Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга бериш имкониятини (194-моддадан ташқари) истисно қилмайди. Оз миқдорда талон-торож тўғрисидаги ишлар (61-модда), одатда, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга кўриб чиқиш учун берилиши керак. Ишларни комиссияларга юбориш ҳақидаги масалалар ҳал қилинаётганда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахси, яъни ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий зарарлилик даражаси, айбнинг англаб етилганлиги, жазолаш чорасидан кўра тарбиялаш чорасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг хулқ-атвори, иши ёки ўқиши устидан, бўш вақтни қандай ўтказиши устидан доимий назорат ўрнатилиши зарурлиги ҳисобга олинади. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия, ўз навбатида, ўсмирнинг турмуш шароити ҳақидаги; ота-оналарининг уни тарбиялаш соҳасидаги бурчларни бажаришлари тўғрисидаги; оиланинг моддий- маиший шароити, балоғатга етмаганларнинг хулқ-атвори, уларнинг яқин кишилари ва бошқа иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни; ўсмир илгари ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун жавобгариикка тортилган-тортилмаганлиги; тарбиявий ишда қандай камчиликларга ёл қўйилганлиги ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни тўпла- ши лозим. Башарти, ҳуқуқбузарлик алкоголли ичимликларга қарши қонунчилик ҳужжатлари талабларинин бузиш билан боглиқ бо Иса, у ҳолда спиртли ичимликлами харид қилиш манбалари, уларни истеъмол қилиш шарт-шароитлари аниқланади.

Мансабдор шахслар бошқарув, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгариикка тортилишлари лозим. Мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боглиқ болган вазифалар юклатилган болса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

Мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликнинг махсус субъйектлари ҳисобланади. Модданинг моҳиятидан келиб чиқиб, мансабдор шахсларнинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлари бир нечта турда болиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг, бирин- чидан, ўз ҳаракатлари билан белгиланган қоидаларни бузишлари; иккинчидан, ўз қол остидагиларга ана шу қоидаларга зид келадиган кўрсатмалар беришлари; учинчидан, ўзларига бўйсунувчи шахсларнинг тэгишли қоидаларга риоя қилишини таъминлаш юзасидан (башарти бу қоидаларга риоя қилишни таъминлаш муайян мансабдор шахснинг хизмат вазифаларига кирса) чоралар кўр- маганлиги билан ғайриҳуқуқий болиб жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Мансабдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг кўпгина моддаларида жавобгарликнинг еҳтимол тутилган субъйектлари сифатида

тилга олинади. Бироқ мазкур шахсларнинг рўйхати келтирилмайди. Мансабдор шахсга МЖТК 15-моддасининг 2-қисмида қуйидагича таъриф берилган:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс корхона, муассаса ва ташкилотда бирор лавозимни эгаллаб турган болиши;

унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув- назорат қилиш вазифалари юклатилган болиши;

унга моддий бойликлар ҳаракати билан боглиқ вазифалар юклатилган болиши зарур.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазонинг фақат битта тури — жарима татбиқ этилиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти- ҳаракати, башарти уларда давлат-ҳокимият ваколатлари бўлса, бошқа шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларига нисбатан кўпроқ зарар етказиши мумкин, шу боис маъмурий ножўя хатти-ҳаракат учун мансабдор шахсларга жарима солиш тарзидаги оширилган жавобгарлик белгиланади. Жариманинг еҳтимол тутилган миқдорлари МЖТКнинг 25-моддасида келтирилган.

Мансабдор шахслар айбли болган тақдирдагина маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик, одатда, еҳтиёцизлик орқасида содир этилади: мансабдор шахслар ўз ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишига олдиндан кўзлари йеца ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайдилар ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига олдиндан кўзлари етмайди, ҳолбуки буларга кўзлари етиши лозим ва мумкин еди.

Мансабдор шахснинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракати, айни вақтда, унинг хизмат қоидаларини бузиш, яъни интизомий хатти- ҳаракат ҳисобланади. Айбдор шахсга бирданига иккита жазо — маъмурий ва интизомий жазо берилишига ёл қўйилмайди. Мансабдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги натижасида қандайдир моддий зарар етказилган болса, уларнинг маъмурий ва моддий жавобгарлигини бирга қўшиш тўғрисидаги масала бошқачасига ҳал қилиниши лозим. Ҳуқуқбузарга моддий зарар ҳам етказилган тақдирда бир вақтнинг ўзида айни битта хатти-ҳаракат учун ҳам маъмурий, ҳам моддий жавобгарлик татбиқ этилиши мумкин. Моддий жавобгарлик маъмурий жавобгарликдан фарқ қилиб, фақат ҳуқуқни тиклаш вазифасини бажаради.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар ёл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин емас. МЖТК 16-моддасига биноан муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин емас. Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган шахслар

жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий, бошқа ҳолларда еса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида болган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги болмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгариикка тортилишлари лозим. Дахлсизлик ҳуқуқига эга болган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Ўзбе- кистон Республикаси қатнашчи болган халқаро шартномалар ва битимларга зид болмаган қисми қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 20-моддасига биноан еса, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракацизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида болган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракацизлигининг) аҳамиятини идрок қила олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгариикка тортилиши мумкин емас.

Демак, умумий қоидага кўра, ма ъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъйекти — бу 16 ёшга толган ақли расо жисмоний шахсдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида маъмурий жавобгарликнинг субъйектлари уч гуруҳга болинган:

Умумий субъйект — ҳар қандай 16 ёшга толган жисмоний шахс. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 13- моддасида маъмурий жавобгарлик субъйекти умумий ҳолда кўрсатиб олилган.

Махсус субъйект — умумий субъйектга қараганда ўзига хос хусусиятларга (ко ъшимча белгиларга) эга болган субъйектлардир. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг махсус субъйектига - мансабдор шахслар, ҳайдовчилар, вояга етмаганлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар уларнинг эгаллаб турган лавозими ёки мансаби билан ёхуд улар зиммасига юкланган вазиТалар (мажбуриятлар)нинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боглиқ ҳолда содир этилади. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги фуқароларга (умумий субъйект) қараганда юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 1754-моддасига биноан иш ҳақини тақиқланган шаклларда то лаш учун фақатгина мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки ходим- ларга иш ҳақини бериш мажбурияти корхона, муассаса ва ташки- лотнинг мансабдор шахси зиммасига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнипг 125-моддасига биноан фойдаланиш ман этиладиган даражада носоз транспорт воситаларини бошқариш учун фақатгина ҳайдовчилар жавобгарликка тортилиши мумкин.

Чунки, фақат ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

Маъмурий жавобгарлик 16 ёшга толган фуқароларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин 16 ёшдан 18 ёшгача болган фуқаролар - вояга етмаганлар тоифасига киришини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг маъмурий жавобгарлиги, одатда, махсус қоидалар билан тартибга солинади.

Алоҳида субъйект - интизом уставлари ёки хизмат тўғрисидаги низомлар татбиқ қилинадиган шахслар, масалан, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, ички ишлар органларининг оддий сафдорлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъйектлари - махсус субъйектларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Алоҳида субъйектлар ҳам, махсус субъйектлар сингари ўзига хос хусусият- ларга эга.

Қонунчилик ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг у ёки бу субъйектлари доирасига қаратилган жавобгарликнинг қўшимча асослари ёки унинг юқори ҳажми, бошқаларига нисбатан еса маъмурий жавобгарликни қўллашда чекланишлар кўрсатиб ўтилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 53-моддасига биноан санитария қонунчилик ҳужжатларини, санитария нормалари, қоидалари ва гигийена нормативларини бузиш, фуқароларга енг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга еса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бо ъИмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган. Бу тоифадаги шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъйектларининг қайси гуруҳига киради, дэган савол туғилиши мумкин. Агар, хорижий фуқаролар дипломатик иммунитэт, яъни дахлсизлик ҳуқуқидан фойда- ланмаса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда жавобгариикка тортилади. Агар, бундай ҳуқуққа эга бўлса, уларнинг жавобгарлиги масаласи халқаро шартномаларда (ёки давлатлар ўртасида тузилган халқаро битимларда) назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Демак, улар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳам умумий субъйекти, ҳам махсус субъйекти сифатида намоён болиши мумкин.

Маъмурий жазо мақсади ва вазифалари

Узоқ тарихдан маълумки, ҳар қандай ижтимоий муносабатни қўриқлаш зарурияти ҳар доим, ҳар замонда болган ва бундан кейин ҳам бўлади. Шу боис, ҳуқуқ ҳамиша ижтимоий муно- сабатлами муҳофаза этиш воситаси бўлиб келган. Ҳуқуқий таъсиминг бу йўналиши ҳуқуқнинг қўриқловчи функсиясини ташкил этади.

Ҳуқуқнинг қо ъриқловчи функсияси — унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши болиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини

таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга жамиятга ёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади.

Ҳуқуқшунослик фанида қўриқловчи функсиянинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат еканлиги еътироф этилган:

биринчидан, у ҳуқуқни кишилар хулқ-атворига таъсир этишнинг алоҳида воситаси сифатида таърифлайди. Ҳуқуқ бу вазифани жазо қо ъллаш, тақиқлар ўрнатиш ва юридик жавобгарликни амалга ошириш билан огоҳлантириб, инсонлар иродасига таъсир олказиш орқали бажаради;

иккинчидан, унда давлат, ҳуқуқий қоидалар воситасида қандай ижтимоий қадриятларни ўз ҳимоясига олганлиги тўғрисида ижтимоий муносабат субъйектларига ахборот етказилади;

учинчидан, у жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасининг, ҳуқуқдаги инсонпарварлик асосларининг кўрсаткичидир.

Ҳуқуқнинг қўриқловчи функсиясига хос хусусиятлар уни давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти билан қиёслаганда, янада аниқроқ намоён бўлади. Тэгишли давлат идоралари ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун талабларини сўзсиз қатъий бажарилишини таъминлайди, жамиятда қонунийлик муҳитини вужудга келтиради.

Бу ҳуқуқ бузилиши фактини аниқлаш, уларни кўриб чиқиш ва айбдорлами юридик жавобгариикка тортиш билан таъминланади. Бундан ташқари, енг муҳими, ҳуқуқнинг қўриқловчи функсияси ижтимоий муносабатларни ҳимоялашга йўналтирилгандир.

Турли ҳуқуқ тармоқларида тартибга солинадиган ва қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни айбдор шахс томонидан бузганлик учун юридик жавобгарлик назарда тутилади. Юридик жавобгарлик айбдор шахсга нисбатан муайян жазо қоллашда намоён бўлади. Масалан, меҳнат интизоми бузилганда — интизомий жазо, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда — маъмурий жазо, жиноят содир этилганда — жиноий жазо қўлланилади.

Маъмурий жазо — мақсадига кўра маъмурий мажбурлов чора-ларининг бир тури болиб ҳисобланади. Маъмурий жазо — маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга жазо санксиялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо — Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари еса, турли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқшунос олим Ю.М.Козловнинг фикрича, маъмурий жазо чоралари — маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида қолланилмайди. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик орқали жисмоний ёки юридик шахсга моддий зарар етказилган бо Иса, ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқувчи давлат органи маъмурий жазони тайинлаш билан бир вақтда, мулкий зарарни ундириш бўйича масалани ҳам

ҳал этиши мумкин. Мулкий зарарни ундириш фуқаролик ишларини кўриб чиқиш тартибида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади толиқ ўз ифодасини топган ва унга кўра маъмурий жазо жавобгариикка тортиш чораси болиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу боис жазолаш — маъмурий жазонинг асосий мақсади емас, балки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи ва бошқа шахслар томонидан янги ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу билан бирга маъмурий жазо, маълум бир маънода, жиноятларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагилами алоҳида таъкидлаб ўтадилар: «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқацизлигига емас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоглик англашига боглиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликни олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан бири болиб ҳисобланади.

Маъмурий жазо — маъмурий қонунчиликка асосан, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган мансабдор шахс томонидан қўлланиладиган ва ҳуқуқбузами қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва еркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтинча чеклашдан иборат мажбурлов чораси болса-да, ҳуқуқбузами қийноққа солиш, зўравонликка, шафқациз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этиш мақсадини кўзламайди. Бунинг исботи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 8-моддасининг қоидасида ўз аксини топган, яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким мамлакатимиз Конституциясидан келиб чиқувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин емас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қоТлайдилар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

Маъмурий жазонинг мақсади ва вазифалари ўзаро уйғун ҳолда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Маъмурий жазонинг вазифалари инсон ва жамият фаровонлиги ёлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун адолатли жазонинг муқаррарлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз ичига олади.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракацизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қолланилиши ва ижро этилишини белгилайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Мазкур бир йиллик муддат ўтгач ушбу шахс томонидан худди шундай маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда унинг ҳуқуқбузарликни такроран содир этган деб квалификация қилиниши мумкин емас.

Маъмурий жазони қўллаш - маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди.

Маъмурий жазо чоралари

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қолланилиши мумкин:

жарима;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни мусодара қилиш;

муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жаримадан ташқари барча маъмурий жазо чоралари, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонунчилик ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун хорижий фуқаролами ва фуқаролиги бўлмаган шахслами Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, маъмурий жазо — асосий ва қўшимча маъмурий жазо чораларига болинади.

Асосий ма ъмурий жазо чоралари бу — маъмурий жазо чоралари бошқа маъмурий жазо чораларининг турларига қўшимча болиб, айни вақтда тайинланиши мумкин болмаган жазо чораларидир. Масалан, жарима, муайян шахсни махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, маъмурий қамоқ каби чоралар фақат асосий маъмурий жазо чоралари сифатида қўлланилиши мумкин.

Қо ъшимча ма ъмурий жазо чоралари бу — маъмурий жазо чорасига қўшимча равишда тайинланиши мумкин болган маъмурий жазо чораларидир. Масалан, ашёларни ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўшимча жазо чораларидир. Бироқ, улар ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида қолланилиши мумкин. Қўшимча маъмурий жазо чораларининг яна бир ўзига хос хусусияти бу уларнинг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун алоҳида, мустақил равишда қолланилишининг мумкин емаслиги, яъни улар фақат асосий маъмурий жазо чораларига қўшимча жазо чораси сифатида тайинланиши мумкин.

Демак, бир маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий, ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин. Лекин, бир вақтнинг ўзида иккита асосий ёки иккита қўшимча жазо чораларининг қўлланилиши мумкин емас.

Юқорида кўрсатилган маъмурий жазо чоралами алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Жарима — маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади. Бошқача айтганда, жарима — маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун МЖТКнинг Махсус қисми моддаларининг санксияларида белгиланган ҳолларда қўлланилади.

Жарима — маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган айбдор шахслардан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жарима — моддий хусусиятга эга болган маъмурий жазо чораси болиб, айбдор шахслардан давлат ҳисобига ундириб олинадиган муайян бир пул миқдорида ифодаланади. Жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси ҳуқуқбузарнинг онгига таъсир кўрсатиб, awало, унинг моддий манфаатларига зарар етказади. Шу боис маъмурий жарима самарали жазо чораларидан бири болиб ҳисобланади.

Жарима маъмурий жазо чорасининг асосий тури ҳисобланади. У бошқа жазо чораларининг ўрнига татбиқ этилиши мумкин емас. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жарима қўшимча маъмурий жазо чораси билан биргаликда солиниши мумкин (масалан, ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш).

Жариманинг миқдори — маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун еса у аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган енг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жарима, солиш обйектларига кўра 2 турга бўлинади: фуқароларга, (яъни жисмоний шахсларга) ва мансабдор шахсларга солинадиган жарималар, улар миқдорига кўра фарқланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг енг кам миқдори — енг кам ойлик иш ҳақининг елликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга еса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг енг кўп миқдори — енг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга еса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — енг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга

юз еллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг енг кўп миқдори Кодекснинг 6- моддасига биноан фуқароларга — енг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга еса — беш бараваридан ошмаслиги керак.

Жарима — маъмурий жавобгарликнинг самарали чораларидан бири сифатида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли барча орган (мансабдор шахс)лар томонидан ўрнатилган маъмурий-процессуал тартибда қўлланилади.

Конституция ва қонун устуворлиги шуни ифодалайдики, асосий ижтимоий, енг аввало иқтисодий ва сиёсий муносабатларфақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари еса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ меъёрларини бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарликка тортиладилар.

Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Зотан улуғ бобомиз Амир Темур таъкидлаганидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда еркинлик бўлади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги жамият қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча кишининг қонунга амал қилишини муҳим тамойил деб ҳисоблаб, ўзининг «Янги уй қурмай туриб, ескисини бузманг» асарида: «Мен учун енг муҳими - қонунийликни ҳурмат қилишдир», - деб кўрсатади;

иккинчидан, қонунийликнинг ягоналиги тамойили. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилишини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва еркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, еътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон мустақилликка еришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда еркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин емас.

Инсон ҳуқуқларини тушуниб этиш учун ниҳоятда муҳим бўлган одамларнинг табиий тенглиги ғоялари қадим юнон мутафаккирлари Протагор, Антифонт, Ликофрон ва қадим Хитой донишманди Конфуций сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотларида илгари сурилган. Ҳуқуқ субъекти ва қонун олдидаги тенглик тушунчаларини ишлаб чиқишдаги хизматлар қадимги Рим ҳуқуқшуносларига тэгишли. Цицерон «Ҳамма қонун таъсири остида бўлиши керак», деб таъкидлаган еди.

Ўзбекистон Республикасида қонуннинг ягоналиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари унинг барча ҳудудида амал қилишини ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида қабул қилиниб, уларга зид бўлмаслигини, талаб қилади;

Ўзбекистон қонунлари унинг ижтимоий ва давлат тузумини, барча миллат ва елатларнинг манфаатларини қўриқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилади;

учинчидан, давлат бошқарувининг халқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши тамойили. Конституциянинг 7-моддасига биноан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат, унинг органлари халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Ҳуқуқий демократик давлатларнинг олиб борадиган сиёсатини халқнинг ҳоҳиш-иродаси белгилаб бериши лозим. мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Жумладан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширилади, деб кўрсатилган;

тўртинчидан, давлат бошқарувида халқнинг иштироки тамойили. Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлашда ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда кенг омма иштирок этади. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Конституциянинг 9-моддасига биноан жамият ва давлат ҳаётининг енг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини босқичма-босқич шакллантириш - мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир. «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» дэган сиёсий концепциянинг асл моҳияти жамиятни бошқаришда аста-секин нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этишини тобора кенгайтиришда кўринади. Барча демократик давлатларда бўлгани каби бизнинг давлатимизда ҳам жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ошиб бормоқда.

Конституциянинг 35-моддасига биноан еса, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Демак, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиши орқали ҳам амалга оширилади ва ҳ.к.лар;

бешинчидан, давлат бошқаруви ва мақсадга мувофиқлик тамойили. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни аниқ бажариш ҳар бир давлат органи, жамоат бирлашмалари,

мансабдор шахс ва фуқаролар учун шартдир. Аммо ҳаётда шундай кишилар ва раҳбарлар борки, улар ўзларининг қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларини, гўё қонуннинг ескириб қолганлиги билан ва бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги билан ёхуд қонунда маҳаллий шароит ҳисобга олинмаган, дэган баҳоналар билан оқлайдилар.

Башарти, амалдаги қонунлар ескириб қолган бўлса, у белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Мамлакатимизда қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши халқнинг кенг иштирокида демократик асосда ўтади. Қонун лойиҳасига бевосита тааллуқли бўлган шахслар, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари иштирок этадилар;

олтинчидан, давлат бошқарувининг аҳоли маданий даражаси билан боғлиқлиги тамойили. Қонунийлик аҳоли маданий даражаси билан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади;

эттинчидан, давлат бошқарувининг демократик жараёнлар билан боғланганлиги тамойили. Давлат бошқаруви демократия билан узвий боғлиқдир. Халқ давлат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда давлат ҳокимияти органлари орқали амалга оширади. Чунончи, асосий қонунимиз - Конституциясининг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Давлат бошқаруви - демократик тартибларга бўйсунишни талаб қилади, демократик тартиблар, ўз навбатида, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, еркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва еркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Таниқли ҳуқуқшунос олимлари Ю.М.Козлов ва Л.Л.Попов давлат бошқарувининг асосий тамойилларига қуйидагиларни киритадилар:

жамият ҳаётида шахс ва унинг манфаатлари устунлиги тамойили. Давлат бошқаруви давлат сиёсатини амалга оширувчи асосий восита сифатида, биринчи навбатда шахс ва унинг манфаатлари устунлигини инобатга олиши лозим. Айнан давлат бошқарувини амалга ошириш орқали шахсларнинг ҳуқуқлари ва еркинликлари реал амалга оширилади, уларнинг муҳофазаси таъминланади;

давлат бошқарувининг ҳокимият бўлиниши асосида амалга оширилиши тамойили. Давлат ҳокимиятининг учга бўлиниши, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши кенг қабул

қилингандир. Давлат бошқарувининг самарали амалга оширилиши учун, албатта, давлат органларининг ҳокимият-ваколатлари қонуний тартибда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Мазкур тамойил - ҳар давлат бир давлат органининг қандай фаолият билан шуғулланишини, қандай ваколатларга эга еканлигини, яъни давлат органлари фаолиятининг доирасини белгилаб беради;

қонунийлик тамойили. Ҳар қандай фаолият, шу жумладан давлат бошқаруви ҳам, биринчи навбатда қонунлар асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонунларга таянган ҳолда ўз фаолиятларини олиб боришлари лозим;

ошкоралик тамойили. Давлат бошқаруви соҳасида инсонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қонун ҳужжати, оммага еълон қилинмасдан туриб, татбиқ қилиниши мумкин емас. Давлат бошқарувининг самарали амалга оширилишида – давлат органларининг фаолияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига нисбатан фуқаролар (жамоат бирлашмалари) билдириган фикрларни инобатга олиш ҳам катта аҳамиятга эгадир;

жавобгарлик тамойили. Амалдаги қонунчиликда давлат органларининг, унинг мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг жорий этилган қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида мажбурлов чоралари ҳам ўрнатилган бўлиши лозим. Бу нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг ҳам, алоҳида шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилади ва бошқалар.

Баъзи бир ҳуқуқшунос олимлари ўзларининг илмий ишларида давлат бошқарувининг асосий тамойилларидан ташқари, ташкилий тамойилларни ҳаим киритади. Масалан, ҳуқуқшунос олими Х.Р.Алимов ўзининг «Маъмурий ҳуқуқ» дарслигида давлат бошқарувининг ташкилий тамойилларига қуйидагиларни киритади:

функция ва ваколатларни тақсимлаш тамойили. Мазкур тамойил орқали давлат бошқарув органларининг ўртасида ваколатларни ҳамда функцияларни тақсимлашни назарда тутади. Ҳар бир давлат органи, шу жумладан давлат бошқаруви органлари ўзларининг олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ўзининг қуйи тузилмаси ўртасида ваколатларни тақсимлайди;

компэтенция доирасида жавобгарлик тамойили. Ушбу тамойил орқали давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига берилган ваколат доирасида жавобгарликни назарда тутади;

бошқарувда соҳавийлик ва ҳудудийликни инобатга олиш тамойили. Мазкур тамойил орқали давлат бошқаруви қайси соҳада ва қандай шахслар доираси бўйича амалга оширилишини назарда тутади;

коллэгиаллик тамойили. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат бошқаруви органида якка тартибда амалга ошириладиган бошқарув билан бир вақтда коллэгиал тартибда амалга ошириладиган бошқарув мавжуддир. Давлат бошқарувининг деярли

барчасида турли кўринишдаги кенгаш ва ҳайъатлар тузилади. Кенгаш ва ҳайъатлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув - коллэгиал бошқарув ҳисобланади.

Давлат бошқарувининг тамойиллари ҳуқуқшунослик адабиётларида турлича кўрсатиб ўтилгандир. Лекин, уларнинг барчаси бир мақсад сари йўналитирлигандир. Давлат бошқарувининг тамойиллари - давлат органларининг бошқарув фаолиятининг маълум бир томонларини тартибга солишга қаратилгандир. Барча давлат бошқаруви тамойиллари умумий мақсад сари, яъни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солишга қаратилгандир.

## Назорат учун саволлар

1. Давлат бошқарувида қонунчилик ва интизом дэганда нимани тушунасиз?
2. Конституция ва қонун устуворлиги ҳақида тушунтиринг.
3. Назорат қилиш, ижрони текшириш ва кузатишнинг ўзаро муносабатларини сўзлаб беринг.
4. Давлат бошқаруви соҳасида давлат ҳокимияти органлари назорати нималардан иборат?
5. Бошқарувда қонунийликни таъминлашда фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларининг роли қандай?

## 1.13. Давлат бошқарувида алоҳида соҳалар ва тармоқларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш

**Режа:**

1. **Иқтисодиёт соҳасида давлат назорати.**
2. **Ижтимоий-маданий соҳани бошқариш тушунчаси.**
3. **Маъмурий-сиёсий соҳани бошқариш тушунчаси.**
4. **Тармоқлараро давлат бошқаруви.**

**Мавзу бўйича таянч сўлар ва иборалар:** Иқтисодиёт соҳасида давлат назорати, Ижтимоий-маданий соҳа, Маъмурий-сиёсий соҳа, Тармоқлараро давлат бошқаруви, Тижорат, Марказий банк, Ғазначилик, Давлат бюджети.

Ўзбекистон Республилкасида иқтисодиёт соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республиканинг марказий молия-иқтисодий органи сифатида Ўзбекистон Республикасининг молиявий нарх сиёсатини ҳаётга татбиқ этади ва унинг бутун ҳудудида молия, нарх-навони ташкил этиш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг вазифалари ва функсияларини амалга ошириш учун зарур молиявий нэгиз яратишни, республика буджэтини ишлаб чиқиш ва ижро этишни, унинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашни, валюта режасини тузиш ва ижро этишни, пул ресурсларидан оқилона ва тежаб сарфлашни таъминлайди.

Молия вазирлиги республика буджэтининг ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича ижро этилиши учун, молиявий ресурсларни умумреспублика еҳтиёжларига сафарбар этиш ишларини ташкил этишга жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоглстон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари бошқармалари ва бўлимлари, давлат суғурта идоралари, шунингдек, уларга қарашли давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона тизимини ташкил этади.

Молия вазирлиги ўз тизимига кирувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тўғридан-тўғри ёки ўзи ташкил этадиган органлар орқали мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

Молия вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: молия тизимининг, солиқ ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, миллий даромаднинг, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишини таъминлаш;

молия-кредит воситаларининг хўжалик механизми бошқа елементлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

республиканинг молиявий ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига жамлаш, ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, маълум мақсадга йўналтирилган яхлит халқ хўжалиги дастурларини маблағ билан таъминлаш, зарур молия, валюта резервларини ташкил этиш;

молия, буджэт, валюта ва солиқни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш усулларини такомиллаштириш;

аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия битимларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этишни назорат қилиш;

корхоналар, вазирликлар, идоралар, банклар ва давлат суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шакУарини жорий этиш соҳасида маҳаллий молия органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлайдиган Вазир бошчилик қилади.

Молия вазири Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ўринбосарларига эга бўлади. Ўринбосарлар ўртасидаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат буджэтининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007-йил 28-феврал қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида Ғазначилик органи ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 20-март қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ғазначилик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбе- кистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда ўз фаолиятига тэгишли болган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Ғазначилик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бевосита ва ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқаҳ амалга оширади.

Ғазначилик, Қорақалпоглстон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ғазначилик бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) ғазначилик болимларига эга бўлади. Қорақалпоглстон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғазначилик бошқармалари юридик шахс ҳисобланадилар.

Ғазначиликнинг асосий вазифалари қуйидигилар ҳисобланади: Давлат буджэтинининг касса ижроси, жумладан тушадиган даромадларни турли

даражадаги буджэтлар ўртасида тақсимлаш, буджэтдан маблағ олувчиларнинг харажатлар смэталари ижроси ва Давлат буджэти ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

Давлат буджэти маблагларини ягона ғазначилик ҳисоб рақами, шунингдек тэгишли буджэтлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

бюджет ташкилотларининг товар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан шартномаларини, шунингдек Давлат буджэти маблаглари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар смэтасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан олказиш тартибини жорий этиш орқали буджэт ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш; буджэт ташкилотларини, шу жумладан мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналти- риладиган буджэт маблагларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб бориш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномалар сифатининг таъминланиши, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда қоидага кўра, воситачилик хизматларидан воз кечиш;

харажатлар смэтаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)нинг бевосита ҳисоб рақамларига буджэтдан маблағ олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича толовларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси давлат буджэтининг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо мэталлар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин- валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назорати ни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2001-йил 27-июн фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг топшириқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат буджэтининг ижроси, унинг асосий кўрсаткичлари ва енг муҳим моддаларининг бажарилиши, шунингдек давлат тузилмалари ва хўжалик юритувчи субъйектларга ажратиладиган буджэт маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш, мамлакатда ва унинг ташқарисида давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати мониторингини таъминлаш; қимматбаҳо мэталлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат қилиш; мамлакатнинг

олтин-валюта захираларини бошқариш ва тасарруф этишни назорат қилиш Ҳисоб палатасининг асосий вазифаларига киради.

Ўзбекистон Республикасида кредит тизими «Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги 1995-йил 21-декабр ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 1996-йил 25-апрел қонунларига асосан ташкил этилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари монэтар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакУантириш, қабул қУиш ва амалга ошириш, Ўзбе- кистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкУ этиш ва таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш ва уларни назорат қУиш, Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат захирал арини сақлаш ва тасарруф этиш, давлат буджэтининг касса ижросини Молия вазирлиги бУан биргаликда ташкУ этишдан иборат. Марказий банк молиявий ёрдам кўрсатиш, тижорат фаолияти бУан шуғуУанишга, Марказий банк фаолиятини таъминловчи корхоналар ва ташкУотларни тузишда иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахслар капиталида қатнашишга ҳақли емас.

Марказий банкнинг олий органи унинг бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўна1иш1арини белгУаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, банкнинг асосий болимлари раҳбарлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига асосан банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга боладУар.

Марказий банк қуйидагУарга асосланиб банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

банкни рўйхатга олиш учун зарур болган ҳужжатлар топширилмаганлиги;

таъсис ҳужжатларининг қонунчилик ҳужжатларига номувофиқлиги;

бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қони- қарсизлиги;

муассисларнинг молиявий аҳволи ва маблагларининг манбалари еълон қиҳнмаганҳги;

банкни рўйхатга олиш пайтигача енг кам устав капиталининг толанмаганлиги;

банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги.

Аксиядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органларидир. Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланиб, у банк кенгаши ва аксиядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳукуматнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини амалга оширувчи ташқи иқтисодий фаолиятига хизмат кўрсатишни таъминловчи ва валюта маблагларини жамловчи ихтисослаштирилган банкдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки республика Марказий банки ва ҳукуматининг топшириғига биноан експорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чэт ел валютасида кредитлар беради, Ўзбекистон Республикасига чет ел валютасида етказиб бераётган ва республика чэт эл валютасида олаётган давлат заёмлари ва кредитларига хизмат кўрсатади, халқаро валюта-кредит бозорларида операциялар бажаради, контракт (шартнома) шартларини бажариш вақтида чэт ел банклари, консернлари, фирмалари ва бошқа шерикларнинг айби билан олинмай қолган маблагларни ундиришга кўмаклашади, ҳукуматлараро битимлами, тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинадиган ўз устави асосида амал қилади.

Тижорат (аксия, пай асосида ва хусусий) банклар юридик ва жисмоний шахсларга Қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизмат кўрсатиш орқали шартнома асосларида кредит, ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизмати кўрсатадилар.

Республика, минтақа дастурлари ва ўзга дастурларни пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва шароитларда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин. Бундай банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан тэгишли рухсатнома олганидан кейин чэт ел валютасида операциялами амалга оширишлари мумкин.

## Назорат учун саволлар

1. Иқтисодиёт соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тушунчаси?
2. Ижтимоий-маданий соҳани бошқариш тушунчаси?
3. Маъмурий-сиёсий соҳани бошқариш тушунчаси?
4. Тармоқлараро давлат бошқаруви тушунчаси?

# ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТИЗИМИ

## 2.1. Жиноят ҳуқуқи тизими, вазифалари, предмети ва тушунчаси

**Режа:**

**1.** Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси ва предмети.
**2.** Жиноят ҳуқуқи тизими.
**3.** Жиноят ҳуқуқи принциплари тушунчаси ва аҳамияти.
**4.** Жиноят ҳуқуқи фанининг вазифалари.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Жиноят ҳуқуқи, Жиноят кодекси, Умумий ва Махсус қисм, Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси, Жиноят ҳуқуқи фани предмети, Жиноят ҳуқуқи тизими, Жиноят ҳуқуқи принциплари, Жиноят ҳуқуқи фани вазифалари,

Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг этакчи тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳуқуқ тизимига кириши билан бирга ўзининг махсус вазифалари, ўрганадиган соҳаси, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан бошқа фанлардан, шу жумладан бошқа ҳуқуқ тармоқларидан фарқ қилади ва ана шу фарқлар уни мустақил фан тармоғи сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Жиноят ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат Ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган, ҳуқуқ принциплари асосида ижтимоий муносабатлар учун хавфли деб ҳисобланган қилмишлар ва бу қилмишлар учун жазо белгиловчи юридик нормалар йиғиндисидан иборат.

Унинг тушунчасини кенг маънода олганда жиноят ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат ҳокимият органи томони-дан ўрнатилган, қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазовор-лигини белгиловчи жиноий жавобгарлик ва унинг асосларини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жазо тизимини, жазо тайин-лашнинг умумий асосларини, жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни, тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқ тармоғидир.

Жиноят ҳуқуқининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мужассамлашган бўлиб, улар Жиноят Кодекси моддаларида белгиланади. Ана шу айтилганларга кўра, Жиноят ҳуқуқи — салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланган жиноятларга қарши кескин кураш олиб боришнинг норматив базаси ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ фанлари тизимида мустақил фан тармоғи еканлиги қуйидаги ўзига хос белгиларда ифодаланади:

1. Фақат жиноят ҳуқуқигина қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини, жиноий жавобгарликнинг асосларини, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишни белгиловчи юридик база ҳисобланади. Бошқа бирорта фан тармоғига бундай хусусият хос емас.

2. Жиноят ҳуқуқининг ўзи тартибга соладиган ўз предмэтига эгаки, бу ижтимоий муносабатлар фақат жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келади. Тўғри, жиноят содир этилиши муносабати билан бир қатор ҳуқуқий фанлар (масалан, жиноят- процессуал, жиноят-ижроия ҳуқуқи) тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Аммо жиноят содир этилиши муносабати билан ҳар бир фан тармоғи ўзига тэгишли бўлган ижтимоий муносабатни тартибга солади. Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари фақат жиноят ҳуқуқида белгиланади. Бошқа бирорта ҳуқуқ фани бу муносабатларни тартибга солмайди.

3. Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари фақат бир томондан давлат номидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилган шахс ҳисобланади.

4. Жиноят ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, юридик факт ҳисобланган жиноят ҳодисаси содир этилиши муносабати билан унинг нормалари ҳаракатга келади. Жиноят ҳуқуқида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш шакли, жиноят қонунида жиноят деб ҳисобланган қилмишларни белгилаш ва уларни содир этишни тақиқлаш, жиноят содир этилган тақдирда тайинланадиган жазоларни белгилашдан иборатдир. Ижтимоий муносабатларни бундай тартибга солиш шакли бошқа ҳуқуқий фанларга хос емас.

Жиноят ҳуқуқи (унинг шакли сифатида Жиноят кодекси ҳам) икки қисмдан — Умумий ва Махсус қисмлардан ташкил топган.

Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва принципларидан иборат. Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми иккита асосий тушунча билан боғлиқ бўлиб, улар жиноят ва жазо тушунчаларидир. Қонун Жиноят кодексининг вазифалари ва принципларини; жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилиш кучини; жиноий жавобгарликнинг асосларини белгилайди; ҳар бир фан тармоғи ўзига тэгишли соҳага тушунча беради ва жиноят ҳуқуқи ҳам жиноятларни туркумларга ажратади (таснифлайди); айб ва унинг шаклларини белгилайди; жиноий жавобгарликка тортилиш ёшини ва жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди; қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар доирасини белгилайди ва уларнинг мазмунини очиб беради; жиноят босқичлари ва иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг таснифини беради; жазонинг мақсади ва ҳар бир жиноий жазонинг тизимини бериб, ҳар бир жазонинг мазмунини очиб беради; жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлаш ҳамда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг мазмунини очиб беради; вояга этмаганларнинг жавобгарлигини алоҳида ажратиб белгилайди ва ниҳоят тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини белгилайди.

Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисми алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларни содир этганлик учун тайинланадиган жазоларни белгилайди. Жиноят ҳуқуқи ана шу икки қисмдан иборат бўлсада Умумий ва Махсус қисмлари бир биридан алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳалари бўлмасдан, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган бир бутун ягона жиноят ҳуқуқини ташкил этади. Уларнинг ягоналиги вазифаларининг бирлигида ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигидадир. Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисмида алоҳида жиноятлар ва шу жиноятни содир қилганлик учун жазо белгиланган бўлса, Умумий қисми моддаларида Махсус қисми моддаларининг амалда қўлланиш қоидалари ўз ифодасини топган. Қисқа қилиб айтганда, Умумий қисмининг моддалари Махсус қисми моддаларининг амалда қўллашнинг калити ҳисобланади. Улар ҳаётда амалда тадбиқ этишда биргаликда қатнашади. Жиноят кодексининг Умумий қисмининг нормаларига мурожаат қилмасдан Махсус қисмининг нормаларини амалда тадбиқ этиб бўлмайди, Умумий қисмининг нормаларини амалда тадбиқ этилиши еса фақат Махсус қисми нормалари орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмларининг ягоналиги уларнинг вазифаларининг бирлигида, яъни шахсни, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдаги вазифаларининг бирлигида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилди. Бунгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан амалга киритилган. У Кодекс мустақил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқич учун тамоман жавоб бермас еди. Чунки у жиноят қонуни ривожланган социализм деб номланган (аслида жамиятда ривожланган социализмнинг ижтимоий муносабатлари шаклланмай, маъмурий буйруқбозлик ҳукм сурар, ўша даврда ишлаб чиқилган ва социалистик ижтимоий муносабатлар ҳисобга олинган еди.)

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодекси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган вақтда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин бўлиб турар еди. Ўз ҳаётини тугатган ески жамият билан бозор иқтисодиёти тизимига асосланган янги жамият ўртасидаги зиддият, фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлайдиган кимсаларнинг жиноий фаолият йўлига ўтиб олганлиги, турли диний екстремистик оқимларнинг очиқдан-очиқ иш кўришга ўтиб олганлиги, айрим жойларда ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракатлар қилиши, турли халқаро террорчи ташкилотлар Ўзбекистонда ҳам ўз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилганлиги ва ҳоказолар жиноятчиликка қарши кураш масаласини енг долзарб вазифаларидан бири қилиб қўйган еди. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ҳудудий яхлитлик, чэгаралар дахлсизлигини таъминлаш,

аҳолининг тинчлиги, осойишталигини, мамлакатда барқарорликни сақлаш енг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган еди.

Ана шундай оғир шароитда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов сабр-тоқат, матонат ва қатъиятлик билан оқилона иш кўрди. Унинг ислоҳотларни амалга оширишнинг «Беш тамойили» ва уни қатъиятлик билан амалда тадбиқ этилиши ўша йиллари барқарорликни сақлаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши ва бозор иқтисодиёти тизимига босқичма-босқич ўтиш, қонуннинг устуворлиги ва бошқа тамойиллар ислоҳотларни амалга оширишнинг дастури сифатида қабул қилинди. Ана шундай шароитда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган еди. Шунга мувофиқ равишда у даврда оғирроқ жазо чораларини, яъни озодликдан маҳрум қилишни қўллашга мойиллик кўпроқ бўлди.

Мамлакатимизда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни қатъиятлик билан олиб борилганлиги туфайли, бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлатнинг ижтимоий муносабатларини шакллантириш йўлида жиддий ютуқларга еришилди.

И.А.Каримов ХХИ асрнинг дастлабки йилларида “мамлакатимизнинг ривожланиш стратэгияси, ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлардан бири мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштиришдир» деб кўрсатиб ўтди. Либераллаштириш сиёсати бевосита суд-ҳуқуқ тизимига ҳам тэгишлидир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (2001 йил 29 августда бўлиб ўтган) олтинчи сессияси Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда туб бурилиш ясади. Президентимиз И.А.Каримов ана шу сессияда «Адолат — қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида «Енг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларини кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур», деб таъкидладилар. Президентимизнинг ана шу сессияда қилган маърузаларида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида аниқ таклифлар қилинди ва шу таклифлар асосида ЎзР Жиноят кодексига бир қанча қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Бу қўшимча ва ўзгартиришлар ЖК Махсус қисми моддаларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни чеклаш ва жазони фақат оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга, жиноий фаолият йўлига ўтиб олган шахсларга нисбатангина тайинлаш кераклигидан, айбдор билан жабрланувчи келишганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, келтирилган зарарни айбдор қоплаган ҳолда озодликдан маҳрум қилишни қўлламасликдан иборат бўлди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида қилинган ишлар туфайли Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи ҳам янги ривожланиш босқичига ўтди.

1959 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари санкциясида асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси

назарда тутилган бўлса, ЎзРнинг амалдаги ЖКда озодликдан маҳрум қилишни фақат оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилинган тақдирда ёки жиноий фаолият йўлига ўтиб олган шахсларга нисбатангина тайинланиши мумкин бўлди. Шундай қилиб 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистонда жиноят ҳуқуқи янги ривожланиш босқичига ўтди.

Агар 1959 йилда қабул қилинган ЖК Махсус қисмининг 30 га яқин моддасида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, амалдаги Жиноят кодексининг иккита моддасидагина (жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш — 97-модданинг 2-қисми, терроризм — 155-модданинг 3-қисми) назарда тутилди. Қисқа қилиб айтганда 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси асосида ишлаб чиқилган жиноят ҳуқуқи бозор иқтисодиёти тизимига асосланган очиқ демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш талабларига мутлақо жавоб бера олмас еди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг Жиноят кодекси сифатида қабул қилинди. Янги Жиноят кодексини Умумий ва Махсус қисмларига олдинги кодексда умуман назарда тутилмаган янги бўлим ва Мавзулар киритилди. Агар олдинги Кодексда жиноятларни таснифлаш умуман назарда тутилмаган бўлса, янги кодексда жиноятлар тўртта туркумга ажратиб таснифланди. Олдинги Кодексда жиноят қонунининг принциплари назарда тутилмаган бўлса амалдаги Жиноят кодексида унинг эттита принциплари (3-10-моддалар) берилди. Олдинги Кодексда бир қанча жиноятлар тушунчаси умуман назарда тутилмаган бўлса, амалдаги Жиноят кодексида, яъни унинг 8-Мавзуида бир қанча жиноятлар ва уларнинг турлари берилди. Олдинги Кодексда такроран жиноят содир этиш, узоққа чўзилган ва давомли жиноятлар, жиноятлар мажмуи (жами), рецидив жиноят содир қилиш тушунчаси ва турларининг тушунчалари берилмаган еди. Олдинги Кодексда вояга этмаганлар жавобгарлиги алоҳида ажратилмаган бўлса, янги Кодексда вояга этмаганлар жавобгарлиги унинг олтинчи бўлимда алоҳида ажратилиб, назарда тутилди. Шунингдек, янги Кодексда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари унинг Умумий қисми ХВИИ бўлимида берилди. Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари ҳам ўзининг тузилиши жиҳатидан олдинги кодексдан тамоман фарқ қилади. Шунингдек, олдинги Кодексда умуман назарда тутилмаган янги бўлим ва Мавзулар янги Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилди. Шу жумладан Махсус қисмининг тизими ҳам янги тартибда берилди.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимидаги бир қатор фанлар билан бевосита боғлиқдир. Айниқса жиноят-процессуал ҳуқуқи, криминология, криминалистика, жиноят-ижроя ҳуқуқи фанлари билан бевосита боғлиқдир. Бу юқорида айтилган фанларнинг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқлиги енг аввало, улар вазифаларининг умумийлигида, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг умумийлигидадир. Ана шу юқорида айтилган фанларнинг норма ва қоидалари фақат жиноят факти содир этилиши муносабати билан ҳаракатга келади. Аммо уларнинг ҳар бирининг ўзи тартибга соладиган

предмэти ва услубига эга. Жиноят ҳуқуқи содир этилган қилмишнинг жиноят еканлигини аниқлаш ва шу жиноят учун жазо тайинлашни тартибга солса, жиноят процессуал ҳуқуқи содир этилган жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов органларининг суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган фаолиятини тартибга солади. Жиноят ижроия ҳуқуқи еса, жиноят содир этганлиги муносабати билан жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг жазосини ижро этишдан келиб чиққан муносабатларни тартибга солади. Жиноят ҳуқуқи жиноят процессуал, криминология, криминалистика ва жиноят-ижроия ҳуқуқи фанлари учун моддий фан ҳисобланиб, бу фанлар ўз бошланғич асосларини жиноят ҳуқуқидан олади.

Жиноят ҳодисаси жиноят -ҳуқуқий нуқтаи назардан олинганда, бу ҳодиса инсон томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган актни содир қилиш деб баҳоланади ва бу фақат жиноят ҳуқуқида ишлаб чиқилади. Содир этилган қилмишга жиноят таркиби қоидалари тадбиқ этилиб, жиноят таркибининг тўртта томони, яъни жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонлари таҳлил қилиниб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаси белгиларига таққослаб кўрилади ва ўша моддада назарда тутилган жиноят содир этилган деб ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи маълум даражада маъмурий ҳуқуқ билан боғлиқдир. Маъмурий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солса, жиноят ҳуқуқи жиноий ҳуқуқ бузишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида муайян қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс яна шундай қилмишни содир қилса қилмиш жиноятга ўсиб чиққан ҳисобланади ва шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқининг предмэти жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари

Ўзбекистон Жиноят ҳуқуқининг вазифалари ЎзР ЖКнинг 2-моддасида баён қилинган. Ушбу моддада белгиланишига кўра Жиноят ҳуқуқининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят еканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига еришганлиги, жамият ва давлат ҳаётида туб ўзгаришлар юз берганлиги, жамиятнинг бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик тузумга ўтаётганлиги муносабати

билан Жиноят ҳуқуқи олдига тамоман янги вазифалар қўйилдики, янги жиноят ҳуқуқида буларни ҳисобга олмаслик мумкин емас. Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликка қарши курашдек ғоят муҳим вазифани бажариш билан бирга, янги шаклланаётган жамиятнинг ижтимоий муносабатларни шаклланишига тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф қилишга ёрдам бериш орқали уларнинг шаклланишини таъминлашдан ҳам иборатдир. Янги жиноят қонуни енг аввало шахсни, уларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият беради. Агарда 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида давлат ва жамоат мулкини ҳимоя қилинишига алоҳида аҳамият берилган бўлса, амалдаги жиноят қонунида мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, мулк бир хилда ҳимоя қилинадиган бўлди. ЎзР Конституциясининг 53-моддасида «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш еркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди» деб ёзиб қўйилган. Демак, жиноят ҳуқуқининг нормалари ана шу конституциявий қоидага мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва у ана шундай ҳимояни таъминлайди. Жиноят ҳуқуқида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузумини, табиий муҳитни, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида аҳамият берилиб, қонун билан қўриқланадиган енг муҳим объекти даражасига кўтарилган. Юқорида айтилганларга кўра жиноят ҳуқуқининг асосий вазифаси жиноят учун жазолаш емас, балки ижтимоий муносабатларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Шундай екан, жиноят ҳуқуқининг енг муҳим вазифаларидан бири жиноятчиликнинг олдини олишдир.

Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликнинг олдини олишни асосан икки йўналишда амалда оширади.

Биринчи йўналиш — жиноят қонунида алоҳида жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилиб жазоланишни белгиланишнинг ўзи, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун қонун-да оғир жазо чораларининг белгиланганлиги жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини бажариш билан бирга тарбиялаш (жазолаш билан қўрқитиб) функциясини ҳам бажаради.

Иккинчи йўналиш–жиноят содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан жазо қўллаш орқали амалга оширилади. Яъни жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жазони тайинлаб уларнинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилинади.

Жиноят ҳуқуқи тарбиявий функцияни ҳам бажаради. Қонунда муайян ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлиги жамиятнинг қонун талабларига риоя қиладиган шахсларнинг ўзларининг шахси, ҳуқуқ ва еркинликлари ҳамда мулкларининг қонун орқали ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилинганлигини ҳис қилиш, ўз фаолиятларини ҳамда турмуш муаммоларини еркин, бэташвиш амалга ошириш имкониятини яратади, ўзини турли тажовузлардан ҳимоя қилинганлигини ҳис қилади. Бунинг ўзи шахсни баркамол шаклланишининг муҳим омилларидан биридир.

Жиноят ҳуқуқининг махсус функциясидан бири рағбатлантириш функциясидир. ЎзР ЖК бутун бир бўлимида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар назарда тутилган бўлиб, шахснинг ўз манфаатлари, ўзгалар, давлат ёки жамоат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш натижасида қилган ҳаракатлари туфайли зарарли оқибат келиб чиқса ва ҳимоя чэгарасидан чэтга чиқилмаган бўлса, қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Жиноят қонунида ана шундай нормаларнинг назарда тутилганлиги фуқароларнинг жиноятларни олдини олиш, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан фаол ҳимоя қилишга рағбатлантиради.

Жиноят қонунида буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш, касб ёки хўжалик фаолиятидан келиб чиққан оқибат учун, жиноятдан ихтиёрий қайтганлик, қилмишга чин кўнгилдан пушаймон бўлганлик (масалан, Ҳозирқонуний олинган қуролни, гиёҳванд воситани ўз ихтиёри билан топширганлик, пора берганлик ҳақида тэгишли идораларга хабар берганлик ва ҳоказолар учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилганлиги жиноят ҳуқуқининг муҳим рағбатлантирувчи функцияларидан ҳисобланади.

Аммо жиноят ҳуқуқининг вазифаларидан бири ҳисобланган жиноятчиликнинг олдини олишдаги функциясига, ҳатто бундай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти анча фаол бўлган тақдирда ҳам тўла унга ишониш ва жиноятчиликка қарши кураш ишини бутунлай унга юклаб қўйиш жуда ҳам тўғри бўлмайди.

Жиноят ҳуқуқининг вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш, енг аввало, жиноятчиликнинг ҳолати ва даражаси билан тўғридан тўғри боғлиқдир. Собиқ Иттифоқнинг охирги ўн йиллик ҳаётини олиб кўрилса, ўша даврда жиноятчиликка қарши кураш кескин қўйилган,жиноят қонунларида жазо кучайтирилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш ишида жуда катта тажрибага эга бўлсаларда жамиятдаги зиддиятларнинг чуқурлиги, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида инқирознинг чуқурлашиб бориши жиноятчиликнинг йилдан-йилга ўсиб боришига олиб келди. 1988 йилда жиноятчилик 4 фоизга ошган бўлса 1989 йилда 31,8 фоизга кўпайган. Жиноятчилик фақат миқдор кўрсаткичлари жиҳатидангина емас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгарди. Уюшган жиноятчилик, мансабини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларда ўсиш юз берди. Замонавий фан-техниканинг ютуқларидан фойдаланиб жиноят содир қилиш кенг тус олди. Уюшган барқарор жиноий гуруҳлар, мафия структуралари давлат ҳаётининг турли соҳаларига суқилиб кира бошлади. Ана шундай ғоят мураккаб бир шароитда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлган еди.

Ана шу айтилганларга кўра жиноятчиликка қарши курашнинг фақат махсус чораларини (жиноят қонуни нормаларини) қўллаш орқали кўзланган мақсадга еришиб бўлмайди. Бунинг учун жиноятчиликка қарши курашнинг умумий чораларини ҳамда (жамият ҳаётининг ҳамма жабҳаларида) ижтимоий муносабатларни ривожлантириш талаб этилади.

Жиноят қонуни жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим воситаси бўлсада, бу ижтимоий салбий ҳодисага қарши кенг доирадаги умумий давлат миқёсида, мукаммал ишлаб чиқилган дастур асосида давлатнинг барча идоралари, кенг жамоатчилик оммасини жалб қилиб ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини юқори даражага кўтаргандагина бу салбий ижтимоий ҳодисага қарши мувафақиятли кураш олиб бориш мумкин. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси бунинг учун кенг доирадаги ҳуқуқий имкониятлар яратди. Жиноят қонунларини аниқ ва тўғри амалда тадбиқ этишни давлатнинг жиноятчиликка қарши курашда олиб борадиган чоралари билан қўшиб олиб борилгандагина жиноятчиликка қарши курашнинг кўзланган самарали натижаларига еришиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқи жиноят сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Жиноят сиёсати жамият ҳаётининг ушбу босқичида жиноятчиликка қарши курашнинг асосий йўналишлари ва йўлларини ҳамда воситаларини белгилаб берувчи ғоя ва тасаввурлар мажмуидан иборат. Унинг асосий мазмуни жиноят қонунини амалда қўлланишини ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг тактика ва стратэгиясини, вазифаларини белгилаб беришда ифодаланади. Жиноят сиёсатининг асосида жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ётади.

Жиноят сиёсати жиноятчиликка қарши кураш қонунга асосланган ҳолда, унинг нормаларига қатъий амал қилинган ҳолда «Қонун ягона ва унинг олдида ҳамма тенгдир», — дэган принципга асосланган ҳолда олиб борилиши керак. ЎзР ЖКнинг 5-моддасида жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, еътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқедан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар, дейилади.

Жиноятчиликка қарши курашнинг кўп йиллик тажрибаси ва амалдаги Жиноят кодексининг мазмунидан жиноят сиёсатида иккита тенденция амал қилаётганлигини кўрамиз. Булар биринчидан оғир ва ўта оғир жиноятларга, жиноятчиликни касб қилиб олганларга, уюшган жиноятчилик, уларнинг раҳбарларига, фаол иштирокчиларига, ўта хавфли рецидивистларга қарши жиноят қонуни нормаларидан фойдаланган ҳолда муросасиз кураш олиб бориш.

Иккинчи тенденцияда жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принциплари мужассамланган. Бу — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлашдан иборат. Ана шу иккита тенденцияни узвий равишда боғлиқ ҳолда амалга оширилгандагина жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш таъминланиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқининг принциплари

Жиноят ҳуқуқининг принциплари дэганда, умуман жиноят ҳуқуқининг ва унинг тизимини алоҳида институтларининг мазмунини белгиловчи, унга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган жиноят ҳуқуқининг

нормаларида мужассамлашган бошланғич раҳбарий-назарий ғоялари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг принциплари ЎзР ЖКнинг 3-моддасида кўрсатилган бўлиб, булар: қонуний-лик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгар-ликнинг муқаррарлиги принципларидир.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида биринчи марта жиноят ҳуқуқининг принциплари назарда тутилди. Қонуннинг ўзида унинг принципларининг берилиши, аввало бу принципларга мажбурийлик хусусиятини берса, умуман жиноят ҳуқуқи ва унинг институтлари ва алоҳида нормаларини ана шу принципларга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари бўлиб хизмат қилади. Бу принциплар Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг принципларига тўла мувофиқ келади.

Жиноят ҳуқуқининг принциплари бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг жиноят қонуни нормаларининг ички бирлигини, нормал мувофиқлигини таъминлайди.

Жиноят ҳуқуқининг ҳар бир принципи мустақил мазмунга эга бўлсада, улар бир-бири билан боғлиқ бўлган, ягона тизимдан ташкил топган принциплар мажмуидан иборатдир. Уларда Ўзбекистоннинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати ўз ифодасини топган.

Қонунийлик принципи — ЎзР ЖК 4-моддасида жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципи берилган бўлиб, содир этилган қилмишнинг жиноийлигини, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин емас. Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Жиноят қонуни мамлакатимизда жиноий қилмиш содир қилганлик учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ягона жиноят қонунидир. Бошқа бирон қонун нормасини қўллаб шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин емас. Жиноят кодексида жиноят деб ҳисоблаб, жавобгарлик белгиланган, бунинг учун жазо назарда тутилган қилмишларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, Кодексда назарда тутилмаган, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш жиноят ҳисобланмайди ва улар учун жиноят қонуни нормаларини қўллаб жавобгар қилиниши мумкин емас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилади. Демак, жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципи енг аввало Конституциявий принцип ҳисобланади ва

жиноят ҳуқуқида шундайлигича қабул қилинган. Проф. А.С.Якубов ЎзР жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципини қуйидаги белгиларда ифодалайди:

а) қилмишнинг жиноийлиги фақат Жиноят кодекси билан аниқланиши; б) жазо ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши; в) Жиноят кодексининг жиноят ҳуқуқи учун ягона манба еканлиги; г) шахснинг жиноятни содир этишдаги айблилиги ёки унга қўйилган айбда айбсизлигини фақат суд томонидан аниқланиши; д) жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд томонидан қўлланиши; е) жиноятни содир этишда айбдор деб ҳисобланган шахсни ҳуқуқий ҳолати фақат қонун билан белгиланиши; ж) барча ҳуқуқни амалда қўллайдиган идораларнинг жиноят қонунининг мазмунини ўз ваколатлари доирасида ва Жиноят кодексида кўрсатилган аниқ матнга мувофиқ шарҳлаш мажбурдирлар, дэган қоидалардан иборат.

Шундай қилиб, қонунчилик принципи жиноят содир қилишда айбланаётган, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жазо қўллаш фақат жиноят қонуни доирасида ва унга мувофиқ равишда амалга оширилади. Шунингдек, жиноят содир қилишда айбланаётган шахсни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш фақат жиноят қонуни билан ҳал қилинади. Қонунчилик принципи барча жиноят-ҳуқуқий нормаларга бир хилда тэгишлидир.

Қонунда ана шу принципнинг белгиланиши ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни аналогия бўйича жавобгар қилишни истисно қилади.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи — ЎзР ЖКнинг 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи берилган бўлиб, унда жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, еътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар» дейилади.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи Конституциявий принцип бўлиб (ЎзР Конституциясининг 18-моддаси), бу принцип жиноят ҳуқуқига ҳам шундай ҳолда олинган. Демак, ушбу Конституциявий принцип демократик жамиятда фуқаролар ҳуқуқининг асосий мақоми ҳисобланади.

Ушбу принцип жиноят ҳуқуқининг енг муҳим принцип-ларидан бири бўлиб, жиноят содир этишда айбланаётган шахсни жавобгарликка тортишда ҳеч қандай ҳолат ва омиллар таъсир қила олмайди ва ҳамма қонун олдида тенгдирлар.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги тўғрисидаги Конституциявий принцип анча кенг тушунча бўлиб, фақат жиноят қонунигина емас, балки барча қонунлар назарда тутилса, жиноят ҳуқуқидаги ҳамманинг қонун олдидаги тенглиги фақат жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга тэгишли холос.

Тўғри, айрим туркумдаги мансабдор шахслар (масалан, депутатлар) муайян имтиёзга эгадирлар. Масалан, шахсни депутатлик ваколатидан маҳрум қилмай қамоққа олишнинг тақиқланиши. Аммо ундай имтиёзлар жиноят ҳуқуқий имтиёзлар бўлмасдан уларнинг ўз фаолиятларини нормал олиб боришнинг муҳим шартидир. Улар жиноят содир қилган тақдирда депутатлик ваколати бекор қилиниб умумий тартибда жиноий жавобгар қилинаверади. ЎзР ЖК нинг 16-моддаси 2-қисмида белгиланишича жиноят содир этиш пайтида қонунда назарда тутилган ёшга тўлган ақли расо шахслар ЖК да назарда тутилган жиноятлар таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун ягона асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги фақат жиноят учун тенг жавобгарлик мажбуриятидангина иборат бўлмай, жиноят содир этишда айбланаётган барча шахслар ўз қилмишларини қонунга мувофиқ равишда баҳоланишини талаб қилиш ҳуқуқига бир хилда эгадирлар.

Демократик принципи— ЎзР ЖК нинг6-моддасида жиноят ҳуқуқининг демократик принципи баён қилинган. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар жиноят содир этган шахснинг ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

ЎзР Конституциясининг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, дейилади. Шунга кўра, бу принцип бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг енг муҳим принципларидан ҳисобланиб, жиноят қонунининг нормаларини амалда қўлланишида жамоатчиликнинг ёки уларнинг вакилларининг жиноят қонуни нормаларини амалда тадбиқ этишда жамоатчиликнинг қатнашувидир. Айниқса, жазо тайинлаш ва озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазога ҳукм қилинганларни тарбиялашда бевосита жамоатчилик кучидан фойдаланишда жиноят ҳуқуқининг демократик принципи намоён бўлади.

Айниқса, вояга этмасдан жиноят содир қилганларни тарбиялашда жамоатчилик фаол жалб қилинади. ЎзР ЖК нинг 87-моддасининг 1-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга этмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини еътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин дэган хулосага келинса, шахс жавобгарликдан озод қилиниб, вояга этмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Жиноят ҳуқуқида шартли ҳукм қилиш, муддатидан илгари жазодан шартли озод қилиш ва бошқа жазодан озод қилиш нормалари назарда тутилганки, айрим ҳолларда шахсга нисбатан жиноят қонуни нормаларида назарда тутилган мажбурлов чоралари ёки давлат тузилмалари томонидан қўлланадиган чораларга нисбатан шахснинг ўзи яшаётган ёки ишлаётган жойидаги кишиларнинг таъсири самаралироқ натижалар бериши мумкин.

Инсонпарварлик принципи — ЎзР ЖК нинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда этарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ЖК Махсус қисмининг тэгишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали еришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Инсонпарварлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ белгилаб қўйилган бўлиб, унда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсад қилинади.

Жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи жиноят содир қилган шахсга ҳам, жабрланувчига ҳам бирдай тааллуқлидир. Жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи, енг аввало, ижтимоий тузумнинг ижтимоий сиёсий моҳияти, жиноят қонунининг мақсад ва вазифалари билан боғлиқдир.

Жиноят ҳуқуқининг жиноят содир этган шахсларга нисбатан инсонпарварлик принципи, енг аввало, жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилар екан, жисмоний азоб бериш, инсоний қадр-қимматни камситишга асло йўл қўйилмайди.

Ҳар бир фуқаро, жиноят содир қилган ёки умуман жиноят содир қилмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқароси ва Ўзбекистон қонунларининг ҳимояси остидаги шахсдир. Ҳар бир жиноят содир қилган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилганидан бошқача муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 2-қисмида «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқациз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги қийноққа дучор этилиши мумкин емас», деб таъкидланган бўлиб, бу жиноят содир қилган шахсларга ҳам тааллуқлидир.

ЎзР ЖК нинг 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини, шунингдек, бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланишининг ўзи жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципидир.

Шахсни, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини, қонуний манфаатларини, мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш билан фуқароларда тинч, бехавотир ва осойишта яшашини таъминланишининг ўзи ва бунга фуқароларда ишонч ҳосил қилинганликнинг ўзи жиноят ҳуқуқининг муҳим инсонпарварлик принципи ҳисобланади.

Жиноят қонунини либераллаштириш муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни назарда тутувчи жиноят ҳуқуқий нормаларнинг кенгайтирилганлиги инсонпарварлик приниципининг янада чуқурлашганлигини билдиради.

Жазолашдан кўзланган мақсадга Жиноят кодекси Махсус қисмининг айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган моддасида назарда тутилган

енгилроқ жазони тайинлаш орқали еришиб бўлмайди дэган қатъий хулосага келинсагина оғирроқ жазо чораси қўлланиши мумкинлиги жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципининг катта ютуғидир.

Одиллик принципи — Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлишидир. Ушбу принципнинг моҳияти жиноят учун жавобгарликка тортиш тўла исботланган ва бунга ишонч ҳосил қилинган, қонунга мувофиқ келадиган ҳолатларга асосланганлигидадир. Жиноят ҳуқуқининг одиллик принципи ЖК Махсус қисми моддалари санкцияларида жиноят учун тайинланадиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасида ўз ифодасини топади.

Қуйидаги ҳолатлар одиллик принципини амалга оширишнинг мезонлари ҳисобланади:

а) жиноятнинг оғир-енгиллиги;

б) айбнинг даражаси;

в) шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси.

ЎзР ЖКнинг 15-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, барча жиноятлар тўрт туркумга бўлинган. Булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир. Ҳар бир жиноятнинг қайси туркумга кириши ЖК Махсус қисми моддаларининг санкциясидаги жазо тури ва муддати билан белгиланади. Бу масалалар ушбу дарсликнинг жиноятларни таснифлаш Мавзуида батафсил берилган. Суд жазо тайинлашда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан бирини ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб тайинлаш орқали одиллик принципини амалга оширади.

Айбнинг даражасини еса жиноят содир этишнинг барча руҳий ҳолатлари (айбнинг шакли ва унинг турлари, жиноят содир қилишнинг мотиви ва мақсади, этказилган зарарнинг миқдори ва ҳоказолар) ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Шахснинг ижтимоий хавфлилиги еса субъектнинг шахсида жиноятчига хос бўлган хусусиятларни қай даражада чуқурлиги ва турғунлиги (жиноятни биринчи марта такроран, бир неча марта содир этилганлиги, жиноий фаолиятга айланганлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист еканлиги) билан белгиланади.

ЖК Махсус қисми моддаларида белгиланган жиноятлар учун жавобгарлик ана шу юқорида айтилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва жиноят ҳуқуқининг одиллик принципи асосида амалга оширилган.

Айб учун жавобгарлик принципи — шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишидир. Айб ҳар қандай жиноий қилмишнинг субъектив томонининг зарурий белгисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган

ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», дейилади. Демак, айблилик ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг жиноий қилмишини квалификация қилиш ва жазо тайинлашда айбнинг шакли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айбнинг шакли ва унинг турлари жазонинг миқдори ёки бошқача ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон жиноят қонунида фақат субъектив айблилик қоидаси мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, объектив айблиликка (муайян жиноятни содир этилишида шахснинг умуман айби йўқлиги) қатъиян йўл қўйилмайди. Шахснинг қилмиши туфайли қандай оқибатлар келиб чиққанлигидан қатъи назар, агар бу оқибатлар келиб чиқишида унинг айби бўлмаса қилмиши жиноят ҳисобланмайди.

Шахснинг муайян оқибатни келиб чиққанлигида айби йўқлиги унинг ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслиги ва ҳаракатларини бошқара олмаганлиги билан ҳам белгиланади. Шахсни муайян жиноятни содир этишда айблаш учун фақат ўша жиноятни содир этиш мақсадининг борлиги, яъни ўз ҳаракатларини идора қилиш ва ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган оқибатни англашнинг ўзи этарли бўлмай, қилмишнинг объектив ва субъектив томонларида ўзаро боғлиқлик бўлиши, яъни объектив томони ва субъектив томонининг бирлиги бўлиши керак. Ана шундагина шахсни муайян жиноятни содир этишда айблаб жавобгар қилиш мумкин.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи — муайян жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноий жавобгарлик шахснинг жиноят ҳуқуқи билан тақиқланган қилмишни содир этишда ифодаланган хулқи учун жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаб, жавобгар қилишдан иборатдир. Жавобгарлик муқаррарлигининг моҳияти ҳам жиноятчиликка қарши кураш ёки унинг олдини олишнинг муҳим шартларидан бири ҳам, жиноят содир қилган битта шахс ҳам жавобгарликсиз қолмаслигидадир.

Жиноий жавобгарлик фақат шахс билан давлат ўртасида (давлат номидан ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар) вужудга келган жиноят ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, жиноят содир қилган шахсда давлат олдида (ҳуқуқни амалда қўлловчи органлар олдида) жавобгар бўлиш, давлатда еса уни жавобгар қилиш мажбурияти вужудга келади. Жиноий жавобгарлик, аввало, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо қўллаш билан боғлиқдир.

Жиноят содир қилган шахсни жавобгарликка тортиш муқаррар бўлиб, аммо ҳар доим ҳам жазо қўллаш билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. ЎзР ЖК Умумий қисмининг 7-Мавзуида жавобгарликдан, 8-Мавзуида жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалар кўзда тутилган. Демак, жавобгарликка тортиш тушунчаси анча кенг тушунча бўлиб, айбдорга нисбатан жазо қўллаш ёки жавобгарликдан ёхуд жазодан озод қилиш масаласи фақат жиноят учун жавобгарликка тортилганидан кейингина қўлланиши мумкин.

## Назорат учун саволлар.

1. Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси?
2. Жиноят ҳуқуқи фани предмети?
3. Жиноят ҳуқуқи тизими?
4. Жиноят ҳуқуқи принциплари тушунчаси ва аҳамияти?
5. Жиноят ҳуқуқи фанининг вазифалари?

## 2.2. Жиноят ва жиноятлар тушунчаси. Жиноий жавобгарлик асослари.

**Режа:**

**1.** Жиноят тушунчаси ва унинг белгилари.
**2.** Жиноятларни таснифлаш ва унинг ҳуқуқий аҳамияти.
**3.** Жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг асослари.
**4.** Жиноятчилик тушунчаси.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Жиноят тушунчаси, Жиноят белгилари, Жиноятни таснифлаш, Жиноий жавобгарлик, Жиноий жавобгарликнинг асослари, Жиноятчилик тушунчаси, Ижтимоий хавфлилик, Ўғрилик, Талончилик, Босқинчилик, Товламачилик, Фирибгарлик.

Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми иккита асосий тушунча билан боғлиқ бўлиб, улар жиноят ва жазо тушунчаларидир. Шунга кўра жиноят тушунчаси жиноят ҳуқуқининг енг муҳим ва асосий катэгориясидир.

ЎзР ЖКнинг 2-моддасида Жиноят кодексининг вазифалари белгиланар екан, шахсни, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатлиги кўрсатилиб, жиноятларнинг доираси умумий тарзда баён қилинади. ЎзР ЖКнинг 14-моддасида еса жиноят тушунчаси берилади. Унда Жиноят кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади, дейилади. Демак, жазолаш билан қўрқитиб, жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракацизликни айбли содир этиш жиноят деб топилади. Жиноят — инсоннинг онгли фаолияти, алоҳида кишининг онгли қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишидир.

Кишининг ҳуқуққа хилоф қилмиши фаол ҳаракат ёки ҳаракацизликда ифодаланиши мумкин. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати ёки ҳаракацизлиги унинг онги билан бошқарилган бўлиши керак. Ана шундагина унинг ижтимоий хавфли қилмиши жиноят ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 14-моддасида жиноятга берилган таърифни таҳлил қилиш орқали унинг белгиларини аниқлаш мумкин ва улар қуйидагилардан иборат:

1) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги;

2 ижтимоий хавфлилиги;

3) айбнинг мавжудлиги;

4) қилмиш учун жиноят қонунида жазо белгиланганлиги (жазога сазоворлиги).

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишда ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда мавжудлиги уни жиноят деб топишга асос бўлади. Ана шу белгилардан биттаси бўлмаса қилмиш жиноят деб топилмайди.

Қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги. ЎзР ЖК нинг Махсус қисми моддаларида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, бу моддаларда айтилган қилмишларни содир қилиш тақиқланади. Уларни содир қилиш еса ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноят деб ҳисобланмаган ва жазо назарда тутилмаган қилмишлар ҳар қандай оқибатга сабаб бўлганлигидан қатъи назар, жиноят ҳисобланмайди. Қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун албатта, ЖК Махсус қисми моддасида кўрсатилган ва бунинг учун жиноий жазо назарда тутилган бўлиши керак.

У ёки бу қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ва Жиноят кодексига киритиш масаласини фақат қонун чиқарувчи орган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси) ҳал қилади. У ёки бу қилмишни криминализация ёки декриминализация қилиш масаласи жамиятда шундай қилмишларнинг мавжуд ижтимоий муносабатлар учун хавф туғдириши, маълум даражада бундай ҳаракатларнинг кўпайиши билан ҳам боғлиқдир.

Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, бу жиноятларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) криминологик жиноятлар;

2) жиноят-ҳуқуқий жиноятлар;

Криминологик жиноятлар инсоният тарихининг барча босқичларида ижтимоий хавфли ҳисобланиб мавжуд одат, ахлоқ ва қонун нормалари билан доимо таъқиб қилиб келинган. Буларга масалан, одам ўлдириш, баданга шикаст этказиш, ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва ҳоказоларни айтиш мумкин. Бу жиноятлар учун жазо муддати ва турлари ҳар хил бўлиб келган бўлсада, улар ҳар доим таъқиб қилинган.

Жиноят-ҳуқуқий жиноятлар еса муайян бир даврда ижтимоий хавфли тус олганлиги муносабати билан жиноят деб ҳисобланади, жиноят-ҳуқуқий норма сифатида Жиноят кодексига киритилади. 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексида жиноят деб ҳисобланган 60 яқин қилмишлар янги Жиноят кодексига киритилмади. Масалан, чайқовчилик учун олдинги кодексда жавобгарлик белгиланган еди. Чайқовчилик учун жавобгарликни назарда тутувчи олдинги кодекснинг 175-моддаси янги Жиноят кодексига киритилмади.

Чайқовчилик енди жиноят емас, балки тижорат ҳисобланиб, кишиларнинг шуғулланиш фаолият туридан бирига айланди. Шунинг билан бирга олдинги Жиноят кодексида жиноят деб ҳисобланмаган 60 га яқин қилмишлар янги Жиноят кодексига жиноят деб киритилди.

Жиноят қонунининг мазмунига кўра, фақат ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқарган қилмишларгина жиноят ҳисобланмай, балки қонун билан қўриқланадиган объектга реал зарар этказиш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам жиноят ҳисобланади. ЎзР ЖК нинг 14-моддаси 2-қисмида «Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган

объектларга зарар этказадиган ёки шундай зарар этказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади» дейилган.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги. ЎзР ЖК нинг 14-моддасида жиноят ижтимоий хавфли ҳисобланиб қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг белгиларидан бири сифатида кўрсатилган. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг сифат кўрсаткичидир. Айнан қилмишнинг сифат кўрсаткичи уни жиноят деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик масаласини аниқлаб беради. Демак, ижтимоий хавфлилиги унинг моддий моҳиятини белгилайди ва қонун чиқарувчи орган томонидан жиноят деб ҳисоблаб қонунга киритишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Қилмишда ижтимоий хавфлиликнинг мавжудлиги унинг ижтимоий муносабатга зарар этказиш ёки зарар этказиш хавфи остида қолдиришини билдиради. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг объектив хусусияти ҳисобланиб, қонун чиқарувчининг онги ва иродасидан қатъи назар, ижтимоий муносабатларга зарар этказади ва ўзининг ички моҳиятига кўра жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишига зарар этказади. Қонун чиқарувчи орган ижтимоий хавфли қилмишнинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб уни жиноятлар доирасига киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал қилади. Бунда қонун чиқарувчи органнинг вазифаси жамият ривожланишининг муайян босқичида жамиятнинг ҳаётини тўғри баҳолаш ва қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ёки декриминализация қилишдан иборатдир.

Жиноят шахс учун ҳам, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам хавфлидир. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қонун билан қўриқланаётган объектнинг жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши-нинг аҳамияти орқали аниқланади.

Бу объектлар ЖКнинг 2-моддасида белгиланишига кўра шахс, унинг ҳуқуқ ва еркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсониятнинг хавфсизлигидир. Аммо жиноятнинг хавфлилик даражаси фақат қилмиш туфайли тажовуз қилинадиган объектнинг ўзи билангина ифодаланмай содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам белгиланади. Булар жиноят содир қилиш вақти, жойи, усули, содир этиш шароити ва ҳоказолар билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, одам ўлдириш жиноятини жабрланувчини қийнаб содир этиш, ўғрилик, талончилик, босқинчилик жиноятларини уй-жой ёки омборхоналарга кириб содир этиш ва ҳоказолар.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи мезонлардан бири жиноят туфайли этказилган зарарнинг миқдоридир.

ЖК Махсус қисмининг кўпчилик моддларида этказилган зарарнинг миқдорига қараб жавобгарлик белгиланган. Масалан, ЖКнинг 104-моддасида баданга қасддан оғир шикаст этказганлик 105-моддасида ўртача оғир, 109-моддасида еса енгил шикаст этказганлик учун жавобгарлик белгиланган ёки фирибгарлик туфайли кўп миқдорда мулк талон-торож қилинса 168-модданинг иккинчи қисми билан, жуда кўп миқдордаги мулк талон-торож қилинса, шу модданинг 3-қисми билан жавобгар қилинади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини белгиловчи мезонлардан яна бири жиноятнинг мотив ва мақсадидир. Масалан, ЖК нинг 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик назарда тутилган ёки 133-моддада шахснинг тириклигида розилигини олмасдан ёки ўлганидан кейин қариндошларининг розилигини олмасдан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш ва ҳоказолар.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги. Жазога сазоворлик дэганда ҳар бир содир этилган жиноят учун қонунда жазо белгиланганлиги ва уни жиноят учун тайинланиши мумкинлигидир. Ҳар бир жиноят учун муқаррар равишда жазо тайинланиши шартми? ЎзР ЖК нинг 10-моддасида қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт дейилади. Демак, жиноят учун жавобгарлик муқаррар бўлиб, жазо тайинлаш жавобгарликка тортилганидан кейин тайинланадиган мажбурлов чорасидир.

Жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан ҳар доим ҳам жазо тайинланавермайди. ЎзР ЖК нинг 64-68-моддаларида жиноят содир қилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шартлари белгиланган бўлиб, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган ва қилмишда ўша моддаларда кўрсатилган шартлар мавжуд бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жавобгарликдан озод қилиш шахсни оқлаш бўлмасдан жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда жавобгарликдан озод қилишдир. Демак, ЖК нормаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилиш фақат жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган, тўла исботланган шундай жиноят учун Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноий жазо назарда тутилган қилмишларгагина қўлланади. Шундай екан, ЖК нормаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилинган шахсларнинг жинояти ҳам жазога сазовор бўлган қилмиш ҳисобланади.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида ҳам (масалан, 155-модданинг 4-қисми, 157-модданинг 2 ва 3-қисмлари, 211-модданинг 4-қисми, 212-модданинг 4-қисми ва ҳоказолар) жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, бундай озод қилиш фақат ўша моддада назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланади. Демак, бундай қилмиш ҳам жиноят ҳисобланган ва бунинг учун ЖК да жавобгарлик белгиланган жиноий қилмишдир. Шундай қилиб, содир этилган жиноят учун жазо тайинланган ёки ЖК нормаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар, ўша қилмишлар жиноят ҳисобланади ва жазога сазовордир. Шундай қилиб, фақат Жиноят кодексида берилиб, жиноий жазо назарда тутилган қилмишларгина жиноят ҳисобланади.

Жиноятларни таснифлаш

Жиноят ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўзининг махсус белгиларига эга бўлиб,бу белгилар ЎзР ЖК нинг 14-моддасида баён қилинган. Аммо бу

белгиларнинг ўзи жиноятни квалификация қилиш, жиноят қонунини амалда қўллашнинг қонунийлиги ва адолатлилигини, жавобгарликни табақалаштирган ҳолда амалга ошириш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам жиноятларни муайян туркумларга ажратиш жавобгарликни табақалаштириш, ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларни ЖК Умумий қисми моддаларига мувофиқ равишда ишлаб чиқиш имконини беради.

Жиноятларни у ёки бу белгиларига қараб туркумларга ажратиш жиноятларни таснифлаш деб айтилади. Жиноятларни жиноят қонунида таснифлаш биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида амалга оширилди. Жиноятларни таснифлаш масаласи жиноят ҳуқуқида ҳар доим ҳам бўлган. Аммо уларни таснифлаш жиноят қонунида биринчи марта мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодексида амалга оширилди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида таснифлашнинг икки туридан фойдаланилиб, булар:

1) жиноятларни объектига қараб таснифлаш;

2) жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашдан иборат.

Кўпгина ривожланган давлатларда жиноятлар икки ёки учта туркумга бўлиб таснифланади. Масалан, Японияниng жиноят қонунида жиноятлар иккита туркумга бўлиниб, булар:

1) сиёсий жиноятлар;

2) бошқа барча жиноятлар.

Англия жиноят ҳуқуқида барча жиноятлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, биринчи гуруҳ жиноятларига жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан айблов актини еълон қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, иккинчи гуруҳга бундай айб еълон қилиш акти тақдим этилиши талаб қилинмайдиган жиноятлар киритилган. Биринчи гуруҳга кирувчи жиноятлар ўз навбатида учта тургa бўлиниб, булар:

1) тпеесон (тризн);

2) фелонй (фелония);

3) мисдемеанор (мисдиминор).

Амалдаги жиноят ҳуқуқида жиноятларни таснифлашнинг асосан иккита туридан фойдаланилган бўлиб, булар:

1. Жиноятларни объектига қараб таснифлаш;

2. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш.

Жиноятларни объектига қараб таснифлаш усули Жиноят кодекси Махсус қисми бўлим ва Мавзуларининг жамиятдаги аҳамиятига қараб муайян бўлимлар ва Мавзулар тизимида жойлаштиришда фойдаланилган.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш мезонлари ЖК 15-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашнинг асосий мезони сифатида Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларидаги жазо тури ва муддати ҳисобга олинган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлашнинг қўшимча мезони сифатида айб шакли ҳам ҳисобга олинган. Масалан,ЖК 15-моддасининг 3-қисмида унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноятлар, шунингдек, ехтиёцизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради, дейилади. Демак, бу нормада қилмишни унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаш учун фақатгина қонунда белгиланган жазо муддатининг ўзигина емас, балки айб шакли ҳам зарурий мезон сифатида қатнашмоқда.

Жиноятларни ЖК нинг 15-моддасида белгиланган тахлитда таснифлашнинг яна бир қулайлик томони шундаки, ЖК Умумий ва Махсус қисми моддалари таҳририни содда ва аниқ ишлаб чиқиш имкониятини беради. ЖКнинг 15-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар қатъий белгилаб қўйилганлиги боис ана шу туркумдаги жиноятлар тўғрисида гап кэтганда уларни қонун нормасидаги жиноятлар учун ишлатиладиган атаманинг ўзини айтишнинг ўзи этарлидир. Масалан ЎзР ЖК Махсус қисмининг 241-моддасида тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик, дейилади.Оғир ёки ўта оғир жиноятлар туркумига қандай жиноятлар кириши еса ЖК нинг 15-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (64-модда) нормаларини қўллашда ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, 64-модданинг 1-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб уч йил, унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил ўтиб кэтган бўлса, шахсни жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган.

Демак, Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар муайян туркумларга бўлинар екан, жиноятни у ёки бу туркумга киритишнинг белгилари ҳам кўрсатилган. Бу билан ЖК нормаларини амалда қўлланиши осонлаштирилган.

Агарда қонунларда жиноятларни муайян туркумларга бўлишнинг ўзи билан чекланилиб ё бу жиноятни у ёки бу туркумининг рўйхати берилмаса, ёхуд у ёки бу туркумининг белгилари берилмаса, жиноят қонунларини амалда тадбиқ этишда катта қийинчиликлар туғдиради, деб ёзганда Загородников Н.И.ҳақ. Ўзбекистон Жиноят кодексида жиноятларни таснифлашда моддаларни санаб кўрсатиш йўлидан емас , балки жиноятларни белгилари орқали таснифлаш йўлидан фойдаланилди. Чунки, муайян туркумдаги жиноятларни беришга нисбатан унинг белгилари орқали таснифлаш қулай ва ЖК нинг барча моддаларини ҳамма фойдаланиши учун қулай бўлган шаклда тузиб чиқиш имконини беради.Моддаларни санаб кўрсатиш орқали таснифлаш еса, бир қатор ноқулайликларга эга, айниқса ЖК га қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганда кўплаб нормаларни

ўзгартиришга тўғри келади. Белгиларига кўра таснифлашда еса ЖК нинг кўплаб моддаларини ўзгартиришга ҳожат қолмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан ЎзР ЖКга қўшимча киритилиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб қонунда уч йилгача, еҳтиёцизликдан содир этилиб беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар ҳам киритилди. Бунда ЖК Махсус қисмининг моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга ҳожат йўқ еди. Ваҳоланки, 15-моддага киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар туфайли ЖК Махсус қисмидаги бир қанча жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркмидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтиб кэтди.

Принцип жиҳатидан олганда жиноятларни таснифлаш турли асосларга биноан амалга оширилиши мумкин. Чунки жиноятларни кўплаб объектив ва субъектив белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Бунда жиноятларни таснифлашнинг мақсадига боғлиқ бўлади.

Жиноятларни таснифлаш жиноят қонунининг ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда барча жойларда, барча судлар томонидан юридик жиҳатдан бир хилда тадбиқ этиш имконини беради. Жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни жавобгарлик ёки жазодан озод қилишда содир этилган жиноятни, жиноятларнинг қайси туркумига киритишни ҳисобга олган ҳолда қўллаш имконини беради.

Вояга этмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар алоҳида туркумдаги жиноятларга ажратилмаган. ЎзР ЖКнинг Умумий қисмида вояга этмаганларнинг жиноий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида бўлимда берилган бўлиб, бу бўлимда фақат вояга этмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо турлари, уларга нисбатан жазо тайинлаш, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалар баён қилиниб, жиноятга тэгишли масалалар баён қилинмаган. Вояга этмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни таснифлаш масалалари ҳам ЎзР ЖК нинг 15-моддаси қоидалари асосида ҳал қилинади.

Аммо вояга этмаганларнинг жиноятларини таснифлашдаги муаммо шундаки, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган моддалардаги санкция миқдори бошқача, яъни вояга этмаганлар учун тайинланадиган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатлари ЖК нинг 82-моддасида анча қисқартириб берилган. Масалан, ЖК Махсус қисмининг моддалари санкциясида енг оғир жазо сифатида 3 йилдан 5 йилгача муддат назарда тутилган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган. ЖКнинг 85-моддасида жиноят содир қилиш пайтида ўн олти ёшга этмаган шахсларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланадиган озодликдан маҳрум қилишнинг максимал муддати уч йилгача белгиланган. Ваҳоланки, ЖК 15-моддасида қонунда қасддан қилинган жиноят учун енг оғир жазо сифатида уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

ЎзР ЖК 15-моддасининг 2-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми берилган бўлиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, ехтиёцизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига бир қанча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган еди. Ана шундай қўшимча ва ўзгартиришлардан бири ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар доирасини кенгайтиришдан иборат бўлган қўшимча ва ўзгартиришлардир.

15-моддага киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ҳисобга олиб, бу модданинг 2-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг доираси белгиланади. Бу ерда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, ехтиёцизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради, дейилади. Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумини ифодалашда фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси олинмоқда холос. Ваҳоланки Жиноят кодексида фақат озодликдан маҳрум қилишнинг ўзи емас, балки бошқа бир қанча жазолар ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўплаб моддалари санкциясида озодликдан маҳрум қилиш умуман назарда тутилмаган. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар назарда тутилган жиноятларни қайси туркумдаги жиноятларга киритиш керак дэган ҳақли савол туғилади. Чунки умумий қоидага кўра қонунда йўқ нормани амалда қўллаш мумкин емас.

Бизнинг назаримизда, ЖК 15-моддасини 2-қисми қайтадан қабул қилиниб, қуйидаги таҳрирда баён қилиниши керак:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган, шунингдек, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, ехтиёцизлик оқибатида содир этилиб қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради» деб берилиши керак. Ана шу юқорида баён қилинганларга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга:

1) Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормаси санкциясида озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазолар назарда тутилган жиноятлар;

2) қасддан содир этилиб, қонунда, яъни Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар;

3) эҳтиётизликдан содир этилиб, Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг асосий кўпчилик нормаларида алтернатив жазолар назарда тутилган. Масалан,ЎзР ЖК 168-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган фирибгарликни содир қилганлик учун енг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Бу санкцияда жазонинг енг енгили жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари, енг оғири озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилиб, жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ҳисобланса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар еса унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Бундай ҳолатда шундай савол туғилади: агар санкцияда назарда тутилган алтернатив жазоларнинг енг енгили ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят туркумида, енг оғири унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумида бўлса, бундай жиноятлар жиноятлар таснифининг қайси туркумига киради? Бизнинг назаримизда ҳам жиноятларни у ёки бу туркумига киритишда қонуннинг мазмуни ва амалда қўлланиш амалиётига кўра ҳам санкцияда кўрсатилган алтернатив жазоларнинг енг оғири ҳисобланиб, муайян туркумга киритилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг жиноят ҳуқуқидаги аҳамияти нимада? Унинг ижтимоий аҳамиятини қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

1) Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001йил 29 августда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида қабул қилинган суд-ҳуқуқи тизимини либераллаштириш талабларига тўла мувофиқ келади ва қонунларнинг инсонпар-варлик принципларини амалга оширишнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ЖК 66, 661-моддаларини қўлланган ҳолда жавобгарликдан озод қилишни қўллаш;

3) ЎзР ЖК 71-моддасини қўлланган ҳолда жазодан озод қилиш;

4) ЎзР ЖК 71-моддаси қоидаларини қўлланган ҳолда шартли ҳукм қилинишини қўллаш;

5) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазонинг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин ЎзР ЖК 73-моддаси қоидаларини қўллаб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш;

6) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин ЖК 74-моддасининг қоидаларини қўллаб жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

7) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, жазони манзил колониясида ўташни (ЎзР ЖК нинг 50-моддаси) белгилаш;

8) вояга этмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди;

9) келтирилган зарарни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди;

10) шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа имтиёзлар қўлланиши мумкин.

ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларини ўрганиб чиқилса, ундаги моддаларнинг ёки муайян модданинг тэгишли қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деб ҳисобланган нормага эга бўлган моддалар 135 дан кўпроқдир. Демак, ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларининг тахминан 44 фоиз моддаси ёки моддасидаги муайян норма ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Бу рақамлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодекси том маънода инсонпарвар қонун ҳисобланишидан далолат беради. Иккинчи томондан еса бундай ҳолат ҳар бир жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жавобгарликни ва жазони индвидуаллаштириш имконини беради. Яна бир енг муҳим жиҳати жиноий жазога ҳукм қилинаётган шахсларга асоссиз равишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга имконият қолдирмайди.

б) унча оғир бўлмаган жиноятлар

ЎзР ЖК 15-моддасининг 3-қисмида унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига қандай жиноятлар кириши баён қилинган бўлиб, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, еҳтиёцизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларнинг ушбу тушунчаси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунда берилди. Ушбу қонун қабул қилингунча унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, еҳтиёцизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар кирган еди.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар тушунчасининг 1994 йил 22 сентябрдаги таҳриридан 2001 йил 29 август қонуни таҳрирининг фарқи нимада?

Уларнинг фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

1) унча оғир бўлмаган жиноятларнинг олдинги таҳририда қасддан қилинадиган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати қонунда беш йилгача белгиланган жиноятлар киритилган бўлса, янги қонунда қасддан қилинадиган жиноят учун қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йил белгиланган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтиб кэтганлиги муносабати билан қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йилдан беш йилгача белгиланган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилди.

ЎзР ЖК 15-моддаси 3-қисмининг олдинги таҳририда еҳтиёцизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлса, янги қонун бўйича еса еҳтиёцизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати беш йилгача белгиланган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб кэтганлиги муносабати билан еҳтиёцизлик орқасида содир қилинадиган жиноятлар учун беш йилдан ортиқ муддат белгиланган барча жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилди. Демак, олдинги қонунда еҳтиёцизликдан содир этиладиган жиноятлар учун муддатидан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган еди. Бунда озодликдан маҳрум қилишнинг қонунда бир йил ёки ўн йил белгиланганлигидан қатъи назар, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кирган бўлса, янги қонунда беш йилгача муддат белгиланган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга, беш йилдан ортиқ муддат белгиланган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириб кэтди.

Маълумки, озодликдан маҳрум қилишнинг муддати йиллар ва кунлар билан ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари санкцияларида аниқ йиллар белгиланади. Агар Махсус қисми моддалари санкциясида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади дейилган бўлса, бундай жиноятнинг унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши ҳақида низоли фикрлар йўқ. Аммо ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида озодликдан маҳрум қилишнинг енг кам миқдори кўрсатилмай, фақат енг кўп қисми кўрсатилган бўлса, бу жиноятни қайси туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритиш керак? Масалан, 110-моддасининг (қийнаш) иккинчи қисми санкциясида бошқа жазолар билан бир қаторда алтернатив жазо сифатида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади дейилади, худди шундай санкция 158-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш) ва бошқа моддаларда назарда тутилган. Бундай санкциялардаги алтернатив жазоларнинг озодликдан маҳрум қилишдан бошқа барчаси ҳамда санкцияда белгиланган озодликдан маҳрум қилишнинг енг кам қисми белгиланмаганлиги туфайли уларни қайси туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритиш керак, деган савол туғилади. Бундан олдинги параграфда айтганимиздек, бундай санкцияли жиноятларни қайси туркумига киритиш масаласини ҳал қилишда ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда

тутилган алтернатив жазоларнинг енг оғиридан, енг оғир жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш ҳам назарда тутилган бўлса, унинг қонунда кўрсатилган енг кўп қисмидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар туркумининг у ёки бу гуруҳига киритиш керак.

Мамлакатимизда 2000 йили июн ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнини еркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури асосида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришни амалга оширилаётганлиги жамиятда демократик тамойилларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлди. Жиноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар озодликдан маҳрум қилишни тайинлашни чеклади.

Бизнинг назаримизда, айрим ҳолларда бунга жамиятда объектив шароитни яратмай туриб, жиноятчиликни касб қилиб олган шахсларга нисбатан содир қилган жиноятига яраша мусибат келтирмаслик, яъни жиноятга яраша жазосини олмаслик, жиноят содир қилган шахсни тавба қилиши ўрнига, қонунда белгиланган бундай имтиёзлардан имкони борича ўзининг шахсий манфаатлари учун фойдаланиб қолиш ҳиссини уйғотади.

ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг 75 фоизидан кўпроғини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилганлигига еътибор берадиган бўлсак, айрим ҳолларда жиноят содир қилишда айбланаётган шахслар этарли даражада айбига яраша жазоланмаётганлигини кўрамиз. Бу суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни тўла маъқуллаган ҳолда жиноят содир қилишни ўзининг фаолиятига айлантириб олган ёки жиноят натижасида олинган жиноий даромадни асосий яшаш манбаига айлантириб олган шахсларни жиноий фаолиятини давом эттира олмайдиган шароитга солиб қўйиш керак.

Ҳозирги кунда ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товлама-чилик, фирибгарлик жиноятларини кўпроқ аҳолининг ишсиз бўлган қисми таркибидан содир қилмоқдалар. Бундан ташқари, амнистия акти ёки бошқа асосларга кўра жазодан озод қилинаётганларнинг миқдори анча юқори. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам иш билан таъминлашнинг иложи йўқ. Бизнинг назаримизда, жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш масаласи ҳал қилинаётган вақтда уларни иш билан таъминлаш имкониятлари кўриб чиқилиши керак.

ЎзР ЖК 15-моддаси мазмунига кўра Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида жиноятлар объектига кўра таснифланганда объектларнинг аҳамиятига қараб муайян тартибда жойлаштирилган бўлса, ҳар бир Мавзудаги моддалар ва ҳар бир модданинг қисмлари ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифланган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим масалаларини таҳлил қилиш, бир-бирига солиштириш орқали шундай ҳолат аниқланадики, худди шундай жиноятни такроран, хавфли ёки ўта хавфли рецидивистлар томонидан қилинганлиги учун муайян модданинг битта қисмида жавобгарлик назарда тутилган.

Янги жиноятларни таснифлаш нуқтаи назардан баҳолланганда муайян жиноятни такроран қилганлик, хавфли рецидивист томонидан ва ўта хавфли рецидивист томонидан қилинган жиноятлар битта туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритилган.

Бунга мисол тариқасида ЎзР ЖК 105-моддасида назарда тутилган қасддан баданга ўртача оғир шикаст этказиш жиноятини келтириш мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмининг «к» бандига бу жиноятни такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 104-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахс ёхуд 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахс томонидан баданга ўртача оғир шикаст этказиш учун, шу қисмнинг «е» бандида еса баданга қасддан ўртача оғир шикаст этказишни ўта хавфли рецидивист томонидан содир қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шу қисмнинг санкциясида еса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Демак, бу жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш учун шарт-шароитларни яратишда ифодаланади. Жиноятга суиқасд (ҳаракат билан, алоҳида ҳолларда ҳаракацизлик билан) бевосита жиноятни содир этишга қаратилган бўлиб, жиноятнинг обйектив томони амалга оширилади, аммо у жиноятчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмайди. Тамом бўлган жиноятда жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлади. Дастлабки иккита босқич- жиноятга тайёргарлик ва суиқасд жиноят ҳуқуқи назариясида “тахминий жиноий ҳаракат” тушунчаси асосида бирлаштирилган

Шахснинг ҳаракатида тамом бўлмаган жиноят белгиларининг мавжудлиги обйектив ва субйектив белгилар билан чэгараланган. Шунингдек,, жиноятни содир этиш босқичлари жиноят турларига ҳам боғлиқ бўлади. Жиноятни содир этиш босқичи жиноятчининг аниқ жиноий тажовузни амалга оширишга қаратилган жиноий қасддир. Жиноятни содир этиш босқичлари қатор обйектив белгилари билан фарқланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш моддий таркибли жиноятларга хос бўлиб, бу жиноятнинг содир этилиш шаклига боғлиқдир.

Бу қоида жиноят содир этишнинг иккинчи босқичи, яъни жиноятга суиқасд қилишга ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Ҳаракат орқали амалга оширилувчи формал таркибли жиноятга суиқасд бу жиноятнинг обйектив томони:

а) мураккаб, яъни бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлса;

б) давомли ҳаракатларда ифодаланади. Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра жиноятга ҳаракацизлик орқали ҳам тайёргарлик кўрилиши мумкин. Амалиётда еса бундай ҳолатлар учрамайди, чунки буни исбот қилиш жуда қийин, унинг хавфлилик даражаси еса жуда паст.

Жиноят содир этиш босқичлари бир-биридан обйектив белгилар – жиноий ҳаракатнинг тугаш вақтига кўра фарқланади. Бу ўринда тажовузнинг тамом бўлиш вақтига кўра фарқ қилувчи моддий ва формал таркибли жиноятларни фарқлаш лозим бўлади.

Баъзи амалиёт ходимлари ва назариётчилар агар формал таркибли жиноят ҳаракат орқали содир этилган бўлса, унга суиқасд қилиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бу ҳолат жиноят обйектив томонининг бошланиш вақти билан тугалланиш вақти ўртасида муайян вақт ўтганида аҳамиятга эга. Бунга пора бериш жинояти мисол бўла олади. Мансабдор шахс билан бўлган келишувга кўра пора берувчи мансабдор шахсга порахўрлик жиноятнинг предмэти -катта миқдордаги пул суммасини почта ёки телэграф орқали юборади. Пора бериш предмэти юборилганидан бошлаб уни олгунгача бўлган вақт оралиғида жиноятга суиқасд қилиниши мумкин. Бунга фирибгарлик жинояти ҳам мисол бўла олади. Фирибгарга жабрланувчи учинчи шахс орқали мулкий ҳуқуқини ўтказади. Мулкий ҳуқуқ учинчи шахсга ўтказилган вақтдан бошлаб, фирибгар уни қабул қилиб олгунига қадар бўлган вақт оралиғида жиноятга суиқасд қилинади.

Жиноий оқибатнинг келиб чиқиши жиноятнинг учинчи, охирги босқичини ифодалайди. Моддий таркибли жиноятлар обйектив томоннинг зарурий белгиси бўлган оқибат келиб чиққач, жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Жиноятнинг оқибати-тажовуз обйектига етказилган турли: моддий, жисмоний, руҳий, сиёсий, ижтимоий зарарларда ифодаланади. Зарарнинг хусусияти ва миқдори Жиноят кодексида белгиланади. Шунинг учун қонун талабидан келиб чиқиб жиноятнинг тамом бўлган ёки бўлмаганлигини белгилаш мумкин.

Амалиётда жиноятнинг учала босқичини ҳам амалга ошириш зарур бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Баъзи ҳолларда шахс жиноятга фақат тайёргарлик кўради ва шу босқичнинг ўзида жиноий ҳаракат тугайди. Баъзан жиноятга суиқасд қилади, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қилмишини охирига етказа олмайди. Учинчисида шахс жиноят таркиби белгиларини тўлиқ содир этади. Агар шахс жиноятга тайёргарлик кўриб(қурол тайёрласа), сўнг жабрланувчини пойлаб унга ўқ узса, аммо ўқ тэгмаса, қилмиш одам ўлдиришга суиқасд деб баҳоланади. Агар ўқ тэгиб шахс ўлса, жиноят тамом бўлган ҳисобланиб, олдинданги икки босқични ҳам қоплаб кэтади.

Жазо тайинлашда жиноят содир этилишининг ҳар бир босқичини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгилайди. Умумий қоидага кўра суиқасд тайёргарлик кўришдан, тамом бўлган жиноят еса суиқасддан хавфлироқдир. Бу жиноятнинг қайси босқичда тугалланганлигига қараб оғирроқ жазо тайинланишини англатади. Жиноятнинг ҳар бир босқичи алоҳида квалификацияни талаб қилади, бу айбдорнинг қилмишни тўғри англаб олиш, унинг хавфлилик даражасини белгилаш учун керак бўлади. Жиноят кодекси Махсус қисми моддасига мувофиқ жиноятга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилиш учун худди тамом бўлган жиноятга хос бўлган жазо тайинланган. Тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарлик асоси Жиноят кодекси 25-моддаси 1, 2-қисмларида назарда тутилган жиноятга тайёргарлик ёки жиноят содир қилишга суиқасд қилганлик таркибининг мавжудлигидир. Шунинг учун мазкур босқичларда узилган жиноятни ҳуқуқий баҳолаш учун Умумий қисм нормаларига мурожаат қилинади. Ундаги умумий асосларнинг жами тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарликнинг ҳуқуқий нэгизини ташкил этади. Шундай қилиб жиноятга тайёргарлик кўришнинг ва суиқасд қилиш босқичларини баҳолашда Жиноят кодекси Умумий қисмнинг 25-моддаси, шунингдек,, Махсус қисмдаги бундай тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган жавобгарлик қўлланилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25-моддаси 1-қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра: “Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш субйектив томондан фақат тўғри қасд билан амалга оширилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш орқали шахс ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини, бу ҳаракатлари орқали ўзига жиноят содир этиш учун шароит яратаётганлигини англайди. Суиқасддан фарқли равишда Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ушбу босқичда ҳали бошланмаган бўлади.

Жиноятга тайёргарлик босқичининг қуйидаги обйектив белгилари мавжуд:

1) қилмишнинг бевосита жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиши;

2) жиноятни яшириш учун шарт-шароит яратувчи фаолиятнинг мавжуд бўлиши;

3) шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этишнинг жиноятнинг бошлангунига қадар тўхтатилиши.

Жиноят содир этиш учун шарт шароит яратиш дэганда, жиноят қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, жиноят содир этиш вақти ва шароитини аниқлаш, жиноят содир этишга ҳалақит бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш, шерикларни ёллаш, жиноий гуруҳ тузиш ва жиноят содир этишга қаратилган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Тайёргарлик жараёнини батафсил баён қилиш анча қийин, шу сабабли қонун чиқарувчи жиноятни содир этиш учун кўриладиган тайёргарликнинг барча турларини “шарт-шароит яратиш” тушунчасига киритади. Тайёргарликнинг дастлабки иккита обйектив белгиси муқобил аҳамиятга эга. Тайёргарлик келгусида жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга, шунингдек,, бундан кейин жиноятни яширишга ёки айни бир вақтнинг ўзида унисига ҳам, бунисига ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўриш қонун билан қўриқланадиган бирор обйектга бевосита хавф туғдирмайди ва шу белгиси билан у жиноятга суиқасд қилишдан фарқ қилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятни содир этишни осонлаштириш мақсадида амалга ошириладиган фаол ҳаракатлардан иборатдир. Жиноят содир этиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар икки хил бўлади: бири жиноят таркибининг елементи бўлса, иккинчиси жиноят содир этилишини таъминловчи актдир. Бу икки ҳаракатнинг мавжудлиги шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Бу ҳаракатлар жиноят содир этишга ёки жиноятни яширишга ёрдам берувчи ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Жиноят содир этиш босқичи сифатида тайёргарлик фақат аниқ бир жиноят содир этиш учун тайёргарлик кўрилгандагина мавжуд бўлади. Бунда субъйект жиноятни охирига етказишига ишонади. Агар шахс ҳар ехтимолга қарши, масалан, бирон-бир қилмишни амалга ошириш қуроли ёки воситасини тайёрлаши ёки олиши жиноят содир этиш босқичи сифатида баҳоланмайди. Баъзи ҳолларда шахснинг бундай ҳаракати мустақил жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, қасддан одам ўлдириш мақсадида ўқотар қуролдан фойдаланиш учун унга қонунга хилоф тарзда эгалик қилса, айбдор Жиноят кодекси 247-моддасидаги алоҳида жиноят таркиби бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноят қуроли дэганда амалиётда ҳам, назарияда ҳам бевосита унинг ёрдамида жиноят содир этиладиган, яъни жиноят обйектив томонини тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи предмэт тушунилади. Бунга ўқотар қуроллар, пичоқ, қилич, найза мисол бўла олади.

Жиноятни содир этиш воситаси еса қилмишнинг содир этишлишини осонлаштиради. Масалан, қалбаки ҳужжат, мол-мулкни талон тарож қилиш воситаси бўлиши мумкин. Бундан ташқари айни бир предмэт баъзи бир жиноятлар учун қурол, баъзи бир жиноятлар учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, жабрланувчининг мулкини ўғирлаш мақсадида унга уйқу дорини бериб ухлатиб қўйилса, бу жиноят содир этиш воситаси бўлади. Аммо шу доридан одам ўлдириш мақсадида фойдаланиш ҳам мумкин. Бундай ҳолатда бу жиноят содир этиш қуроли деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш учун иштирокчиларни излашда ҳам ифодаланади. Масалан, келишув битимини тузиш, қўрқитиш, жиноятни содир этишса, бойиб кэтишларига ишонтириш, жиноий йўл билан топилган бойликни бўлишишни таклиф қилиш ва ҳоказолар.

Келишув – бу камида икки кишининг жиноят содир этишга ёки жиноят изини яширишга қаратилган битими. Масалан, бир киши жиноят содир еца, иккинчиси жиноят изларини йўқотади.

Келишув икки хил: жиноят содир этишга ёки уни яширишга қаратилган бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўришга қаратилган қилмишларни йўналишига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жиноят содир этишга шарт-шароит яратувчи қилмишлар.
2. Жиноятни яширишга қаратилган қилмишлар.

Жиноят содир этишга шароит яратувчи ҳаракатларга: жиноят қуролини қидириш, тайёрлаш, мослаш, келишиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини қидириш қонуний йўл билан (ўт қўйиш мақсадида бензин сотиб олиш), шунингдек,, ғайриқонуний йўл билан (ўғирлик йўли билан ўқотар қуролни эгаллаш) амалга оширилиши мумкин.

Қурол ёки воситаларни жиноят содир этишга мослаштириш – бирон-бир предмэтга муайян шакл бериш, қайта ишлаш каби ҳарактлардан иборатдир.

Жиноят содир қилиш ёки уни яширишга қаратилган ҳаракатлар кўп бўлиб, уларнинг барчасини бир вақтнининг ўзида кўриб чиқиш мумкин емас, шунинг учун қонун чиқарувчи қонунда унинг умумлашган шаклини қўллайди.

Субъектив томондан тайёргарлик кўриш фақат тўғри қасддан содир этилади. Ехтиёцизлик орқасидан содир этиладиган жиноятларга тайёргарлик кўриш мумкин емас. Тайёргарлик онгли равишда амалга оширилган мақсадли ҳаракат бўлиб, бу босқичда жиноятни содир этишга бўлган қасд амалга оша бошлайди. Шахс ўз ҳаракати билан жиноятни содир этишга ёки уни яширишга тайёргарлик кўраётганини англайди. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир қилишдан ижтимоий хавфли оқибат юз бериши билан фарқ қилади.

Жиноятга тайёргарлик кўришни баҳолашда бу жиноятни содир этишнинг дастлабки босқичи айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугатилганлигини ҳисобга олиш лозим. Кўпчилик ҳолларда жиноятга тайёргарлик кўриш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шу босқичнинг ўзида тўхтатилади. Баъзи ҳолларда шахс жиноят содир этиб бўлмаслигига, жиноий ҳаракатни амалга оширишнинг имкони йўқлигига (жиноят содир этиш қуроли ёки воситасининг яроқсизлиги, иштирокчиларнинг жиноят содир этишдан бош тортиши) ишонч хосил қилади. Жиноятга тайёргарликнинг айбдорга боғлиқ бўлмаган асосларга кўра узилиб қолганлиги тергов органи ходимлари томонидан исботланади. Обйектив томонни бажаришгача бўлган хатти-ҳаракатнинг узилиб қолиши, жиноятни тайёргарлик босқичидаёқ тугалланганлигини аниқлаш уни суиқасд қилишдан ажратиш имконини беради.

Айнан жиноий ҳаракатнинг жиноят обйектив томонининг фактик жиҳатдан ижро этилгунга қадар узилиб қолиши жиноятга тайёргарлик кўрилганлигини аниқлаш учун асос бўлади.

Агар шахс жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида бошқа бир жиноятни содир этган бўлса, бунда унинг ҳар бир жинояти алоҳида-алоҳида квалификация қилинади. Масалан, шахс босқинчилик жиноятини содир этиш учун куролга эга бўлиш мақсадида курол ўғирласа, бунда унинг жинояти ўғрилик ва босқинчилик жиноятига тайёргарлик кўриш деб топилади.

Жиноятга суиқасд қилиш Суиқасд - бу жиноятни содир этишнинг иккинчи босқичи бўлиб, жиноятни содир этишга ва ижтимоий хавфли оқибатга еришишга қаратилган, жиноятнинг обйектив томонини ифодаловчи онгли ҳаракат бўлиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тугатилади. Суиқасдда тайёргарлик босқичидан фарқли равишда жиноят содир этиш учун шароит яратилмасдан, балки уни содир этишнинг бевосита бошланиши бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган обйектга тажовуз қилинади ва зарар етказиш хавфи вужудга келади. Қонунга хилоф бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш хавфи ёки ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бериши реал бўлиб қолади. Аммо жиноят шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмайди. Бошқача қилиб айтганда, суиқасд бу қасддан содир этилган жиноятнинг тугалланмай қолиши ёки айбдор истаган оқибатнинг рўй бермаслигидир.

Шундай қилиб, суиқасд ўзида бевосита жиноят содир этишнинг бошланишини ифодалайди. Бу босқичда қонун ҳимоясида бўлган обйектга бевосита тажовуз қилинади, аниқ бир жиноятнинг обйектив томони амалга оширилади. Суиқасдда шахс қонун билан қўриқланадиган обйектни реал хавф остида қолдиради, лекин обйектив ва субйектив сабаблар натижасида жиноий оқибат юз бермайди. Масалан, қасддан одам ўлдириш мақсадида жиноятчи жабрланувчига заҳар беради, лекин модданинг зарарсизлиги туфайли жиноий оқибат юз бермайди. Шунинг учун ҳам суиқасднинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига яқин туради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида суъиқасд объектив ва субъектив белгиларга эга, дейилади. Кўпчилик мутахассислар суиқасднинг учта объектив белгиси мавжудлигини таъкидлайдилар.

Биринчи навбатда суиқасд жиноят содир этишга қаратилган ҳаракат(ёки ҳаракацизлик)ни ифодалайди. Суиқасд бу бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракат(ҳаракацизлик)дир. Айни шу ҳаракат(ҳаракацизлик) жиноятни амалга оширишга қаратилган бўлади. Айбдор аниқ бир обйектга тажовуз қилиб, уни зарар етказиш хавфи остида қолдиради, баъзи ҳолларда унга зарар етказади ҳам. Бу белгининг асосий мазмуни Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида ифодаланган жиноят обйектив томонининг қисман бажарилиши (Масалан, ўғрилик жиноятини содир этиш мақсадида шахснининг уйга кириши, қулфни бузиши)да ифодаланади. Ўқ отиш куролидан одам ўлдиришга суиқасд бўлганлигини аниқлаш учун, куролдан ўқ отилган ёки отилмаганлигини аниқлаш лозим

бўлади. Онанинг ўз чақалоғини ўлдиришга суиқасд қилганлигини билиш учун чақалоқнинг овқатлантирилганлиги ёки аксини аниқлаш керак бўлади.

Кўпчилик ҳолларда суиқасд ҳаракат (қасддан одам ўлдириш мақсадида заҳар бериш) орқали амалга оширилади. Шу билан бир қаторда баъзи бир ҳолларда ҳаракацизлик (масалан, онани ўз чақалоғини ўлдириш мақсадида уни емизмаганлиги) ҳам суиқасдни амалга ошириш шакли бўлиши мумкин.

Бундан ташқари суиқасдда жиноят охирига етказилмайди. Суиқасд шу белгиси билан тамом бўлган жиноятдан фарқ қилади.

Тамом бўлган жиноятдан фарқли равишда суиқасдда жиноятнинг обйектив томони жиноят содир этаётган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўзининг тўлиқ белгиларига эга бўлмайди. Бу белги асосан обйектив томондан жиноий оқибатнинг йўқлигида ифодаланади. Масалан, шахс ўқ отиш қуроли ёрдамида одам ўлдириш жиноятини содир этмоқчи бўлади, аммо қуролнинг отмаганлиги сабабли шахс ўлмай қолади.

Бу ўринда жиноят субйектив жиҳатдан тугалланган, лекин уни фактик жиҳатдан тугалланмаганлиги уни тамом бўлган жиноятдан фарқлаш имконини беради. Тамом бўлган жиноятни суиқасддан фарқлашда, айбдорнинг жиноий ҳаракати бошланишидан то жиноий оқибат юз бергунга қадар қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эгадир. Агар жиноий оқибат муайян вақт ўтгандан сўнг юз берса (масалан, жабрланувчини ўлдириш мақсадида унга суиқасд қилиб оғир тан жароҳати етказса ва жабрланувчи бир неча кундан сўнг вафот еца), қилмиш тамом бўлган жиноят деб баҳоланади. Қонунга кўра оқибат айбланувчининг қасддан қилган ҳаракати туфайли юз берганида, орадан қанча вақт ўтишидан қатъи назар, жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Моддий таркибли жиноятларда суиқасд жиноят обйектив томонининг зарурий белгиси бўлган ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бермаслигида ифодаланади. Оғир тан жароҳати етказиш мақсадида айбдор лезвия билан жабрланувчига тажовуз қилади, аммо лезвия жабрланувчи камарининг темир қисмига тэгади ва натижада оғир тан жароҳати етказилмайди ва жиноий оқибат келиб чиқмайди. Шуни назарда тутиш керакки, суиқасд деб топиш учун ҳар доим ҳам обйектга зарар етказилиши талаб этилмайди. Қатор ҳолларда жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. Масалан, катта суммадаги пулни ўғирлаш мақсадида айбдор сейфни очади, аммо у йерда оз миқдордаги пул суммаси бўлади. Бундай ҳолларда қилмиш тамом бўлган жиноят емас, балки кўп миқдордаги пулни ўғирлашга суиқасд, деб квалификация қилинади.

Формал таркибли жиноятларда суиқасд жиноят таркибини ташкил қилувчи барча ҳаракатларнинг тўлиқ бажарилмаслигида ифодаланади (масалан, пора берувчи мансабдор шахснинг қаршилигига қарамасдан, пора предмэтини унинг столи устида қолдиради).

Суъиқасд жиноят таркибининг зарурий белгиси жиноий оқибат рўй бермаганида аҳамиятга эга бўлади.

Шу ўринда суиқасднинг жиноят содир этишнинг бошқа босқичларидан фарқловчи қуйидаги белгиларини кўриш мумкин. Суиқасд субъйектга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий оқибат юз бермаган ҳолдагина аҳамиятга эга бўлади. Субъйект жиноят содир этиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бажаради, аммо исталган оқибат юз бермайди.

Суъиқасднинг обйектив томонини ифодаловчи учинчи белги жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугалланмай қолишидир. Бу белги жиноятга тайёргарлик кўришга ҳам хосдир. Бу ҳолатлар турлича бўлиши мумкин (масалан, калитнинг яроқсизлиги туфайли ешикнинг очилмаслиги). Жиноятнинг тамом бўлишига тўсқинлик қилган турли ҳолатларга: уларнинг ҳар бири жиноятчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра вужудга келиши хосдир. Айнан шу белги суиқасднинг юқорида кўрсатилган обйектив белгиларини бирлаштириб, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқлаш имконини беради.

Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишда шахсда жиноятни охирига етказиш учун барча шарт-шароит мавжуд бўлади. Масалан, айбдор ўғрилик жиноятини содир этиш мақсадида автомобил топа олмаганлиги ҳақида хабар бергач, шериги жиноятни охирига етказа олмайди. Агар айбдор ўзи хоҳиши билан жиноий фаолиятини тўхтаца, бунда жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Субъектив томондан, суиқасд фақат тўғри қасддан содир этилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи каби суиқасд ҳам жиноятни амалга оширишда қасднинг амалга оширишга қаратилган босқичи ҳисобланади. Айбдор жиноят содир этаётганида уни охирига етказишга ҳаракат қилади. У ўз ҳаракати билан аниқ бир жиноятни содир этаётганини, жиноят обйектив томонининг бир қисмини бажараётганини англайди, ижтимоий хавфли оқибат юз беришини билади (моддий таркибли жиноятларда) ва жиноятни охирига етказишни истайди. Суиқасдда шахснинг ҳаракати жиноий мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиши керак. Масалан, номусга тэгиш жиноятида зўрлик ишлатиш жиноий мақсадга еришиш воситаси бўлади, агар зўрлик шу мақсадда ишлатилмаса, бу жиноят содир этишга суиқасд деб баҳоланмайди.

Агар шахс бирор аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилса-ю, унинг ҳаракати натижасида бошқа оқибат келиб чиқса, шахснинг мақсади қандай оқибатга еришишга қаратилган бўлса, у ўша жиноятга суиқасд қилишда айбланади. Масалан, шахс жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказиш мақсадида уни урса, лекин бунинг натижасида унга ўртача оғир шикаст етказилса, бу оғир шикаст етказишга суиқасд деб топилади.

Жиноят кодексида суиқасднинг турлари кўрсатилмаган. Жиноят ҳуқуқи назариясида суиқасд тамом бўлган ва тамом бўлмаган суиқасдга ажратилган. Бундан ташқари, яроқсиз объектга тажовуз деб номланувчи суиқасднинг тури ҳам мавжуд. Аммо суд практикасида суиқасднинг бу тури аҳамиятга эга бўлса-да, унга еътибор берилмайди.

Мутахассислар ўртасида суиқасдни турларга бўлиш мезони масаласида ягона фикр йўқ. Уларнинг баъзилари субйектив, баъзилари обйекти], яна бошқа бирлари еса иккали мезоннинг бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши, яъни аралаш мезон турлари мавжуд дея таъкидлайдилар.

Субйектив мезон тарафдорлари, суиқасднинг тури айбдорнинг жиноят содир этиш босқичини қандай баҳолашига боғлиқ бўлади, дейдилар. Обйектив мезон тарафдорлари еса, суиқасд Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида назарда тутилган қилмишнинг фактик жиҳатдан содир этилганлигига қараб тамом бўлган ёки тамом бўлмаган турларга бўлиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Аралаш мезон тарафдорлари еса, жиноятни фактик жиҳатдан содир этилиши ва унинг айбдор томонидан баҳоланишини қайд этадилар. Аралаш мезон тарафдорларининг фикри анча асослидир, аммо айбдор томонидан жиноятни баҳолаш ва қилмишнинг фактик жиҳатдан содир этилганлиги ҳар доим ҳам мос келавермайди. Масалан, ўзлаштириш жиноятини яшириш мақсадида, омбор мудири омборхонага ўт қўяди. Бироқ олов ўчиб, омборхона ёнмай қолади. Бундай ҳолатда айбдор жиноятни охирига етказиши учун қўшимча ҳаракат қилиши лозим бўлса-да, лекин жиноятни тамом бўлиши учун барча ҳаракатларни амалга оширганлигига ишонади.

Тамом бўлмаган суиқасдда жиноятчи жиноятнинг тамом бўлиши учун зарур бўлган ҳаракатларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказа олмайди. Масалан, шахс ўғрилик қилиш мақсадида уйга киради, барча бойликларни олиб чиқиб кэтиш учун тайёр қилиб қўйганида, тўсатдан уйнинг эгаси келиб қолиб уни тутиб олади.

Тамом бўлган суиқасдда еса, шахс жиноятни содир этиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга оширади, лекин ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жиноят тамом бўлмайди ва жиноий оқибат юз бермайди. Тамом бўлган суиқасднинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноятчи ўзи томонидан жиноятни охирига етказиш учун ҳеч қандай қўшимча ҳаракат ёки куч талаб этилмаслигига ишонч хосил қилади. Бунда айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий оқибат рўй бермайди. Қасддан одам ўлдириш мақсадида, айбдор жабрланувчига ўқ узади, лекин ўқ тэгмайди ёки унга тан жароҳати етказади; худди шу мақсадда қўшнисини заҳарлади, аммо шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан жабрланувчининг ҳаёти сақланиб қолади. Суиқасднинг тамом бўлган ва тамом бўлмаган турларга бўлиниши қонунни қўллашда катта аҳамиятга эга. Чунки:

биринчидан, тамом бўлган суиқасднинг ижтимоий хавфлилиги тамом бўлмаган суиқасдга нисбатан юқори;

иккинчидан, суиқасднинг икки турга бўлиниши жиноятни охирига етказиш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга;

учинчидан, жазо тайинлашда еътибор берилади;

тўринчидан, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқида баъзи бир назариётчилар суиқасднинг учинчи тури - яроқсиз суиқасд ҳам мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Бу ўз навбатида яроқсиз

обйектга (предметга) суиқасд ва яроқсиз восита билан суиқасд қилишга бўлинади.

Яроқсиз обйектга (предметга) суиқасд қилиш шахснинг хатоси туфайли жиноят қонуни билан қўриқланадиган обйектга зарар етказилмаслигида ифодаланади. Бунда шахс жиноят обйектига нисбатан емас, балки предмэтига нисбатан хато қилади. Шахсни ўлдириш мақсадида яроқсиз қуролдан ўқ узиш, айбдор томонидан заҳар деб ҳисобланган, лекин зарарсиз бўлган кукуннни шахсга бериш бунга мисол бўла олади. Юқоридаги мисоллардан суиқасдни яроқсиз суиқасд деб ҳисобаш қийин. Яроқсиз суиқасдда шахс жиноятни тугатиш мақсадида аниқ бир обйектга тажовуз қилади, аммо хатога йўл қўйганлиги туфайли ўз мақсадига ериша олмайди.

Яроқсиз восита билан суиқасд қилиш суиқасднинг яна бир тури ҳисобланади. Бунга ҳам юқоридаги мисолларни келтириш мумкин. Яроқсиз обйектга суиқасд қилиш жиноят содир этиш воситаси умуман яроқсизлиги ва ундан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмаслиги билан фарқланади.

Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари 1994-йилги Жиноят кодекси 26-моддаси ва 30-моддаси 5-қисмида ифодаланган. Жиноят кодекси 26-моддаси 1-қисмига мувофиқ шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтаца, шунингдек,, жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқишининг олдиндани олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳоланади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичида, яъни жиноят тамом бўлмаган ҳолда юридик аҳамиятга эга.

Қонунда қайси ҳолларда жиноятдан ихтиёрий қайтиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Жиноят кодекси 26-моддаси 1-қисмига кўра: а) шахс томонидан тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатиш; б) жиноятни содир этишни тўхтатиш; в) жиноий оқибат келиб чиқишининг олдиндани олиш жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисобланади.

Шахснинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги асослари ҳуқуқий адабиётларда турлича кўрсатилган. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш орқали қилмишнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолади. Н.С. Тагансевнинг фикрига кўра: «... жиноий ҳаракат ихтиёрий равишда тўхтатилганда унинг обйектив ва субектив белгилари, жавобгарликнинг ҳуқуқий асоси шунингдек,, шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолади» .

Н.Ф Кузнецованинг фикрига кўра шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликнинг асоси, жиноят таркибининг йўқлиги ҳисобланади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахснинг ҳаракатида унинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш, шунингдек,, тамом бўлган жиноятнинг белгилари мавжуд бўлмайди.

Жиноят кодексининг иккинчи бўлим, олтинчи боби (тамом бўлмаган жиноятлар)га жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳақидаги модда киритилган. В.Ф Карауцев қонундаги бундай ҳолатни баҳолаб, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институти амалий жиҳатдан тамом бўлмаган жиноятларни баҳолашда катта аҳамиятга эга, дейди.

Ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий ўзига хос томони жиноий оқибат ва жавобгарликнинг вужудга келмаслигидир.

Масалан, шахс одам ўлдириш жиноятини содир этиш мақсадида ўқ отиш қуролини тайёрлайди, бироқ одам ўлдириш жиноятини содир этишдан ўз хоҳишига кўра ихтиёрий қайтади ва жиноят қуролини йўқотади. Бунда шахс одам ўлдириш ёки ғайриқонуний равишда қурол тайёрлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг хоҳиши жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказмайди ва шунинг учун ҳам у жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шунинг учун ҳам Жиноят кодекси 26-моддаси 2-қисмида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарлик белгиланмаслиги кўрсатилган.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтилган деб топиш учун:

1) шахсда жиноятни охирига етказиш имкони борлиги;
2) жиноий оқибат юз беришини англаган ҳолда унинг олди олинган бўлиши керак.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш иккита ўзига хос белгига эга:

биринчиси- жиноят содир этишдан қайтишнинг ихтиёрийлиги;

иккинчиси- жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг қатъилиги.

Ихтиёрийлик дэганда шахснинг бошланган жиноий ҳаракатни ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имкони борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушинилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича(уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, диний еътиқоди, жабрланувчига раҳми келиши ва бошқалар), шунингдек,, қариндош ва дўстларининг маслаҳатларига кўра натижасида бўлиши мумкин.

Ихтиёрий қайтишнинг муҳим шартларидан бири бу шахснинг жиноятни давом эттириш ва якунига етказишга имкони борлигини англашидир. Бундай ҳолатларсиз, шахс агар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятни якунига етказа олмаса ёки уни содир этишга қодир бўлмаса, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолашга асос бўлмайди. Масалан, агар шахс қасддан одам ўлдиришга ҳаракат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, қуролнинг яроқсизлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди.

Демак, жиноят содир этиш учун имкониятнинг йўқлиги ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди, балки жиноятчи жиноий ҳаракатни тўхтатишга мажбур бўлади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш қатъи бўлиши керак. Қатъилик жиноят содир этаётган шахснинг жиноят содир этиш фикридан қайтиши ва ўзининг жиноий ҳаракатини тўхтатишидир. Ихтиёрий қайтишда

вақт жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган ҳолларда аҳамиятга эга бўлмайди.

Бу икки белгига кўра жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисоблаш учун: биринчидан, жиноятни охирига етказиш имкони мавжудлиги; иккинчидан, жиноий оқибатнинг олди олинган бўлиши керак.

Шахснинг жиноятни охирига етказиш имкони борлигини англаши шуни ифодалайдики, у жиноятни охирига етказиш учун барча имкониятларга, жиноятни амалга ошириш учун барча қурол ва воситаларга эга бўлади ва буни билади.

Ихтиёрий қайтиш жиноий оқибат юз бергунга қадар, яъни тайёргарлик ва суиқасд босқичида бўлган бўлиши лозим.

Жиноят кодексида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг иккита тури белгиланган бўлиб, улардан бири жиноятнинг обйектив томони содир этилгунга қадар бўлган барча ҳаракатлар, иккинчиси, обйектив белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи ҳаракатлардир.

Ихтиёрий қайтишнинг бу икки тури обйектив белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилади, бироқ ҳар икки тур учун умумий бўлган:

а) жиноий ҳаракатни ёки жиноий оқибат юз беришини тўхтатиш;

б) ихтиёрий қайтиш;

в) қайтишнинг қатъилиги каби белгиларга эгадир.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг пассив кўриниши моддий ва формал таркибли жиноятларда бўлиши мумкин. Бу ўринда енг муҳими шахснинг тайёргарлик ҳаракатини бошлаганлиги ёки жиноят обйектив томонини бажаришга киришганлиги ва жиноятни тўлиқ содир этмаслиги ҳисобланади. Ихтиёрий қайтишнинг биринчи тури пассив бўлиб, жиноий фаолият жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичида тугайди. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичида ихтиёрий қайтиш одатда пассив ҳаракат орқали амалга оширилади. Масалан, жиноятга тайёргарликни тўхтатиш. Шунингдек,, ихтиёрий қайтиш актив ҳаракат билан ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, жиноят қуролини йўқотиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бериш). Ихтиёрий қайтишнинг иккинчи тури еса шахс томониидан содир этилган жиноят оқибатининг олдиндани олишга қаратилган ҳаракатдир.

Тамом бўлмаган суиқасд босқичидаги ихтиёрий қайтиш ҳам ҳаракацизликда ифодаланади. Шахс жиноятнинг обйектив томонини амалга оширишни бошлаган ҳолда, уни охирига етказмасдан тугатади. Масалан, жиноятчи ўғрилик жиноятини содир этиш мақсадида уйнинг қулфини бузади, аммо уйда хонадон эгаларининг борлигини кўриб жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтади. Тамом бўлмаган суиқасд актив ҳаракат орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, она ўз чақалоғини ўлдириш мақсадида уни овқатлантирмай қўяди, лекин кейинчалик бунинг олдиндани олиш мақсадида зарур чораларни кўради. Шахс жиноятни жиноятни тавсифловчи ташқи таъсир остида емас, балки ўзининг ички ишончига асосан содир этмайди.

М.Ҳ.Рустамбойев ва Қ.Пайзуллайевнинг фикрларига кўра, тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин емас. Улар ўз фикрларини қасддан одам ўлдириш жинояти мисолида кўриб чиқиб шундай дейдилар, шахс одам ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, у содир этиб бўлинган ҳаракатни бартараф эта олмайди.

Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра: “Тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш, баъзи жиноятларда, қайсики, жиноят содир этиш билан унинг оқибати келиб чиқиши оралиғида муайян вақт бўлган ва ушбу вақт оралиғида шахс жиноий оқибатнинг олдиндани олиши мумкин бўлган жиноятларда мавжуд бўлишини таъкидлайдилар”.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш субйектив томондан қасддан содир этилган жиноятларда мавжуд бўлади. Масалан, жиноятчи уй ичида одамлар ухлаётганлигини билган ҳолда уйга ўт қўяди. Унинг уйга ўт қўйишга бўлган муносабати тўғри қасддан, ичкарисидаги одамларнинг ҳаётига бўлган муносабати еса эгри қасддан бўлади. Чунки уй ичидаги одамлар оловдан қочиб ўлмай қолиши ҳам мумкин. Агар шахс жиноят содир этишдан ихтиёрий қайца, ҳам тўғри қасддан, ҳам эгри қасддан содир этилиши мумкин бўлган жиноятдан ихтиёрий қайтиши мумкин.

Жиноят кодекси 30-моддаси иштирокчиликда содир этилаётган жиноятлардан ҳам ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарликни истисно этади. Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ихтиёрий равишда жиноят содир этишдан қайтиб, жиноятнинг олдиндани олиш учун зарур бўлган ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўрса, у жиноятда иштирок этганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Бу қоидадан иштирокчиларнинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши якка шахснинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишидан кескин фарқ қилади:

биринчидан, қонунда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчига жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарликдан озод этиш учун муайян шартлар назарда тутилган.

иккинчидан, қонунда жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган иштирокчилар доираси чэгараланган, яъни фақатгина далолатчи, ташкилотчи ва ёрдамчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

учинчидан, улар томонидан жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиб, жиноятнинг олдиндани олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чоралар кўрилган бўлиши зарур.

Тамом бўлган жиноят.

Жиноятни тамом бўлган деб топиш учун, Жиноят кодекси Махсус қисми тэгишли моддасида назарда тутилган аниқ бир жиноятнинг барча белгилари (обйект, обйектив томон, субъйект, субйектив томон) содир этилган бўлиши лозим. Модданинг диспозициясида кўрсатилган обйектив томоннинг барча белгилари ва субйектив томон (қасд ёки ехтиёцизлик) тўлиқ мавжуд бўлганда жиноят тамом бўлган деб топилади.

Жиноятнинг тамом бўлган вақтини аниқлаш учун ҳар бир ҳолатда унинг тугалланган вақтини билиш лозим. Бу жиноят қонунида белгиланган

аниқ бир жиноят таркибига боғлиқ бўлади. Моддий таркибли жиноятларда Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилган оқибат келиб чиққан бўлиши лозим. Баъзи бир жиноятларда унинг тамом бўлган вақтини аниқлаш қийин. Жиноят белгисини ташкил қилувчи оқибатнинг келиб чиққанлиги ва айбдорнинг қасди айни шу оқибатни келтириб чиқаришга қаратилганлиги еътиборга олинади. Агар қасд қилинган оқибатдан бошқа оқибат келиб чиққан бўлса (масалан, шахс қасддан одам ўлдириш мақсадида жиноят содир этса, аммо баданга оғир шикаст етказса). Бундай ҳолатда жиноят содир этишга суиқасд бўлади.

Формал таркибли жиноятлар учун еса, жиноий оқибат юз берган ёки юз бермаганлигидан қатъи назар, Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида назарда тутилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Масалан, ҳақорат қилиш жиноятида шахснинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Баъзи жиноятларда оқибатнинг юз бериши билан емас, балки шундай оқибатнинг юз бериш хавфи остида қолдириш билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Масалан, таносил ёки ОИЦ касаллигини тарқатиш жиноятида била туриб бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади(Жиноят кодекси 113-модда, 1-қисм). Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, яъни шахснинг ўз айбига иқрор бўлиб, жиноятни фош этишга ёрдамлашган фаол хатти-ҳаракатидан фарқлай олиш лозим:

Биринчидан, бу икки тушунча бир-биридан юридик табиатига кўра фарқ қилади. Яъни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлилик ва жазога сазоворлик белгилари мавжуд емаслиги сабабли жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш еса жиноятнинг барча белгиларига эга бўлиб, қуйидагиларда намоён бўлади: а) жазони йенгиллаштирувчи ҳолат(Жиноят кодекси, 55-модда, 1-қисми); б) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос(Жиноят кодекси, 66-модда); в) шахсни жиноий жазодан озод қилиш учун асос(Жиноят кодекси,71-модда).

Иккинчидан, ихтиёрий қайтиш жиноят тамом бўлгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш еса жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвор ҳисобланади.

Учинчидан, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳам пассив, ҳам актив шаклда содир этилиши мумкин. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш еса фақат актив ҳаракат орқали содир этилади.

## Назорат учун саволлар

1. Жиноят содир этиш босқичлари деганда нимани тушунасиз?
2. Жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси, унинг жазо тайинлашдаги аҳамияти?
3. Жиноятга суиқасд қилишнинг мазмуни ва унинг жиноятга тайёргарлик кўришдан фарқи?
4. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва унинг аҳамияти?

## 2.5. Жиноятда иштирокчилик

**Режа:**

1. Жиноятда иштирокчилик  тушунчаси ва турлари.
2. Бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи.
3. Оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ.
4. Жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва турлари.

Суд-тергов ҳаракатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, аксарият жиноятлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилади. Шу ўринда ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятлар кўп ҳолларда бир неча кишиларнинг бирлашиши орқали содир этилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шубҳасиз, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқоридир, чунки бир киши томонидан содир этилган қилмишлардан кўра бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган жиноят туфайли ижтимоий муносабатларга кўпроқ зарар етказилади. Жиноятчилар гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишганда анча ишонч билан қўпол ва бемалол ҳаракат қилишади. Бундай ҳолат уларнинг ҳаёт тарзига айланиб қолиши мумкин.

Жиноятнинг уюшган гуруҳ ёки жиноий гуруҳ томонидан амалга оширилиши йенгил кечади, из қолдирмаслик ва гувоҳларни йўқотиш осонлашади. Гуруҳ бўлиб жиноят содир қилинганида гуруҳ раҳбарларини фош этиш қийинлашади ва уларнинг яшириниши осон кечади. Бу жиҳатдан олганда, иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг махсус ўрганилиши уюшган жиноятчиликка қарши курашда муайян ютуқларга еришишга ёрдам беради. Турли жиноятларда уюшган жиноятчилик даражаси бир хил бўлмай, уларнинг махсус ўрганилиши талаб этилади. Гуруҳ бўлиб жиноятларнинг содир этилган хавфлилик даражасига бир неча шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган жиноятларга нисбатан анча юқоридир.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

У ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки қонунийлик ва адолатлилик принсипларига асосланган ҳолда иштирокчиликнинг аниқ белгилари ва шаклларига еътибор бериш лозим.

Иштирокчилик белгиларини обйектив ва субйективга ажратиш мумкин.

Иштирокчиликнинг обйектив белгиларига:

1) жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштироки;

2) гуруҳ аъзоларининг жиноятни содир қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиши киради.

Жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши иштирокчиликнинг сон белгисидир. Бу белгининг асосий шарти шундан

иборатки, жиноят иштирокчиликда содир этилганда иштирокчиларнинг барчаси ақли расо ва шу жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши талаб қилинади.

Қонунда белгиланган ёшга етмаган ва ақли норасо деб топилган шахс жиноятнинг субйекти деб топилиши мумкин емас ва ўз-ўзидан иштирокчи ҳам бўла олмайди.

Агар жиноят содир этган шахс субйектнинг барча белгиларига эга бўлса ва жиноятнинг бажарувчиси сифатида ақли норасо шахсдан ёки қонунда белгиланган ёшга етмаган шахсдан фойдаланган бўлса, бу ҳолда айбдор фақат содир этган жиноят учун емас, балки вояга етмаган шахсни жиноятга ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилганлик учун ҳам жавобгарликка тортилади.

Иштирокчилик инстититутини таҳлил қилишда биргалашиб жиноят содир этган барча шахсларнинг ҳаракатини ўрганиш лозим. Бунда ҳар бир иштирокчи томонидан содир этиладиган ҳаракатнинг хусусияти, жиноий кучларнинг мувофиқлашганлиги, улар ўртасидаги алоқадорликнинг қатъилиги асосий елемент ҳисобланади. Айнан шу елемент мажмуи иштирокчиликда содир этилган қилмиш даражасини белгилашга асос бўлиб, шу орқали жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий кураш чорасини белгилашга имкон беради.

Биргаликдаги ҳаракат шундан иборатки, бунда иштирокчиларнинг жиноий ҳаракати биргаликда бўлади. Жиноятни биргаликда содир қилиш шундан иборатки, бунда бир иштирокчининг ҳаракати иккинчисиники билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва жиноят натижаси умумий ҳаракатга боғлиқдир. Иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракати жиноятнинг натижаси учун муҳим шартдир. Иштирокчилик жинояти мураккаб жараён бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчи ўзининг «тэгишли» ҳиссасини қўшмоғи лозим: бири уюштиради, бири гуруҳ тузади, бошқаси маълумот йиғади, тўртинчиси жиноят қуролини тайёрлайди, бешинчиси уни амалга оширади (яни тўғридан тўғри жиноятнинг обйектив томонини амалга оширади). Ушбу мураккаб жараёнда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати бир-бирига мос келиши ва сабабий боғланган бўлиши керак, унинг натижаси жиноят иштирокчиларининг умумий хоҳиши ва қониқиши бўлиши керак.

Демак, иштирокчиликда жиноят содир этишдаги биргаликдаги ҳаракат ўзаро боғлиқ ва шартли ҳаракатлар билан жиноят содир этилиши билан белгиланади. Жиноят ҳаракатнинг биргаликдалиги барча иштирокчилар учун жиноий оқибатнинг бир хиллиги, умумий жиноий оқибат ва ҳар бир иштирокчи ўртасидаги ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлигида ифодаланади. Ҳаракат, жиноий оқибат ва ҳар бир иштирокчининг ўзаро алоқадорлиги йиғиндиси иштирокчиликни ифодалайди.

Бир қанча шахсларнинг кучларини бирлаштириш натижасида жиноят содир этилганида, уларнинг ҳар бири мустақил тарздаги жиноий оқибатга еришишга ҳаракат қилган бўлса ёки улар ҳаракати жиноий оқибат билан бевосита боғлиқ бўлмаса, бундай жиноятни иштирокчиликда жиноят содир этиш деб баҳолаб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳаракати биргаликда бўлмай,

умумлашган бўлади, ҳолос. Масалан, А. исмли шахс Б. исмли шахсни ўлдиришга қасд қилади ва унга оғир тан жароҳати етказади, врач С. уни даволаши жараёнида инфексия юқтириши натижасида Б. вафот этади. Бу икки ҳаракат ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлмаганлиги учун иштирокчилик деб баҳоланмайди.

Жиноят кодексининг 27-моддасига кўра иштирокчиликнинг субйектив белгилари икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишида намоён бўлади, яъни 27-модданинг мазмунига кўра иштирокчилик фақат қасддан содир қилинадиган жиноятлардагина бўлади.

Иштирокчилар ўртасида жиноят содир этиш учун олдиндандан келишувнинг мавжуд бўлиши биргаликдаги ҳаракатни белгилашда қийинчилик туғдирмайди. Улар ўртасида олдиндандан келишувнинг мавжуд бўлмаслиги иштирокчиликни аниқлашни қийинлаштиради.

Биргаликдаги ҳаракат қилиш мезони бўлиб:

биринчидан, умумий куч асосида ягона мақсадга еришиш учун ҳаракат қилиш;

иккинчидан, бошқа иштирокчиларнинг ягона умумий натижага еришишга қаратилган ҳаракатини билиш ва ҳисобга олиш хизмат қилади.

Жиноят содир этишда бир қанча шахсларнинг иштироки обйектив вазиятларни биргаликда куч ишлатиш асосида натижага еришиш, шунингдек,, субйектив вазият--иштирокчиларнинг ҳаракатини бирлашганлиги ва кучларни бирлаштириш асосида ягона мақсадга еришишга қаратилганлигини билишни ўз ичига олади.

Биргаликдаги иштирокчилар учун умумий бўлган муайян натижага еришиш учун ҳаракат қилиш иштирокчилар кучининг бирлашганлигини билдиради. Шахсларнинг бирлашиши жиноий натижага осон еришиш заруриятидан келиб чиқади.

Субйектив мезонинг иккинчи белгиси иштирокчилар бир-бирининг ҳаракатини олдиндандан билганлигини англатади. Иштирокчиликнинг субйектив мезони иштирокчиларнинг ўзаро хабардорлиги ва келишган ҳолда ҳаракат қилиши билан хусусиятланади.

Ўзаро хабардорлик шу билан хусусиятланадики, жиноят содир этишдаги барча иштирокчиларнинг биринчидан, жиноятни биргаликда содир этганлиги, иккинчидан ҳар қандай емас, балки аниқ жиноятни содир этиш, учинчидан, нафақат бир шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилиги, балки бошқа шахслар ҳаракатининг ижтимоий хавфлилиги ҳисобга олинади.

Иштирокчиликда қилинган жиноятларда икки ёки ундан кўп шахслар ўз интилишларини бирлаштиради. Ўз хоҳишларидаги натижага еришишга ҳаракат қиладилар, ехтиёцизлик орқасида жиноят содир қилганда еса оқибат келиб чиқишини хоҳламайдигина емас, балки унинг келиб чиқишини олдиндандан кўра билмайди ҳам.

Субйектив боғлиқликнинг яна бир белгиси шундан иборатки, бунда бир жиноятчининг ҳаракати бошқа иштирокчининг ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир. яъни жиноят содир қилишда бир нечта жиноятчи бирга ҳаракат қилади ва шулардан ҳеч бўлмаганда иккитаси жиноий натижа учун

ўз ҳаракатларини бирлаштиради ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини билган ҳолда ҳаракат қилади ва оқибатни хоҳлайди.

Агар жиноят содир қилишда жиноятчилар бир-бирлари билан ўзаро хабардор бўлмасалар, уларнинг ҳар бири содир этган ҳаракатлари учун алоҳида-алоҳида жавоб беради.

Жиноятда иштирокчилик институти ўз хизмати нуқтайи назаридан жиноят иштирокчиларини ва ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади. Жиноятда иштирокчиликнинг ушбу вазифаси бир қатор ҳолатларда жиноятларнинг бир қанча шахслар томонидан содир этилиши билан боғлиқ. Иштирокчиликда жиноят содир этиш қоидалари ва ҳолатлари, биринчидан, иштирокчиликда жиноят содир этишнинг обйектив ва субйектив белгиларини, иккинчидан, бундай ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилувчи шахслар доирасини чэгаралаб қўяди, учинчидан, иштирокчилардан ҳар бирининг Жиноят кодекси билан қўриқланадиган обйектга таъсирини, шунингдек,,иштирокчиликда жиноят содир этишнинг фарқ қилувчи хусусиятларини бир киши томонидан содир этилган қилмишдан фарқларини белгилайди, тўртинчидан, жавобгарликка тортиш асосларини ва уни ҳар бир иштирокчига нисбатан тадбиқ этилишини белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, иштирокчиликда жиноят иштирокчилари ижтимоий хавфли ҳаракат содир қилаётганликларини, қилмишлари жиноят еканлиги ва ўз ҳаракатлари натижасида қандай ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндандан кўра биладилар.

Жиноят иштирокчиларининг турлари ..Жиноят кодексининг 28-моддасига кўра жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилари ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Иштирокчиларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) бажарувчи;

2) ташкилотчи;

3) далолатчи;

4) ёрдамчи.

Қонунда бажарувчининг қатор ўзига хос белгилари кўрсатилган:

биринчидан, жиноий қилмишнинг тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши. Бундаги жиноий қилмишни тўлиқ амалга оширилиши дэганда, Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган қилмишнинг обйектив томонини тўлиқ содир этиш тушунилади, яъни обйектив томон тўлиқ бажарилади. Жиноятни қисман содир этиш жиноят обйектив томонини содир этиш бўлиб, бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда тамом бўлмайди ёки модда диспозициясида кўрсатилган оқибатнинг юз бермаслигида ифодаланади;

иккинчидан, жиноятнинг бевосита бажарувчи томонидан содир этилиши, бевоситалик бажарувчи шахс томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятни содир этилганлиги ёки содир этилишини англатади.

Бажарувчи қуйидаги турларга бўлинади:

1) бевосита жиноятни содир этган, яъни обйектив томонини бажарган шахс;

2) бошқа шахслар билан биргаликда жиноятни содир этишда иштирок этган шахс (биргаликда бажарувчи);

3) кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс.

Дастлабки иккита ҳолатда жиноят иштирокчиси ҳисобланган бажарувчи кўрсатиб ўтилган. Учинчи ҳолат еса жиноятда иштирокчиликни ифодаламайди, балки жиноят воситаси орқали индивидуал тартибда содир этиш ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда жиноятнинг обйектив томонини бир нечта жиноятчилар биргаликда бажаради, уларнинг барчаси бажарувчи ҳисобланади.

Жиноят бажарувчиси ақли расо ва қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши керак. Айрим ҳолда шахснинг ўзи жиноятни бевосита содир қилмасдан жиноятнинг субйекти бўла олмайдиган шахсдан фойдаланади (масалан, ўғрилик жиноятини содир қилишда шахс 14 ёшга тўлмаган ёки ақли норасо шахсдан фойдаланади). Бунда жиноятчи ҳам субйект ёшига етмаганнинг қилмиши учун ҳамда вояга етмаганни жиноятга жалб қилганлиги учун жавобгарликка тортилади. Баъзи ҳолларда жиноятчи махсус ўргатилган ҳайвонлардан ҳам фойдаланади ва ҳайвон етказган зарар учун жиноятчи жавобгар бўлади.

Алоҳида ҳолларда бажурувчининг ҳаракатини аниқлаш учун Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси диспозициясида кўрсатилган белгиларнинг бир қисмини бўлишининг ўзи етарли ҳисобланади. Масалан, номусга тэгиш жинояти бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилса, улардан бири зўрлик ишлатган лекин, шахсан ўзи номусга теккан ёки номусга тэгмаганлигидан қатъи назар, бажарувчи бўлиб ҳисобланади.

Бажарувчи томонидан содир этилган қилмиш субйектив томондан тўғри ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Қонунга кўра иштирокчиликда содир этилган қилмиш қасддан амалга оширилиб, еҳтиётсизликни истисно этади. Ижтирокчиларнинг қасди ўз қилмишнинг ижтмоий хавфлилигини англаш ва бажарувчининг ҳаракатини ўз ичига олиши керак.

Жиноятнинг ташкилотчиси жиноят иштирокчиларидан биридир. Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади (28-модда, 3-қисм), яъни ташкилотчи: 1) жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки 2) жиноят содир этилишига раҳбарлик қилади. Икки ҳолатда ҳам у «ташкилотчи» сўзи маъносидан келиб чиқувчи жиноятга тайёргарликни амалга оширади. Жиноят содир этиш «ғоя»си ва ундан сўнгги ҳаракатларни режалаштириш, ташкил қилиш унга тэгишлидир.

Шу ўринда жиноят содир этиш ҳақидаги фикрнинг юзага келиши фақатгина ташкилотчининг ўзигагина тэгишли емаслигини таъкидлаб ўтиш

лозим. Баъзи ҳолларда биргаликдаги бажарувчилардан бирида ҳам бундай фикр пайдо бўлиши мумкин. Суд амалиётида биргаликда бажарувчилардан бирида бундай фикрнинг пайдо бўлиши учраб туради. Масалан, гуруҳ бўлиб безорилик қилиш, номусга тэгиш жиноятларини содир этишда.

Ташкилотчи кўпинча жиноят содир қилишда бевосита қатнашмаганлиги сабабли уни ушлаш, исботлаш ва жавобгарликка тортиш қийинлашади.

фақат жиноятга дахлдорлик дейилади. Жиноят содир этишга раҳбарлик қилиш — бу иштирокчилар томонидан жиноятни амалга ошириш жараёнини бевосита бошқаришдир. Жиноятга раҳбарлик қилиш жиноят содир этиш жойида амалга оширилганда, бажарувчининг ҳаракатлари бошқарилади. Шунингдек,, раҳбарлик қилиш жиноят содир этиш жойида бўлмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, телефон, рация орқали бажарувчининг ҳаракати бошқариб турилиши мумкин.

Ташкилотчи жиноят режасини ишлаб чиқади, бошқа иштирокчиларни танлайди, уларнинг орасида вазифаларни тақсимлайди, жиноятни амалга оширишга уларни тайёрлайди, йўриқлар беради, зарур анжомларни йиғади ва тайёрлайди. Кўпчилик ҳолларда ташкилотчи ўз ҳаракатларини ҳимоя қилиш ва зарур маълумотлар олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан биронта мансабдор шахсни сотиб олишга ҳаракат қилади. Қоидага кўра уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмага тажрибали жиноятчи раҳбарлик қилади ва жиноятга тайёргарлик кўриш ва амалга оширишни ташкиллаштиради, унинг ўзи ҳам иштирокчилар қатори иштирок этиши мумкин.

Ташкилотчи ҳар доим ҳам тўғри қасд билан ҳаракат қилади. Агар ташкилотчи жиноят содир этишга раҳбарлик қилиб, ўзи жиноятнинг обйектив томонини бажаришда бевосита иштирок этмаса, унинг ҳаракати Жиноят кодекси 28-моддаси, 3-қисми билан квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 242-моддасининг 1-қисми мазмунига кўра ташкилотчининг ҳаракати жиноий фаолият кўринишларидан биридир.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади (28-модда, 4-қисм), яъни у ҳар қандай шаклда: 1) мажбурлаш; 2) ишонтириш орқали далолат қилади.

Далолатчи билан бажарувчининг ўзаро ички алоқадорлиги шундаки, далолатчининг ҳар доим ижрочида жиноят содир этиш мақсадини вужудга келтиради.

Мажбурлаш жисмоний ва руҳий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан қўрқитиш орқали содир этилади (масалан, моддий таъминлашни тўхтатиб қўйиш, инсонни таҳқирловчи хабар ёки маълумотни ошкор қилиш билан қўрқитиш ва ҳоказо).

Шахсга бир неча марта далолатчи турли хил хабарларни етказса, буларнинг натижасида шахс унга ишониб, жиноят содир этишга қарор қилса, бир неча марта хабар етказган шахсни далолатчи деб жавобгарликка тортиш мумкин. Лекин бир неча марта хабар етказган шахсда бажарувчининг жиноят содир этиши учун мойиллик туғдириш мақсади бўлиши керак.

Ишонтиришда далолатчи ташқи томондан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринса-да, унинг манфаатлари жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатларига маълум даражада мос келади.

Далолатчининг жиноят содир этишнинг воситаси сифатида илтимос қилишдан ҳам фойдаланиши мумкин ва бу далолатчи манфаатининг асосини ташкил этади. Шубҳасиз, илтимос далолатчи томонидан фақат ўзининг танишлари, дўстлари ва хизматдошларига қилиниши мумкин. Яқинларга илтимос (жиноят содир этишни) фақат кўндириш орқали амалга оширилади. Кўндириш илтимосдан шуниси билан фарқ қиладики, далолатчи шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кўндириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин.

Жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, давлат тузумини конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (ЖК 159-модда).

Далолат аниқ бир обйект ёки шахсларга нисбатан қаратилган бўлиши керак.

Суд-тергов амалиётида далолат қилишнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Жиноят қилиш учун мукофот вада қилиш ёки тўғридан тўғри шахсни сотиб олиш ёки алдаш бунга мисол бўла олади.

Далолатчи билан ташкилотчининг ҳаракатини фарқлаш лозим. Далолатчи қандай ҳаракат содир этишидан қатъи назар, бажарувчида жиноят содир этиш истагини уйғотишга ва бу истакни сўндирмасликка ҳаракат қилади. Ташкилотчи еса, жиноий фаолиятни ривожлантиришга ҳаракат қилади, у жиноят содир этишнинг бошланишидан охиригача фаолият юритади. Суд-тергов амалиётида ёрдамчилик иштирокчиликнинг кўп учрайдиган туридир. Жиноят кодекси 28-моддаси 5-қисмининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноятда ёрдамчилик икки:

1) жисмоний ёрдамчилик;

2) руҳий ёрдамчилик кўринишларига эга бўлади.

Жисмоний ёрдамчилик, дэганда жиноят содир қилинаётганда тўсиқларни олиб ташлаш учун воситалар ва қуроллар билан ёрдам бериш, яъни жиноятнинг обйектив томонини амалга оширишда бажарувчига кўмаклашиш тушунилади. Жисмоний ёрдамчилик руҳий ёрдамчиликдан фарқли равишда жиноят воситаларни таклиф қилиш ёки шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ёрдамчи ёрдам беришдан ташқари жиноятни амалга оширишга қаратилган бошқа бирор-бир ҳаракатни қилмаган бўлиши керак, акс ҳолда ёрдамчининг ҳаракатлари жиноятнинг обйектив томони белгилари билан мос келса, у жиноятнинг бажарувчисига айланиб қолади.

Руҳий ёрдамчилик:

1) маслаҳат, кўрсатмалар бериш; 2) жиноятчини, жиноят қуролларини, изларини ва воситаларини ёки жиноий йўл билан топилган буюмларни яширишга олдиндандан ваъда бериш; 3) жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндандан ваъда бериш шаклида бўлиши мумкин.

Жиноятни яширишга олдиндандан ваъда бермаган бўлса, ёрдамчилик деб топилмайди, яъни иштирокчилик деб топилмасдан,

Воситалар етказиб бериш, дэганда жиноят бажарувчисига жиноятни амалга ошириш учун зарур бўлган турли буюмлар ёки воситаларни етказиб бериш тушунилади. Буларга транспорт воситалари, қурол-яроғлар ва ҳоказолар, яъни жиноят содир қилиниши учун ёрдам берадиган ҳар қандай буюмлар киради.

Тўсиқларни олиб ташлаш, дэганда ёрдамчининг бажарувчи томонидан жиноятни амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф қилишга ёрдамлашиш ҳаракати тушунилади (масалан, қўриқчини хизмат вазифасидан чалғитиш, сигнализацияни ўчириб қўйиш, қўриқчи итларни чалғитиш ва ҳоказо).

Ёрдамчи далолатчидан шуниси билан фарқ қиладики, у ўзининг ҳаракати билан жиноятнинг бошқа бир иштирокчисида жиноят содир этиш истагини вужудга келтирмайди, бу ҳолат ёрдамчиликни амалга оширгунга қадар вужудга келади.

Руҳий ёрдамчилик  жиноят содир қилинишида бажарувчининг қарори ва хоҳишини мустаҳкамлайди.

Маслаҳат ва кўрсатмаларни кўпроқ жиноятни уюштирадиган шахс бериши мумкин. Бу ҳолда ушбу шахс Жиноят кодекси 28-моддасининг 3-қисмига кўра ташкилотчи деб топилади.

Жиноятда иштирок этган шахсларнинг жавобгарлик доираси.

Жиноят қонунида биринчи марта (Жиноят кодекси 30-моддасида) жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси белгиланди.

Жиноят кодекси 30-моддаси 1-қисмига кўра: «Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш учун белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар». Бу умумий қоида ҳисобланади.

Қонунда жиноят иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) бир томондан ва бажарувчи иккинчи томондан бир-бири билан боғлиқдир. Жиноий натижа умумий ва ягонадирки, жиноят содир қилишда ҳар бир иштирокчининг ўзига яраша ўрни бор, яъни ташкилотчи ташкиллаштиради, далолатчи қизиқтиради, ёрдамчи жиноятнинг амалга оширилишига ёрдам беради.

Иштирокчиларнинг содир этилган жиноят учун жавобгарлиги жиноятнинг обйектив ва субйектив белгиларига асосан белгиланади. Бунда обйектив томон иштирокчилардан ҳар бирининг жавобгарлиги Умумий қисм қоидалари (28-модда) ва Жиноят кодекси Махсус қисм нормасига асосан белгиланади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят ҳар доим қасддан содир этилиб, субйектив томондан иштирокчиларнинг ижтимоий хавфли

хусусиятдаги олдиндандан огоҳлантирилганлиги, уларнинг биргаликдаги фаолияти, руҳий томони еса кучларни бирлаштириш асосида жиноий натижага еришиш ёки унга онгли равишда йўл қўйилишида ифодаланади.

Иштирокчиларнинг жаворбгарлиги доирасини белгилаш учун жиноят таркиби елементларидан ташқари, умумий ва махсус шартлар ҳам бўлиши керак. Умумий шартлар ўз ичига иштирокчиликнинг турини, шаклини тўғри белгилашни, иштирокчилик шакли жиноят таркибининг зарурий белгиси еканлигини ёки унинг жазони оғирлаштирувчи ҳолат еканлиги кабиларни олади. Жиноят кодексининг 242-моддаси 2-қисмида иштирокчилик асосий белгиси сифатида кўрилади ва қуролли жиноий гуруҳ ташкил этганлик, унга раҳбарлик қилганлик ва унда иштирок этганлик учун жавобгарик белгиланган.

Махсус шартлар иштирокчиларнинг жавобгарлигига таъсир қилучи обйектив ва субйектив белгиларга, шунингдек,, ексцесс бажарувчилик, бажарувчининг ва бошқа иштирокчиларнинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишини ўзида ифодалайди.

Ҳар бир жиноят иштирокчиси содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилади. Унга нисбатан жазо тайинлашда суд жиноий жавобгарликни жиноятнинг оғирлиги, айб даражаси ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига мос келишини ҳисобга олиши лозим бўлади.

Бу суд жазо тайинлашда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини, иш ҳолатлари ва айбдор шахсини, жазони йенгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш кераклигини англатади.

Агар содир этилган жиноятнинг хавфлилик даражаси барча иштирокчилар учун бир хил хусусиятга эга бўлиши (уларнинг ҳаракати Махсус қисмнинг айни бир моддаси билан квалификация қилинганда), лекин иштирокчиларнинг ҳар бирини житимоий хавфлилиги турлича бўлиши мумкин. Улар бир қатор обйектив ва субйектив ҳолатларга боғлиқ бўлиб, шахснинг жиноят содир этишдаги иштироки даражаси ва хусусиятида намоён бўлади.

Иштироки хусусияти иштирокчиликда содир этилган жиноятда айбдорлик вазифасини белгилайди.

Ташкилотчи, ёрдамчи, далолатчининг ҳаракатлари бажарувчининг ҳаракати қайси норма билан квалификация қилинган бўлса, ўша норма билан квалификация қилинади, аниқроғи бажарувчи томонидан жиноятнинг обйектив томони қай даражада бажарилгани муҳим рол ўйнайди. Агар бирон-бир сабабга кўра бажарувчи жиноятни охиригача етказа олмаган бўлса, иштирокчиларнинг ҳаракатлари ҳам тугалланмаган жиноят деб квалификация қилиниши лозим.

Жиноят иштирокчиси қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади (Жиноят кодекси 9-модда).

Жиноят содир қилган шахсга жазо тайинлашда суд жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қилади (Жиноят кодекси 54-модда).

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарниг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони йенгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади (Жиноят кодекси 54-модда, 1-қисм).

Иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги иштироки даражаси ҳамда жиноий ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жазо тайинлашда ҳисобга олинади. Суд жазо тайинлашда шахснинг судланган-судланмаганлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки алкоголли ичимликларни истеъмол қилган ёки қилмаганлигини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиши зарур.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини белгилашда аниқ бир жиноят содир этилган ҳолатлардан келиб чиқиш лозим (айб шакли, жиноят мотиви, содир этиш босқичи ва бошқалар).

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатлари бажарувчининг жиноятни қайси босқичда тўхтатилганлигига қараб, яъни бажарувчи жиноятни охирига етказган, суиқасд қилган ёки тайёргарлик кўришда тўхтатилганлигига қараб квалификация қилинади.

Суд-тергов амалиётида жиноятни фақат махсус субйект амалга ошириб, бошқа шахслар жиноят иштирокчиси сифатида содир этилганлиги ҳам учраб туради. Бунда жиноят иштирокчи(ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи)ларнинг жиноятда иштироки даражаси аниқланиши керак. Жиноятнинг субйекти фақат махсус субйектли жиноятларда иштирокчилар (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) махсус субйект содир этган жиноятда фақат иштирокчи сифатида квалификация қилинади. Масалан, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши(99-модда)да субйект фақат она бўлади, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи еса унинг онаси, ери бўлиши мумкин ёки 114-моддадаги жиноий абортда субйект врач-акушер гинеколог бўлиб, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ҳар қандай шунга боғлиқ шахс бўлиши мумкин.

Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қилмиш квалификация қилинаётганида иштирокчиликдаги бажарувчилардан бири гуруҳ томонидан келишилмаган бошқа жиноятни содир қилса, унга баҳо беришда айрим қийинчиликлар вужудга келади. Буни жиноят ҳуқуқида екссесс бажарувчи дейилади. Екссесс, дэганда бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноятидан ташқари яна бир жиноятнинг содир қилиниши тушунилади.

«Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади» (30-модда, 4-қисм).

Жиноят ҳуқуқи назариясида екссессни миқдор ва сифат белгиларига бўлиб ўрганилади.

Миқдор кўрсаткичли екссессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятни содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра оғирроқ бўлади. Масалан,

далолатчи ўз ўртоғини уларни сотганлигини айтиб, дўппослашни буюради, лекин бажарувчи унга оғир тан жароҳати етказади.

Сифат кўрсаткичли екссессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Масалан, учта шахс шахсий мулкни ўғирлашга келишади ва бажарувчи ўзаро келишув асосида хонадонга киради. Кутилмаганда хонадонга уй эгаси қайтиб келади, шунда бажарувчи ўқотар қуролдан ўқ отиб уй эгасига оғир тан жароҳати етказади ҳамда ўғирлик моллар билан яширинади. Бунда бажарувчининг ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Бу вазиятда жиноят бажарувчиси босқинчилик, қолган иштирокчилар еса ўғрилик учун (ташкилотчилик, ёрдамчилик ва далолатчилик) жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош торца ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва ҳаракатни содир еца, иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгар бўладилар. Чунки барча иштирокчилар биргаликда келишилган жиноят амалга ошмаган. Бажарувчи иштирокчиларнинг жиноий ниятидан ташқари содир этган жиноят учун жавобгар бўлади ва бажарувчининг қилмиши ексцесс жиноятидир.

Жиноятга дахлдорлик.

Суд-тергов амалиётида шахснинг қасддан содир қилган ҳаракати содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга алоқадор бўлади, лекин иштирокчилик деб квалификация қилиниши мумкин бўлмайди. Жиноят қонуни ва жиноят ҳуқуқида буни жиноятга дахлдорлик дейилади ва бу қилмиш учун Жиноят кодексининг тэгишли моддасига кўра жавобгарликка тортилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки жиноят содир этилаётганлиги ёхуд жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндандан ваъда бермасдан, ҳокимият органларига хабар қилмаслик ёхуд жиноятчини, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндандан ваъда бермаган ҳолда яширганлик (Жиноят кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина) дахлдорлик деб айтилади.

Жиноят кодексининг 31-моддасида дахлдорликнинг икки тури кўрсатилган:

1) олдиндандан ваъда бермасдан хабар бермаслик (31-моддаси, 1-қисми);

2) олдиндандан ваъда бермасдан яширганлик.

Жиноят кодексининг Умумий қисмида дахлдорликнинг икки шакли келтирилган бўлса-да, жиноят ҳуқуқи назарияси дахлдорликнинг учта шакли ҳақида фикр билдирилган.

Жиноят кодекси 241-моддасининг 1-қисмида тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Жиноят кодексида хабар бермаслик ва яширганлик учун жавобгарлик белгиланиб, фуқароларнинг ижтимоий хавфли қилмиш тўғрисида тэгишли давлат органига хабар беришга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Юридик адабиётларда кўпгина ҳуқуқшунос олимлар “жиноят ҳақида хабар бермаслик”ни ҳуқуқий аҳамиятига қараб турларга бўладилар. Жумладан, В.Г.Смирнов “жиноят ҳақида хабар бермаслик”ни ҳуқуқий аҳамиятига қараб икки турга бўлади:

1. Тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бермаслик. Ўз табиатига кўра жиноят содир этишнинг бир турини келтириб чиқаради.

2. Содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик. Жиноятга дахлдорликнинг турларидан бирини ташкил қилади”.

Ҳуқуқшунос олим А.Н.Трайнин ҳам В.Г.Смирновдан олдинданроқ қуйидаги фикрни билдирган еди. Бу икки хил хабар бермасликнинг ижтимоий хавфлилиги ҳам турличадир. Агар жиноят ҳақида оғир жиноят содир этилганидан кейин хабар берилган бўлса, буни ҳисобга олмасдан бўлмайди.

“Агар шахс тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бермаса, бу йерда жиноятнинг содир этилишида унинг манфаатлари бўлмаса-да, у жиноятчилар билан бирлашиб, иштирокчига айланиб қолади”.

Бу муаллифлар жиноят ҳақида хабар бермаганлик унинг ваъда бериб ёки ваъда бермасдан амалга оширганлиги емас, балки унинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда, яъни жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун иштирокчи, деб топиш лозим дэган фикрни билдирадилар.

Дахлдорликнинг жиноят еканлиги шундан иборатки, шахс тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисида аниқ билган бўлсада, давлат ҳокимияти органларига хабар бермайди. яъни, шахс (айбдор)ни жавобгар қилиш учун унинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган ёки жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўгрисида билган бўлиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддаси 4 ва 5-қисмида оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси берилган бўлиб, уларга, оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар кириши белгиланган.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Шахснинг тайёрланаётган ёки содир қилинган жиноят ҳақида қайси органга хабар қилишининг аҳамияти йўқ, қоидага кўра шахс давлат органлари — прокуратура, милиция, солиқ инспексияси, божхона хизмати, Миллий хафсизлик хизматига, шунингдек, бошқа органларга, масалан, ҳокимият, ҳарбий бўлинма раҳбарларига хабар бериши мумкин.

Ушбу жиноятнинг обйектив томонини таҳлил қилишда шахснинг жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки содир қилинганлиги тўгрисида

унинг, яъни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга тайёрланаётганлиги ёки содир қилинганлиги ҳақида аниқ билганлигига еътибор берилиши керак.

Баъзан, жиноятнинг субйекти оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга айнан ким тайёргарлик кўраётгани ёки содир қилинганлигини аниқ билмаслиги ҳам мумкин.

Агар шахсда обйектив равишда хабар бериш имконияти мавжуд бўлмаса, у жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин емас. Ушбу жиноят тўғрисида хабар бермаган вақт жиноятнинг тугалланган пайти ҳисобланиб, ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққан ёки чиқмаганлиги аҳамият касб этмайди. Шахс тэгишли органларга жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки содир этилганлиги тўғрисида аниқ маълумот келиб тушган заҳоти хабар бериши лозим. Судлар жазо тайинланаётганда тайёргарлик кўрилаётган жиноят тўғрисида хабар бермасликка нисбатан содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик оғирроқ еканлигини ҳисобга олишлари керак.

Жиноят кодекси 241-моддасининг 2-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндандан вада бермасдан яшириш тўғрисида сўз боради.

Олдиндандан ваъда бермасдан яширишга: жиноятчини, жиноят қуроли ва воситасини, бошқа далил ва ашёларни яшириш киради. Жиноятчини яшириш, дэганда айбдорни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшириш учун уни жой билан таъминлаш тушунилади. Яширувчи жиноят қуроли ёки воситасини, жиноят изларини ҳам йўқ қилиши мумкин. Бу жиноят қасддан содир этилади. Шу билан бирга айбдор оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганлигини тушуниб етиши лозим.

Жиноят кодекси 31-моддасининг 3-қисмида 241-моддадаги жиноятга субъйект бўла олмайдиган шахслар келтирилган, яъни «Олдиндандан вада бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди».

Жиноятда иштирокчиликнинг шакллари.

Махсус адабиётларда ва дарсликларда жиноятда иштирокчилик турлича классификацияланган бўлиб, жиноятда иштирокчилик шакл ва турларга бўлинади.

Жиноят содир этишда иштирокчилик шакли дэганда, жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатини олдиндандан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субйектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилувчи бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати тушунилади. Юқорида келтирилган ҳар бир белги иштирокчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, тил бириктирганлик ва умумий мақсадга еришиши учун мувофиқлаштирилганлигига кўра фарқ қилади. Ишитрокчилар ҳаракатининг юқори даражада ташкил қилинганлиги ва тил бириктирилганлиги кўзланган мақсадга еришишни осонлаштиради.

Иштирокчиликда содир этилган жинояни таҳлил қилишда суд ва тергов органлари қонунда тўғридан тўғри кўрсатилмаган, лекин жиноятни тўғри квалификация қилиш имконини берадиган белгиларга еътибор беришлари лозим.

Иштирокчилик обйектив (иштирокчилар ўртасидаги обйектив алоқадорлик) ва субйектив (улар ўртасидаги субйектив боғлиқлик) мезонларга кўра турларга бўлинади.

Обйектив мезон иштирокчиларнинг обйектив томондан алоқадорлигида ифодаланади, бу асосга кўра иштирокчилик, иккита турга бўлинади:

1) оддий иштирокчилик

2) мураккаб иштирокчилик.

Обйектив мезон иштирокчилар ўртасидаги жиноят содир этишдаги алоқадорликни ифодалайди, яъни ролларнинг тақсимланиши, ким қайси вазифани бажаришини белгилаб қўйилиши ва бошқалар.

Оддий иштирокчиликда биргаликда бажарувчи шахслар Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилган жиноятнинг обйектив томонини бевосита тил бириктирмаган ҳолда содир этадилар.

Мураккаб иштирокчиликда (бажарувчи билан бир қаторда далолатчи, ташкилотчи, ёрдамчи жиноят содир этишда иштирок этади) жиноят содир этишда биргаликда иштирок этишнинг ўзига хослиги шунда кўринадики, фақат иштирокчигина Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилган жиноятнинг обйектив томонини бевосита бажаради, бошқа иштирокчилар еса жиноятни билвосита бажарадилар.

Иштирокчилик тўсатдан вужудга келиши мумкин, бу иштирокчиларнинг жиноий ҳаракатини амалга ошириш учун бирлашишида ифодаланади. Безорилик, номусга тэгиш жиноятлари кўпинча биргаликда содир этилади.

Иштирокчиликнинг субйектив мезони иштирокчиларнинг жиноий ҳаракатни амалга оширишда ўзаро келишганлиги билан белгиланади. Бу мезон асосида иштирокчилик:

1) олдиндандан тил бириктирилган;

2) олдиндандан тил бириктирилмаган иштирокчиликларга бўлинади.

Олдиндандан тил бириктирилмаган иштирокчилик, бевосита жиноят содир этиш жараёнида ёки муайян вақт оралиғида (масалан А. исмли шахс одам ўлдириш мақсадида Б.ни ура бошлайди, буни кузатиб турган В. исмли шахс ҳам унга қўшилиб Б.ни уради ва одам ўлдириш жинояти содир этилади), лекин жиноят содир этилгунга қадар тил бириктирилмайди. Бундай иштирокчиликда тил бириктирганлик даражаси минимал бўлиб, жиноят обйектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатлар тўлиқ ёки қисман амалга оширилади, иштирокчилар ўз ҳаракати орқали бошқасининг ҳаракатини тўлдиради.

Олдиндандан келишилган иштирокчиликда биргаликда жиноят содир этиш ҳақида олдиндандан тил бириктириб, шунингдек, жиноят содир этилишидан олдинданроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилади. Ишитирокчиликни квалификация қилиш учун бу келишувга еришилгандан сўнг қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эга емас.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодекси 29-моддасида еса жиноятда иштирокчиликнинг қуйидаги шакллари белгиланган бўлиб, буларга:

1) оддий иштирокчилик;

2) мураккаб иштирокчилик;

3) уюшган гуруҳ;

4) жиноий уюшмалар киради.

Иштирокчиликнинг биринчи шаклида жиноятнинг олдиндандан тил бириктирмай содир этилганлиги учун иштирокчиликнинг бошқа шахсларга нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ. Чунки улар биргаликда ҳаракат қилса-да, уюшганлик белгиси йўқ, аммо жиноят биргаликда содир қилинганлиги учун иштирокчиликнинг енг содда шаклига киритилган. Оддий иштирокчиликнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунда жиноий ҳаракат бир нечта шахс томонидан содир этилганлиги учун ундан етадиган зарар, шубҳасиз, бир киши етказган зарарга нисбатан бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир қилиниши ўша жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисм «п» банди); бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда 2-қисм «к» банди); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда 2-қисм «п» банди); номусга тэгиш (118-модда 2-қисм «в» банди); жинсий еҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда 2 қисм «в»банди).

Иштирокчиликнинг оддий шаклида иштирокчилар орасида аввалдан келишув бўлмайди ва ўз-ўзидан бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи бўлмайди ҳамда иштирокчилар жиноятнинг обйектив томонини алоҳида-алоҳида бажарадилар. Айнан шу белгиси билан оддий иштирокчилик иштирокчиликнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Иштирокчиликнинг бу шакли учун тил бириктирганликнинг минимал даражаси хосдир. Иштирокчиликнинг бу шаклида кўпроқ бир киши томонидан бошланган жиноятга бошқа шахсларнинг қўшилиши назарда тутилган.

Оддий иштирокчилик иштирокчиликнинг кам тарқалган ва ижтимоий хавфи нисбатан катта бўлмаган шаклидир. Иштирокчиликда олдиндандан тил бириктирмаган ҳолда жиноят содир этилишини белгилашда бир қанча бажарувчи томонидан жиноят содир этилганлиги, шунингдек, улар орасида вазифаларнинг тақсимланганлигига еътибор бериш лозим.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндандан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади (29-модда 3-қисм).

Олдиндандан тил бириктириш дэганда, жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғилланиш учун жиноятнинг обйектив томони амалга оширилгунга қадар бўлган келишув тушунилади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндандан тил бириктириб жиноят содир этиш учун Жиноят кодексида аниқ бир жиноятнинг зарурий ёки квалификация белгиси, шунингдек, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарлик назарда тутилган.

Мураккаб иштирокчиликни хусусиятловчи белгилардан бири жиноят обйектив томонини белгиловчи белгилар барча иштирокчилар томонидан емас, балки, бир киши ёки уларнинг баъзи бирлари томонидан содир этилишидир. Қолган иштирокчилар жиноят обйектив томонини амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Мураккаб иштирокчилик оддий иштирокчиликдан вазифаларнинг иштирокчилиар ўртасида тақсимланганлиги билан фарқланади: бири жиноятни ташкил қилади, бири обйектив томонини бажаради ёки жиноят содир қилишга далолат қилади ёҳуд содир этилишига ёрдам беради.

Мураккаб иштирокчиликнинг асосий белгиларидан яна бири-иштирокчиларнинг олдиндандан тил бириктирганлиги ҳисобланади.

Иштирокчиликнинг ушбу шаклда олдиндандан тил бириктириш унинг обйектив томонини бажаришгача бўлган вақт ичида юз берган бўлиши керак. Иштирокчиликнинг бу шаклида жиноят иштирокчилари жиноятни амалга ошириш юзасидан қилинадиган ҳаракатлар ва жиноят натижаси тўғрисида ўзаро келишиб оладилар. Ушбу шаклда жиноятнннг обйектив томонини фақат бажарувчи содир қилади, бошқалари еса унга ёрдам берадилар.

Иштирокчликнинг бу шакли учун асосий елемент бўлиб икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этиш бошлангунга қадар шунингдек,, Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган қилмишнинг ҳеч бўлмаганда бир киши томонидан содир этиш бошлангунча тил бириктирилганлиги ҳисобланади.

Олдиндандан тил бириктириб жиноят содир этиш Жиноят кодекси 56-моддасининг «м» бандига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Олдиндандан тил бириктириб жиноят содир қилиш Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўзда тутилган. Масалан, 164-модда 2-қисм «б», 165-модда 2-қисм «в», 166-модда 2-қисм «в», 167-модда 2-қисм «б», 168-модда 2-қисм «б» бандлари.

Агар иштирокчилар олдиндандан тил бириктириб ва ҳар бири жиноятнинг обйектив томонини бажарса, уларнинг ҳаракати Жиноят кодекси 28-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши мумкин емас.

Агар олдиндандан келишув ҳар бир иштирокчи орасида вазифалар тақсимланиши билан амалга оширилса, лекин ҳаракатни фақат бажарувчи қилса, уларнинг ҳаракати иштирокчиларнинг турларини белгилайдиган Жиноят кодексининг 28-моддаси билан квалификация қилинади.

Агар Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида гуруҳ томонидан содир этилган жиноят учун олдиндандан тил бириктириш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўзда тутилмаган бўлса, суд жазони Жиноят кодекси 56-моддасига кўра тайинлайди.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида иштирокчиликнинг айрим шакллари квалификация қилинувчи ёки зарурий белги сифатида кўрсатилган. Квалификация қилинувчи ҳолат сифатида бундай иштирокчилик шаклларининг бир қанча турлари берилган: бир гуруҳ шахслар, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндандан тил бириктирган ҳолда, шунингдек, тил бириктирмай жиноят содир этиш.

Агар Махсус қисм нормасида «олдиндандан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан» (Жиноят кодекси 244-модда, 3-қисм «а» банди) дэган тартиб белгиланган бўлса, бунда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндандан тил бириктириб ёки тил бириктирмаган ҳолда жиноят содир этилишини тушуниш лозим. Агар қонун Махсус қисм нормаси «олдиндандан тил бириктириб» дэган таъриф билан чекланган бўлса квалификация қилинадиган ҳолатларни белгилашда, уни жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма сифатида талқин қилинмайди.

Қонунда жиноят таркибида квалификация қилинувчи ҳолат сифатида бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этилиши кўрсатилган бўлса (ЖК 97-модда, 2-қисми, «п» банди, 104-модда, 2-қисм, «к» банди, 118-модда, 2-қисм, «в» банди) жиноий жавобгарлик учун олдиндандан тил бириктирганлик аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахсларнинг ҳаракати ушбу жиноятни содир этишга қаратилганлигини аниқлаш лозим. Агар бу жиноят уларнинг умумий қасдидан ташқарида содир этилган бўлса, ушбу банд билан квалификация қилинмасдан, модданинг бошқа тэгишли қисмлари билан жавобгарликка тортилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндандан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Уюшган гуруҳ иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб иштирокчиликка нисбатан хавфлироқ бўлган шаклидир. Уюшган гуруҳни хусусиятловчи белгилардан бири бу унинг барқарор еканлигидир. Бунда ташкилотчи жиноий режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди. Уюшган гуруҳда икки ёки ундан ортиқ шахс одатда бир нечта жиноят қилиш учун бирлашади. Уюшган гуруҳнинг асосий белгиси олдиндандан тил бириктириш ёки олдиндандан жиноий ҳаракат билан шуғулланиш учун уюшиши ва гуруҳ аъзолари орасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, режанинг аниқлиги, техник таъминот ва барқарорликдан иборатдир. Айнан барқарорлик ушбу гуруҳни бошқа гуруҳлардан ажратиб туради. Улар орасидаги барқарорлик гуруҳ раҳбари гуруҳ аъзолари билан алоқа қилиб, уларнинг ҳаракатини назорат қилиб, бошқариб туришида намоён бўлади.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уюшган гуруҳ аъзолари орасида вазифалар аниқ тартибда тақсимланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддаларида уюшган гуруҳнинг жиноий ҳаракати ўша жиноятни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида кўрсатилган бўлса (масалан, 164-модда 4-қисм «в», 166-модда 4-қисм «в», 176-модда 3-қисм «б», 177-

модда 3-1қисм «б» бандлари ва бошқалар), Жиноят кодексининг 56-моддасига ҳавола қилинган ҳолда жазо тайинланмайди.

Уюшган гуруҳ фақат жиноий фаолият билан шуғулланиш учун ташкил этилади.

Жиноий фаолият дэганда, жиноят иштирокчиларининг бир нечта жиноят содир қилиши тушунилади. Уюшган гуруҳнинг доимий аъзолари бажарган вазифасидан қатъи назар, уни тайёрлашда қатнашган бўлсалар, барча жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилишлари шарт. Агар шахс уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаса, жиноят содир қилинаётганда ўзи тушунмаган ҳолда ёрдам берган бўлса, унинг ҳаракатлари уюшган гуруҳ томонидан қилинган деб квалификация қилинмайди.

Жиноят кодексининг 242-модда 2-қисмида уюшган қуролли гуруҳ тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш учун жавобгарлик белгиланган. Жиноий уюшманинг бошқа белгилар билан биргаликда қуролланиш белгиси ҳам, яъни гуруҳда ёки гуруҳ аъзоларидан бирида ўқотар ёки совуқ қурол бўлиши керак. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг амалда уюшган жиноий гуруҳ тузиши ёки унга раҳбарлик қилиши ёки унда иштирок этиши биланоқ жиноят тугалланган ҳисобланади. Уюшган қуролли гуруҳ тузганлик 242-модда 2-қисми билан квалификация қилинади.

Жиноий гуруҳ иштирокчилари ҳаракатини квалификация қилиш олдиндандан тил бириктириб жиноят содир этишдан фарқ қилади. Агар жиноят олдиндандан тил бириктирган ҳолда бир неча бажарувчилар томонидан содир этилган бўлса, у фақат Махсус қисмдаги тэгишли модданинг ўзи билан 28-моддани қўлламаган ҳолда квалификация қилинади. Уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги вазифаси қандай белгиланганлигидан қатъи назар (ташкилотчи, бажарвчи, далолатчи, ёрдамчи, иштирокчи) 28-моддани қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланади. Агар уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноят Махсус қисмнинг тэгишли моддасида квалификация қилинадиган ҳолат сифатида кўрсатилган бўлса (масалан, Жиноят кодекси 202-модда, 3-қисм, «д» банди), қилмишни 28-моддага мурожаат қилмаган ҳолда шу модданинг ўзи билан квалификация қилиш лозим бўлади ва барча иштирокчилар аниқ бир жиноят таркиби учун зарурий ҳисобланган белги асосида жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят кодекси Махсус қисм моддаларида «уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш» дэган тушунча ишлатилади, бунда умумий қоида бўйича жиноий гуруҳнинг жиноий фаолиятидан гувоҳлик берувчи бир неча жиноий тажовузларнинг амалга оширилиши назарда тутилган. Аммо амалиётда гуруҳ аъзоларидан бири бир жиноятни содир этишда иштирок этиб, кейин ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатган ҳоллар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда уларнинг жиноий қилмишлари сонидан қатъи назар у уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганлиги учун (ўзи буни англаган ҳолларда) жиноий жавобгарликка тортилади.

Яна бир фарқ шундаки, олдиндандан тил бириктириб жиноят содир этишда гуруҳ фақатгина бир маротаба жиноят содир этиш учун тузилади, уюшган гуруҳда еса бир неча маротаба жиноят содир этиш учун тузилади.

Демак, уюшган гуруҳ олдиндандан тил бириктириш, барқарорлик, вазифаларнинг тақсимланганлиги, бир қанча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги каби қатор ўзига хос белгилар билан хусусиятланади.

Уюшган гуруҳнинг барқорорлиги дэганда, гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги доимий алоқадорлик ва жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ёҳуд бир ёки бир неча маротаба жиноят содир этишнинг махсус усулларидан фойдаланиш тушунилади.

Барқорорлик обйектив томондан қуйидагилар билан хусусиятланади:

биринчидан, ташкилотчининг жиноий фаолиятни амалга ошириш мақсади асосида ташкил этилган гуруҳ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, умумий жиноий мақсад ва манфаат, жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланганлиги;

иккинчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида махсус усуллардан фойдаланиш, гуруҳдаги қатъи тартиб, доимий назорат ва гуруҳ аъзолари ҳаракатини бошқариш, юқори даражада келишганлик ва уюшганлик.

Иштирокчиликнинг енг хавфли шакли жиноий уюшмадир.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши учун олдиндандан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади (Жиноят кодекси 29-модда, 5-қисм).

Жиноий уюшма иштирокчиликнинг бошқа шаклларидан юқори даражада уюшганлиги, барқарорлиги, техник воситалар билан таъминланганлик даражасига кўра, аъзоларининг биргаликдаги кескин ҳаракати кабилар билан фарқ қилади.

Жиноий уюшманинг хавфлилиги у томонидан содир этиладиган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси билан белгиланади.

Жиноий уюшма анча мураккаб ташкилий тузилмадир. Ундаги ҳар бир уюшган гуруҳ ўзига махсус ажратилган вазифаларнигина бажаради. Шу белги жиноий уюшмани уюшган гуруҳдан ажратиб туради.

Жиноий уюшманинг асосий белгиларидан яна бири унинг икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳдан ташкил топганлигидадир. Мантиқий жиҳатдан ҳам жиноий уюшма ёки бир неча гуруҳ бирлашганида аъзолар кўпчиликни ташкил этганлиги сабабли у икки кишидан ташкил топиши мумкин емас.

Жиноий уюшма аъзолари ўртасида жиноий мақсадга еришиш учун вазифалар тақсимланади. Жиноий уюшма ўзида жиноий гуруҳларни ўзининг таркибий бўғини сифатида бирлаштиради.

Жиноий уюшманинг таркибий бўғини дэганда, раҳбарни ҳисоблаганда икки ёки ундан ортиқ шахсни жиноий уюшма мақсадини амалга ошириш мақсадида муайян йўналишда фаолият юритувчи (масалан, жиноятга тайёргарлик кўриш) гуруҳ тушунилади. Бунда ҳар бир гуруҳ ўз фаолиятини жиноий уюшма мақсадини амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида амалга оширади. Буни аниқлаш учун ҳар бир гуруҳ фаолияти

жиноий уюшма мақсадларини амалга оширишга, уни қўллаб қувватлашга қаратилганлиги, барча гуруҳлар фаолияти ягона ташкилий бошқарув асосида бошқарилганлигига еътибор бериш лозим. Ягона ташкилий бошқарув, битта ташкилотчидан, шунингдек,, бир гуруҳ ташкилотчилардан иборат бўлиши мумкин.

Жиноят қонунида биринчи марта (Жиноят кодекси 242-моддасида) жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек,, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият учун жавобгарлик белгиланади ва уюшма тузилганидан бошлаб жиноят тугалланган деб ҳисобланади.

Агар Жиноят кодекси 212-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субйекти бўла олмайдиган шахс жиноий гуруҳга кириб қолган бўлса, гуруҳ аъзолари қандай жиноятни содир қилиш учун уюшган бўлсалар, ўша жиноятни содир этишга суиқасд қилиш деб, агар бевосита қатнашган бўлса, ўша жиноятда айбланиб жавобгарликка тортилади.

## Назорат учун саволлар

1. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва унинг белгиларини айтинг?
2. Жиноятда иштирокчилик турлари ва уларнинг ўзига хос белгилари?
3. Эксцесс бажарувчи тушунчаси ва унинг турлари ?
4. Жиноят содир этишда иштирокчилик шакллари ва ҳар бирига таърифи қандай?

## 2.6. Бир қанча жиноятлар

**Режа:**

**1.** Бир қанча жиноятлар тушунчаси ва турлари.
**2.** Жиноятлар жами.
**3.** Жиноятлар жамини квалификация қилишнинг ҳуқуқий аҳамияти.
**4.** Рецидив жиноятчилик тушунчаси ва турлари.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Жиноят, Жиноят содир этиш, Давомли жиноят, Такрорий жиноят, Жиноят кодекси, Жиноятлар мажмуини ҳарактерловчи белгилар, Жиноятлар мажмуи бўйича қўшиш, Рецидив жиноят, Жиноятлар мажмуи, Такроран жиноят содир этиш.

Жиноят ҳуқуқи фанида бир қанча жиноятлар содир этиш алоҳида мавзу сифатида ўрганилади. Жиноят қонунида бир қанча жиноятлар тушунчаси берилмаган бўлса-да, лекин такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноят тушунчаларининг назарий йиғиндиси бир қанча жиноятлар тушунчасини беради.

Бир қанча жиноятлар дэганда, шахснинг суд ҳукми асосида аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни, улардан бирортаси учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар содир этиши тушунилади.

А.С.Якубов ва Б.Матлюбовлар “бир қанча жиноят” атамаси ўрнига “такроран жиноят содир этиш” ёки “жиноятларнинг такрорланиши” атамаларини қўллаш тўғри деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, бир қанча жиноятлар атамаси жуда кўп сонли дэган маънони англатиб, ушбу атама миқдор жиҳатидан “жиноятлар” сўзи билан биргаликда қўлланилганда аниқ бўлмаган миқдордаги жиноятлар сонини англатади. Маълумки, бу институтда жиноятларнинг миқдорий жиҳатлари мавжуд бўлиб, у юридик аҳамиятга эга.

Бир қанча жиноят содир этганлик учун жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда бир шахс томонидан камида иккита жиноят содир қилинган бўлиши керак. Жиноят қонуни нуқтаи назаридан, кейинги жиноятлар қандай миқдорда содир этилганлигидан қатъи назар жиноий фаолият сифатида ифодаловчи ушбу ҳодисанинг ҳуқуқий табиати ўзгармайди. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси еса, ўз навбатида бир ҳаракатни учинчи, тўртинчи ва ҳоказо марта содир этилишини ҳам қамраб олади.

Айрим муаллифлар бир қанча жиноят тушунчасини «бир киши томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш» деб ҳисоблайдилар. Бу қоида назаримизда бир қанча жиноятлар тушунчасини тўла ифодалаб бера олмайди. Ушбу муаммони махсус ўрганган олимлардан В.И. Ткаченко «шахснинг олдинданги жинояти учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар, суд ҳукми билан аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши, бир қанча жиноятни содир этиш деб топилади»] дэган фикрни

билдиради. Фикримизча юқоридаги олимлар кўпроқ қилмишларнинг миқдор кўрсаткичига еътибор беришган.

Бу борада бир қанча жиноятлар тушунчасини В.П. Малков анча кенг талқин қилади. Унинг фикрига кўра, «бир қанча жиноятлар деб шахснинг жиноий жавобгарликка тортилгунча, бир вақтда ёки кэтма-кэт, икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этганлиги ёхуд олдинданги жинояти учун ҳукм этилганидан кейин янгитдан жиноят содир этиши ва иккита жиноят ўртасида жиноят ҳуқуқий муддатлар ўтиб кэтмаган бўлса, шунингдек, жиноят иши қўзғатиш учун бошқа тўсиқлар бўлмаса, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади»

К.А.Панко еса бу тушунчага қўшилган ҳолда айрим аниқликлар киритиш лозим деб ҳисоблайди. Чунки бу тушунча Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида назарда тутилган битта жиноят ҳисобланадиган бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлган қилмишларни қамраб ололмайди, деб ҳисоблаб бир қанча жиноятлар тушунчасини қуйидагича таърифлашни таклиф этади: «Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноялтарни содир қилиши, агар улар учун юридик оқибатлари бекор бўлмаган ёки жиноий таъқиб қилиш учун жиноят-процессуал тўсиқлар бўлмаса, Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта нормаси билан қамраб олинган ёки олинмаганидан қатъи назар бир қанча жиноят содир этилган деб ҳисобланади».

Бир қанча жиноятларга берилган таърифлардан кўриниб турибдики, бу мавзуни тадбиқ қилган барча муаллифлар бир қанча жиноятга таъриф берар еканлар, камида иккита жиноятнинг содир қилинганлиги бир қанча жиноятларни ташкил қилишини таъкидлайдилар. Бир қанча жиноят содир қилиш жиноят содир қилишнинг алоҳида шакли бўлиши билан бирга, жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти еканлигини ҳам айтиб ўтадилар.

Бир қанча жиноятларнинг шакллари тўғрисида ҳам ягона фикр мавжуд емас. Масалан, П.С.Дагел, Г.Т.Кешиледзе, А.Яковлевлар бир қанча жиноятлар содир қилиш дэганда, такроран жиноят содир қилиш, жиноятлар жами тариқасида жиноят содир этиш, рецидив жиноят содир қилишни назарда тутадилар. Бу амалдаги Жиноят кодексидаги бир қанча жиноятлар шаклларига мос келади. М.Т Кафаров еса бир қанча жиноятлар дэганда, рецидив, такроран, жиноятларнинг идеал жами, жиноятларнинг реал жами тариқасида содир қилинган жиноятларни киритади.

Юқорида бир қанча жиноятларга берилган таърифлардан келиб чиқиб унинг қуйидаги хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

1) шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятларнинг содир этилган бўлиши лозим;

2) ҳар бир жиноят суд ҳукмида кўрсатилган бўлиши лозим. Агар шахс жиноят содир этган бўлса, лекин жиноий иш дастлабки тергов ва суд томонидан қонунда кўрсатилган асосларга кўра тугатилган бўлса (ЎзР ЖПКнинг 83,84-моддалари), бу шахс илгари жиноят содир этган ҳисобланмайди;

3) жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинмаган бўлиши (64-модда),

илгари чиқарилган ҳукмнинг ижро этиш муддати ўтиб кэтмаган бўлиши (69-модда), судланганлик муддатининг ўтиб кэтмаганлиги ёки амнистия акти ёхуд афв этиш орқали жазодан озод қилинмаган бўлиши керак;

4) ҳар бир жиноят тугалланган ёки тугалланмаган бўлиши лозим.

Бу хусусиятларнинг жами бир қанча жиноятлар содир этишни тавсифлаш учун зарур ва шартдир. Мазкур белгилардан бирининг мавжуд емаслиги бир қанча жиноят содир этишнинг мавжуд емаслигини ифодалайди. Ижтимоий муносабатлар тизимида бир қанча жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги унинг обйектга кўп миқдорда зарар етказиши ҳисобига вужудга келади (масалан, икки марта ўғирлик, иккита одам ўлдириш, иккита безорилик жиноятини содир этиш). Шунингдек, бир қанча жиноят содир этиш орқали икки ёки ундан ортиқ обйектга зарар етказиш, масалан, ўғрилик ва номусга тэгиш жиноятларини содир этиш мумкин.

Бир қанча жиноят содир этиш шахс камида иккита жиноятни содир этганида вужудга келади. Уларнинг миқдори бундан ҳам кўп бўлиши мумкин, бироқ уларда камида иккита жиноят мавжуд бўлади. Иккита жиноятнинг бири маъмурий ва интизомий ҳуқуқбузарлик бўлган ҳолларда еса мазкур ҳодиса бир қанча жиноят содир этиш деб баҳоланмайди.

Шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилигини ҳам оширади.

Бир қанча жиноятлар қуйидаги юридик оқибатларга эга:

1) жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади;

2) оғирроқ жазо чорасининг қўлланишига асос бўлади;

3) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибида уларга нисбатан ўзига хос қоидалар қўлланади.

Бир қанча жиноятлар давомли ва узоққа чўзилган жиноятлардан фарқ қилиб, икки ёки ундан ортиқ жиноятлардан ташкил топади.

Жиноят кодексининг 32-моддаси 3-қисмига мувофиқ умумий қасд билан қамраб олинган ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран жиноят содир этилган деб топилмайди. Қонун мазмунига кўра бундай жиноятлар давомли жиноят деб топилади.

Давомли жиноятлар қуйидаги белгиларга эга:

1) бир-бирига ўхшаш бўлган жиноятлардан иборатлиги;

2) барча ҳаракатларнинг битта обйектга зарар етказишга қаратилганлиги;

3) уларнинг ягона мақсад ассосида бирлашганлиги ва шунинг учун ҳам ягона бир жиноят таркибини ташкил қилиши;

4) қасднинг ягоналиги;

5) давомли жиноятларнинг фақат қасддан ва ҳаракат билан содир этилиши.

Жиноят кодексининг 32- моддаси 4-қисмига кўра, узоққа чўзилган жиноят дэганда, вазифаларни узоқ вақт бажармасдан, бир жиноятнинг

узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноят тушунилади. Бу жиноятда қилмиш ягона бўлиб, узоқ вақтга чўзилган. Бу жиноят ҳаракат ёки ҳаракацизлик орқали содир этилиши мумкин. Ҳаракацизлик орқали бу жиноят шахснинг ҳуқуқий мажбуриятларини бажармаслиги орқали, ҳаракат билан еса қонун билан таъқиқланган воситаларни сақлаш орқали содир этилади. Узоққа чўзилган жиноятлар айбнинг қасд ва еҳтиётсизлик шакллари орқали содир этилиши мумкин.

Бундан ташқари юридик адабиётларда систематик ва таркибли жиноят тушунчаси мавжуд.

Таркибли жиноят шундай жиноятки (мураккаб таркибли), у иккита мустақил жиноий ҳаракатдан ташкил топади, лекин ички бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги туфайли ягона жиноят таркибини ташкил этади. Масалан, номусга тэгиш жинояти иккита бир хил бўлмаган ҳаракатдан: жисмоний зўрлик ёки қўрқитиш ва жинсий яқинлик қилишдан иборат. Зўрлик ёки қўрқитишсиз иккинчи ҳаракат ҳам содир этилмайди.

Мураккаб таркибли жиноятларга бир ҳаракат орқали содир этиладиган, лекин икки ёки ундан ортиқ оқибатларни келтириб чиқарадиган жиноятлар ҳам киради. Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш одам ўлимига сабаб бўлса жиноят ҳисобланади (104-модда).

Такроран жиноят содир этиш тушунчаси.

Такроран жиноят содир қилиш бир қанча жиноятлар тизимида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган янги Жиноят кодексида илк бор мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигиниинг берган маълумотларига кўра такроран жиноят содир этиш турли даврларда барча жиноятларнинг 25-30 % ни ташкил этган.

Такроран содир этилган жиноятлар жамият учун хавфли ҳаракатлардан бўлиб, такроран жиноят содир қилиш жиноят ҳуқуқи институти сифатида чуқур тарихга эга.

Такроран жиноят содир этиш ва уни содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки манбалар Рим ҳуқуқида учрайди. Қадимги Франсия, Германия ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам бу маълумотлар бор. Католик Черков ҳуқуқида еса такрорий жиноят «тузалиб, қайта очилган ва тузалиши жуда қийин бўлган яра»га ўхшатилган.

Мусулмон ҳуқуқида ҳам такроран жиноят содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, Қуръонда ва суннада бундай ҳаракатлар содир этганларга оғир жазо тайинлаш назарда тутилган. Унга кўра такроран жиноят содир этиш дэганда, бир қилмишни икки ёки бир неча марта содир этилиши тушунилган. Бунда шахснинг биринчи жинояти учун жазога тортилганлигининг аҳамияти бўлмай, бир жиноятни жазо қўлланилгандан кейин содир этганлиги муҳим бўлган, хусусан, шахс ўғрилик жиноятини биринчи марта содир этганида қўли кесилган бўлса, иккинчи марта қаттиқроқ жазо чорасини, чап оёғи тўпиғидан кесилиб, қайнатилган ёғга ботирилишига сабаб бўлган, шундан сўнг ҳам тузалиш йўлига кирмаса, қози томонидан тавба муддати белгилаб ҳибс этилган.

Собиқ иттифоқ давридаги Жиноят қонунчилигида ҳам такроран жиноят содир этганлик учун жазо чоралари белгиланган. 1926 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 36 га яқин моддаларида такроран жиноят содир этиш, жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган. 1959 йилги Жиноят кодексининг 125-моддаси еслатмасида, 125, 126 ва 129- моддаларда назарда тутилган такроран жиноят содир этиш дэганда, шу моддада ёки кодекснинг бир қатор моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини илгари ҳам содир этган шахс томонидан содир этилган ҳаракат тушунилган].

чиқарувчи томонидан баъзи жиноят таркиблари учун квалификация қилиш белгиси сифатида баҳоланадиган белги каби таърифланади. Бундай ҳолатда содир этган жинояти учун илгари озодликдан маҳрум этилган шахс яна ўша жиноятга ўхшаш қилмишни содир еца хавфли рецидивист деб топилади. Шахсни хавфли рецидивист деб топиш учун бундан бошқа процессуал қарорга еҳтиёж бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997-йил 2-майдаги 2-сонли қарорида “Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва жиддийроқ жазо чораларини қўллашга олиб келади. Шу сабабли бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топиши керак”].

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун шахсга нисбатан беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган янги жиноят содир этиши, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) олдиндан-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади. Шахсни фақат суднинг ҳукми билангина ўта хавфли рецидивист деб топиш мумкин. Бундан ташқари шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун бошқа давлатларнинг ҳукмлари ҳам еътиборга олинади. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш бир қатор ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади:

1) ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик махсус қисмининг кўп моддаларида қонун чиқарувчи томонидан таснифловчи ёки алоҳида таснифловчи белги сифатида баҳоланади;

2) ўта хавфли рецидивист еркаклар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони махсус тартибли колонияларда, аёллар еса қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдилар;

3) ўта хавфли рецидивистларга озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатининг бир қисмини турма қамоғида сақлаш тарзида ўташ тайинланиши мумкин;

4) уларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни қўллашнинг бир қанча чеклашлари белгиланиши мумкин;

5) уларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, жазо муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони йенгилроғи билан алмаштириш қўлланилмайди;

6) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан судланганликни олиб ташлашнинг алоҳида тартиби белгиланади.

Рецидив жиноят ҳам қуйидаги ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади:

1) рецидив жиноят учун жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 56-моддаси «н» банди асосида ҳисобга олинади;

2) Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлашнинг алоҳида тартибига сабаб бўлади;

3) шартли ҳукм қилишга тўсқинлик қилади (Жиноят кодекси 2-қисм);

4) жазонинг ҳақиқий муддатини узайтириш учун, жазо ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишда ҳисобга олинади (Жиноят кодекси 73-модда).

Олимлар томонидан талқин қилинадиган рецидив жиноят тушунчаси қуйидаги гуруҳларга: «лэгал» рецидив ва «пэтенсиар» рецидив жиноятларга ажратилади.

«Лэгал» рецидив жиноятнинг ажратилиши жиноят қонунчилигини талқин қилишга асосланади. Бу турдаги шахс илгари ижтимоий хавфли қилмиши учун ҳукм қилинганидан кейин унинг судланганлиги қонунда белгланган тартибда олиб ташланмаган ва тугалланмаган ҳолда у томонидан содир этилган такрорий жиноятлардан иборат бўлади.

«Пэтенсиар» рецидив жиноят тушунчасидан кўпроқ жиноят ҳуқуқи ва жиноят ижроия ҳуқуқида фойдаланилади. Жиноят ҳуқуқида бевосита «пэтенсиар» рецидив жиноят тушунчаси берилмаган бўлса-да, Жиноят кодекси 34-моддасининг 3-қисмида жиноятни ўта хавфли рецидив жиноят деб топиш учун шахс олдинданги жиноятлари учун фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлиши керак, деган хулоса келиб чиқади.

Агарда шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосидан амнистия акти ёки бошқа асосларга кўра озод қилинган бўлиб, янги қасддан жиноят содир қилса «петенциар» рецидив жиноят деб ҳисобанади. Бундай ҳолда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс тайинланган жазонинг ҳеч бўлмаса бир қисмини озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида ўтаган бўлиши керак. Чунки шахсга нисбатан «пэтенсиар» рецидив жиноят дэганда, жиноят ижроия шароитида бўлганлиги назарда тутилади. Шахс озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир еца, бу жиноят «петенсиар» рецидив жиноят ҳисобланмайди.

## Назорат учун саволлар

1. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг узоққа чўзилган, давомли жиноятлардан фарқи ?
2. Такрорий жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг Жиноят кодексига киритилишининг аҳамияти нималардан иборат?
3. Жиноятлар мажмуини ҳарактерловчи белгилар нималардан иборат? Жиноятлар идеал ва реал жами дэганда нимани тушунасиз?
4. Рецидив жиноят ва унинг ҳуқуқий оқибатлари нималарда ифодаланади?
5. Рецидив жиноят, жиноятлар мажмуи ва такроран жиноят содир этишнинг умумий белгилари ва улар ўртасидаги фарқ?

## 2.7. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар

**Режа:**

1. Жиноят ҳуқуқида қилишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар тушунчаси ва турлари.
2. Зарурий мудофаа тушунчаси.
3. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш.
4. Буйруқ ёки вазифани ижро этишда зарар етказиш. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, Кам аҳамиятли қилмишлар, Қилмишнинг жиноийлиги, Зарурий мудофаанинг шартлари, Зарурий мудофаа ва охирги зарурат, Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишнинг шартлари, Касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик, Тажовуз.

Судда кўрилиб, жиноий жавобгарликка лойиқ деб топилган ишлар ўзининг обйектив ва субйектив белгиларига кўра жиноий қилмишдан иборат бўлади. Айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавфли бўлмасдан, балки ижтимоий фойдали бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳаракатлар жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб аталади. Жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи шундай ҳолатлар мавжудки, улар ташқи томондан жиноятга ўхшасада, бироқ жиноий жавобгарликка лойиқ, жиноят қонуни билан қўриқланадиган муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмиш, деб топилмайди, аксинча, ижтимоий фойдали ҳисобланади. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар дейилганида жиноят белгилари мавжуд бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайдиган ҳаракатлар тушунилади.

Бундай ҳолатларнинг Жиноят кодексидаги белгиланиши инсонпарварлик ва адолат тамойилларига амал қилинганлигидан дарак беради. Бундай ҳолатлар ижтимоий фойдалилик ҳисобланади ва уларнинг содир этишига қонунда йўл қўйилган.

Жиноят кодексида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг белгиланиши: бир томондан жиноий репрессия чораларининг камайишига олиб келса, иккинчи томондан фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини кучайтиради.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасида бундай ҳолатларнинг умумий тушунчаси ва турлари берилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида: «..қилмишда ушбу кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади»,— дейилган.

Ушбу модданинг 2-қисмида еса қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари кўрсатилган. Буларга:

1) кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда);
2) зарурий мудофаа (37-модда);
3) охирги зарурат (38-модда);
4) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-модда);
5) буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (40- модда);
6) касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (41-модда) киради.

Кам аҳамиятли қилмишлар.

Ҳаётда шундай қилмишлар учрайдики, унда қонунда назарда тутилган аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфлилиги жуда кам бўлади, жабрланувчи учун етказилган зарарнинг миқдори деярли аҳамиятга эга бўлмайди. Шуни еътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 36-моддасида кам аҳамиятли қилмишлар тушунчаси берилиб, бундай ҳаракатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган.

Кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган бўлса-да, ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлигига кўра бошқа қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлардан фарқ қилади, бошқа турларига бундай хусусиятлар хос емас ва улар ижтимоий фойдали ҳуқуқий ҳаракатлардир.

Кам аҳамиятли қилмиш содир этилганида ижтимоий хавфли оқибат юз бермайди ёки қонун билан қўриқланадиган обйектга жуда оз зарар етказилади. Қилмишни кам аҳамиятли деб ҳисоблашда обйектив (қилмишни содир қилиш шароити, келиб чиққан оқибатнинг жабрланувчи учун аҳамиятга эга емаслиги ёки оқибат келиб чиқмаганлиги) ва субйектив (айбнинг даражаси, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга нисбатан жиддий зарар етказиш мақсадининг йўқлиги, ҳаракатнинг айнан оз миқдорда зарар етказишга қаратилганлиги ва ҳ.к.) ҳолатларнинг жами еътиборга олиниши керак. Масалан, вояга етмаган шахснинг бировнинг боғидан ўзи истеъмол қилиши учун оз миқдорда мева ўғирлаши, гулларни узиб олиши, зотли ҳисобланмаган каптар ўғирлаши, шўхлик, ўзини кўрсатиш каби ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун бундай қилмиш билан боғлиқ барча ҳолатлар (айб шакли, жиноят содир этиш усули, мотив, вазият ва жиноят содир этиш босқичлари, жиноий оқибат оғирлиги, жиноят иштирокчилари, уларнинг иштироки даражаси ва ҳаракати)ни таҳлил қилиб чиқиш керак.

Қилмишни кам аҳамиятли, деб топишда асосан унинг ижтимоий хавфлилик даражасига еътибор бериш керак. Масалан, шахс жабрланувчини ўлдиришга ҳаракат қилса-да, унга ҳеч қандай зарар етказмаса, шахснинг бундай қилмиши кам аҳамиятли деб топилмай, балки одам ўлдиришга суиқасд деб топилиши керак.

Қилмишнинг кам аҳамиятли еканлиги аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 1-қисми 2-бандига биноан иш бекор қилинади.

Зарурий мудофаа. Зарурий мудофаа институтининг тушунчаси ва белгиларининг жиноят ҳуқуқида берилиши ижтимоий адолатни амалга оширишда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳуқуқида зарурий мудофаа тушунчаси қонун билан муҳофаза қилинадиган обйектларни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш жараёнида тажовузкорга шундай зарар етказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳуқуқий мудофаани ўз ичига оладики, бундай мудофаа зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиб амалга оширилганида мудофааланувчи шахснинг жиноий жавобгарлигини келитириб чиқаради. Жиноят кодексининг 37-моддасида зарурий мудофаанинг қонунийлиги доираси ва шартлари, зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқишнинг ҳуқуқий ҳолати назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддасига кўра:

Зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ҳаракат қонунга хилоф ҳисобланмайди, чунки ҳаётга, соғлиққа, жинсий еркинликка, мулкка ва бошқа жиноят қонуни билан қўриқланадиган обйектларга қилинган тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади ва зарурий мудофаа ҳолатида тажовузчига зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди.

Ҳар бир фуқаронинг ўзи, бошқа шахслар, давлат манфаатларини ва қонун билан қўриқланадиган ҳар қандай бошқа ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (20, 27- ва бошқа моддаларида) мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида Республика фуқаролари шаъни ва обрўсига, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий ҳаёти, еркинлиги ва қадр-қимматига қарши тажовузлардан судда ҳимояланиш, шахснинг шаъни ва обрўсига қарши тажовузлардан зарурий мудофааланиш ҳуқуқига эга еканлигининг белгиланганлиги ушбу масалани ҳал этиш учун раҳбарий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида биринчи марта ҳар қандай фуқаро бошқа шахслар ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, тўғридан тўғри зарурий мудофаани қўллаш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилади (Жиноят кодекси 37-моддасининг 3-қисми). Ҳақиқатан ҳам жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда жиноят қонун билан қўриқланадиган обйектга қилинган тажовуздан қочиб қутулиш орқали емас, балки жиноятнинг олдиндани олишга қаратилган қатъилик билан қилинган ҳаракатлар орқали еришилади. Зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан қилинган тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқини кафолатловчи конституциявий қоида ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланган манфаатларга қарши қасддан, шу билан бирга биргаликда, еҳтиёцизликдан содир этилган тажовуз натижасидир.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати жиноят қонуни билан муҳофаза қилинади, ушбу обйектларга қилинган тажовуз жиноят деб топилади (Жиноят кодекси 139,140-моддалари). Шунинг учун жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган бундай манфаатлар мудофааланувчи қонунда мустаҳкамланган зарурий мудофаанинг ҳуқуқийлиги шартларига риоя қилинганида, зарурий мудофаа чоралари билан ҳимоя қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 1996-йил 20-декабрда қабул қилинган “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида ҳам шундай нуқтайи назар назарда тутилган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, мудофааланувчининг ижтимоий хавфли тажовузлардан қонун билан мустаҳкамланган шартларга риоя қилиб амалга оширадиган ҳаракатлари фақат қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя этиш мақсадида амалга оширилган бўлса, зарурий мудофаа деб топилиши лозим.

Ижтимоий хавфли тажовузлардан тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳам аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг юқорида номи келтирилган қарорида айрим судлар тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутулиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса, бундай тажовузга қарши фаол равишда мудофааланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, дэган нотўғри фикрга асосланадилар деб таъкидланади. Шу муносабаат билан Пленум судлар шуни еътиборга олишлари керакки, фуқаролар қонун талабига мувофиқ ижтимоий хавфли тажовуздан қочиб қутулиш ёки бошқа усуллар билан сақланиш имкониятига эга бўлишларидан қатъи назар, тажовуз қилувчига зарар етказиш йўли билан актив ҳимояланиш ҳуқуқига эгадирлар, деб кўрсатилган.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ҳаракат жиноят ҳисобланмайди, чунки у ижтимоий хавфли бўлмай, аксинча, ижтимоий фойдали ҳаракатдир.

Зарурий мудофаада ижтимоий хавфлилик хусусиятининг йўқлиги шундаки, зарурий мудофаани қўллаш орқали шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий еркинлиги (дахлсизлиги), мулки ва қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга нисбатан қилинган тажовуз бартараф қилиниб, келиб чиқиши мумкин бўлган зарарий оқибатларнинг олди олинади. Тажовуз қилувчининг ҳаёти ва соғлиғи тажовуз вақтида қонун билан қўриқланмайди.

Зарурий мудофаани қўллаш ҳар бир шахснинг шахсий ҳуқуқидир ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш фақат унинг ўзигагина боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқ зарурий мудофаани қўллаш вақтида амалга оширилади. Аммо айрим туркумдаги шахслар учун зарурий мудофаани қўллаш шахснинг юридик

мажбурияти ҳисобланади. Буларга қонунда тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган ёки хизмати юзасидан жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, одамларни қутқариш, жамоат тартибини сақлаш вазифаси юклатилган шахслар киради.

Жиноят қонунига зарурий мудофаа институтининг киритилиши, қонун ҳимоясидаги манфаатларни ғайриқонуний тажовузлардан мудофаа қилишда ҳар бир фуқаронинг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадига хизмат қилади..

Зарурий мудофаани қўллашнинг зарурати ва асослари жиноят қонуни билан қўриқланадиган обйектларга (шахсга, давлат ва жамоат манфаатларига) ижтимоий хавфли тажовуз қилинганлигидир.

Шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларнинг манфаатларига жиноий тажовуз қилинганлиги зарурий мудофаани қўллашнинг асоси бўлиб ҳизмат қилади.

Қонунда жиноятнинг субйекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахсларнинг ижтимоий хавфли тажовузига нисбатан ҳам зарурий мудофаанинг қўлланишига йўл қўйилади.

Шунингдек,, қонунда биринчи марта (Жиноят кодекси 37-м. 4-қ.) зарар етказиш мақсадида қасддан ҳужум қилиш истагини қўзғатиш зарурий мудофаа ҳисобланмаслиги кўрсатилган. Бу йерда шундай ҳолатлар назарда тутилганки, бунда айбдор муайян бир шахсга зарар етказиш мақсадида унинг “жиғига(асабига) тэгади, кейинчалик у билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида унинг жавоб ҳаракатларини содир қилишини хоҳлайди.

Бундай ҳолларда айбдор етказилган зарар учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида шахс ўзининг ғараз ниятлари (уришиш, азоб бериш, ўч олиш) туфайли ҳужумнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинда қилинган деб топиш мумкин емас, бундай ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда квалификация қилиниши лозим деб таъкидланган.

Зарурий мудофаанинг моҳияти шунда намоён бўладики, қонун муҳофазасидаги манфаатларга қарши қаратилган ғайриқонуний тажовуздан мудофааланувчи тажовуз қилувчига шундай зарар етказадики, етказилган зарар зарурий мудофаа институти бўлмаганида жиноий жавобгарликка сабаб бўларди.

Айнан шунинг учун зарурий мудофаанинг қонуний ёки ғайриқонунийлиги жиноят қонуни билан тартибга солинади. Зарурий мудофаа ҳолатида тажовузчига муайян зарарнинг етказилиши мудофааланувчининг қилмиши туфайли вужудга келган ижтимоий хавфнинг олдиндани олибгина қолмай, агар у қонунда белгилаб қўйилган талабларга жавоб берса, бундай фаолиятнинг ижтимоий фойдали, деб ҳам топилишига ҳам асос бўлади.

Зарурий мудофаа тажовуз ва ҳимоядан иборат еканлиги сабабли унинг ҳуқуқийлиги шартлари ҳам тажовуздан зарурий мудофааланишнинг ҳуқуқий шартлари ва ҳимояга хос зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларига

бўлинади. Шундай қилиб, зарурий мудофаа институтининг юридик табиати тўғрисидаги масалага икки хил ёндашув мавжуд:

Биринчидан, бу масалани амалдаги конституциявий, маъмурий, жиноят қонунлари нуқтайи назаридан келиб чиқиб ҳал этилади.

Иккинчидан, бу фикр зарурий мудофаа қандай амалда бўлиши керак, яъни бу институт қандай тартибга солиниши керак, қайси соҳа қонунлари билан мустаҳкамланиши керак, дэган нуқтайи назардан келиб чиқади.

Тажовузга нисбатан етказилган зарар ўз-ўзидан ҳам зарурий мудофаанинг қонунийлигини кўрсатмайди. Зарурий мудофаа қонуний бўлган деб топиш учун жиноят ҳуқуқи назариясида зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари деб аталган бир қанча шартлар мавжуд бўлиши лозим.

Зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларини икки гуруҳга:

1) тажовузга нисбатан;

2) мудофаага нисбатан бўлиш мумкин.

Тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари.

Тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларидан биринчиси – шахсга, унинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатлари ёки бошқа жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан бўлган ижтимоий хавфли тажовуз бўлиши керак (бунда тажовузнинг шаклига еътибор бериш керак).

Юқорида қайд этилганидек, жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаган ёки ақли норасо шахслар томонидан содир этилган тажовузлар ҳам ижтимоий хавфли ҳисобланади. Зарурий мудофаа мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига қарши ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, қонунга хилоф равишда соғлиққа зарар етказиш, қонунга хилоф равишда турар жойга бостириб кириш ва ҳоказолар).

Тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларидан иккинчиси-тажовузнинг муқаррарлиги, яъни ҳақиқатан мавжуд бўлишидир. Муқаррарлик деганда тажовуз бошланган, лекин тугалланмаган ижтимоий хавфли ҳаракат тушунилади. Масалан, қонун билан қўриқланадиган обйектга зарар етказган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатнинг мавжудлигидадир.

Ижтимоий хавфли тажовузга мувофиқ келувчи зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шарти унинг мавжудлиги, яъни тажовузнинг бошланғич ва якуний ҳолатини аниқлашдан иборат. Тажовузнинг бошланиши деганда ЎзР Жиноят кодексида кўрсатилган жиноят белгиларини ифодаловчи ҳаракат ёки ҳаракацизликларнинг хронологик жиҳатдан содир этиш тушунилади. Тажовузнинг фактик тугалланиши еса зарар етказиш вужудга келган ёки жиноий оқибат келиб чиққан вақт билан белгиланади. Ижтимоий хавфли тажовузнинг бошланғич ва якуний ҳолатини аниқлаш зарурий мудофаада ҳуқуқийлик ҳолатининг борлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учунгина емас, шунингдек,, қонун муҳофазасидаги обйектларга ижтимоий хавфли тажовуз содир этилганида

ёки шундай тажовуздан мудофааланишда зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиш фактини аниқлаш учун ҳам керак.

Шу муносабат билан Олий суд пленуми қарорида: «Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган вақтнинг ўзигагина емас, балки тажовузнинг яна бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтини англай олмаган бўлса, ҳужум вақтида тажовузга нисбатан ва бошқа ашёларнинг ҳимояланувчи қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди», деб кўрсатиб ўтилган.

Зарурий мудофаа ҳолати тажовузнинг тугаши билан тугайди. Тажовузнинг тугаши биланоқ ҳужумнинг муқаррарлиги йўқолади, шу билан биргаликда зарурий мудофаа ҳуқуқи тўхтатилади. Тажовуз тугаганидан сўнг бирон-бир обйектни ҳимоя қилиб, зарурий мудофаа қўлланиши мумкин емас.

Тажовуз: а) ихтиёрий ёки мажбурий; б) мудофааланувчи томонидан унинг қайтарилиши; в) тажовузчининг ўз мақсадига етиши орқали тугалланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми зарурий мудофаа тўғрисидаги қоидани қўллаш тўғрисидаги раҳбарий қарорида қуйидагича изоҳ берилган:

Тажовуздан олдиндан ёки у тугаганидан сўнг бирор зарурият бўлмаган ҳолда тажовуз қилувчига зарар етказилиши зарурий мудофаа деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий асосларга кўра ҳал қилинади.

Учинчи шарти — тажовузнинг реаллиги, яъни тажовузнинг ҳимояланувчи хаёлида бўлмай, балки ҳақиқатан ҳам (обйектив) рўй берганлигидир.

Бу ҳолатларда зарурий мудофаа чораларини қўллаган шахсга барча ҳолатлар юз берган вазият ҳақиқатда ҳам тажовуз юз бераяпти, деб тахминлашга асос бўлса ва шахс ўзининг тахминлари хатолигини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб топилиши керак.

Агар вужудга келган вазият шахсга тажовузнинг йўқлигини тушуниш учун асос бўлса, у хаёлан ҳужум қилаётган шахсга зарар етказса, ҳимояланувчининг жавобгарлиги истисно қилинмайди, балки айбнинг ехтиёцизлик шакли мавжуд бўлиб ва мудофааланувчи ехтиёцизлик орқасида зарар етказилганлиги учун жавобгарликка тортилади.

Ҳозирги кунда олимлар ўртасида тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг тўртинчи шарти сифатида – тажовузнинг ҳарактери, яъни ҳуқуққа хилофлиги шартини исботлашга қаратилган фикрлар ҳам мавжуд.

Мудофаага нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари қуйидагилардан иборат:

Зарурий мудофаадаги «мудофаа» елементи «тажовуз»дан ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилганлиги, мудофааланиш ехтиёжи билан амалга

оширилганлиги, шунингдек,, фақат мудофааланувчининг бундай ҳуқуққа эга еканлиги билан фарқланади.

Зарурий мудофаада ҳимояланишга қаратилган ҳаракатлар ижтимоий хавфли бўлса-да, у қонунда белгиланган мудофааланувчининг ташаббуси билан амалга ошириладиган фаол хатти-ҳаракатлардан иборатдир. Лекин шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, улар зарурий мудофаа деб ҳисобланмаслиги керак. Масалан, тажовуз қилинаётган вақтда мудофааланувчининг ҳаракатлари тажовуздан чекиниш, қочиш каби «пассив» ҳарактерга эга бўлса ва бунда тажовузчига зарар етказилган бўлса ҳам. (Масалан, тажовузчи мудофааланувчини ушлаш мақсадида унинг орқасидан қувган вақтида йиқилиб жароҳат олган бўлса, бундай ҳаракатлар нафақат зарурий мудофаа, балки жиноят деб ҳам тан олинмайди.)

Мудофаага нисбатан зарурий мудофаанинг биринчи шарти — мудофаа фақат Жиноят кодекси билан қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилиш муқаррар бўлганида амалга оширилиши мумкин. Зарурий мудофаа ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Зарурий мудофаа шахснинг субйектив ҳуқуқи бўлиб, у нафақат ўз ҳаётини, балки давлат ва жамият манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши мумкин. Шахснинг қилмиши ижтимоий фойдали бўлмаса ёки жиноят қонуни билан қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган бўлса, бундай қилмиш жиноят деб баҳоланмоғи лозим.

Иккинчи шарти — мудофаа вақтида зарар уни ҳаётдан маҳрум қилиш, соғлиғига зарар етказиш, мулкини нобуд қилиш ва ҳоказо фақат тажовузчига етказилиши мумкин.

Агар тажовуз натижасида мудофааланувчи томонидан бошқа шахсларга зарар етказилган тақдирда, унинг қилмиши:

- жиноят кодексида белгиланган талабларга жавоб берса, охирги зарурат сифатида;
- содир этилган жиноятда барча зарурий шартлар мавжуд бўлган ҳолларда хаёлий мудофаа қоидалари бўйича зарурий мудофаа ёки еҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят сифатида;
- умумий шартлар асосида қасддан ёки еҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида;
- айбсиз ҳолда зарар етказиш сифатида, бундай ҳолларда қилмиш ЎзР Жиноят кодексига биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, деб квалификация қилиниши мумкин

Учинчи шарти — мудофаа ҳолатида зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқилмаслиги лозим.

Ҳимояга хос бўлган зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шарти – ҳимоянинг аниқ шароитда тажовузнинг хусусияти ва хавфлилигига мос бўлишидир. Жиноят-ҳуқуқий назарияда зарурий мудофаанинг бу белгиси “тажовуз ва ҳимоянинг мутаносиблиги” деб номланади. Мудофаанинг тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига мувофиқ келишининг асосий талаби - мудофаанинг жиноий тажовуз ички томонига мос

келишидир. Қилмишнинг ички томони – унинг ижтимоий муносабатларга жиноий зарар етказишга йўналтирилганлиги орқали изоҳланади.

Қонунда агар зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқилмаган бўлса, ҳимоя ҳуқуқийдир, деб белгилаб қўйилган.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиш деб топилади (Жиноят кодекси 37-моддаси 2-қисми).

Зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқилишига қуйидаги икки ҳолатда йўл қўйилиши мумкин: а) мудофааланувчи томонидан ҳимоянинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги; б) ҳимоянинг тажовуз хусусияти ва хавфлилигига умуман мувофиқ келмаслиги.

Республикамиз жиноят қонунига мувофиқ, зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиш оқибатида зарар етказилган бўлса-да, у жазони йенгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади (Жиноят кодекси 100-моддаси ва 107-моддаси).

Зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиш натижасида Жиноят кодексида белгиланган объектларга зарар етказилган бўлса, жиноий жавобгарлик, бошқа обйектларга зарар етказилган бўлса, маъмурий, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиш обйектив ва субйектив белгиларга эга. Зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқишнинг обйектив томони мудофаанинг тажовуз хусусиятини ва хавфлилик даражасига мос келмаслигини билдиради. Субйектив томондан еса зарурий мудофаа доирасидан чэтга чиқиш айбнинг қасд шакли билан, хусусан, зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқишга нисбатан қасд ва жиноят оқибатига нисбатан еҳтиёцизлик билан тавсифланади.

Зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқилган ёки чиқилмаганлигини аниқлашда субйектив томоннинг мақсади, яъни айнан тажовуздан мудофааланишнинг мақсадига еътибор бериш лозим. Агар бундай мақсад бўлмаса, қилмиш зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқиш деб квалификация қилинмаслиги керак.

Ижтимоий хавфли тажовузни қайтариш вақтида тажовузчига еҳтиёцизлик орқасида зарар етказилган бўлса, у мудофааланувчини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди.

Республика Олий суди Пленуми қарорида таъкидланишича, «Судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг ҳарактери, ҳимояланувчининг кучлар нисбатига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатлар(ҳужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар)ни ҳисобга олиши зарур.

Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига гуруҳдаги ҳамма тажовузчилар ҳаракатининг ҳарактери ва хавфлилик даражасига қараб тэгишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли.

Тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида мудофааланувчи мавжуд хавфнинг ҳарактерини ҳамма вақт ҳам аниқ англай олмаслиги ва мудофаанинг тажовузга нисбатан номувофиқ усулини танлаши мумкин.

Агар мудофааланувчи етказган зарар олди олинган зарардан кўп бўлса ва унинг олдиндани олиш учун етарли бўлган бўлса, унинг ҳаракатини зарурий мудофаа чэгарасидан чиққан деб бўлмайди.

Зарурий мудофаага бўлган ҳуқуқнинг субйекти бевосита ўзига ёки бошқа шахслар, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган тажовузга нисбатан мудофааланувчи шахс ҳисобланади. Бунда субйектнинг муомала лаёқати, унинг ижтимоий ҳолати ва мавқеи, оддий фуқаро ёки чэт ел фуқароси еканлиги аҳмиятга эга емас.

Зарурий мудофаа чэгарасидан чэтга чиқишнинг субйекти еса қонунда жиноят субйектига қўйилган талабларга жавоб бериши керак, яъни айбдор 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши керак.

Зарурий мудофаа шахснинг субйектив ҳуқуқи ҳисобланиб, тажовуз йўналтирилган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш имкониятии бор-йўқлигидан қатъи назар, мудофааланиш ҳуқуқига эга. Лекин айрим вазифани эгаллаб турган шахсларга нисбатан бундай ҳуқуқ уларга қонун билан қўриқланадиган мажбурият сифатида юклатилган(масалан, милиция, МХХ ходимлари, ҳарбий хизматчилар, инкассаторлар ва ҳоказолар).

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш одил судловнинг амалга оширилишини таъминлаш жиноят қонунчилиги олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида белгиланган. Шунинг учун ҳам қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказган шахсни ушлаш ижтимоий фойдали ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш шахснинг мажбурияти емас, балки бурчи ҳисобланади.

Шахс, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, бошқа шахсларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконияти мавжудлигидан қатъи назар, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаб бериш ҳуқуқига эгадир.

Жиноят кодекси 39-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш тушунчаси берилган бўлиб, унинг 1-қисмида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чэгарасидан чэтга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмаслиги кўрсатилган. Жиноят ҳуқуқида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг қуйидаги асосий жиҳатлар(аспектлари)и мавжуд:

1) жиноят қонунида жиноят содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эга шахслар доираси чэгараланмаган;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳокимият органлари айрим мансабдор шахсларининг бурчи еканлиги Республика қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларида аниқ кўрсатиб ўтилган;

3) бундай ҳаракатлар ижтимоий фойдали деб топилади, шунингдек,, қонунийлик ва жавобгарликнинг муқарраплиги принсипларидан келиб чиқади;

4) ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш бундай шахснинг жиноий фаолиятини тўхтатиш ва янги жиноят содир этиш имкониятларини бартараф этишнинг асосий ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқийлиги шартлари - бир томондан, ушлаш ҳуқуқининг амалга оширилишини, иккинчи томондан ғайриқонуний қилмишларни бартараф этилишини кафолатлайди. Бундай шартлар икки институтга: ушлашга ва ушлаш вақтида етказилган зарарга тэгишлидир.

Ушбу шартларнинг ҳуқуқийлиги: ушлаш учун асосларнинг мавжудлиги ва субйектлари; уни амалга ошириш усул ва воситалари; ушлашнинг мақсади ва вақти; унинг бажарилган деб ҳисобланиши каби елементларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

1) шахснинг жиноят содир этганлиги. Бундай асос бўлиб айрим ҳолларда суднинг қонуний кучга кирган ҳукми хизмат қилса, баъзи ҳолларда жиноят содир этиш фактининг ўзи етарли ҳисобланади.

2) жиноят содир этган шахснинг уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга топширмоқчи бўлган шахсдан қочиши ҳисобланади.

Ушлаш жиноят-процессуал хусусиятга ҳам эга бўлиб, шахсни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган деб топишнинг асослари:

шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушганлиги;

жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар томонидан жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан тўғри кўрсатилганлиги;

унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилганлиги;

шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотларнинг мавжудлиги, унинг қочмоқчи бўлганлиги ёки доимий яшаш жойининг йўқлиги ёхуд шахсининг аниқланмаганлиги ҳисобланади (ЎзР ЖПК 221-моддаси).

Ушлашнинг субйектлари, яъни ушланиши мумкин бўлган шахслар дэганда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва иммунитэтга эга бўлган шахслар тушунилади. Хусусан, депутатлар, судялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин емас (улар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушган ҳолатлар бундан мустасно).

Албатта, жиноятчини ушлаб бериш ҳуқуқи жиноятчиликка қарши курашишнинг фойдали воситалардан биридир. Агар фуқароларимиз жиноят

содир қилган шахсларни ушлаб бериш ҳуқуқидан фаол фойдалансалар, қонунга хилоф қилмишларга кўз юмиб турмасалар, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошади.

Жиноятчини ушлаш ҳуқуқи, аниқроғи, бурчи жиноятчиликка қарши кураш касби билан боғлиқ мажбурият ҳисобланган шахслар(ички ишлар, прокуратура, МХХ органлари ходимлари)га юклатилади. ЎзР ЖПКнинг 222-моддасига мувофиқ, милиция ёки бошқа суриштирув органлари ходими, шунингдек,, муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай шахс ушбу кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддаси 4-қисмида: «Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар», деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддасида: «Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш зарур бўлган чораларнинг чэгарасидан чэтга чиқилган бўлса», ушлаш чоралари чэгарасидан чэтга чиқиш деб топилиши кўрсатилган.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг ҳуқуқийлиги елемэтларидан бири – ушлаш вақтида белгиланган (ҳуқуқий) услуб ва воситалардан фойдаланишдир.

Ушлаш услуби дэганда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш мақсадида унга таъсир этишнинг турли хил тактик усуллари (масалан, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиб, алдаш ёки ишонтириш йўли билан) тушунилса, ушлаш воситалари еса ушлаш жараёнида ишлатиладиган турли хил қуроллар, предмэтлар ва техник анжомлар йиғиндисидан (ўқотар қурол, қўл кишани, арқон ва ҳ.к.) иборатдир.

У ёки бу усул ёки воситалардан фойдаланиш шакли ва даражаси – аниқ ҳолларда ижтимоий хавфлилик даражаси, шахснинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда ушлашдаги вазият ва шарт-шароитлар билан боғлиқ. Масалан, оғир ёки ўта оғир (одам ўлдириш, босқинчилик ва ҳ.к.) жиноятни содир этган шахсларни ушлашда қўлига кишан солиниши мумкин, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан бу усул қўлланилмайди.

Ушлаш воситалари ва усуллари юқорида кўрсатилган мезонларга мос келмаган тақдирда ушлаш ғайриқонуний деб, қаршилик кўрсатувчи шахснинг қилмиши еса жиноий емас деб баҳоланиши мумкин.

Шахснинг еркинлигини қисқа муддатга чеклаш тарзидаги ушлаб туриш шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида амалга оширилганида қонуний ҳисобланади, бошқа мақсад (масалан, ўғирланган мулкни қайтариб олиш мақсадида ушлаб туриш) кўзланган тақдирда шахснинг бундай қилмиши жиноят деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш елементларидан яна бири ушлашни амалга ошириш вақти ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашга бўлган ҳуқуқ имжтимоий хавфли қилмиш тугалланиши билан вужудга келади ва жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ёки айблов ҳукмини ижро этиш муддатининг ўтиб кэтиши билан тўхтайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашга бўлган ҳуқуқ жиноят ишини юритишга тўсқинлик қиладиган қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳисобга олинмайди:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;

4) еълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими(қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса (ЎзР ЖПК 83-моддаси ва 84-моддаси 1-қисми).

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқийлиги елементларини изоҳлаш билан бирга, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айбнинг шакли, жиноятнинг тугалланган ёки тугалланмаганлиги, шунингдек,, иштирокчилик шакли ҳам инобатга олиниши лозим.

Ижтимоий хавфли ҳисобланмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки интизомий қилмиш содир этган шахсни, шунингдек,, жиноят содир этиш уйида бўлган шахсга ушлаш вақтида зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Албатта ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик даражасини белгиловчи бир қанча шартлари бор.

Биринчи шарти –ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлашдир. Яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш – ижтимоий фойдали ҳисобланади. Ижтимоий фойдалилик тушунчаси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш зарурати билан бирга шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида зарар етказиш ҳолатини ҳам ўз ичига олади. Жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида ўч олиш мақсадида унга зарар етказган бўлса, бундай ҳолларда ушлаб берган шахс етказган зарари учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Шахсни ушлаш мақсадини аниқлаш учун конкрэт иш бўйича барча ҳолатларни, хусусан, ушлашни амалга оширган шахс фаолиятининг

мотивлари, ушлашда танланган усул ва воситалар, шарт-шароит, етказилган зарарнинг характери ва оғирлик даражаси, шунингдек,, қасднинг йўналтирилганлигини ифодаловчи бошқа ҳолатлар таҳлил қилиниши керак.

Иккинчи шарти –ушланаётган шахснинг соғлиғи ёки мулкига муайян зарар етказилишига йўл қўйилади. Албатта, шахсни ушлаётганда уни ҳаётидан маҳрум этиш мумкин емас, ушлашдан мақсад жиноятчини тэгишли ҳокимият органларига топширишдир (Инсониятга қарши ёки террористик хатти-ҳаракатларни бир неча марта содир этган, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган шахсни ушлаш вақтида вазиятга қараб унинг ҳаётига зарар етказилиши мумкин).

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказишнинг шартларидан яна бири ушланиши мумкин бўлган шахслар доирасининг белгиланганлигидир. Яъни қонунда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнигина ушлаш мумкинлиги белгилаб берилган. Бундай шахсларни ушлаш вақтида зарар фақат уларнинг ўзига етказилиши керак, зарар учинчи шахсларга етказилган тақдирда бундай қилмиш иш ҳолатларига қараб охирги зарурат ёки мустақил таркибли жиноят сифатида баҳоланиши мумкин.

Учинчи шарт – ушлаш вақтида зарар етказиш жиноятчининг қочишига йўл қўймайдиган ягона восита бўлиши лозим. Агар шахсни ушлашда бошқа имкониятлар бўлган бўлса-ю, у имкониятлардан фойдаланилмай унга зарар етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 39-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳолатларга тўғри келмайди.

Зарар етказиш ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг енг сўнгги имкони, мажбурий чора бўлиши керак.

Зарар етказишнинг «мажбурийлик» ҳолатини аниқлаш мақсадида тергов ва суд органлари қуйидагиларни таҳлил қилишлари керак:

а) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан қочиш имкониятига эга ёки эга емаслиги;

б) бу борада ушлашга қаршилик кўрсатувчи шахснинг фаоллиги, қаршилик кўрсатиш чоралари, қилмиш содир этилган жойдан қочиши, шунингдек,, огоҳлантирилгандан кейин ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаслиги;

в) ушлашни амалга оширувчи шахснинг имконияти, ушлашни зарар етказмасдан амалга ошириши еътиборга олиниши лозим.

Бундай имкониятни аниқлаш учун ушлашни амалга оширувчи ва ушланувчи шахсларнинг сони, ёши, жинси, қуролланганлиги, жисмоний кучи ва шу кабилар инобатга олиниши керак.

Тўртинчи шарт – ушлаш зарарлар нисбати тенг бўлган ҳолдагина қонуний ҳисобланади, яъни ушлаш вақтида етказилган зарар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ва характерига ушлаш ҳолатига нисбатан тўғри келмаслиги мумкин емас.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда ушлаш вақтидаги шарт-шароитлар ҳамда вазият, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, хавфлилик даражаси, руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар

ҳисобга олинади. Хусусан, одам ўлдирган шахс қаршилик кўрсатмаса ёки унинг қаршилиги аҳамияциз бўлса, унга зарар етказиш ушлаш чэгарасидан чиқмаслиги керак. Мабодо шахс жиноий жавобгарликдан қочиб, уни ушламоқчи бўлган шахсга тажовуз қилса, ушлашни амалга оширувчи шахс зарар етказишнинг йўл қўйилган чэгарасидан чэтга чиқиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳаракат етказилган зарар зарурий мудофаа деб квалификация қилиниши керак.

Демак, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлиги шартларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Ушлашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини белгиловчи шартлар:

а) ушлаш учун асосларнинг жиноят қонуни билан тақиқланган жиноий қилмиш содир этилган вақтда вужудга келиши;

б) жиноят содир этган шахснинг одил судловдан яшириниш мақсадида қочиши.

Ушлашни амалга ошираётган шахснинг ҳаракатларини ифодаловчи шартларга:

1) зарарнинг жиноят ҳуқуқий ушлашни амалга ошираётган шахс томонидан етказилиши;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида қўлланиладиган усул ва воситаларнинг ехтимолий бўлмаслиги керак.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашга қаратилган чора-тадбирлар қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келиши керак.

Ушланган шахсга у етказган зарарга нисбатан кам ёки тенг даражада зарар етказилган бўлса, у ҳолда жиноят содир қилган шахсни ушлаган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Нисбатан айбдор ва ушлаган шахснинг ҳаракатларида тенглик бўлмаган бўлса, ушлаш чоралари чэгарасидан чэтга чиқиш ҳолати мавжуд бўлади.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддаси 2-қисмига кўра, ушлаш чоралари чэгарасидан чэтга чиқиш дэганда ушлаш воситалари ва усулларига, қилмиш ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига, шунингдек,, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган ва натижада ушланаётган шахсга қасддан зарар етказилишини тушуниш лозим.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш чораларидан чэтга чиқиш – зарар етказишнинг мажбурийлиги ва нисбатан тенглик белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган бошқа шартлар мавжуд бўлгандагина ҳуқуқий ҳисобланади.

Албатта, кўп ҳолларда жиноятчини ушлаш вақтида унга маълум бир зарар етказилиши мумкин.

Зарурий чоралар чэгарасидан чэтга чиқиш деб топиш учун жиноятчини ушлаган шахс етказган зарар ва жиноятчи томонидан етказилган зарарларнинг тенг емаслиги шарт, лекин бу тенгсизлик жиноятчини ушлаган шахс учун етарлича аниқ ва равшан бўлган бўлиши лозим. Ушлаш вақтида ушлаш чоралари чэгарасидан чэтга чиқиш оқибатида етказилган зарар

нафақат очиқ ва равшан, балки ушлаш заруриятининг оқибатида вужудга келган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 101-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чэгарасидан чэтга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик учун, 108-моддасида еса ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чэгарасидан чэтга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Кўрсатилган жиноят — ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили, Жиноят кодексида жиноятчини ушлаш чоралари чэгарасидан чэтга чиқиш оқибатида унинг баданига оғир шикаст етказилишигача рухсат берилади, дэган хулоса қилиш имконини беради. Ушлаш чораларидан чэтга чиқишда еҳтиёцизлик билан ҳар қандай даражадаги шикаст етказиш ҳамда тажовуз қилаётган шахсни эҳтиётсизлик орқасида ўлдирилганлиги учун мудофааланувчи жавобгарликка тортилмайди.

Тергов ва суд амалиётида у ёки бу қилмишни зарурий мудофаа, охирги зарурат ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш деб топишда уларни содир этилиш белгиларига кўра фарқлаш масаласида маълум бир қийинчиликлар мавжуд.

Шу билан бирга, қилмишни тўғри квалификация қила олиш - биринчидан, жиноий жавобгарликка тортилувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш; иккинчидан, Жиноят кодекси олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш; учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрў-еътибори ва нуфузини кўтариш учун муҳимдир.

Шу сабабли тергов ва суд органлари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институтини зарурий мудофаа ва охирги заруратдан фарқлашда қуйидагиларга еътибор беришлари лозим:

1) ушлашга бўлган ҳуқуқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан вужудга келса, зарурий мудофаа мудофааланувчи шахсга қарши йўналтирилган тажовуз содир этилиши билан, охирги заруратга бўлган ҳуқуқ еса нафақат шахсдан, балки хоҳлаган манбадан келиб чиқувчи хавфнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келади;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш бўйича ташаббус барча ҳолларда бундай ҳуқуққа эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охирги заруратда еса шахс бундай шароитга кириб қолиши туфайли зарар етказишга мажбур бўлади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бундай қилмиш содир этилиши билан вужудга келади ва амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охирги зарурат еса тажовуз ёки хавфнинг амалга оширилиши факти билан шартланган бўлади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан асосий мақсад – бундай шахсни ҳокимият органларига топшириш бўлса, зарурий мудофаа ва охирги заруратда мақсад – тажовузчини йенгиш ва хавфни бартараф этиш ҳисобланади.

Охирги зарурат.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлардан яна бири охирги заруратдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддасида охирги зарурат қуйидаги ҳолатларда вужудга келиши мумкин:

1. шахснинг хулқ-атвори;

2. экстримал шарт-шароитлардаги шахс организмининг физиологик ҳолати;

3. ҳайвонларнинг тажовузи;

4. ҳаракатдаги машина ва механизмнинг тузалмас ҳолати;

5. табиий, техноген ва шунга ўхшаш фавқулодда ҳолатлар.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга хавф солаётган тажовузни йўқотиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга зарар келтиришдан иборат бўлгани каби, охирги зарурат қонунийлигининг ҳам асосий шартлари мавжуддир. Бу шартларни таҳдид солаётган хавфга ва ундан ҳимояланишга тэгишли бўлган шартларга ажратиш мумкин.

Охирги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари ҳақида гапирганда, унинг ижтимоий хавфлилиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги каби белгиларига тўхталиб ўтиш лозим.

Охирги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари:

Биринчи шарти охирги зарурат ҳолати хавф манбаининг вужудга келиши билан намоён бўлади. Хавф манбаи турли хил воқеалар бўлиши мумкин. Уларга инсон томонидан содир этилган ҳаракатлар, табиий офат (зилзила, сув босиши, ёнғин ва ҳоказолар), ҳайвонларнинг (қутирган итнинг, ҳўкизнинг) одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган агрессив ҳаракатлари киради. Турли хил носоз механизм ва қурилмалар ҳам хавф манбаи бўлиши мумкин.

Таҳдид солиши мумкин бўлган хавф манбаларининг тўла рўйхатини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга хавф туғдирувчи барча ҳодисалар, воқеалар, ҳаракатлар охирги зарурат ҳолатини келтириб чиқарувчи манбалар ҳисобланади.

Хавф манбаи шахснинг хулқ-атвори бўлган тақдирда тергов ва суд органлари содир этилган қилмишнинг субйектив томонига еътибор беришлари керак. Агар шахснинг қилмиши бир неча хатти-ҳаракатдан иборат бўлса, унинг дастлабки ва кейинги қилмишларидаги мақсад ҳисобга олиниши керак. Шахс дастлабки хатти-ҳаракатини қасддан содир этиб, кейинчалик вужудга келган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф этиш мақсадида яна бир ижтимоий хавфли қилмиш содир еца, унинг сўнгги қилмиши охирги зарурат ҳолатида содир қилинган деб топилиши керак. Масалан, шахс бошқа бир шахсга оғир тан жароҳати етказиб, кейинчалик еса унинг ҳаётини қутқариб қолиш учун автомашинани олиб қочса, шахснинг кейинги қилмиши охирги зарурат деб квалификация қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Иккинчи шарти  хавфнинг мавжудлиги.

Хавфнинг мавжудлиги, хавфнинг вужудга келиши ёки жиноят қонуни билан қўриқланадиран ижтимоий муносабатларга реал хавф мавжудлигини билдиради. Тахминий, маълум бир вазиятда вужудга келадиган, бартараф этилган ёки хаёлий хавф мавжуд деб ҳисобланиши охирги зарурат ҳолатини вужудга келтирмайди

Учинчи шарти  хавфнинг ҳақиқий бўлиши лозим. Агар шахс турли сабабларга кўра хавфнинг мавжуд емаслигини билиши лозим бўлмаган ёки мумкин бўлмаган бўлса, унинг бу хаёлан хавфни бартараф қилишга қаратилган ҳаракати ҳам жиноят деб ҳисобланмайди.

Хавфнинг ҳақиқийлиги дэганда, унинг обйектив ва реал тарзда мавжуд бўлишини тушуниш керак. Агар хавф ҳақиқий бўлмасдан, шахс унинг мавжудлиги ҳақида нотўғри тахмин қилган бўлса, шахснинг бундай қилмиши тахминий охирги зарурат деб баҳоланиб, жавобгарлик масаласи фактик хатога оид умумий қоидаларга кўра ҳал қилинади. Шахснинг бундай қилмиши қуйидагича баҳоланиши керак:

Охирги зарурат ҳолати сифатида шахс ўзининг тахминлари хатолигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолларда, унинг ҳаракати шахс ўзининг тахмини хатолигини билмаган бўлса, лекин ишнинг ҳолати бўйича билиши лозим ва мумкин бўлса, еҳтиёцизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Охирги зарурат ҳолати назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган мезонларга жавоб бериши керак. Бундай мезонлар - қилмишнинг ижтимоий фойдалилиги, мажбур бўлганлик туфайли содир этилиши, бошқа шахсларга етказилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этишга қаратилганлиги, охирги заруратнинг қонунда белгиланган доирадан чэтга чиқмаслиги ва ҳ.к.

Қилмишнинг ижтимоий фойдалилиги унинг шахс, жамият ёки давлат манфаатларини кўзлаб содир этилганлигини билдиради.

Қилмишнинг мажбурийлиги дэганда, вужудга келган вазиятда қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш хавфни бартараф этишнинг охирги ягона усули еканлиги тушунилади. Қонун билан қўриқланадиган бошқа манфаатларга зарар етказмасдан хавфни бартараф этиш имконининг мавжудлиги охирги заруратнинг ҳақиқийлигини истисно этади. Агар шахс бундай имконият мавжудлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаса, унинг қилмиши охирги зарурат деб баҳоланиши мумкин.

Охирги зарурат ҳолати белгиларига тўғри келадиган қилмиш содир этилганида фақат учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши керак. Учинчи шахслар дэганда охирги зарурат бўйича бартараф этилган хавф билан алоқадор бўлмаган шахслар, жамият ва давлат манфаатлари ҳисобланади.

Тўртинчи шарти муайян ҳолатдаги хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиб бўлмаслиги сабабли бошқа ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. Агар бошқа мудофаа чоралари орқали хавфни бартараф қилиш мумкин бўлса, охирги зарурат ҳолати бўлмайди. Чунки хавфни бартараф

этишга қаратилган ҳаракат ижтимоий муносабатларга таҳдид солаётган хавфни бартараф этишнинг ягона йўли, воситаси, йечими бўлиши шарт.

Етказилган зарарнинг мувофиқлиги охирги заруратнинг ҳуқуқий шартларидан бири бўлиб, етказилган зарарнинг бартараф этилган зарарга нисбатан камроқ бўлишини билдиради. Бундай шарт охирги зарурат ҳолатида зарар тажовузчига емас, балки қонун билан белгиланган бошқа манфаатларга етказилиши туфайли шундай қилиб белгиланган.

Етказилган ва бартараф этилган зарарнинг мослиги – зарар етказилган ва ҳимоя қилинган ҳуқуқ ва манфаатлар мувофиқлигини билдиради.

Тергов ва суд органлари етказилган ва бартараф этилган зарарнинг миқдор ва сифат жиҳатдан мос келишининг қуйидаги тамойилларига аҳамият беришлари керак:

Етказилган зарар бартараф этилган хавфдан кўра кўп бўлса, бундай ҳолларда тергов ва суд органлари етказилган зарарнинг бартараф этилган хавфдан кўра камроқ бўлишига еътибор беришлари керак. (Масалан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида унинг мулкига зарар етказилиши.)

Сифат жиҳатдан бир хил зарар етказилса, яъни етказилган ва бартараф этилган зарар бир хил манфаатларга йўналтирилган бўлса.

Бундай ҳолларда етказилган зарар бартараф этилган хавфдан миқдор жиҳатдан кам бўлишига еътибор бериш керак. ( Масалан, оғир тан жароҳат етказилишини бартараф этиш мақсадида шахсга йенгил тан жароҳат етказилиши.)

Бартараф этилган хавфнинг хусусияти ва даражаси жиҳатдан фарқ қилувчи зарар етказилишига еътибор бериш керак. Масалан, Жиноят қонуни билан қўриқланадиган бир неча обйектларни ҳимоя қилиш мақсадида ундан ҳам муҳимроқ бошқа обйектга зарар етказилиши. ( Масалан, бир неча шахсларга оғир тан жароҳат етказилишининг олдиндани олиш мақсадида шахснинг ҳаётига суиқасд қилиш.)

Охирги заруратнинг мудофаага нисбатан ҳуқуқий шартлари:

Биринчи шарт. Охирги зарурат ҳолатида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланиши каби бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳам манфаатлари мудофаланади.

Иккинчи шарт. Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши керак. Олди олинган зарарга нисбатан охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар тенг ёки ҳаддан ортиқ бўлса, шахс охирги зарурат ҳолати чэгарасидан чэтга чиққан ҳисобланади.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддаси 2-қисмида: «Шахснинг охирги зарурат ҳолатида содир этган қилмиши башарти, охирги зарурат чэгарасидан чэтга чиқилмаган бўлса, қонуний деб топилади», — деб қайд этилган.

Учинчи шарт. Охирги заруратнинг зарурий мудофаа ҳолатидан фарқи биринчи ҳолатда зарарнинг учинчи шахс манфаатларига етказилиши зарурий шарт ҳисобланади.

Амалдаги жиноят қонунида биринчи марта (Жиноят кодексининг 38-моддаси, 3-қисми) охирги зарурат чэгарасидан чэтга чиқиш тушунчаси берилди. Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдиндани олиш мумкин бўлса ёки етказилган зарар олди олинган зарардан ошиб кеца, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охирги зарурат чэгарасидан чэтга чиқиш деб топилади. Шахснинг қилмишни охирги зарурат чэгарасидан чэтга чиқмасдан содир этишини охирги заруратнинг ҳуқуқийлиги шартларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Қилмишни охирги зарурат чэгарасидан чэтга чиқиш деб топиш борасида тергов ва суд органлари охирги зарурат ҳолатининг мавжудлиги, «мажбурийлик» ва «мувофиқлик» белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган барча ҳуқуқий шартлар мавжудлигига еътибор беришлари керак. Бундан ташқари, охирги зарурат доирасидан чэтга чиқиш деб квалификация қилиш учун шахс қилмишининг субйектив томонини ҳам инобатга олиш зарур. Кучли руҳий ҳаяжонланишда шахс ўзининг қилмишини ҳар доим ҳам тўғри баҳолай олмаслиги мумкин.

Охирги зарурат чэгарасидан чэтга чиқишда шахс қилмиши субйектив томонининг мақсади ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлиб, камроқ зарар етказиш воситасида кўп миқдордаги зарарни бартараф этишни билдиради.

Охирги заруратни амалга ошириш барча шахсларнинг субйектив ҳуқуқидир. Бу борада қонунда ҳеч қандай чеклов мавжуд емас. Айни вақтда хавфни бартараф этиш маълум бир шахсларнинг хизмат мажбурияти ҳисобланади. Масалан, милиция, МХХ, давлат ёнғинни назорат қилиш органлари ходимлари ва ҳ.к. Бундай ҳолларда ушбу шахсларнинг қилмишлари умумий қоидалар бўйича квалификация қилиниши керак.

Охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд емаслиги ва юз берган вақтнинг яқинлиги, хавфни қайтарувчи шахсдаги мавжуд имкониятлар, вужудга келган вазиятдаги руҳий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади.

Суд-тергов амалиётида руҳий ёки жисмоний зўрлик таъсири остида жиноят содир этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Жиноят қонунчилиги тарихида биринчи марта бундай ҳолатларнинг қонуний йечими Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддаси 5-қисмида акс эттирилди, жисмоний ёки руҳий зўрлик натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилганлик учун жавобгарлик масаласи суд томонидан охирги зарурат ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Мажбурлаш дэганда шахснинг ўз хоҳишига қарши бирон-бир қилмишни содир этишга мажбур этиш мақсадида амалга ошириладиган барча руҳий ёки жисмоний таъсир чоралари тушунилиши лозим.

Агар шахс жисмоний ёки руҳий мажбурлаш таъсири остида жиноят содир еца-ю, аммо охирги заруратнинг барча шартларига амал қилса, унинг қилмишлари жиноят деб топилмайди.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказувчи мажбурлов остидаги шахснинг еркин хулқ-атворига турли хил таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, шахснинг ўзи ҳаракатларини танлаш еркинлиги бутунлай чекланган ёки бундай чекланганлик нисбий хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Шахс фаолиятининг турли хусусиятдалиги уларни ҳар ҳил ҳуқуқий баҳолашга олиб келади. Хусусан, агар шахс ўзининг хатти-ҳаракатини бошқара олмаган (масалан, тўлиқ изолация ёки гипноз остида бўлиш) ҳолларда мажбурланувчи шахс қўл остидаги жиноят қуроли бўлиб, у ўз ҳаракатларини танлаш имкониятидан маҳрум бўлади ва шунинг учун ҳам у жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Агар шахс ўзи хатти-ҳаракатини бошқариш имкониятига эга бўлган бўлса (масалан, зарар етказиш хавфи мавжуд бўлганда) мажбурланган шахснинг қилмиши охирги зарурат бўйича баҳоланиши лозим. Агар шахснинг қилмиши охирги заруратнинг ҳуқуқий шартларига мос келмаса ёки унинг чэгарасидан чэтга чиққан бўлса, мажбурланган шахснинг хатти-ҳаракати мустақил таркибли жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Бундай вазиятда шахснинг мажбурлов остида содир этган қилмиши жиноий жавобгарликни йенгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрилиши керак (Жиноят кодекси, 55-модда, 5- қисм).

Суд ёки тергов амалиётида у ёки бу қилмишни ўхшаш институтлар ҳисобланган охирги зарурат ёки зарурий мудофаа деб квалификация қилиш масаласида маълум бир қийинчиликлар мавжуд. Бу борада қилмишни тўғри квалификация қилиш жиноят қонунчилиги олдида турган вазифаларни бажариш, зарар етказган қилмиш ҳуқуқийлиги чэгарасини белгилаш ҳамда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун муҳимдир.

Охирги зарурат ва зарурий мудофаанинг фарқлари:

хавф манбаига кўра, яъни зарурий мудофаада хавф манбаи шахснинг ижтимоий (жиноий) хавфли қилмиши бўлса, охирги заруратда хавф манбаи бўлиб нафақат шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши, балки йенгиб бўлмас куч натижасида юзага келган (форс-мажор) ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин.

содир этиш усулига кўра, яъни зарурий мудофаада тажовуздан қочиб ёки ҳокимият органлари ёхуд бошқа шахсларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкони бўла туриб ҳам зарар етказилиши мумкин, охирги заруратда еса зарар етказиш хавфни бартараф этишнинг бирдан-бир усули ҳисобланади.

Шунингдек,, зарурий мудофаада ҳимоя фақат фаол ҳаракат орқали ифодаланса, охирги заруратда хавфни бартараф этиш ҳаракацизлик билан ҳам, яъни ҳаракат ёки ҳаракацизлик билан амалга оширилади.

Етказилган зарар (субйекти): зарурий мудофаада зарар фақат тажовуз қилувчи шахсга етказилади, охирги заруратда еса зарар учинчи шахсга етказилади.

Етказиладиган ва бартараф этиладиган зарарнинг ўзаро муносабатига кўра, яъни зарурий мудофаада етказилган зарар бартараф этилган зарар билан тенг ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин, охирги заруратда еса кўпроқ зарарни бартараф этиш мақсадида камроқ зарар етказиш ҳисобланади.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш. Жиноят кодексининг 40-моддасида, шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек,, мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди, деб кўрсатилган.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш қонуний ҳисобланса:

буйруқ дэганда, муайян ҳокимият органи, ташкилот, корхона, идора бошлиғининг ўз ваколатлари доирасида муайян бир ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида (ёзма ёки оғзаки) буйруқ бериши тушунилади.

Буйруқ ваколатли шахснинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахсга берган маълум бир ҳаракат(ҳаракацизлик)ни бажариш ҳақидаги қонун ва қонуности актларга асосланган талабидир. Айнан шу таъриф буйруқни бошқа таъсир чоралари- илтимос, ишонтириш, мажбурловдан ажратиб туради.

Буйруқ билан бирга «тавсиялар», «фармойишлар» ва «фармонлар» ҳам берилиши мумкин. Булар масалаларни ҳал қилиш, уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахснинг ҳуқуқий мақоми бўйича ўзаро фарқланади. Бу актларнинг асосий умумий жиҳати – уларнинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахс томонидан бажарилишидир.

Қонун томонидан буйруқ ёки бошқа фармойишларнинг шакли аниқ белгиланмаган бўлиб, улар ёзма, оғзаки ёки намойишкорона(конклюдент) шаклда бўлиши, шунингдек,, техник алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда буйруқнинг фақат ёзма шаклда бўлиши талаб қилинади. Бундай талабларга риоя этилмаслиги унинг ҳақиқий емас деб топилишига сабаб бўлади.

Бошқа фармойишларга таъриф беришда шуни инобатга олиш лозимки, фармойишлар бериш усуллари унчалик аҳамият касб этмайди.

Буйруқ ёки бошқа фармойишлар, агар улар бошлиқнинг ваколати доирасидан чиқилмаган бўлса, ижро этилиши мажбурийдир.

Буйруқ ёки бошқа фармойишлардан фарқли равишда хизмат мажбуриятлари мансаб ваколатига қараб ходимлардан бажарилиши талаб қилинадиган функсионал мажбуриятлар доирасини ўзида акс этади. ЎзР қонунчилигига кўра, хизмат мажбуриятлари иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасида белгиланган ёзма шаклда бўлиши керак. Акс ҳолда улар ғайриқонуний деб ҳисобланиши мумкин.

Бундан ташқари, фармойишлар ва бошқарув актлари белгиланган мазмунда қабул қилиниши, яъни қонун талабларига мос ҳолда тузилиши керак.

Буйруқ ёки бошқа фармойишни ижро этиш ҳуқуқийлик шартларига мос келган тақдирда қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат деб топилиши мумкин. Буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятлари Жиноят кодексидаги талабларга зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракацизлик орқали бажарилиши керак. Акс ҳолда бундай ҳаракат ёки ҳаракацизлик мустақил жиноят сифатида квалификация қилинади.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишнинг ҳуқуқийлиги белгилари қуйидагилардир:

биринчидан, буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этувчи шахслар шу буйруқ ва бошқа фармойишлар берувчи шахснинг бўйсунувида (қарамоғида) бўлиши керак;

иккинчидан, буйруқ ва бошқа фармойишларни тэгишли шаклда бажариш уни бажарувчи шахснинг мажбурияти, яъни хизмат бурчи ҳисобланади;

учинчидан, буйруқни ижро этувчи шахс томонидан содир қилинган қилмиш ҳаракат ёки ҳаракацизлик шаклида бўлиши мумкин;

тўртинчидан, буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этишда Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга маълум даражада зарар етказилиши керак.

Бажарувчи томонидан етказилган зарар учун ўша буйруқ ёки фармойишлар берган шахс жавобгарликка тортилади, бундай ҳолларда бажарувчи жиноятни содир этишнинг қуроли сифатида хизмат қилиб ёки бошқа фармойишларни ижро этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди.

Буйруқнинг ҳуқуқий шартлари ва буйруқни ижро этишнинг ҳуқуқий шартларини ажрата олиш керак;

бешинчидан, буйруқнинг ҳуқуқий шартлари:

Буйруқ ёки бошқа фармойишлар мансабдор шахс томонидан унинг ваколат доирасида берилиши керак.

Буйруқ қонунда кўрсатилган тэгишли шаклда (ёзма, оғзаки, техник воситалар орқали) берилиши керак.

Буйруқ ғайриқонуний деб ҳисобланмайди (бундай ҳолда унинг жиноийлиги ҳақида гап кэтиши ҳам мумкин емас);

олтинчидан, буйруқни ижро этишнинг ҳуқуқий шартлари:

а) буйруқни ижро этувчи шахс томонидан жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилганидагина буйруқ ижро этувчи шахснинг жавобгарлиги ҳал қилинади;

б) ижро этувчи буйруқ билан белгиланган ҳаракатлар доирасидан чэтга чиқмаслиги керак;

с) буйруқни ижро этувчи фақат қасддан етказилган зарарли ҳаракатлари учун жавоб беради.

Ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойиш ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 40-моддаси 2-қисмида жиноийлиги олдиндандан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс умумий асосларда жавобгарликка тортилиши ҳақида баён қилинган. Бундай ҳолларда жиноий буйруқ ёки бошқа фармойишни бажаришдан олдиндан уни бажараётган шахс унинг жиноийлигини билиши ва била туриб жиноий буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариши лозим. Ижрочи буйруқнинг жиноийлигини олдиндандан била туриб уни бажарса, бундай ҳолат иштирокчилик сифатида

баҳоланиб, буйруқ берувчи ташкилотчи, уни ижро этувчи еса бажарувчи шахс деб топилади.

Ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, агар бундай қилмиш қонунда жиноят деб белгиланган бўлса ҳам (Жиноят кодексининг 279, 280-моддалари), жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Шахс буйруқни, фармойишни ёки мансаб бурчларини, башарти улар шахсга нотўғри берилган бўлса, ижро этгани ёки бузгани учун жавобгарликка тортилмайди. Агар унинг қилмиши бошқа жиноят таркиби белгиларини ўзида ифодалаган бўлса, жавобгарликка тортилади.

Буйруқ, бошқа фармойишлар ёки мансаб мажбуриятларининг ғайриқонунийлиги уларнинг жиноий ёки ҳуқуққа хилофлик хусусиятидан келиб чиқади.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик.

Бугунги кунда барча соҳаларда, шунингдек, фан ва техниканинг интенсив равишда ривожланиб бораётганлиги муносабати билан янги-янги технологик жараёнларни ва алоҳида техник, ишлаб чиқариш операцияларини узайтириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш давомида биз хоҳласак-хоҳламасак, жиноят ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган обйектга нисбатан бир қанча ҳолларда анча зарар етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган зарарга онгли равишда, таваккалчилик асосида йўл қўямиз.

Маълум бир таваккалчилик билан амалга ошириладиган тажриба, экспериментларсиз ишлаб чиқариш ташкил қилинмас екан, техника, тиббиёт келажакда ривожланмайди. Албатта, бирор эксперимент, тажриба ўтказилганда, таваккал қилмасдан бўлмайди, таваккалчиликда еса мақсадга еришишга юз фоиз ишонч бўлмайди. Шу муносабат билан ҳам қонун чиқарувчи Жиноят кодексига янги норма сифатида қилмишни истисно қилувчи ҳолат — касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликни киритди.

Республикамиз янги жиноят қонунига бундай ҳаракатни қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида алоҳида модда сифатида киритилишининг аҳамияти катта. Чунки бундай ҳаракат замирида ижтимоий фойдали хусусият, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган зарурий фаолият орқали келтирилиши мумкин бўлган жиддий зарарнинг олдиндани олишга ҳамда имкон қадар ижобий натижаларга еришишга қаратилган инсон онги ва меҳнати ётади.

Бу фан, техника тараққиётини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари томонидан тажрибалар ўтказиш даврида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлардан қўрқмаслиги ва мана шу хато, камчиликлари учун жавобгарликка тортилишдан қўрқмасликлари мақсадида қилингандир.

Таваккалчилик ижтимоий фойдали мақсадларга бошқа ҳаракатлар билан еришиш мумкин бўлмаганида ва таваккал қилган шахс жиноят қонуни

билан қўриқланадиган манфаатларга етказилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этиш учун етарли чораларни кўрган бўлса, асосли деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 41-моддасига кўра қуйидаги бир қатор шартлар мавжуд бўлгандагина касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонуний ҳисобланади.

Биринчи шарти - таваккалчиликнинг ижтимоий фойдали мақсадларга йўналтирилганлигидир. Яъни таваккалчилик шахсий мақсадга емас, ижтимоий фойдали натижаларга еришишга қаратилган бўлиши керак. Шахсий мақсадларга йўналтирилган таваккалчилик асосли деб ҳисобланмайди. Бу борада шахсий мақсадларни шахсий мотивлардан фарқлай олиш муҳим.

Бизга маълумки, мотив – у ёки бу қилмиш содир этиш истагини туғдирувчи сабаб. Шу сабабли шахсий мотив ижтимоий фойдали бўлиши ҳам мумкин. Масалан, олқишларга сазовор бўлиш учун шахсни ўлимдан қутқариш.

Демак, ижтимоий фойдали мақсад – қилмишни касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик сифатида квалификация қилиш, унга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун муҳимдир.

Иккинчи шарти - таваккалчилик замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мос келиши лозим, шундай тажрибаларни еътиборсиз қолдириш мумкин емас.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишларнинг замонавий билим ва тажрибаларга мослиги ҳақидаги қонун талаблари, аввалambор, бундай қилмишларнинг субйектив билимлар ва субйектив тажрибаларга мувофиқ бўлишини билдиради.

Учинчи шарти - ўз олдига қўйилган мақсадга таваккал қилмай еришишнинг иложи бўлмаса, шахс бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилишининг олдиндани олиш учун тэгишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади. Яъни бундай ҳолларда шахс ўз-ўзига ишониш орқали ҳаракат қилмасдан, балки аниқ ҳисоб-китоб олиб боради ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдиндани олишга ҳаракат қилади.

Олдиндани олиш чораларини кўриш зарурлиги обйектив ва субйектив мезонлар асосида белгиланади.

Обйектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шундан иборатки, таваккалчилик билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш шароити айнан шу чораларнинг кўрилишини талаб қилади (масалан, ёнғин билан боғлиқ тажрибаларни ўтказишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш).

Субйектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шуни билдирадики, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибат ва унинг ҳажмини англай олади, шу сабабли зарар келиб чиқмаслиги ёки аҳамияциз бўлиши учун ҳам у шундай чораларни кўради.

Юқорида санаб ўтилган барча шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина таваккалчилик асосли ва ҳуқуқий ҳисобланади, етказилган зарар еса жиноий емас деб топилади. Бу борада етказилган зарарнинг ҳажми аҳамиятга эга бўлиб, агар у еришилган ижтимоий фойдали мақсаддан камроқ бўлса жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккал қилишдан кўзланган ижтимоий фойдали натижага еришилмаган ва "етказилган зарар" ижтимоий-фойдали мақсадга еришиш натижасида олиниши мумкин бўлган натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам таваккалчи шахсни жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди.

Таваккалчилик, агар муайян мақсадга еришиш учун қилинмасдан, унга експериментлар ўтказмасдан туриб ҳам еришиш мумкин бўлса ва таваккалга йўл қўйган шахс ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказишининг олдиндани олмаган бўлса, асоссиз деб топилади.

Айни вақтда таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиши хавфи, екология ҳолатининг бузилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, масалан, сифациз озиқ-овқатларни сотувга чиқариш, катта майдондаги йерларни заҳарлаш хавфи, сув шахобчаларининг заҳарланиши ва ҳоказолар рўй берса асосли таваккалчилик ҳисобланмайди.

Демак, қуйидагилар:

А) кўпчилик шахслар ҳаёти учун хавфли тарзда амалга оширилган;

Б) экологик ҳалокат ёки оммавий қашшоқлик хавфини туғдирувчи;

Д) бошқача оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи таваккалчилик асосли деб топилмайди.

Одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи дэганда, таваккалчиликни амалга ошириш оқибатида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши тушунилади.

Екологик ҳалокат – инсонлар фаолияти натижасида табиатга зарар етказилиши ва бу зарар инсониятнинг кейинги ҳаёти учун жиддий хавфни келтириб чиқаришини билдиради ( масалан, газ, нефт авариялари, кенг масштабли ўрмон ёнғинлари).

Бошқа оғир оқибатлар дэганда, бир неча шахслар соғлиғига оғир шикаст етказилиши, транспорт тизимининг узоқ муддатда издан чиқиши, портлаш ёки ёнғин натижасида уйлар ва бошқа иншоотларнинг вайрон бўлиши ва шу каби ҳолатлар тушунилади.

Қонун доирасида белгиланган асосли таваккалчилик чэгарасидан чэтга чиқиш еса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси "е" бандига, яъни шахснинг ижтимоий фойдали мақсади бўлганлиги туфайли жазони йенгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига киритилган.

Касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишни охирги зарурат ҳолатида зарар етказишдан фарқлай олиш учун қуйидаги белгиларга еътибор бериш керак:

Охирги заруратда хавф манбаи мавжуд бўлиб, қилмишнинг ўзи зарарни бартараф этишга қаратилган бўлади, асосли таваккалчиликда еса қилмиш таҳдид солувчи хавф билан шартланмайди, у ижтимоий фойдали мақсадга еришишга йўналтирилган бўлади.

Охирги заруратда етказилган зарар бартараф этилган зарардан камроқ бўлиши керак, асосли таваккалчиликда еса зарарнинг ҳажми таваккал қилувчи шахс қилмишини баҳолашда унчалик аҳамиятга эга емас.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишлар асосида зарар етказиш еҳтимолий бўлиб, оқибатнинг келиб чиқиши зарур ҳисобланмайди, охирги заруратда еса зарар етказиш кўпроқ зарар етказилишидан қутулишнинг ягона воситасидир.

## Назорат учун саволлар

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар дэганда нимани тушунасиз? Уларни айтиб беринг.
2. Кам аҳамиятли қилмишнларнинг қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи бошқа ҳолатлардан фарқи нимада?
3. Зарурий мудофаанинг шартларига нималар киради?
4. Зарурий мудофаа ва охирги зарурат ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
5. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишнинг шартларига нималар киради?
6. Касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчиликка тушунча беринг.

## 2.8. Жазо тушунчаси, белгилар ва мақсади

**Режа:**

**1.** Жиноий жазо тушунчаси ва белгилари.
**2.** Жиноий жазонинг мақсади.
**3.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жазо турлари.
**4.** Жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар.

**Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар:** Жиноий жавобгарлик, Жавобгарликка тортиш, Жиноий жазо, Жиноий жазо белгилари, Жиноий жазонинг мақсади, Жиноят кодексида жазо турлари, Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар, Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар,

Жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо тўғрисида олимлар, амалиёт ходимлари ўртасида доимо тортишувлар бўлиб келган, турли фикрлар билдирилган, кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва кўплаб китоблар ёзилган. Жиноий жазо ҳақида турли фикрлар билдирилган бўлишига қарамай бу масалада иккита муаммо марказий масала ҳисобланади:

1) нима учун жазолаш керак?

2) қандай жазолаш керак? Жазонинг миқдори нимага боғлиқ бўлиши керак?

Айтиш керакки, жавобгарликнинг ягона асоси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. (ЎзР ЖК 16-моддасининг 2-қисми). Шунга кўра, жиноят қонунчилигининг ривожланиши маълум даражада жиноятлар таркибининг ва санкциялардаги ўзгаришлар билан боғликдир. Жиноят таркиблари ва санкциялардаги ўзгаришлар еса жамиятдаги жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғликдир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлганидан кейин бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, кучли давлатдан кучли фуқаровий жамиятга ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш дастурини қабул қилди. Ўзбекистон мустақиллигииниг дастлабки ўн йиллигида жиноят-чиликка қарши кураш масаласи кескин қўйилганлиги сабабли судларда оғирроқ жазо чораларини қўллашга мойиллик кучли бўлди.

Ўзбекистон ислоҳотларни амалга ошириш йўлида жиддий муваффаққиятларга еришганлиги муносабати билан 2000 йил июн ойида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнини еркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинган еди. Ана шу Дастурга мувофиқ 2001 йил 29 августда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масаласи муҳокама қилинди ва тэгишли қонун қабул қилинди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунга биноан Жиноят кодекси Махсус қисмидаги бир қанча жиноятларнинг таркиби ва санкцияси ўзгартирилди. Ана шу ўзгатириш ва қўшимчалар киритилганидан кейин ЎзР ЖКнинг 12,2 фоиз моддаларида ўта оғир жиноятлар қолди. Оғир жиноятлар еса 15,5 фоиз моддаларидагина қолди.Қолган барча жиноятлар ижтимоий хавфли катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил қилади.

Бир қатор ўта оғир жиноятларнинг санкциялари ўзгартирилиб, ўта оғир жиноятлар туркумидан оғир жиноятлар туркумига, оғир жиноятлар туркумидан унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди. Шунингдек, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтлари янада кенгайтирилиб, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (661-модда) институти жорий қилинди.

Бундан ташқари, бир қанча моддаларга этказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилишни қўлламаслик тўғрисидаги нормалар киритилди. Ўлим жазоси фақат иккита (яъни 97-модданинг 2-қисми, 155-модданинг 3-қисми) моддаларидагина қолди. Жиноят кодексига киритилган бу ўзгартиришлар ва қўшимчалар натижасида жиноий жазолар тайинлашга жиддий ўзгартиришлар киритилди. Бундай ҳолат жиноий жазоларнинг амалда қўлланиши ва аҳамиятида жиддий ўзгаришлар юз беришига ижобий таъсир кўрсатди.

Жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг функциясини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Фақат жиноят ҳуқуқининг ўзигагина хос бўлган енг муҳим функцияси жазолаш билан огоҳлантириб ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ва жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо қўллаш функциясидир. Жиноий жазо жиноятчилик-нинг умумий ва махсус олдини олиш функциясини бажаради.

Жиноят ҳуқуқида жиноий жазо муаммолари батафсил ишлаб чиқилган ва жиноят ҳуқуқи дарсликларида анча кенг баён қилинган.

Жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг енг муҳим институтлари-дан бўлиб, жиноят ҳуқуқи функциясини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқининг самарадорлиги кўп жиҳатдан жиноий жазонинг самарадорлиги ва унинг мақсади билан боғликдир.

Жазо огоҳлантириб туриш орқали маълум даражада жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишда ягона ва ҳал қилувчи чора емас.

А. Кэтле ўз вақтида жиноятчиликка қарши курашда субъектларга ва жамиятга таъсир қилиш орқали жиноятчиликни муайян миқдорга камайтириш мумкин. Аммо жазодан у бера олмайдиган натижани кутиш мумкин емас. Жазо муайян ижтимоий шароитларда пайдо бўлган жиноятчиликни тамоман тугата олмайди. Аммо муайян шароитларда

жиноятчиликка таъсир қилиш орқали унинг ўсишига қаршилик кўрсатади, жиноятчиликнинг камайишига таъсир қилади деб ёзган еди ХИХ асрнинг ўрталарида. Демак, жазо жиноятчиликка қарши курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасада, унинг олдини олиш ва камайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг 1926- ва 1959-йилларда қабул қилинган ЖК ларда жазо тушунчаси берилмаган еди. Фақат 1994-йил 22-сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида жазонинг қонундаги тушунчаси берилди. Бунгача жазо тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган еди, ҳолос.

ЎзР ЖК 42-моддасига кўра «Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва еркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат бўлган мажбурлов чорасидир».

Демак, жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, фақат жиноят содир қилган шахсларга қўлланади. Давлатнинг мажбурлов чораси турли-туман бўлиб, жиноий жазо сифатида қўлланадиган мажбурлов чораси фақат жиноят қонунида кўрсатилади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди.

Италиялик маърифатпарвар олим, криминология фанининг асосчиларидан бири, Чезаре Беккария (1738-1794) ўзининг «Жиноятлар ва жазолар ҳақида»ги тузукларида «Жиноят учун жазо фақат қонунда белгиланади ва уни чиқариш ҳуқуқи фақат қонун чиқарувчи органга тэгишлидир. Ҳеч қандай судя, адолатлиликни бузмасдан жамиятнинг бошқа аъзолари учун бошқача жазо белгилай олмайди.Қонун ташқарисидаги ва қонун билан белгиланмаган жазо адолациздир. Муҳими жазонинг қаттиқлигида емас, балки унинг муқаррарлигидадир», деб ёзган еди. И.И. Карпец еса, «Жиноят қонуни ва жазо жамиятнинг турмуш тарзига, давлатнинг молиявий ва иқтисодий аҳволига, жамиятнинг ижтимоий муносабатларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий тузумига ва шу асосда шаклланган этник ва ҳуқуқий қадриятларига мувофиқ бўлиши керак», — деб ёзган еди.

Шунга мувофиқ равишда 1959 йили 21 майда қабул қилиниб, 1960 йилнинг 1 январидан амалга киритилган Жиноят кодексида жинойи жазо чораси сифатида қўлланадиган мажбурлов чоралари тизимида, сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, этказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси, тарбия-меҳнат профилактириясига юбориш, мол-мулкни мусодара қилиш жазолари ҳам назарда тутилган еди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига еришганидан кейин ижтимоий тузум ўзгариб, бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилиш сари ривожланаётганлиги туфайли 1994 йили қабул қилинган Жиноят кодексига бундай мажбурлов чоралари жиноий жазо сифатида киритилмади. Чунки янги тузумда бу жазолар ижобий натижалар бериш ўрнига салбий оқибатлар келтириб чиқариши ҳам мумкин бўлиб қолди.

Ўзр ЖКнинг 42-моддасида белгиланишига кўра, жиноий жазо фақат жиноят қонунида кўрсатилади ва давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга жиноий жазо суд томонидан тайинлансада, аслида давлат номидан тайинланади.

Жиноий жазо фақат жиноят содир қилган шахсларгагина тайинланади. Жиноятдан бошқа ҳуқуқбузишлар содир қилган шахсларга нисбатан еса мажбурлов чораси сифатида жиноий жазо тайинланиши мумкин емас.

Жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади. Суддан бошқа бирорта мансабдор шахс жиноий жазо тайинлашга ҳақли емас.

Жиноий жазо қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва еркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборатдир.

Жиноий жазо маҳкумнинг айрим ҳуқуқ ва еркинликларидан маҳрум қилиб ёки уларни чеклаб, маҳкумга маълум даражада жафо келтирсада, аммо жисмоний азоб бериш ёки инсоний қадр-қимматини камситишга йўл қўйилмайди.

Жазонинг турига боғлиқ ҳолда маҳкумларнинг ҳуқуқий чеклаш доираси ҳар хил бўлади.

ЎзР ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди, деб таъкидланади.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда этарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги айтилган.

Жиноий жазонинг давлат номидан фақат суд томонидан тайинланиши Конституциявий қоида бўлиб, Ўзр Конституция-сининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», — дейилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят -процессуал кодексининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади», дейилади.

Жиноий жазо фақат жиноий жавобгарликка тортилган шахсларгагина тайинланади. Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан ё жазо тайинланади, ёки жавобгарликдан озод қилинади. Шунга кўра, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни ҳам, ёхуд жазо тайинлашни ҳам суд ҳал қилади(бундан кечириш, амнистия ва авф этиш мустасно, чунки жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг бу турлари фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва унинг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати ваколатига киради). Жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга тэгишли масалалар ушбу китобнинг бешинчи бўлимида батафсил берилган.

Жиноий жазога тортилган шахс судланган ҳисобланиб, судланганлик умумий ва жиноят ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари шахс судланганлик муддати мобайнида яна жиноят содир қилса, рецидив жиноят содир этилган деб топилади. ЎзР ЖКнинг 77-моддасида белгиланишига кўра, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Судланганлик муддати мобайнида шахс янги жиноят содир қилса, унинг судланганлиги янги содир қилган жиноятининг квалификациясига ва шунга мувофиқ жазосига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Жиноят учун тайинланадиган жазо содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқдир. ЎзР ЖКнинг 15-моддасида жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қанча юқори бўлса, жазо шунга мувофиқ қаттиқроқ бўлиб боради.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб, айтиш мумкинки, жиноий жазо қуйидаги белгилар билан ифодаланади ва ана шу белгилари орқали давлатнинг бошқа мажбурлов чораларидан фарқини ажратиб туради:

1) жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жазо давлат номидан тайинланади;

2) жиноий жазонинг шахсга нисбатан жафо келтириш даражаси анча юқори ва шахснинг муайян ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки чеклаш доираси анча юқори бўлади;

3) жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинланади;

4) жиноий жазо фақат суднинг ҳукми билангина тайинланади;

5) жиноий жазо шахсни муайян ҳуқуқ ва еркинликлардан маҳрум қилиб ёки чеклаб, ЖК 42-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган мақсадларда тайинланади;

6) жиноий жазо судланганликни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, жиноий жазо жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси бўла олмайди, аммо шахсни, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини алоҳида шахсларнинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг тажовузидан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси бўлиб, қолаверади.

Жазонинг мақсади

Жиноий жазо фақат давлат номидан суд томонидан тайинланади. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан жазо тайинлашдан мақсад нима? Жинояти учун шахсдан қасд олишми? Жинояти билан фуқароларга келтирилган жабри учун унга ҳам шундай даражада жабр келтиришми? Жамиятга келтирилган моддий ёки маънавий зарарни қоплатишми? Бу масалада ҳуқуқшунос олимлар ўртасида жиддий мунозаралар бўлиб келган. Шунга кўра, жазонинг мақсади жиноят ҳуқуқининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жисмоний жазо давлатни алоҳида мажбурлов шакли бўлиб, юридик адабиётларда унга ҳуқуқий катэгория сифатида қаралади. Аммо жиноий жазо ўзининг мазмуни жиҳатидан, функциялари, хусусияти ва таъсир қилиш

объекти жиҳатидан жазо та-йинлаш, жазони ижро этиш ва жазодан озод қилишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар анча кенгдир. Жиноий жазо ҳақида гап кэтганда жиноий жазонинг жиноятчининг шахсига таъсирини, жамиятнинг жиноят содир қилмаган аъзоларининг шахсига ва умуман жамиятга таъсирини еътибордан чэтда қолдирмаслик керак.

Мукаммал ишлаб чиқилган жиноий жазо давлатга жазо сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят ижроя қонунчилигини ривожлантириш имконини беради. Жиноий жазо ғоят муҳим ижтимоий функцияни ҳам бажаради. Бу ижтимоий функция жазонинг мақсади билан узвий боғлиқдир.

Ўз Р ЖК 42-моддасининг 2-қисмида, “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”, дейилади. Демак, жиноий жазонинг мақсадини алоҳида-алоҳида елементларга ажратиб ифодаланса, улар қуйидагилардан иборат:

1) маҳкумни ахлоқан тузатиш;

2) маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш;

3) маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш;

4) бошқа шахслар томонидан жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириши муносабати билан жиноий жазонинг тарбиялаш елементлари кучайиб боради. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устуворлигида» мавзусида қилган маърузасида «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У енг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устиворлигини таъминлайди», дэган еди. Жамиятда барқарорлик қанчалик таъминланган бўлса, жазонинг тарбиялаш елементларига еҳтиёж кучаяди. Айниқса, жазони ўташ жойларида маҳкумларни тарбиялашда жазонинг тарбиявий функциясини ошириш зарурати келиб чиқади.

Жиноий жазо жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш нуқтаи назарда олганда ҳам ижтимоий назорат қилиш функциясини ҳам бажаради. Жиноий жазонинг ижтимоий назорат воситаси сифатидаги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ишидаги самарадорлиги кўп жиҳатдан жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олиб бориш ва уларни қонунларда акс эттириш ҳамда амалда қўлланишини илмий асосда, мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш билан ҳам боғлиқдир.

Ч. Беккария «Жазонинг мақсади содир бўлган жиноятни, яъни содир қилинган қилмиш учун инсонни қийнаш ва унга азоб бериш емас, балки жазонинг мақсади айбдорни жамиятга яна зарар этказишига тўсқинлик қилиш ва бошқаларни ҳам худди шундай қилмишларнинг содир этишини олдини олишдир», деб ёзган еди.

Жазонинг мақсади жазонинг мавжуд бўлишига таъсир қилади ва унинг йўналишини белгилайди.Қонун чиқарувчи орган жазонинг мақсадини белгилар екан, жиноятчиликка қарши курашда қўлланиш амалиётининг натижаларига алоҳида аҳамият беради. Жиноий жазонинг яна бир хусусияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятининг самарадорлигини ҳам кўрсатиб туради.

Жазонинг мақсади ҳеч қачон фақат жазолаш бўла олмайди. Шахсга нисбатан жинояти учун жазолаш қўлланар екан, унинг мақсади ЖК 42-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган.

Аммо юридик адабиётларда жазонинг мақсади жиноят содир қилган шахсни жазолашдан иборат деб ҳисобловчилар ҳам йўқ емас. Жумладан, Н.А.Беляев жазолаш дэганда жазонинг мақсади сифатида ҳуқуқ бузувчининг содир қилган жинояти учун уни муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиб унга жафо келтиришдан иборатдир деб ёзади.

Бундай деб таъкидлаш қонунга тўғри келмайди. Жазонинг вазифаси бор ва жазолаш орқали қандай натижаларга еришиш мумкинлиги мақсад қилинади. Бу мақсадлар ЖК 42-моддасининг 2-қисмида баён қилинган.

Жазонинг мақсадларидан бири маҳкумни ахлоқан тузатишдир. Маҳкумга нисбатан айрим ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш орқали бу чеклашлар унинг ўзи содир қилган жиноятининг оқибати еканлиги кўрсатилиб, жазони ўташ орқали товба қилиш ва гуноҳини ювиш имконияти берилади. Оддий фуқароларнинг ўз фаолиятини жамиятнинг тўлақонли фуқароси сифатида ўз хоҳиш иродаси ва ерки билан амалга ошириши, жазога ҳукм қилинганларнинг жиноят ҳисобланадиган ҳаракат қила олмаслиги, ўз жиноий яқин ўтмишини баҳолаш ва ундан тэгишли хулоса чиқариш имконияти яратилади. Маҳкумнинг ўз жиноий ўтмиш хулқидан воз кечишга аҳд қилганлиги унинг тарбияланганлигидир.

Жазо мақсадининг иккинчи елементи жиноятчининг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш бўлиб, шахс муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб, ёки ҳуқуқларини чеклаш орқали жиноий фаолиятини давом эттириш имкониятидан маҳрум қилинади. Айниқса, озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, интизомий қисмга юбориш жазосига ҳукм қилинган шахслар устидан назорат ўрнатилиб, еркинлиги чекланади ва жиноий фаолиятни давом этириш имкониятларидан маҳрум қилинади ва янги жиноят содир этилишининг олди олинади. Шахсга нисбатан тайинланган жазо жиноятнинг махсус ва умумий олдини олиш вазифасини ҳам бажаради. Жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, сайёр суд процессларини ташкил қилиш, жиноят ишларини кўриш бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. ЎзР ЖПК нинг 19- моддасида жиноят ишларини судда ошкора кўриш ҳақида баён қилинган.

Жиноий жазо шахснинг шаъни, қадр-қимматини камситиш, унга жисмоний азоб беришни мақсад қилмасада, аммо жиноий жазога ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқини чеклаш орқали маълум маънода жафо келтирилади. Жафо келтирмайдиган жазонинг ўзи бўлмайди. Айнан ана шу

жафо келтириш билан қўрқитиб, фуқаролар томонидан жиноят содир этилишининг олди олинади. Шунга кўра, енгилроқ жазо тури шахсга этарли таъсир қилмай, янги жиноят содир қилса, оғирроқ жазо чораси тайинланади. Шунинг учун ҳам хавфли ёки ўта хавфли рецидив жиноят учун оғирроқ жазо чорасини тайинлаш назарда тутилади.

Жазо тизими ва турлари

ЎзР ЖКнинг 43-моддасида жиноят қонунида назарда тутилган жазолар муайян тартибда жойлаштирилган бўлиб, жазо тизимини ташкил қилади.

Жиноят кодексида назарда тутилган жазо турларининг уларнинг оғирлик даражасига қараб муайян тартибда жойлаштирилган қатъий рўйхати жазо тизими деб айтилади.

Жазо тизими жиноят ҳуқуқининг умумий принципларига асосланиб, бу принциплар: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

ЎзР ЖКнинг 43-моддасида берилган жазо тизими расмий бўлиб, ўрни, номланишини еркин равишда ўзгартирилиши мумкин емас. 43-моддадаги жазо тизимида ҳар бир жазонинг номи тартиб рақами, муайян тартибда жойлаштирилган ўрни бор. Уларнинг жойлашган ўрни, номини ўзгартириш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қабул қилган тэгишли қонуни билангина амалга оширилади.

Жамият ва давлатда юз берган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар жазо тизими, уларнинг жойлашиш тартиби, ўз аҳамиятини йўқотганларни бу тизимдан чиқариб ташлаш ёки янги жазо турини киритилишига таъсир қилиши мумкин.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексининг 43-моддасида жазо тизими қуйидаги тартибда қабул қилинган:

а) жарима;

б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в) ахлоқ тузатиш ишлари;

г) хизмат бўйича чеклаш;

д) қамоқ;

е) интизомий қисмга жўнатиш;

ж) озодликдан маҳрум қилиш;

з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Ушбу жазолардан фақат муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида ҳам, қўшимча жазо сифатида ҳам тайинланиши мумкин. Қолган барча жазолар фақат асосий жазо сифатидагина тайинланади.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Бу жазоларнинг ҳар бирининг тушунчаси, тайинлаш шартлари ЎзР ЖКнинг 44-53-моддаларида алоҳида-алоҳида берилган.

Жазо тизимининг ижтимоий аҳамияти нимада?

Биринчидан, жазоларнинг жиноят қонунида белгиланган ягона тизимидан иборат еканлигини ва бу тизимнинг расмий еканлигини билдиради.

Иккинчидан, жиноий жазонинг бу рўйхати қатъий бўлиб, 43-моддада назарда тутилганидан бошқа мажбурлов чораларини қўлланиши мумкин емаслигини билдиради.

Учинчидан, жазо тизими ҳар қандай жазолар мажмуидан иборат бўлмай, ҳар бир жазонинг оғирлигига қараб, муайян тартибда енг енгилидан енг оғирига қараб жойлаштирилган жазолар тизимидан иборатдир. Жазоларнинг енг енгилидан енг оғирига қараб жойлаштирилганлиги жазо тизимининг битта елементи ҳисобланади.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, жазонинг енгилроғини тайинлайди. Жазонинг енгилроғини тайинлаш имкониятлари бўлмасагина оғирроқ жазо турини тайинлашга ўтилади. Ана шундай қоидага ЖК Махсус қисми моддаларининг санкцияларида ҳам риоя этилган.

Юқорида баён қилганимиздек, жамият ва давлатда ижтимоий сиёсий ўзгаришлар юз бериши жазо тизими ва турларига бевоста таъсир қилади.

1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида жазолар енг оғиридан енг енгилига қараб жойлаштирилган еди. Бундай жойлаштириш ўша даврдаги жазо тайинлаш сиёсатига ҳам мувофиқ келмас еди.

